

323
E 49

323/575.11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

Саидахрор ҒУЛОМОВ

«Куч — билим ва тафаккурда»

TATU KUTUBXONASI
362199-SOHLI

Тошкент—2002

Фулломов С. «Куч — билим ва тафаккурда». —Т.: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2002. —285 б.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг ижролари, Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти билан боғлиқ таълим-тарбия тизими ислохотларининг амалий босқичлари, ривож ҳамда яқунлари, шунингдек, истиқболдаги вазифаларининг таҳлилий умумлашмасидан, замонавий жаҳоний тафаккурга эга баркамол авлоднинг маърифий тарбиясига дахлдор янги ғоялар заҳирасидан иборат.

Китоб таълим муассасалари раҳбарлари, ходимлари, талаба-ёшлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: Педагогика фанлари доктори,
профессор **Ш.Э.ҚУРБОНОВ**

Техника фанлари доктори,
профессор, академик
О.У.САЛИМОВ

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори,
профессор **Н.Т.ШОДИЕВ**

Физика - математика фанлари
доктори, профессор
Э.З.ИМОМОВ

Иқтисод фанлари доктори,
профессор **Х.Р.РАИМОВ**

Ишончим комил: агар... ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га... эришамиз...

Таълимнинг янги модели... мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, ... жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тўшунча ва акидалардан холис бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган қобилият ва истеъдодни, аввало, ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахтсаодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадикки, унинг суръат ва самарасини, ҳатто, тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен “портлаш эффекти”, деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Ислом Каримов

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларидан энг муҳими сифатида давлат томонидан ёш авлодга таълим бериш ва тарбиялаш борасида қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг раҳнамолиги ва бевосита иштирокида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва дастури Ўзбекистон мустақиллигининг самараси ва ютуғи эканлиги, шубҳасиздир. Мустақиллик шароитидагина бундай кенг миқёсли ижтимоий лойиҳаларни ҳал этиш имкони туғилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи яқунланди. Мазкур босқич натижаларини таҳлил қилиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги устувор йўналишларини эътиборга оладиган бўлсак, назаримизда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим бўлади.

Биринчидан. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган яхлит, узлуксиз ва изчил таълим тизимини жорий этиш борасидаги макровазифалар бажарилди.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг таркибий тузилмаси ва мазмуни тубдан янгиланди. Ҳозирги пайтда янги узлуксиз таълим тизимини ташкил этган барча таълим босқичлари: мактабгача таълимдан тортиб то малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлашгача бўлган барча таълим турлари фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан. Миллий моделнинг компонент ва параметрларининг фаолият кўрсатишига меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашуви ҳуқуқий асослар билан таъминланди, давлат ва жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш механизмлари йўлга қўйилди.

Учинчидан. Кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва бошқариш жараёни тубдан ислоҳ қилинди: зарур бошқарув

тузилмалари, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш хизмати, маслаҳат органлари ва таълимни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамоат ташкилотлари барпо этилди.

Тўртинчидан. Миллий моделдаги компонентлар — узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат институтларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланишига замин яратилди.

Бешинчидан. Таълим ва касб-ҳунар дастурлари мазмунининг узлуксизлиги, узвийлигига асосланган давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Олтинчидан. Болалар ва ўқувчи-ёшларни маънавий-руҳий тарбиялаш ва миллий мустақиллик ғояси тамойилларига асосланган маърифий ишларнинг самарали шакл ва услублари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

Еттинчидан. Кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган моддий-техник ва ахборот базаси бутунлай янги даражага кўтарилди.

Саккизинчидан. Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш бутунлай янги талаб ва мезонлар асосида амалга оширилмоқда.

Тўққизинчидан. Ислоҳотлар даврида илмий тадқиқотларнинг янги йўналиши вужудга келди, Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича илмий мактаб, жумладан, янги педагогик таълимот мактаби шаклланди.

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган биринчи босқичнинг макровазифалари бажарилди, деб таъкидлаш мумкин.

Яқунланган босқич асосан стратегик режа вазифаларини ҳал этиб, тактик масалалар кейинроққа сурилган бўлса, ке-

йинги босқич — таълим жараёнини талаб этилаётган даражага кўтаришни таъминловчи энг нозик, кўзга кўринмайдиган ва шу билан бирга энг муҳим жиҳатларини такомиллаштириш устида ишлашдан иборат бўлади, яъни барча кўрсаткичлар бўйича **юқори сифат** кўрсаткичларига эришиш талаб этилади.

Иккинчи босқичнинг алоҳида хусусияти Миллий дастурнинг бажарилишида амалга оширилиши зарур бўлган чоратадбирларни аниқлаштириш, муайянлаштиришдан иборат. Миллий дастурнинг иккинчи босқич вазифаларини амалга оширилишини таъминлай оладиган аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари акс эттирилган чора-тадбирлар тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур бўлади.

Иккинчи босқич вазифаларини бажариш доирасида қуйидагиларни устувор йўналишлар, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан. Доимий устуворлик — кадрлар тайёрлашнинг юксак сифатини таъминлашга эришиш, мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурга эга бўлган, аждодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳамда умуминсоний қадриятларга суянадиган янги авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Таълимга демократик ва бозор янгиланишларининг барча тизимини ҳаракатга келтирувчи куч-катализатор сифатида қараш ва ундан шу тариқа фойдаланиш лозимдир.

Иккинчи босқичда таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик ва ҳақиқий шериклик руҳини тарбиялаш зарур. Бу таълим ва кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятни прогрессив ривожлантиришни таъминлайди.

Бу босқич таълим ва касб-ҳунар дастурлари мазмунини мунтазам такомиллаштириб бориш, самарали ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш, замонавий ўқув-услугий (мультимедиа дастурлари ва ш.к.) мажмуаларни тайёрлаш ва чоп этиш билан чамбарчас боғлиқ.

Иккинчидан. Бу бевосита биринчи босқич билан боғлиқ бўлиб, **ўсиб келаётган авлод онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришдан иборат.**

Миллий ғоя — жамиятнинг олий мақсади бўлиб, уни жишлантирувчи, сафарбар қилувчи кучдир. Ҳозирги пайтдаги

вазифа янги ижтимоий онгни шакллантириш, кўзланган мақсадга эришишнинг шарт-шароитлари, чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдан иборатдир.

Шу маънода тараққиётнинг юксак мақсадига эришишни кўзлаган умумхалқ, умуммиллий ишга айланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига миллий истиқлол ғоясининг узвий қисми, уни амалга оширишнинг муҳим омили ва механизми сифатида қаралмоғи лозим.

Учинчидан. Табиийки, педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, **таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш бош устувор йўналишдир.**

Бу иш доимий ва муттасил бўлиб, соҳа ва таълим муассасалари раҳбарларининг диққат марказида туриши лозим.

Тўртинчидан. Иккинчи босқични амалга ошириш доирасида **ислохотларни таъминлашнинг ресурс-ахборот жиҳатидан** тубдан яхшилашга қаратилган махсус мақсадли дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарур.

Шундай қилиб, иккинчи босқични кадрларни тайёрлашда юксак сифат кўрсаткичларига эришиш босқичи, деб қараш лозим. Унда барча давлат тузилмалари ва жамоат институтларининг кадрлар тайёрлашдаги фаолиятини кескин фаоллаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни янада аниқлаштирган ҳолда, уни амалга оширишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб қилинади.

xx

Юқорида келтирилган фикрлар тимсолида ушбу рисола олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи яқунлари ва иккинчи босқичи вазифаларини аниқлаштириш ҳамда таҳлил этишга бағишланган.

Муаллиф фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг конституциявий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари таҳлилига эътибор қаратган: меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларни тарихий вазият ва замонавий талаблар асосида таҳлил этишда янгича ва ўзига хос ёндашув қўллаган.

Китобнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичига тааллуқли қисмига бағишланган бўлими анча эътиборлидир. Материал таҳлилий, статистик ва кўргазмали маълумотларга бой. Ваколатли идораларнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини асбоб-ускуналар, жиҳозлар, кадрлар ҳамда зарур ахборот билан таъминлаш борасида қўллаётган чоратадбирлари атрофлича кўрсатилган. Таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқув жараёнини зарур адабиётлар, қўлланмалар, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммоларига алоҳида бўлим бағишланган, унда таҳлилий, кўргазмали материаллар келтирилган.

Олим ва мутахассислар, таълим ходимлари, мустақил Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган жараёнлар билан қизиқувчиларга ушбу китобни ўқиб чиқишни тасвия этамиз.

Пировардида, мазкур китоб нафақат фуқароларимизда, балки таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи хорижий мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотиши муқаррардир. Шу маънода ушбу китобни республикада профессионал таълим соҳасида эришилган тажриба ва ютуқларни оммалаштирувчи ва тарғиб қилувчи иш, деб қараш мумкин.

Ш. Қурбонов,
педагогика фанлари
доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
11 йиллигига бағишланади

МУҚАДДИМА

Ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янгича тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан, таълим маърифати даражасигина давлат ва миллатнинг, жамиятнинг имиджини, унинг комил келажагини таъминлайдиган, дунё узра дунёвий нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади. Ўз мақоми ва мундарижаси билан у муқобили йўқ тақдириломон қадриятдир.

Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ, ана шу мутлақ ҳақиқатни ўз мустақил тараққиёт йўлининг ягона нажоти, истиқболли, деб билди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги аҳвол, аввало, миллий камолотнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос андозалари негизида амалга оширила бошлаган туб ислоҳий янгиланишларнинг самараси, халқ маънавияти ҳамда тамаддун маърифатининг тикланиши, бой умумжаҳоний тарихий тажрибамиз ва меросимизнинг ўрганилиши, анъаналаримизнинг цивилизация дунёсининг замонавий илғор усуллари билан вобаста ҳолда бойитилиши, фан ҳамда таълим ривожини билан узвий боғлиқлигини теран ҳис қилиш, теран англаш фаолиятнинг бош, ҳал қилувчи мақсад-моҳиятига айланди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, онг маҳсули бўлмиш таълим-тарбия ўз маърифий фалсафасига кўра, аввало, онг даражаси, айни пайтда, онг ривожининг якка-ю ягона асосидир. Онгни, тафаккурни, дунёқарашни ўзгартирмасдан туриб, цивилизацияга эришиб бўлмайди. Уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга, цивилизациялар ичра цивилизациялар яратган, кўҳна жаҳон ақлий ривожини тарихига ўз буюк мутафаккирлари илмий кашфиётлари, мўъжизалари билан беназир ҳисса қўшган миллат бу ҳақиқатни, қонуниятни теран англаб етмаслиги мумкин эмас эди. Ана шу сабаб ўлароқ, Ўзбекистон куч — билим ва тафаккурдалигини англаган ҳолда, энг аввало, онгни ўзгартириш, замонавий жаҳоний тафаккурни тарбиялаб, шакллантириш орқали озод ва обод жамиятни, келажаги буюк давлатни барпо этишдек олий

мақсадни давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгилади. Зотан, миллий тикланиш ғояларини ақлан комил, замонавий жаҳоний интеллектга, фикрга, дунёқарашга эга авлодгина ҳаётга теран татбиқ эта олади.

Мавжуд бўлган таълим тизими доимо ўзгарувчан, глобаллашув жараёни тезлашган мураккаб дунёнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб бера оладиган профессионал, ахлоқий-руҳий йўсинда баркамол авлодни тарбиялашдек оғир, масъулиятли вазифани тўлиқ бажаришга қодир бўлмай қолган эди. Истиқлолнинг янги дунёси, табиий ҳолда, мутлақо янгича таълим-тарбия тизимига муҳтожлик ҳис қилди. Ана шу қонуний, мантиқий эҳтиёж ўлароқ, Ўзбекистон Йўлбошчиси ташаббуси билан миллий ва жаҳоний маърифат қадриятларига асосланган моҳиятан буткул янгича таълим-тарбия тизимини, маъмомини кашф этди. Халқимизнинг қон-қонига сингирган маърифат қонуниятининг узвий давоми сифатида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яхлит концепция тарзида ишлаб чиқилди. Давлат ўз ислохотчилик мақомидан келиб чиққани ҳолда, таълим-тарбиянинг истиқлолча янги сиёсатини, ҳаракат дастурини, унинг конституциявий-ҳуқуқий ҳамда услубий асосларини ижодий яратди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг негизида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Конституцияда ифодасини топган фуқароларнинг илм олиши билан боғлиқ қоидалар, иккала қонуннинг ялакат мундарижаси аслида Ислом Каримовнинг шаклланган сиёсий ва маърифий таълимоти маҳсуллари эди.

Миллий дастурда таълим-тарбия тизими ислохоти босқичлари илмий-амалий ва вақт жиҳатидан аниқ белгилаб берилди. 1997-2001 йилларга мўлжалланган биринчи ислоҳий босқич тўлиқ ҳолда ниҳоясига етди. 2001-2005 йилларга мўлжалланган иккинчи сифат босқичи режага асосан қизгин ижодий давом этмоқда. Мазкур китоб Ўзбекистонда янги таълим тизимининг шаклланиш босқичлари, жараёнлари ривожи ва самаралари тақдириломон моҳияти хусусидаги, Йўлбошчимиз сиёсий-маърифий таълимотининг тадрижий яхлитлиги силсиласидаги таҳлилий умумлашмадир. Айни пайтда, Миллий дастурнинг иккинчи ва учинчи сифат босқичлари ҳамда уларнинг ижролари билан боғлиқ галдаги вазифалар йиғиндиси, янги ғоялар заҳираси ҳамдир.

I БОБ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Жамият цивилизацияси унинг инсонпарвар маърифий-тарбиявий мақомига боғлиқ. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига конституциявий мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, мутлақо янгича моҳият ва мундарижага асосланган таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишни тақдирломон вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарди. Зотан, замонавий жаҳоний тафаккур ва билимгина халқни, давлатни миллий камолотнинг янгича сифат босқичига олиб чиқишнинг ягона кафолатидир.

Дарҳақиқат, маърифий истиқболли жамият ўз олдига қандай вазифа ва мақсад қўямасин, қандай муаммоларни ечиш зарурати ҳамда эҳтиёжи туғилмасин, гап охир-оқибат барибир етук мутахассис кадрларга бориб тақалиши табиий. Йўлбошчимиз сўзлари билан айтганда, “бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар таёрлашимизга боғлиқ... Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш... ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур”.

Айнан шу сабаб таълим-тарбия, кадрлар масаласи тақдирломон моҳият сифатида миллий камолотимизнинг бош стратеегик асосларидан, жумладан, жамиятимиз, мустақил давлатимизнинг XXI аср бошларидаги ривожининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Маълумки, таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар жабҳалари билан боғлиқ давлат сиёсати ва унинг самарали амалий ижроси, энг аввало, соҳани тубдан ислоҳ қилишнинг консти-

туциявий-ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олишни табиий тақозо этиши муқаррар эди. Мазкур қонуний талаб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда ҳамда унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунларида, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

«Ўзбекистон халқи.. ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ..инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб.. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси. Муқаддима.*

Асосий Қонуннинг IX бобида Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, 41-моддада “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, деб қайд этилган.

“Эркин касб танлаш” (37-модда) ҳуқуқига эга ҳар бир шахсга “илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилади” (42-модда).

“Конституцияга кўра, демократик умуминсоний тамойилларга асосланган Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти, эркинлиги, маърифати билан боғлиқ дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиб, ҳар ким фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлигига, ўз истаган ахборотини излаш, олиш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига эга” (29-модда).

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш конституциявий бош мақсадлардан бири бўлганлиги учун Ўзбекистон аҳолисининг барча қатламлари Асосий Қонунни чуқур ўрганишга, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва бурчларини теран англаб, янгича ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқий

маърифат маданиятига эга бўлишлари шарт. Жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани сабаби, аввало, ана шунда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши айнан шу мақсадга сафарбарлиги билан мўътабар. Фармойиш ижроси юзасидан вазирликнинг буйруғи асосида барча таълим муассасаларида, хусусан, олий ўқув юртларида Конституцияни ўрганиш билан боғлиқ махсус фан ўқув жараёнига киритилди. Жараёни ташкилий-ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлашга эришилди, педагог-ўқитувчилар қайта тайёрланди, малакаси оширилди.

«Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 43-модда.*

Конституциявий ижодкорлик такомиллик жараёнини кечмоқда. Гап Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида бевосита Ислом Каримов ташаббуси, раҳбарлигида, аниқроғи, ҳаммуаллифлигида тайёрланган ва 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонун устида бормоқда.

10 моддадан иборат ихчам мундарижага, концептуал тегран демократик мазмунга эга Конституциявий Қонун сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг навбатдаги тўртинчи босқичини бошлаб берди. Лойиҳа матни шахсан Президент томонидан бир неча бор ишланди, қонун мақоми билан боғлиқ асосий вазифалари қуйидагича белгиланди:

Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январ куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий

ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ҳамда қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгаришларни белгилайди.

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 41-модда.*

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддалари, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади”.

Қонунда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг бешта асосий тамойиллари белгилаб берилди.

Конституцияга тенг бу Конституциявий Қонунни ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, талаба-ёшлар онгига унинг мазмун-мундарижасини, тамойиллари моҳиятини чуқур синдириш вазирлик тизимидаги барча ўқув даргоҳларининг энг долзарб вазифасига айланди. Вазирлик махсус буйруқ билан вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашни расмийлаштирди, тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб, ўқув дастурларига қўшимча ўзгартиришлар киритилишига эришди. Мақсад — талаба ва ўқувчиларда конституциявий онг ва конституциявий маданият кўникмасини янада теранроқ шакллантиришдир. Мақсадга эришилмоқда.

Нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати, ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак ақлий-илмий интеллектуал қудрати билан кучли бўлиши муқаррарлигини теран англаб етган давлатимиз бош ислоҳотчи сифатида таълим-тарбия тизи-

ми ва мазмун-мундарижасини тубдан янгилаш жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзгартиришнинг ягона омили, деб билди. Йўлбошчимиз сўзлари билан айтганда, “ислоҳотларнинг тақдири ва самараси, биринчи навбатда, кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири, авваламбор, шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганлигини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик”.

«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 42-модда.*

Ушбу тақдириломон вазифанинг дастлабки амалий ижроси Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги (1992) биринчи қонун ижодкорлигидан бошланади.

Қонун, аввало, миллий таълим тизимида илгаридан мавжуд ижобий жиҳатларни ва янги истиқлол даврида жамиятни маърифий-тарбиявий бўшлиқдан омон сақлаб қолди. Таълим-тарбия соҳасида вужудга келиши муқаррар маърифий-ғоявий бўшлиқнинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини ёш Ўзбекистон жамияти жуда теран ҳис қилиб, англаб етган эди. Ана шу хавфнинг олди олинганлиги дастлабки қонуннинг аҳамиятини фавқулодда ошириб юборди. Айни пайтда, қонун собиқ тоталитар мафкура сарқитларини кўрсатиб, иллатларни англаб олишимизга ва шулар орқали эски тузумдан янги демократик тузумга ўтишнинг маърифий-ғоявий кўпригига айланди. Энг муҳими — қонун яратган ҳуқуқий-амалий имкониятлар ўлароқ, таълим тизимига қатор жиддий янгиликлар, қўшимчалар кириб келди. Жумладан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришнинг тест

тизими жорий этилди, эски дунёдан мерос таниш-билишчилик, порахўрлик, адолатсизликка чек қўйилди. Давлатга, адолатга ишонч юзага келди. Таълим тизимида адолат ўрнатилди.

Миллий истиқлол тараққиёти таълим-тарбия соҳасида янада жиддий янгиланишлар қилинишини тақозо эта бошлади. Ана шу ижтимоий талаб ўлароқ, “Таълим тўғрисида”-ги қонун 1997 йилда янги таҳрирда қабул қилинди. Қонуннинг ўзига хос мантиқий-амалий давоми сифатида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ишлаб чиқилди. Ушбу қонунлар фуқароларга таълим бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Қонунларни тайёрлаш, лойиҳалари устида ишлаш билан боғлиқ ижодий-ташкилий жараён қизғин ва самарали кечди. Айни пайтда, узоқ йиллар мобайнида таълим-тарбия соҳасида талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатиб, уларни демократик маърифий дунёнинг истиқболли илғор педагогик талаблари асосида янгича ижобий ҳал этиш йўллари ни кашф этди. Оғир, ўта масъулиятли, ҳал қилиниши пайсалга солиниши мумкин бўлмаган бу иш қадамба-қадам, тадрижий изчиллик билан амалга оширила бошланди. Аввал Асосий Қонун қабул қилиниб, унда давлатнинг таълим-тарбия сиёсати конституциявий аниқ белгилаб берилди. Миллий мустақил тараққиётнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилиб, давлатнинг бош ислохотчилиги асосий тамойил қилиб белгиланди. Ниҳоят, таълим-тарбия йўналиши ислохоти ва истиқболи билан боғлиқ замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган иккита махсус қонун қабул қилинди ва улар негизда давлат дастури ишлаб чиқилди. Уларда назарда тутилган бош мақсад миллий таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, миллий заминини ҳуқуқий мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига кўтаришдан иборат бўлди. Бу билан давлат ва жамият расман кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ри-

вожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг кафили сифатида таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи омилга айланди.

«Ҳар бир шахс... эркин касб танлаш... ҳуқуқига эгадир».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 37-модда.*

“Таълим тўғрисида”ги қонун билан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” мантиқий узвий яхлитликнинг бир бутун муштарак мундарижасидир. Дастур бевосита қонуннинг ижроси, шакли, воситаси ҳамда усулларининг йиғма амалий-ташкилий мажмуи бўлиб, улар яхлит ҳолда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларини, тамоийилларини, талаб ҳамда мақсадларини, муаммонинг ечими билан боғлиқ режаларни аниқлаб берди.

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чекланишлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 29-модда.*

Беш бўлим, 34 моддадан иборат “Таълим тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий-маърифий салоҳияти, умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этишнинг яхлит қоидасига айланди. Қонуннинг бош мақсади — “... фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлайди” (1-модда).

Ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналиши бўлмиш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагича белгиланди:

-таълим ва тарбиянинг инсонпарвар демократик хусусиятда эканлиги;

-таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

-умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини — академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

-таълим тизимининг дунёвий хусусиятда эканлиги;

-давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

-таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

-билимни бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

-таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш (3-модда).

Қонунда билим олиш, педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқлари, таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми, давлат таълим стандартларида (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим) аниқ белгилаб берилган (4-7-моддалар).

«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга».

**Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 25-модда.**

Таълим тизими ва турлари қонунда “Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир” (9-модда), деган тамойилга асосланган.

Давлат таълим стандартларидан ташқари олий ўқув юртидан кейинги таълим (15-модда), кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (16-модда), мактабдан ташқари таълим (17-модда), оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш (18-модда) масалалари қонунда қатъий белгиланган.

Қонуннинг инсонпарвар мақоми таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг (III бўлим, 20-24-моддалар) ҳуқуқий асосларида ўз ифодасини топган.

Таълим-тарбия тизими ислохотларининг пировард самараси бевосита таълим тизимининг бошқарувига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган (25-модда). Қонунда таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига кирувчи вазифалар (26-модда), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари (27-модда), шунингдек, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар (29-модда) ўз ифодасини топган.

“Таълим тўғрисида”ги қонун билан бир вақтда (1997 йил 29 август) 5 бўлимдан иборат “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинди. Бунинг сабаби “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг амалий-ташкилий ижросини аниқ дастур асосида тўлиқ таъминлашдан иборат. “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг умумий ўрта таълим олишга, уч йиллик академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга тааллуқли 12-, 13- ва 14-моддаларидаги қоидалар (ва бошқа қоидалар) Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган муддатларда жорий этилиши кўзда тутилган.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Миллий дастурни босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга ошира бошлади.

«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 13-модда.*

Таълим-тарбия соҳасида босқичма-босқич ислоҳотлар таъмин қонунларнинг бош ҳуқуқий-амалий шарт сифатида туб янгиланишнинг бир-бирининг узвий мантиқий-ташқилий давоми бўлмиш **уч босқичи** ни белгилаб берди.

Биринчи босқич 1997-2001 йилларда амалга оширилган ислоҳотлар тизими билан боғлиқ бўлди ва у Миллий дастурда расман **ўтиш даври**, деб баҳоланди.

Босқичда таълим тизими салоҳияти сақланиб қолинган ҳолда, аввало, унинг амалий-ташқилий такомилли билан боғлиқ конституциявий ва ҳуқуқий-меъёрий замин яратилиб, илмий-услубий, моддий-молиявий шарт-шароитлари мустақамланди. Натижада, биринчи босқичда белгиланган қуйидаги вазифалар ижроси тўла таъминланди:

-Миллий дастур ижроси самарали бошлаб юборилди;

-янгича талабларга жавоб берадиган педагогик кадрлар тайёрлана бошланди;

-ўқув стандартлари яратилиб, янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди;

-умумтаълим мактаблари қайтадан тузилди, уч йиллик таълим (**ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари, касб коллежи ҳамда академик лицей**) тизимига ўтилиб, узлуксиз таълим-тарбия тизими шаклланди;

-таълим-тарбия билан боғлиқ ижтимоий ҳимоя расман кафолатланди, давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштиришнинг кафолатига айланди ва ҳ. к.

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 12-модда.*

Таълим-тарбия тизими ислоҳининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган ҳозирги **иккинчи босқичи**да, қонунларга кўра, Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга ошириш билан

боғлиқ вазифалар белгиланди. Айни пайтда, аниқ ижтимоий-иқтисодий вазиятдан, хусусан, меҳнат бозори талабларидан келиб чиқилгани ҳолда, тизим фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлашга сафарбар бўлиши муқаррар янги-янги гоёлар ҳамда қоидалар асосида босқич билан боғлиқ жараёнларга тегишли зарур ўзгаришлар, керак бўлса, қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган **учинчи босқич** моҳиятан таълим-тарбия тизими ташкилий-амалий ислохотларининг ўзига хос яқуний босқичи, мавжуд илғор ва истиқболли тажрибаларнинг таҳлилий-ташкилий умумлашмаси сифатида ислоҳий жараёнларни янги сифат даражасига кўтариш, янада такомиллаштириш босқичига айланиши заруратидан иборатдир.

Ялпи умуммаърифий, умуммаънавий ва умуммаданий юксалишга, замонавий жаҳоний билим ҳамда тафаккур тарбияси шаклланишига, “Куч — билим ва тафаккурда” тамойилининг тўлиқ амал қилишига эришиладиган бу босқичда комил ва фозил инсоннинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши таъминланиши, муҳими — «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» тамойилининг амалий ифодаси кўзда тутилган.

«Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган».

***Ўзбекистон Республикасининг
«Таълим тўғрисида»ги қонуни, 1-модда.***

Кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг шакллантирилиши ҳамда фаолият кўрсатишининг умумлашган ҳолдаги асосий тамойиллари билан боғлиқ вазифалар И.А.Қаримовнинг сиёсий ва маърифий таълимотида яхлит квинтэссенция сифатида белгилаб берилди.

Бу ҳақда кейинги бобда тўлиқ мушоҳада юритилади ва тегишли таҳлилий умумлашмалар қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига куйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

*Ўзбекистон Республикасининг
«Таълим тўғрисида»ги қонуни, 25-модда.*

Қонунларда, хусусан, Миллий дастурда узлуксиз таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилган. Мақсад — узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва муайян таълим дастурлари билан таъминлашда уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишга, юксак маърифий-маънавий заминда қурилиш лозимлигига эришишдир. Айнан шу мақсадга мос келувчи, унга хизмат қилиб, кўзланган самарани берувчи таълимнинг бир-бири билан узвий боғланган бешта тизими асос қилиб олинди. Улардан бизнинг вазирлик мақоми ва фаолияти доираси билан боғлиқ ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими ҳамда Олий мутахассислик таълими тизимлари диққатга сазовор.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

— таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

— таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

— ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;

— таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

*Ўзбекистон Республикасининг
«Таълим тўғрисида»ги қонуни, 27-модда.*

Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ҳамда касб-ҳунар лицейлари, коллежлари ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими тизимига киритилди.

Тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этадиган олий мутахассислик таълими Миллий дастурда бакалаврлик ва магистратура йўналишларида белгиланди.

Бакалаврлик йўналиши базавий олий таълим бериб, тўрт йил муддатда талабага олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломи берилади. Бакалаврлик негизда ўқиш икки йил давом этадиган **магистратура** аниқ мутахассислик бўйича якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертацияси ҳимояси билан якун топувчи олий касбий таълим беради.

Айни пайтда, миллий дастурда узлуксиз таълимнинг расмий тизимида икки даража, яъни аспирантура ва докторантурадан иборат қуйидаги якунловчи босқич жорий этилди.

Ниҳоясига етказилган магистрлик негизда уч йил давом этадиган **аспирантурадан** мақсад — муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура академик ва квалификацион имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якунланади. Бу якунларга кўра танланган мутахассислик бўйича “Фан номзоди” илмий даражаси берилади.

Докторантура — фан номзоди илмий даражаси негизда 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Якунга кўра танланган мутахассислик бўйича “Фан доктори” илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади.

Булардан ташқари, қонунларга асосан, янги тизимда **қўшимча касбий таълим** — қайта тайёрлаш ва малака ошириш малакасига ҳам катта эътибор берилди бошланди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўзда тутилган билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш билан боғлиқ уч йиллик таълимнинг мазмун-моҳияти таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўз хоҳиш-иродаси ва интилишига кўра икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришнинг ҳуқуқий имконини берди.

Ўрта махсус билим юртлари (академик лицейлар) ўқувчиларнинг ўзлари танлашган таълим йўналиши бўйича билимларини ошириш, муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанларни чуқур ўзлаштиришга

қаратилган. Уч йиллик таълим муддатидан иборат касб-ҳунар коллежларида талабаларга ўзлари танлашган касб-ҳунар йўналишлари бўйича махсус билим олиш ҳуқуқи берилди.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 3-модда.*

Миллий дастурда, шунингдек, ўрта махсус билим ва олий таълим тизимини янгилаш ҳамда таркибий-ташкилий такомиллаштириш билан боғлиқ қатор муаммоларнинг ечимлари ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, ўқув даргоҳларини тегишли ўқув адабиётлари, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар ҳамда профессионал етук ўқитувчи мутахассислар билан таъминлаш, моддий-молиявий аҳволни яхшилашга дахлдор муаммолар ечими — фикримиз исботи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунда таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ҳамда аккредитация қилишнинг холис тизими жорий этилди. Яъни қонунда кўзда тутилган

кадрлар тайёрлашнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ вазифалар, таълим сифатини назорат этиш йўллари белгилаб берилган.

Қонунда таълим олувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясининг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга жорий этиш, педагог ва мутахассис кадрларнинг профессионал салоҳиятини ошириш назарда тутилган.

Миллий дастур мундарижаси шахс — давлат ва жамият — узлуксиз таълим — фан — ишлаб чиқариш тизимларининг яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий иерархияси бирлигидан — узвий муштараклигидан ташкил топган.

Қонунга кўра, шахс — таълим — тарбия тизимининг бош субъекти ва объекти, таҳсиллий фаолиятнинг истеъмолчиси ҳамда амалга оширувчисидир.

Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, irqий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

- ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

- барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

- оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида

экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 4-модда.*

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими фаолияти-ни тартибга солувчи, йўналтирувчи, назорат этувчи ва комил инсон, етук мутахассис кадр тайёрлашнинг расмий кафолати сифатида таълим очиқлигини, барча ўзгаришларга унинг мосланувчанлигини таъминлайди.

Узлуксиз таълим рақобатга дош бера оладиган, интеллектуал қуввати бақувват мутахассислар тайёрлаш асоси бўлиб, барча таълим тузилмаси ҳамда фаолияти муҳитини ўз ичига олади.

Фан етук профессионал мутахассислар тайёрловчи, улардан самарали фойдаланувчи, илғор илмий-назарий ва педагогик-ахборот технологияларини ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқариш етук кадрлар буюртмачиси, уларни тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техник таъминлаш жараёни иштирокчиси. Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва жараёни ташкилий-амалий жиҳатдан янада самарадор такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик буйруқлари ва бошқа) мазмун-мундарижаси, аниқ ижро моҳияти мақоми билан ажралиб туради.

Шу кунгача бевосита таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалий тўлиқ ижросига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўндан ортиқ фармонлари ва фармойишлари, шу миқдордан кўпроқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг қарорлари мавжуд (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар 2001 йилда “Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами” номи билан 32 босма табоқ ҳажмда махсус чоп этилиб, барча олий ўқув юртларига юборилган).

1997 йил 6 октябрда қабул қилинган “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Президент фармони концептуал мундарижаси билан ажралиб туради.

Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

***Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 6-модда.***

Фармонга кўра, мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, ке-

лажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб белгиланди.

Фармонда Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, фармонда, таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида “Устоз” республика жамғармаси ташкил этилиши қайд этилди.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 5-модда.*

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Республика ўқув юртларида таълим-тарбия ишларини инсонпарварлаштириш ва баркамол шахсни шакллантириш концепцияси»ни ҳамда

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ ўқув юртларида баркамол авлод тарбиясини янада такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқди.

1997 йил 30 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Устоз” республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида”-ги 576-сонли қарори чиқди. Қарорда қайд этилганидек, “умумтаълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг ривожланган, демократик хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганишларини, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишишларини ва чет элларда тажриба орттиришларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Устоз” республика жамғармаси ташкил этилиб, Низоми қабул қилинди.

Қуйидагилар “Устоз” республика жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим тизими профессор-педагог ходимлари сафидан юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш;

- иқтидорли ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг иқтидори, ижодий қobiliятини ривожлантириш, касбий малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларнинг етук ўқув юртларида ва марказларида тажриба орттиришига кўмаклашиш;

- профессор-педагог кадрларни хорижий таълим муассасаларига малака оширишга юбориш мақсадида танлов ўтказиш;

- хорижда малака ошираётган ва тажриба орттираётган профессор-педагогларнинг таълим олиш жараёни, шунингдек, ўқишдан кейинги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш, уларнинг илмий-педагогик имкониятидан самарали фойдаланишга кўмаклашиш;

- жамғарманинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштиришга қаратилган мукофотларини таъсис этиш;

- профессор-педагог ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ички ҳамда чет эллик сармоядорларнинг инвестицияларини юқори малакали профессор-педагог ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;

- таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ривожланган демократик мамлакатлар таълимидаги илғор тажрибаларни ёйиш.

Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 208-қарори асосида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Ҳукумат комиссияси тузилди. “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Асосий қоидалар” ва икки қисмдан иборат “Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари” ишлаб чиқилди ва ҳ.к.

Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифати-га қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 7-модда.*

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишини назарда тутиб, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она юртини улуғлашга қобил истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида иқтидорли ёшларнинг чет элда

таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тузилди. Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб, Президент фармонида қуйидагилар белгиланган:

- Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш ҳамда танлов асосида чет эл ўқув юртларига ўқишга юбориш;

- қобилиятли ёшларнинг нуфузли халқаро олимпиада ва танловларга иштирок этишини ташкил этиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, етакчи чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказлари, таълим йўналишида фаолият кўрсатётган халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик муносабаларини ўрнатиш;

- иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлар асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис бўлиб етишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш;

- чет эл ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларни миллий тикланиш мафкурасига асосланган ҳолда умумбашарий қадриятларни ўрганишга, Ўзбекистон илм-фанининг шон-шухратини, обрў-эътиборини дунёвий миқёсларга олиб чиқишга даъват этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сонли қарори эълон қилинди (қарор асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорини эълон қилиш тўғрисида”ги 6-сонли буйруғи чиқди).

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”-ги фармонида мувофиқ узлуксиз таълим тизимини замона-

вий талабларга жавоб берадиган ўқув-услугий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга етук олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш юзасидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига тегишли аниқ топшириқлар берилди. Ушбу топшириқлар ижроси билан боғлиқ вазирликнинг 1998 йил 26 февралдаги 48/45/4-сонли буйруғи эълон қилинди.

Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 9-модда.*

1998 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сонли қарори чиқди. Унда таълим тўғрисидаги қонунлар ижроси билан боғлиқ туб ислоҳий жараёнларни янада чуқурлаштириш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар талабларига, шунингдек, таълим, фан-техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган. Қарор ижроси юза-

сидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 7-сонли буйруқ тайёрлади (1998 йил 12 январ). Унда вазирликнинг қарорда белгиланган вазифаларни бажариш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Буйруқда “Давлат таълим стандартлари тўғрисида”ги Низом қабул қилиниб, таълим муассасалари Низомини ишлаб чиқиш тартиби тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январда “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида маркетинг хизмати ташкил этилди. Худди шунингдек, олий таълим муассасаларида маркетинг хизмати бўлимлари вужудга келди.

Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 10-модда.*

Хўш, ҳукумат қарорига кўра, таълимда маркетинг хизмати тизими олдига қандай вазифалар қўйилган?

Таълим маркетинги республикамизнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларида олий маълумотли кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини ўрганади. Улар тўплаган маълумот, олиб борган кузатишлар ва чиқарган хулосалар асосида ҳозирги кунда ҳамда истиқболда малакали кадрларга буюртмаларнинг кўрсаткичлари белгиланади. Уларнинг хулосалари ҳар йили олий ўқув юртиларига қабул кўрсаткичларининг лойиҳасини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, жумладан, таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш кадрлар тайёрлаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки кадрларнинг замон талабига жавоб бера олиши таълим бозорининг мезонига айланади. Кадрлар кучли рақобат шароитига дуч келади, шундай мезон асосида улар сараланади, энг кучлилар, энг етук кадрларгина ҳаётда мустаҳкам ўз ўрнини топа оладилар.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўйбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услугият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 26-модда.*

Бугунги кунда олий ўқув юртларининг ўзида ташкил топган маркетинг хизмати бўлимлари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида фаолият олиб бо-

ришлари, кадрларга ҳаётда мавжуд талаб ҳамда эҳтиёжларни ўрганишлари, зарур бўлса, шу мақсадда реклама ва тарғибот ишларини йўлга қўйишлари ҳамда шу мақсадга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Бу борада фаолиятини бошқа барча олий ўқув юртларига ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган олий таълим муассасалари борми?

Бор. Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида битирувчиларни аукцион орқали ишга жойлаштириш яхши анъанага айланган. Аукционда институтни битирувчи кадрлар тегишли вазирлик, давлат қўмиталари, концернлар, уюшмалар, ташкилотлар, тўқимачилик корхоналари раҳбарлари олдида ўзларининг шахсий ва мутахассислик малакаларини амалда исботлаб беришлари керак. Бундай танлов институтда таълим олаётган бошқа талабаларга ҳам сабоқ бўлади. Аукционни кўргач, уларнинг ўзларига бўлган талабчанлиги янада ортади. Институтда эса аукциондан тушган маблағдан кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

Тошкент молия институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети каби олий таълим муассасаларининг маркетинг хизмати бўлимлари ҳам битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида ўзига хос самарали тажрибаларни тўплашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2001 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида айтганидек, кадрларни мажбурий равишда ишга тақсимлашдек эски тажрибадан воз кечилган бўлса-да, лекин бу, умуман, кадрларни ишга жойлаштириш жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, дегани эмас. Шу боисдан олий таълим муассасалари маркетинг хизмати бўлимлари бозор иқтисодиёти шароитида кадрларни иш билан таъминлашнинг янгича йўл-йўсинларини тинимсиз изламоқдалар.

Умуман олганда, ёшларни касбга йўналтиришда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар етарли. Юртбошимиз ўша йиғилишда барчанинг эътиборини шунга қаратдилар. Жум-

ладан, ёшларнинг касб танлаш жараёни кўпинча тасодифий тарзда ёки ота-оналар ва бевосита ўсмирларнинг ўз содда қарашлари асосида кечмоқда. Шундай бўлаяптики, айрим соҳаларга қизиқиш “мода” тусини олиб, жуда кўп бошқа фойдали касб-ҳунарлар ёшларимизнинг эътиборидан четда қолмоқда. Маркетинг маълумотларига қараганда, масалан, ҳозирги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ўта долзарб бўлиб қолаяпти. Аниқроқ қилиб айтсак, бу янги таълим муассасалари учун олий ўқув юртлари томонидан 2005 йилгача 97 минг 884 нафар олий маълумотли педагог ва муҳандис-педагог етиштириб берилиши керак. Афсуски, бу иш анча сусткашлик билан амалга оширилмоқда. 2000-2001 ўқув йилида, масалан, атиги 9580 нафар ана шундай олий маълумотли кадр тайёрланган. Демак, олий таълим муассасаларида иқтидорли ёшларни педагогик касбга йўналтириш иши бироз оқсаётгани сир эмас. Модомики, шундай экан, бу йўналишда маркетинг фаолиятини амалда янада кучайтириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог, муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарорида тасдиқланган 2010 йилгача бўлган дастурни ўз вақтида бажариш чора-тадбирларини кўриш, бу йўналишда доимий ва режали иш олиб борилиши зарур. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари билан педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича шартномалар тузишни 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда амалиётга татбиқ этиш керак бўлади.

Президентимизнинг юқоридаги фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январда “Таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сонли қарори қабул қилинди. Унда таълим тизимининг демократик ва бозор ислоҳотларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозорида рақобатни ривожлантириш масалаларига дахлдор вазифалар белгилаб берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 1998 йил 13 февралдаги 12-сонли буйруғи билан ушбу қарор ижросини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида” 77-сонли ҳамда 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 204-сонли қарорларида ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, лицей ҳамда коллежларнинг турларини, йўналишларини белгилаш, лицей, коллежларни минтақаларнинг шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, лицей, коллежларни лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, лицей, коллежларни педагог, педагог-муҳандис кадрлар билан таъминлаш вазифалари қўйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1998 йил 27 февралда ҳукумат қарорини бажариш юзасидан 50-сонли буйруғи асосида ушбу вазифалар таълим ислоҳотларининг биринчи босқичида, асосан, бажариб бўлинди.

Таълим тизимини янада самарали ислоҳ қилиш, ўқув жараёнини мукамаллаштириш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи сифат босқичини такомиллаштириш, таълимнинг замонавий дунёвий интеллектуал даражасини, сифатини кескин ошириш мақсадида 2002 йил 30 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони тақдириломон моҳияти билан алоҳида ажралиб туради.

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ах-

борот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, жумладан:

— мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқариш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

— сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш кўзда тутилди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди. У компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган бўлди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш, жумладан, қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

— компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

— ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан, мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ҳ.к.

Фармонга кўра, Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетига дастурий маҳсулотлар ишлаб

чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 июнда “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорни қабул қилди.

Фармон ва қарор, нафақат, илм-фан, таълим соҳасининг, балки бутун жамият ривожининг стратегик мақсадлари ифодаси, дастуруламали бўлди.

Президент фармони ва ҳукумат қароридан келиб чиқувчи ахборот технологияси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ қандай амалий ишлар қилинмоқда?

Аввало, ривожланган мамлакатлар таълим тизимида мавжуд бой тажрибалар ижодий-танқидий мукамал ўрганиб чиқилиб, таълилий умумлаштирилмоқда. Жумладан, вазирлик, “Устоз” жамғармаси ҳамда етакчи университетларимиз жаҳоннинг умумтан олинган марказлари, таълим тизимини ҳимоя қилиш жамғармалари ва хорижий мамлакатларнинг таълимни ривожлантириш йўналишлари мониторинги билан кенг алоқалар ўрнатишди. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Сингапур сингари давлатларда ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизими билан яқиндан танишиш имконини берди.

Иккинчидан, белгиланган вазифалар билан ташкилий масалалар ҳал этила бошланди.

Республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонвий ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ҳамда мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш, дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш каби муҳим муаммолар ўз ечимини кутяпти.

Тошкент ахборот технологиялари университетида тўққизта йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади. Сўнгги йилларда университет бакалавриатурасига 860 нафардан ортиқ талаба ва магистратурага 100 нафарга яқин магистрлар қа-

бул қилинмоқда. Бу ерда радиоалоқа ва телевидение, радиотехника, телекоммуникация, информатика ва информацион технологиялар мутахассисликлари бўйича кадрлар етиштирилмоқда. Бу йўналиш ҳамда мутахассисликлар ҳозирда энг тез ривожланаётган фан ва ишлаб чиқариш соҳалари эканлиги ҳаммага маълум.

Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 33-модда.*

1994 йили университет қошида ТЕМПУС гранти асосида Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази очилди. Бу марказда Ўрта Осиё, МДХ мамлакатлари билан бирга Мўғулистон, Ҳиндистон ва Покистон давлатлари мутахассислари ҳам малака оширмоқдалар. Бугунги кунда марказда, асосан, республика мутахассислари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, компьютер ва Интернетдан фойдаланиш каби махсус курслар фаолият кўрсатмоқда.

Университетнинг 100 га яқин аспирант ва профессор-ўқитувчилари Греция, Бельгия, Англия давлатларида бўлиб, диссертациялар учун маълумотлар тўпладилар, малака оширдилар. Бир қатор ёш ўқитувчилар эса Ҳиндистонда телекоммуникация ва почта хизмати мутахассисликлари бўйича тўрт ойлик курсларда малака ошириб қайтдилар. Ҳозирда улар олган билимларини талабаларга етказиш билан шуғулланмоқдалар, ўқув қўлланмаси яратиш борасида иш олиб бормоқдалар.

Чет эл компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Биринчилар қаторида Жанубий Кореянинг DAEWOO компанияси DTS-1100 русумли 120 абонентга мўлжалланган замонавий электрон станциясини, Хи-

той Халқ Республикасининг Шанхай-Белл компанияси S-12 русумли 1000 абонентга мўлжалланган электрон станцияни, Япониянинг “Фуджи кура” фирмаси FSM-30S русумли оптик-толали кабелларни пайвандлаш қурилмасини университет кафедраларига туҳфа этдилар. Аини кунда East Eell S.A. фирмаси томонидан университетга ёрдам сифатида берилган DTS-1100R русумли ҳозирги замон рақамли коммутацион станциясини расмийлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Япониянинг NES компанияси NEAX-61 русумли рақамли электрон ва радиореле станциялари мажмуаси билан жиҳозланган ўқув-тажриба ишлаб чиқариш лабораториясини ҳамда станцияни бошқариш ва ишлаш принципини ўрганиш учун компьютерлар билан жиҳозланган махсус аудиторияни “Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари” кафедрасига тақдим этди.

Университетда магистратура мутахассисликлари 12 йўналиш бўйича белгиланган. Бунда алоқа корхоналари ишини дунёдаги ривожланган давлатлар миқёсида ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Мақсад эса келажакни кўра биладиган, бугунги кундаги муаммоларга ечим топишга қодир мутахассисларни тайёрлашдир.

Ана шу мутахассислар ўз фаолиятини компьютерларсиз, янги ахборот ва коммуникация технологияларисиз тасаввур этиша олмайди. Компьютернинг, хусусан, Интернетнинг чексиз имкониятларидан ўта саводхонлик билан самарали фойдаланиш информацион стратегиянинг оддий талаби бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан, жумладан, шахсий компьютерлар бошқаруви у ёки бу қарорни қабул этиш жараёнида муваффақият билан қўлланилмоқда. Бошқарувнинг қоғозсиз технологияси ана шу тарзда юзага келмоқда.

Қоғозсиз технологияни амалга ошириш учун бошқарув тизими қайта қурилиши лозим. Шундагина қоғозсиз технологиядан фойдаланиш етарли самара беради. Ушбу жараён саводхонликнинг янги поғонага кўтарилишига, кўп миқдордаги идора ходимларини қайтадан ўқитишга ва энг муҳими, янги ташкилий тузилмага ўтишга олиб келади.

Вазирлик 1998 йил 11 мартда чиқарган “Фанларни модул тизими бўйича ўқитиш тўғрисида”ги 58-сонли буйруғи асосида талабаларга фанларни модул тизими асосида ўқитишни ташкил этиш мақсадида ФарДУ, ТошДАИ, БухОЕСТИ факультетларида, Миллий университет, ТТЕСИнинг етакчи факультетларида тажрибалар қўлланилди, уларга услубий ёрдамлар кўрсатилиб, натижалари умумлаштирилди. Таълим ислоҳининг иккинчи босқичида модул тизими бўйича ўқитиш оммавий тус олди.

Интернетнинг мультимедиа деб номланган таълим дастурини ўзлаштириш юқори малакали мутахассислар тайёрлашга кўмаклашади. Унинг асосида Интернет ёрдамида масофадан туриб ўқитишдек янги педагогик технология ётади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2001 йилнинг май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни мактаблар ва олий ўқув юрглари дастурларига киритиш ҳамда одамларнинг кундалик турмушига сингдириш юзасидан аниқ вазифалар қўйди. Улар сирасига, жумладан, олий таълимни модернизация қилиш, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаси алоҳида аҳамияти билан ажралиб туради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, унга янги технологияларни ва Интернетни жорий этиш устувор йўналишлардандир. Айниқса, мультимедиа таълим дастурини амалга ошириш юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси билан боғлиқ. Бунинг асосида Интернет ёрдамида масофадан туриб ўқитишдек янги педагогик технология ётади. Тўғри, ҳозир Ўзбекистонда мультимедиа материаллари унчалик кўп тўплангани йўқ. Шунга қарамай “Олий таълимга масофавий таълим компонентларини татбиқ қилиш” лойиҳасини жорий этиш бўйича Жаҳон банки институти ҳамда Швейцариянинг ривожланиш корпорацияси, Американинг “Евразия” жамғармаси ҳамда Ўзбекистоннинг “Устоз” жамғармаси ёрдамида “Макроиктисодиёт” ва

“Микроиқтисодиёт” фани бўйича 30 та мультимпликатор — ўқитувчи мутахассислар тайёрланди. 2000 йил сўнггида «Макроиқтисодиёт” фани бўйича масофавий таълимнинг Интернет тармоғида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Халқаро бизнес” мутахассислиги бўйича 20 нафар магистр ўқитилди.

Интернет тармоғида масофавий таълим технологияси ўқиш характерини тубдан ўзгартиради. Авваламбор, катта ҳажмдаги ахборотлар тизими қайта ишланади, коммуникациянинг янги усул ва услублари ишга солинади. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан 2001 йилда Ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази бошқармаси ташкил этилди. Марказ эндиликда Ўзбекистон виртуал институтини ташкил этади. Ўтган йили у ТДИУ ўқув-илмий маркази базасида ахборот технологиялари ва масофавий таълим имкониятлари бўйича семинар-трейнинг ўтказди. Бунда Жаҳон банки институти лойиҳаси доирасида республиканинг бешта институтлари ректор ва проректорлари иштирок этдилар.

Дарвоқе, биз компьютер технологияси соҳасида мислсиз ўзгаришлар юз бераётган даврда яшайпмиз. Хусусан, Интернетнинг пайдо бўлиши бу ўзгаришлар ичида алоҳида ўрин тутади. Интернет — маълумотларни, ахборотларни узоқ масофаларга узатиш воситаси бўлиб, дунёнинг турли нуқталарида юз берган янгилликлар ва маълумотларни барча мамлакатларга саноқли лаҳзаларда етиб боришини таъминлайди. Бугун Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртлари Интернет тизимига уланган. Бу эса уларнинг халқаро миқёсдаги алоқаларини хилма-хил ахборотлар бойлиги билан фаоллаштирмоқда. Шу билан бирга республикамиз таълим тизимида ўқитувчи — тингловчи алоқасини йўлга қўйиш мақсадида икки томонлама коммуникацион технологиялар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бунда, юқорида айтиб ўтилганидек, масофадан ўқитиш тизимини Интернет имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда жорий этиш кўзда тутилган.

Ҳозир масофадан ўқитишнинг бир нечта моделлари мавжуд.

Биринчи модель: манба (эхтиёжмандлар, таълим олувчилар, ташкилотлар); дизайн (жараёнларни ишлаб чиқиш, муҳит, дастур ва баҳо); етказувчи босма материаллар (аудио-ва видеоёзувлар); радиотелевидение, компьютер ва дастурий таълим (аудиоконференциялар, видеоконференциялар); ўзаро таъсир (ўқитувчилар, йўриқчи (консультант)лар, экспертлар, маъмурлар ва бошқа тингловчилар); ўқитиш муҳити (иш жойи, уй, синф, илмий марказ).

Иккинчи модель: ACTIONS (ДЗПИОНС) деб номланади ва у масофадан ўқитиш соҳасида қарорни қабул қилиш учун, хусусан, технологияларни танлаш учун мўлжалланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, масофадан ўқитишнинг юқорида кўрсатилган ва бошқа моделларидан фойдаланишда Интернет иқтисодий фанлар бўйича доимо янгиланиб турадиган ресурслар сақланадиган “жой” ҳам ҳисобланади. Шунингдек, унинг ёрдамида ўқитишнинг энг янги усулларини ўзлаштириш мумкин. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керак, республикадаги алоҳида минтақаларнинг ягона Интернет тизимига уланиши ва жаҳондаги бошқа компьютер тармоқлари технологиясининг аниқ бўлишига қарамай ҳудудларда яшовчи талабалар билан ўқитувчилар ўртасидаги алоқа самарадорлиги ҳали тўла аниқ эмас.

Шунинг учун дастлабки лойиҳани Тошкент шаҳридаги 5 та олий ўқув юртида амалга ошириш мўлжалланган эди. Лойиҳанинг биринчи босқичи 2000 йилнинг июн ойида 3 та олий ўқув юртида амалга оширилди, иккинчи босқичда эса (август, 2000 йил) ўқитувчилар тайёрлашга эришилди.

Ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқариладиган масофадан ўқитиш курслари “Макроиқтисодиёт” ва “Микроиқтисодиёт” фанлари юзасидан бакалавр даражасидаги замонавий ўқув курсларининг алоҳида компонентларини ҳам ўз ичига олади. Ўқув курсларининг масофали (дистанцион) шакли — масофадан ўқитиш ҳолати ва ўқитишнинг анъанавийроқ усуллари билан бириккан Интернетни кўзда тутди. Мақсад — олий ўқув юртларида иқтисод бўйича ўқув режалари ва дастурларининг янгилаш жараёнини тезлаштиришдир.

Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 31-модда.*

“Ўзбекистонда иқтисодчиларни масофадан ўқитиш” Жаҳон банки институтининг тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича таклиф этилаётган концепция қуйидаги ечимларга эга:

университет ва ўқитувчиларни танлаш — лойиҳанинг **биринчи босқичи**;

иккинчи босқич — иштирокчи университетларни аниқлаш билан бирга дублёри — ўқитувчиларни ўқитиш вазифасини белгилаш;

учинчи босқич — “Устоз” жамғармаси ва олий ўқув юртлари (яъни тажриба лойиҳаси иштирокчилари) ўртасида шартнома тайёрлаш ва имзолаш.

Лойиҳада микро- ва макроиқтисодиёт бўйича ўқитувчиларни ўқитиш учун семинар-тренинглар ўтказиб туриш ҳам режалаштирилган.

Ушбу концепцияда таълим тизимида масофадан ўқитишнинг моддий-техникавий базасини яратиш, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, лойиҳани ташкилий-маъмурий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам белгиланган. Олдинда юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишдан ташқари, янги ахборот технологиялари бўйича услубий қўлланмалар яратиш, улардан фойдаланувчиларни ўқитиш, кутубхоналарни автоматлаштириш вазифалари турибди.

Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув жараёнида видео-аудио услубий қўлланмалар ва электрон дарсликларни қўлламоқдаки, уларга кириб бориш — нафақат компьютер синфлари билан, балки Интернет тармоғи орқали ҳам амалга оширилади. Университет Интернетга киришни ажратилган радиоканал орқали бажаради. Бугун-

ги кунда бу ерда 20 дан ортиқ ўқув-компьютер синфлари мавжуд бўлиб, улар 200 та замонавий компьютер (Nowell, Windows, NT, Windows-98) операция системалари билан жиҳозланган ва тармоққа уланган.

Халқаро Интернет тармоғига магистратурада 20, ректоратда 5, халқаро бўлимда 2, кутубхонада 12 та компьютер уланган. Виртуал кутубхона самарали ишлаб турибди. Талабаларга ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ва библиографияларни расмийлаштиришда қулай имкониятлар яратилган. Бундан ташқари “E-mail” электрон почталари университет кутубхонасида, унинг қошидаги бизнес мактабида ва бу ердаги бирлашган Вена институтининг ҳудудий марказида мавжуд. Фаолият кўрсатиб турган 4 та видео ва 2 та аудио залларининг келажакда хизмат доирасини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

Буларнинг ҳаммаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижроси йўлида амалга оширилаётган ишлар. Зеро, ахборот технологиясининг энг замонавий имкониятларини ўқиш-ўқитиш ишларига жорий этиш — таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларимиз мазмун-моҳиятининг замон талабига ҳамоҳанглиги ҳамдир.

Республикадаги бутун ижтимоий ҳаёт бозор мезонлари асосида янгиланиб бораяпти. Жумладан, буни таълим соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Бу тизимда ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, мутахассис кадрларга талаб ва эҳтиёж бозори шаклланмоқда.

Умуман, ёшларни касбга йўналтиришнинг самарали тизimini яратиш мақсадида вазирликда махсус дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозир у кўриб чиқиш учун Макроиқтисодий ва статистика ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларига тақдим этилди. Ушбу лойиҳани ҳукумат тасдиғига киритиш учун ана шундай ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бозор шароитида таълим олувчиларнинг ва таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимояси қонун асосида белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасида «Таълим

муассасаларида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади», деб айтилган.

«Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашда ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли», дея таъкидланган.

Қонун ижроси тўлиқ бажарилмоқда.

Маълумки, инсоният тарихида энг буюк илмий кашфиётлар фанлар туташган нуқталарда ихтиро қилинади. Шу боис XXI асрда фанлараро алоқалар, интеграция тамойили устуворлик қилиши табиий. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида оила—мактаб — олий таълим—фан—ишлаб чиқариш тизимига махсус эътибор берилиши ана шу дунёвий ҳақиқат ва интеллектуал истиқболнинг самараси ҳисобланади.

Ушбу тизимнинг таълим ислоҳотларининг ҳозирги иккинчи ва кейинги учинчи босқичлари билан боғлиқ стратегик истиқболи нимада? Тақдирломон жавоблар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”-ги фармони (2002 йил 20 феврал) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2002 йил 4 март) қарорида мавжуд.

Жумладан, Президент фармониға берилган шарҳда таъкидланганидек, ҳозирги замон шароитида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, дунё илмий-техникавий тараққиёти суръатларига нечоғлиқ мувофиқлиги, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишиға ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон цивилизациянинг кўп асрлик тараққиётини олдиндан белгилаб берган, табиий ва гуманитар соҳада жаҳонга буюк алломаларни инъом этган, дунё тан олган илмий мактабларнинг вориси сифатида бугунги кунда ҳам мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодир улкан илмий салоҳиятга эга.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни, давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига мос равишда изчил, босқичма-босқич такомиллаштириш орқали мамлакат илмий-техника салоҳиятини янада ривожлантиришни таъминлаш — бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бу, умуман олганда, республика илмий-тадқиқот салоҳиятини Ўзбекистон, унинг иқтисодиёти ва ижтимоий-гуманитар соҳаси манфаатларига жавоб берадиган масалаларни ҳал этишга йўналтириш имконини яратди.

Айни пайтда, ислоҳотлар чуқурлашгани сайин, илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш тизимида сақланиб қолган эскича ёндашувлар мамлакатнинг технологик тараққиётига салбий таъсир этмоқда, илмий-техникавий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда. Бу фанни “режалаштириш”га бўлган уринишлар давом этаётганида, фан ва истеъмолчиларнинг илмий натижаларга нисбатан замонавий бозор муносабатлари талаб этаётган ўзаро манфаатдорлик механизмларини топа олмаслигида, илмий дастурлар ва технологик ишланмаларнинг холис ҳамда мустақил экспертизаси мавжуд эмаслигида намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат аслида ўн йиллар олдин бошланган ва кўпинча мамлакат иқтисодиёти тараққиёти, унда рўй бераётган таркибий ўзгаришлардаги устуворликлар билан суст боғланган илмий-тадқиқот ишлари пайдо бўлиши ҳамда амалга оширилишига олиб келмоқда.

Буларнинг барчаси илмий-тадқиқот муассасаларини базавий даражада молиялашдек нотўғри амалиёт давом этаётгани билан бир қаторда илмий-техникавий фаолият ташкилий тузилмасининг замонавий шароитларга номувофиқлиги, интеллектуал ва моддий ресурсларнинг йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш имкони йўқлиги, таклиф этилаётган илмий дастурларнинг муқобили мавжуд эмаслиги боис мамлакат илмий-техникавий тараққиётига ҳов бўлмоқда, миллий илмий салоҳият ривожини сустлаштирамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимиз илмий ҳамда технологик салоҳиятини тараққий эттириш ҳамда ундан тўлиқ фойдаланишнинг тубдан янги ёндашувлари ва ташкилий шакллари давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар, демократик институтлар тараққиёти ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда белгилаб берилган.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши таъсис этилиши мамлакатда илмий-техникавий фаолиятни ташкил қилиш савиясини, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг юксак замонавий талабларига тўла мос келадиган даражага кўтарувчи ўта муҳим қарордир. Тамомила янги, олий даражада мувофиқлаштириш ваколатларига эга маслаҳат органи ташкил этилди. У иқтисодиётни ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги, жамиятимиз тараққиётини таъминлашнинг стратегик вазифалари ҳамда устуворликларидан келиб чиқиб, фан ва технологиялар соҳаси учун қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифаларни белгилайди, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, улардан амалий фойдаланишни таъминлаш учун зарур шароит яратди.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишнинг мазкур янги тузилмаси мамлакатимизнинг миллий манфаатлари учун энг муҳим бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган йирик илмий дастурлар, технологик ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун интеллектуал кучлар ҳамда моддий ресурсларни бирлаштириш ва жамлаш борасида кенг имкониятлар яратади. Мавзу бир хиллиги ва майдалашувига барҳам беради. Фанлараро ва идоралараро тўсиқларнинг бартараф этилишини таъминлайди. Илғор ғояларни кўтариб чиқаётган, дунёвий илмий ютуқлар даражасида фаолият кўрсатаётган, истиқболли илмий натижаларни мамлакат манфаатлари учун қўллаш оладиган иқтидорли олимларни амалда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун йўл очади.

Мавжуд илмий ташкилотларни уларнинг фаолияти нечоғлик мақсадга мувофиқ эканлиги ва қўшаётган амалий ҳиссасини инобатга олмай, базавий молиялаштиришдек давом этиб келаётган эскича ёндашувдан воз кечиш, мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари, технологик ва инновация лойиҳаларини молиялашда ижрочилар танлов асосида аниқланадиган илғор грант тизимига ўтиш — илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишга қаратилган янги тузилманинг энг муҳим тамойилидир.

Фармонга мувофиқ, йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилиши замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишни ислоҳ қилиш амалда тўлиқ мантикий яқунига етказилишини таъминлайди. Кенгашнинг асосий вазифаси йирик илмий инвестиция лойиҳаларининг ҳолис, мустақил экспертизасини йўлга қўйиш, техник жиҳатдан таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган йирик илмий-тадқиқот ва инвестиция лойиҳалари бўйича жорий ҳамда яқуний ҳисоботлар мониторингини олиб боришдан иборат.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш амалиётига илк бор мустақил, ҳолис, таркибида энг малакали олим ва мутахассисларни бирлаштирган орган жорий этилмоқда. Мазкур орган “абадий”, замон талабларига мослаштирилиб, шаклу шамойили ўзгартирилган илмий мавзулар ва эскир-

ган қарашлар мавжудлигига барҳам беради. Фанда чинакам демократик қарашлар, илмий ғоялар ва тадқиқотлар натижаларининг қадр-қиммати ҳамда истиқболли аҳамиятга эга эканлигини аниқлашда ошкораликнинг ҳақиқий таъмоилларини амалга оширади. Илмий даражаси, ёши ва турар жойидан қатъи назар, иқтидорли, ташаббускор ва изланувчан олимларнинг фаол ишлаши учун йўл очиш, мураккаб технологияларга асосланган илмий тадқиқотлар, инвестиция лойиҳаларини амалда қўллаш борасида турли таваккалчиликларни камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўзда тутилган илмий-техникавий фаолиятни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларда мамлакатимиз ва хориждаги ижобий тажриба инobatга олинган. Жумладан, Мувофиқлаштириш Кенгаши қошида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси тузилиб, уни шакллантиришнинг хилма-хил манбалари белгиланган. Бу чора-тадбир Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимизда яратилган ҳамда халқаро инновация жамғармалари ва ривожланган демократик давлатларнинг шундай ташкилотлари томонидан тан олинган инновация илмий-техника фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини анча юқори босқичга кўтаради. Жамғарма фаолиятининг юксак даражада ташкил этилиши ва молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши олимлар, ижодий фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги янгича тафаккурли раҳбарлар учун инновация жараёнида амалий иштирок этиш, илмий-техника тараққиётига ҳисса қўшиш борасида ғоят қулай шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакатимизни ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари билан узвий боғланган бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Фармонда қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ва аниқ ижроси Ўзбекистон интеллектуал ресурсла-

рининг изчил ривожланиши, илмий-техника салоҳиятининг кучайиши ва пировард натижада мамлакатимизнинг жадал иқтисодий-ижтимоий тараққиёти кафолатидир.

Бу мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларига бўлган эътибор давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканлигини англатади. Ушбу йўналиш бугунги кунда янгича тарзда ёндашувни тақозо этиб, илм-фан ривожини рағбатлантириш, унинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ҳаётий аҳамият касб этиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳа, мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятидаги мавжуд эскича тамойиллардан воз кечиш, янги тузилмаларни ташкил этиш, йирик илмий дастурларнинг яратилиши учун пухта замин ҳозирлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкилий жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илмий салоҳиятни оширишга кўмаклашиш муҳим стратегик йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Илмий-тадқиқот ишларини моддий рағбатлантиришнинг танлов, грант усулига ўтиши ижтимоий-гуманитар дастурлардан амалий аҳамиятга молик тадқиқот ишларини танлаб олиш имкониятини беради. Шунингдек, энг иқтидорли, талантли, қобилиятли олимларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланишга ҳамда рағбатлантиришга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Ижтимоий-гуманитар илмий-тадқиқот ишларида эришилган ҳар бир янгиликнинг салмоғи унинг мамлакатимиз маънавий янгиланишига келтираётган фойдасига қараб белгиланади. Шу боис ҳар бир ижтимоий фаннинг жамият равақига хизмат қилишга йўналтирилганлиги, ҳаёт билан боғлиқлиги ўта муҳим. Бу тамойилни тўлиқ амалга оширишда бундан кейин илмий-тадқиқот фаолиятининг Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш орқали амалга оширилиши айни муддао бўлди.

Президентимизнинг фармони ана шу ишларни яна бир марта қайта таҳлил ва таҳрир қилишни, такомиллаштиришнинг янги босқичга кўтарилишини тақозо қилади. Натижада ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ва уларнинг илмий-амалий хулосаларидан амалда фойдаланувчи маънавият, маъри-

фат ҳам такомилнинг янги босқичига кўтарилади, юксалади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, **“биринчи навбатда қуйидаги масалаларга аниқлик киритиш керак: биз қайси ишларни қилишга улгура олмадик?”**, **“Тараққиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда?”**, **“Биз ҳали фойдаланмаётган яна қандай имкониятлар мавжуд?”** шаклида уларни аниқлаб олишимиз керак.

Илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари белгиланиб, соҳалар бўйича танловга амал қилиниши ҳар бир тадқиқотчига, олий таълим илмий жамоасига ва илмий текшириш институтларига бир хил имкониятларни беради.

Қарорда олимларимиз салоҳияти, фидокорлигини уйғотувчи самимий даъват ва моддий рағбат уфуриб туради. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қарор Юртбошимизнинг **«Фан тараққиётга хизмат қилсин!»** деган шиори рўёбига қаратилган навбатдаги тарихий қадам бўлди.

Мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифаларида илмий-тадқиқот фаолиятини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига йўналтириш белгилаб қўйилди. Шу сабабли дастурларни жамиятнинг уйғун маънавий юксалиш манфаатлари устуворлиги тамойилларидан келиб чиқиб белгилаш қатъий таъкидланди. Шу сабабли ҳуқуқий, миллий, тарихий, замонавий, умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида жамиятни маънавий янгилаш Кенгашнинг асосий йўналишлари орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Янгиликнинг яна бир фазилати — унинг жонкуяр, изланувчан олимларни янада изчил қўллаб-қувватлашга қаратилганлигида. Шу сабабли «инновацион ғояларни яратувчи, жаҳон илм-фанисидаги истиқболли тенденцияларни доимий равишда кузатиб борувчи ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш учун жамловчи истеъдодли олимларни қўллаб-қувватлаш тизими» яратилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Пировард натижада эса бу — таълим ва фан, тарихийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик, назария ва амалиёт, тафаккур ва технология орасида мутаносибликни такомиллаштиради.

Бундай ажойиб имконият ва рағбат **«Фан тараққиётга хизмат қилсин!»**, деган эътиқод билан изланаётган олимла-

римизни янада қанотлантиради. Демак, энди ҳар бир ижтимоий-гуманитар, илмий-техникавий дастурни тузиш ва муҳокама қилишда «Шу дастур натижалари жамият маънавияти олдида турган қайси муаммони ҳал қилади?», «Натижа қандай кафолатланади?», «Дастурда кўзда тутилган мақсад билан унинг натижаси муштарақлигини қандай назорат қилиш мумкин?» деган қатъий саволларга жавоб олинади.

Зеро, инсониятнинг, давлат ва жамиятнинг таълим ҳамда фан орқали ечиб бўлмайдиган муаммоси йўқ. Агар ҳозирча инсоният, давлат, миллат олдида ечилмай турган муаммолар бор бўлса, бунга сабаб ўша муаммоларнинг махсус илмий объектга айлантирилмаганлигида. Инсоният тарихида йўл қўйилган хатолар, зиддиятлар, урушлар — муаммонинг илмий асосда (оптимал) ечилмаганлигида. Аввал тафаккурда етти марта ўлчаб, бир кесилмаганлигида.

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан ижтимоий-гуманитар фанларни ҳам ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Бу табиий эди. Чунки биз бир тизимдан иккинчисига, бир тафаккур тарзидан иккинчи тафаккур тарзига ўтиш даврида айнан шундай қилишимиз керак эди ҳам. Ижтимоий-гуманитар фанлар — маънавият ва маърифатнинг манбаи, озуқасидир. Ўзбекистонда маънавият ва маърифат давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, шу жабҳани ўрганувчи ва ўзгартирувчи фанлар, уларнинг таълими ҳам ривожланиши керак. Шу сабабли барча олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” кафедралари тузилди, маънавият ишлари бўйича биринчи проректор ва декан муовинлари лавозимлари таъсис этилди. Маънавият мавзуси инновация илмий-техник дастурларининг устувор йўналишига айланди. Бунинг натижаси ўлароқ, маънавий-маърифий ишлар эмпирик даражадан илмий-технологик даражага кўтарилмоқда. Ушбу юридик ҳужжат ана шу улуғ, хайрли ишларни янги юксак босқичга кўтаради, талабни ҳам. Шу сабабли ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий тадқиқот дастурларига талаблар ҳам янгиланади. Жумладан, ижтимоий-гуманитар тадқиқотларнинг ҳаётга мукамал

яқинлиги, технологик таъминланганлиги (қуруқ насиҳат, яхши гаплар йиғиндиси бўлмаслиги, эски фикрларни янги либос кийдириб кўрсатмаслик ва ҳ.к.), жамиятни дунёнинг энг фозил, тадбиркор, меҳнатқаш, иродали, демократик, ижодкор, мутараққий миллатига айлантиришга фойдалилик даражаси инобатга олинади.

Демак, миллатнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий юксалиши натижаси ўлароқ, унинг ўз кучи, имконияти билан қурадиган буюк келажакка мустақкам ишончи кучаяди. Маънавий салоҳияти юксак миллат ва унинг ёшлари буюк Ўзбекистонни қуради.

Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари миллий тараққиётнинг “**инсон омили**”ни ўрганиб, ўзгартириб, маънавий янгилаб, кучайтиради. Демак, Ўзбекистонимизда сиёсий, ижтимоий-гуманитар фанлар жамиятга Президент Ислон Каримов асослаб берган стратегия асосида буюк Ўзбекистонга элтувчи реал истиқболни тушунтириб, у ҳақда янги билимлар беради. Бу йўлда учровчи муаммоларни ўрганиб, тез ва соз ҳал қилишда янги имкониятларни кашф этади. Миллатнинг буюк келажакимизга ишончини мустақкамлайди, тарбиялайди. “Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур” (Абдулла Авлоний).

Таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президентнинг фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида таълим—фан—ишлаб чиқариш интеграцияси бот-бот таъкидланмоқда. Бу борада вазирлик ва олий ўқув юртлари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари тегишли ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар ҳамкорлигида жуда катта амалий ишларни бажаришмоқда. Жумладан, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежида миллий дастурнинг ҳозирги иккинчи босқичида таълим тизими самарадорлигини янада ошириш, янги педагогик технологиялар асосида аннотация дарсларини ташкил этиш ҳамда таълимда ишлаб чиқариш билан фан орасидаги уч томонлама интеграцияни янада такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти.

Мазкур коллежнинг Тошкент давлат авиасозлик институти ва Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан имзолаган шартномаларида таълим жараёнининг уч томонлама ҳуқуқий ва меъёрий кафолатлари кўрсатилган. Бундан уч йил муқаддам — 1999 йилда авиасозлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнига олий ўқув юртларининг етакчи олим ва мутахассисларини жалб қилиш, таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамоҳанг ишлаш, таълимдаги янги психологик-педагогик ва ахборот технологияларини амалда қўллаш ва бошқа ўқув жараёнларини ҳамкорликда амалга ошириш ҳақида ТДАИ билан ўзаро шартнома имзолаган. Шартнома амалдаги қонунчиликда кўрсатилган меъёрлар билан тўлиқ кафолатланган.

Шартномада кўрсатилган келишувга кўра, коллеж мавжуд касблар бўйича ўз ўқитувчиларининг институтда малака оширишини тўла таъминлайди. Институт эса бу ишга ўзининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилади. Ҳар иккала ташкилот ҳамкорликда касб-ҳунар коллежи учун зарур бўлган ўқув-дастурий ҳужжатларининг тўла мажмуасини ишлаб чиқадилар.

Кадрларнинг малака оширишлари ва уларни қайта тайёрлаш ишлари умумпедагогик мутахассислик бўйича тажриба алмашиш ва битирув ишини бажариш асосида олиб борилади.

Институтда ахборот технологияларининг интегратив усулларини кенг қўллаб, ўқув жараёнини такомиллаштириш эвазига малака оширувчиларнинг ихтисослик бўйича юксак билим, малака олиши таъминланади.

Тингловчилар, уларнинг раҳбарлари ва илм-фан арбоблари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, ўқиш муддати якунида уларнинг ўз мутахассислиги бўйича олган билимлари буюртмачининг вакили иштирокида мажмуавий имтиҳон орқали аниқланади ва тегишли сертификат ёки диплом берилади.

Институт жамоаси ҳам ўз навбатида, институтда бўлаётган таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида коллежга мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Коллеж ўқув устахоналарида институтнинг буюртмаси асосида кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқа ишлаб чиқариш хизматлари бажарилади.

Ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштириш даражаси тизимли равишда синовлар ўтказиш йўли билан таҳлил қилиб борилади. Улар билан институт ва унинг мутахассислик йўналишлари ҳақида касбга йўналтириш ишлари олиб борилади.

Буларнинг ҳаммаси ҳар иккала томонга тегишли масъулиятлар юклаши билан бирга шартнома шартларининг бекаму кўст бажарилишини таъминлайди.

Бу шартноманинг меваси сифатида бугунги кунда авиасозлик касб-ҳунар коллежида ўтган йиллар давомида Шахсни ривожлантириш фанлари, Ижтимоий ва гуманитар фанлар, Саноат ва саноат ускуналари, Табиий фанлар, Умумқасбий фанлар ҳамда Иқтисодиёт ва компьютер жиҳозлари кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Бу кафедраларда институт профессор-ўқитувчилари ўқувчиларга таълим бериш билан бирга, илмий-услубий изланишлар олиб бормоқдалар ҳамда янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Педагогларнинг тинимсиз изланишлари натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун «Авиация техникасини монтаж қилиш», «Механик йиғиш ишлари» тайёргарлик йўналишлари бўйича учта тажрибавий режа ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Коллеж талабаларининг кўпгина фанлардан лаборатория машғулотлари институт лаборатория хоналарида ўтказилмоқда.

Ушбу касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш билан, яъни Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган диққатга сазовор ишлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу ўқувчиларни икки тарафлама касбга тайёрлаш йўналишидир. Қасбий тайёргарликнинг икки томонлама дейилишининг сабаби шундан иборатки, талабалар дарс жараёнини икки жойда, яъни режа ва дастурда белгиланган назарий ҳамда бошланғич амалий таълимни касб-ҳунар кол-

лежида, ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини эса корхона цехларида ўтишади. Бу усулда кўп йиллардан бери Германияда қўлланилиб келинаётган дуалтизимдаги таълим шаклининг баъзи ижобий томонлари асос қилиб олинган, десак муболаға бўлмайди.

Ҳафта давомида ўқувчиларнинг коллеждаги назарий ва корхонадаги амалий машғулотлари ўзаро тасдиқланган график асосида белгиланиб борилади. Ўқувчиларнинг цехларга, бўлинмаларга бириктирилиши, амалиёт жараёнида қатнашадиган цех бошлиқлари ҳамда мансабдор шахслар вазифалари, техника хавфсизлиги ва бошқа тегишли масалалар ҳал қилинган.

Ҳар бир талабага юқори малакали ишчи мутахассислардан мураббий тайинланади. Амалиётчи талабалар цехнинг табель ҳисобига олинади ва корхонада жорий этилган ички меҳнат тартибига риоя қиладилар. Назарий фанларни ўқитиш режасининг бажарилиш даражасига қараб, корхонада талабаларнинг амалиёт соатлари ошиб боради. Сўнгги ой давомида улар мустақил ишлай бошлайдилар. Амалиёт муддатининг охирида эса махсус комиссия ҳузурида амалиётни яқунлаш бўйича малака ишларини топширадилар.

Касб-ҳунар коллежини битириш арафасидаги ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида талабалар диплом ишига киришадилар. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, бундай диплом ишларининг аввалги ҳунар-техника билим юртларидагидан фарқи — ишлаб чиқаришдаги кўпгина янги техник ҳужжатлар, илғор технологик жараёнлар, замонавий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида талабалар ўз ишларини ҳимоя қилишмоқда.

Касб-ҳунар коллежи билан бирга Тошкент авиация институти ҳамда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг ана шундай ўзаро ҳамкорлиги талабаларга кейинги иш ва ўқув фаолиятлари учун жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, ҳозирга келиб Тошкент авиация институти, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашма-

си билан имзоланган шартномалар ўз натижасини бера бошлади. Касб-ҳунар коллежини битириб чиқаётган ўқувчиларнинг дунёқарашида, тафаккурида ўзгаришлар уларнинг ташқи кўриниши, ўзларини тута билишлари, бутунлай янгича ҳолда шаклланиб, улар меҳнат жамоаларида тарбияланмоқдалар, «касб-ҳунар коллежини битириб қаерга ишга борсам экан», деган масалаларни ҳозирдаёқ ҳал этмоқдалар.

Фикримизча, мамлакатдаги ҳар бир касб-ҳунар коллежида тайёрланаётган ёш кадрларимиз янгидан ташкил этилаётган қўшма корхоналарда ҳамда янги технологиялар билан жиҳозланган йирик-йирик корхоналарда ўқув амалиётларини ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Зеро, бозор иқтисодиёти ривож топиб бораётган ҳар қандай жамиятда юқори рентабелликка эришиш, катта фойда олиш биринчи ўринда туради. Чунки бу ишнинг ташкилий жиҳатлари, масалан, корхоналарда ўқув цехлари ташкил этиб, уларни ўқувчиларнинг бошини қовуштирувчи ишлаб чиқариш усталари билан таъминлаш каби ишлар дастлаб айрим корхона раҳбарларига ортиқча бош оғриғи бўлиб туюлади. Афсуски, кўпгина корхона раҳбарлари ишнинг бошидаги ташкилий қийинчиликлардан қочиб, интеграциянинг келгусида давлатга ва корхонага келтирадиган иқтисодий фойдасидан бенасіб қоладилар. Бироқ узоқни кўра биладиган тадбиркор раҳбарлар ҳар қандай бошланғич иқтисодий зарар ва ташкилий қийинчиликлардан кўз юмиб, бундай илғор ғояларни амалга ошириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган иш, деб ҳисобламоқдалар.

Таълим-тарбия жараёни ўз мақомига кўра соф мафкуравий жараёндир. Миллий истиқлол ғоясининг концептуал яхлит тизимида таълим-тарбия мафкурасининг ўрни ва аҳамияти фавқулодда беназирлиги исбот талаб қилмайди. Таълим тизимини ислоҳ қилаётганда, аввало, собиқ коммунистик мафкура сарқитларидан буткул қутулиш, таҳсил ва тарбия институтлари, ўқитиладиган фанлар методологиясини миллий истиқлол ғоялари негизида мутлақо янгидан белги-

лаш, ўқувчи-талабалар онгида янги дунёқарашни шакллантириш масалалари кечиктириб бўлмас тақдириломон мақсад қилиб белгиланди. Янгича замонавий жаҳоний тафаккурга, озод ва эркин руҳга эга баркамол авлод таълим-тарбияси жараёнларини, ислоҳий босқичларини миллий истиқлол гоёлари ва мафкуравий ақидалар билан теран таъминлаш сиёсий-демократик, маърифий-маънавий такомилнинг бош вазифасига айланди. Ана шу вазифа ижроси ўлароқ, 2001 йил 4 январда давлат бошлигининг “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқув жараёнига киритиш ҳақидаги фармойиши юзага келди. Ундан олдинроқ (2000 йил 10 ноябр) вазирликнинг “Таълим муассасаларида миллий истиқлол гоёсини ўрганиш ва тарғиб қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 301-сонли буйруғи чиққан эди.

Президент фармойишидан сўнг ушбу масала юзасидан вазирликнинг яна қатор буйруқлари чиқди. Уларда И.А.Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, яъни яхлит сиёсий ва гоёвий таълимоти асосида ишлаб чиқилган миллий гоё, истиқлол мафкураси билан ўсиб келаётган ёш авлодни, талабаларни чуқур қуроллантириш, унинг асосий тушунчаларини талаба-ёшлар онгига теран синдириш энг долзарб вазифа қилиб белгиланди. Талаба-ёшларда она-Ватан истиқлолига садоқат, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, уларни мамлакатимиз тинчлиги, барқарорлиги, равнақи учун курашга тайёр, элим-юртим, деб ёниб яшайдиган гоёвий собит, фидойи кишилар бўлиб етишиши, мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги шароитда ёшларни ёт ва бегона гоёлар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларда зарарли мафкураларга қарши иммунитет ҳосил қилиш шу куннинг талаби бўлиб қолди. Бу вазифалар жойларда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш ва асосий марказлардан бири бўлган олий ўқув юртлари, демак, вазирлик зиммасига катта масъулият юклади. Фаннинг дастури ва услубий кўрсатмаси ишлаб чиқилди. Айнан ана шу мақсадда юқорида қайд этилган

Марказ тузилди ва у қизғин ташвиқий-тарғибий, маърифий-ташкилий ишларни самарали амалга ошира бошлади.

Қонунлар чиққандан сўнг вазирлик томонидан улар ижросини таъминлашга қаратилган беш юздан ортиқ буйруқлар чиқади. Улар “Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами”да чоп этилган.

Таълим ислоҳоти, аввало, ташкилий-таркибий тизимдан, мақомларни аниқ белгилаб олишдан бошланди. Олий таълим тизимининг тўлақонли фаолиятини ташкил этиш ва ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий, услубий ҳужжатлар негизида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мақоми тизим фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча жараёнларни бевосита бошқарувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи давлат органига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎзССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигини тугатиш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигини ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигини тузиш тўғрисида”ги 1990 йил 27 январдаги фармонига асосан ташкил этилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 майдаги 237-сонли қарори асосида тасдиқлаган вазирлик тўғрисидаги Низом асосида ташкил этди.

Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида 14та бўлим ва бошқарма, 8та вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар, республика бўйича 34та, шу жумладан, 14таси вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари, 242та, шу жумладан, вазирлик тасарруфидаги 48та ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлган.

Бугунги кунда вазирлик марказий аппарати тузилмасида 7та бўлим ва бошқарма бўлиб, уларда 29та ходим ишлайди. Шунингдек, вазирлик ҳузурида 8та, шу жумладан, 5таси хўжалик ҳисобида ишлайдиган ташкилот мавжуд. Республика бўйича 62та олий таълим муассасалари бўлиб (талабалар сони 190000), улардан 33таси бевосита вазирлик тасарруфидадир (талабалар сони 134240). Ўрта махсус ўқув юртлари

181тани (талабалар сони 211865), касб-ҳунар коллежлари 303тани (ўқувчилар сони 216762), академик лицейлар — 47 тани (ўқувчилар сони 17516) ташкил этади.

Вазирликда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари, вазирнинг ўринбосари, вазирлик ва тизимнинг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилган. Вазирлик ҳайъати олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш, кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва бошқа муҳим масалаларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари талабларига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таълим муассасалари таркибий тузилишига зарурий ўзгартиришлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида вазирликнинг марказий аппаратида:

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича вазирлик аппаратида Кенгаш ҳамда Мониторинг бўлими;

- таълим тизимининг демократик ва бозор ислохотларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозорида рақобатни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Маркетинг маркази;

- замонавий компьютер ҳамда ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, Интернетга кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда мувофиқлаштириш, уларда чуқур билимларга эга бўлган мала-

кали баркамол кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази;

■ жойларда ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармалари ташкил этилди.

Вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларида:

■ маънавият-маърифат; академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати; ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш масалалари бўйича проректор лавозимлари;

■ “маънавият-маърифат” хоналари; маънавият-маърифат масалалари бўйича декан муовини лавозимлари киритилди ва марказлар ташкил этилди;

■ таълим тизимида жамоатчилик бошқаруви ролини ошириш мақсадида Ректорлар Кенгаши ва олий ўқув юртлари-аро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди;

■ олий таълим муассасаларига услубий ва эксперт хизматлари кўрсатиш, дарсликлар, дастурлар, таълим стандартлари, йўналиш ва мутахассисликлар очиш бўйича асосномаларнинг сифатли экспертизаларини уюштиришда экспертлар хизматига ҳақ тўлашни ташкил этувчи “Муаллим” мувофиқлаштирувчи Маркази ташкил этилди.

Вазирлик раҳбарияти ўртасида тақсимот ҳамда вазирлик ходимлари хизмат вазифалари қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишлари вазирлик аппарати ҳамда таълим тизимида йўлга қўйилди.

Вазирлик бошқарув аппаратининг бошқарув бошлиқлари лавозимларига заҳира сифатида бошқарма бошлиқлари муовинларини тайёрлаш режалаштирилди. Бу ходимлар Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги Раҳбар ходимлар малакасини ошириш Марказида ўз билим даражаларини оширишган.

Шу билан бирга вазирлик олий ўқув юртларининг ректорлик лавозимига заҳира (резерв) тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ҳозирги кунда 111 нафар 50 ёшга етма-



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.



И.А.Каримов теннис бўйича Президент кубоги голибларини олқишламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга Голландия «Фонтс» университетининг иқтисодиёт бўйича фахрий профессори дипломи топширилмоқда.



И. А. Каримовга Мериленд (АҚШ) университетининг дипломи топширилди.



И. А. Каримов Соко университети фахрий доктори.



И. А. Каримов Васседа университети фахрий доктори.



И. А. Каримов Васседа университети раҳбарияти ва Японияда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар даврасида.



Йўлбошчимиз Москва Давлат университетининг илмий кенгашида маъруза қилмоқда.



Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.С.Фулумов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 10 йиллиги муносабати билан А. Комиловга вазирлик совғасини топширмоқда.



Президент И. А. Каримов Васседа (Япония) университетида билим олаётган бир гуруҳ талабалар лаврасида.



И. А. Каримов Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг истиқболи ҳақида фикр алмашмоқда.



Президент И. А. Каримов академик Яҳё Ғуломов тақдирланган «Буюк хизматлари учун» орденини у кишининг қизлари Сакина Ғуломовага топширмоқда.



И. А. Каримов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда.



И. А. Каримов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчиси билан.



И. А. Каримов Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежида ёш теннисчини табрикламоқда.



И. А. Каримов Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежининг кимё дарсида.

ган фан докторларидан заҳира (резерв) белгиланган, уларнинг чет тилини ўрганишлари асосий вазифаларидан қилиб белгилаб қўйилган ва режаси тузилган.

1999 йил май ойидан факультет деканлари лавозимига танлов ўтказиш, танлаш, суҳбат ўтказиш ва тавсия этиш ташкил қилинган. Уларнинг мунтазам малакасини ошириш йўлга қўйилган. 2002 йилда махсус йиллик режа асосида ҳар ойда бир марта Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи вазифаларини бажаришга бағишланган семинар ташкил қилинган.

Олий ўқув юртлари кафедралари мудирлари танлов асосида олий ўқув юртларида ташкил қилинган махсус танлов комиссияси томонидан лавозимга тавсия этилади. Танлов муқобил номзодлар орасидан амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларини амалга ошириш юзасидан тегишли дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, уларда белгиланган вазифалар бажарилмоқда.

Вазирликнинг таркибий тузилмасида олий ўқув юртлари ректорларининг Республика Кенгаши алоҳида мавқега эга. Вазирликнинг "Олий ўқув юртлари ректорларининг Республика ва Минтақавий кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги 101-сонли буйруғи (1998 йил 22 апрел) асосида тасдиқланган Низомларда кенгашларнинг мақомлари демократик белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз мақоми билан боғлиқ ташкилий ишларни, таркибий ўзгаришларни, раҳбарлик иш усуллари ҳамда воситаларини, олий ва ўрта махсус таълим жараёнларини такомиллаштириш, таҳсил сифатини ошириш, ўқув юртларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, уларни молиявий таъминлашга дахлдор мувофиқлаштирув фаолиятини янада самарадор қилишга қаратилган вазифалар ижроси юзасидан турли йўналишу мазмундаги юзлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиб, улар ижросини тўлиқ таъминлашга эришмоқда. Бу ҳақда III бобда батафсил фикр юритамиз.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон ўз миллий тараққиётининг тақдириломон вазифаси қилиб, таълим-

тарбия тизимини тубдан ўзгартиришнинг конституциявий-ҳуқуқий, илмий-назарий ва амалий-услубий асос-моҳиятларини замонавий жаҳоний таълим андозалари ҳамда истиқболли талаблари негизида демократик қайта қуриш — ислоҳ этишни белгилади. Натижада таълим-тарбия соҳасида ҳам жаҳон тажрибаси ва ўзимизнинг тарихий бой таҳсилу-урфоний анъаналаримиз уйғунлашган концептуал мукамал Миллий дастуримизни, унинг конституциявий-ҳуқуқий ва методологик асосларини ишлаб чиқдик. Бу асос Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқининг амалдаги кафолати бўлиб, тизимни жамият ҳаётида рўй бераётган туб янгилашниларга, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти қурилиши жараёнларига уйғун мослаштириш имконини бермоқда. “Куч — билим ва тафаккурда” тамойилига асосланган маърифий-тарбиявий жабҳанинг конституциявий ҳамда ҳуқуқий-меъёрий базаси озод ва обод Ўзбекистоннинг келажакда улкан интеллектуал имкониятлар мамлакатига айланиши муқаррарлигига кафолат бўлмоқда.

Қонунлар ижроси, аввало, таълим муассасалари тизими мақомини, фаолият кўлами ва йўналишларини, таркибини жиддий такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ташкилий-амалий соҳанинг барча бўғинларида амалга ошириб бўлинди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар рўй берди, янги тизимлар тузилди, янги коллежлар, институт ва университетлар юзага келди. Энг муҳими, вазирликнинг олий ва ўрта махсус таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим муассасалари устидан методологик раҳбарлик қилиш, ўқув жараёнига таълимнинг илғор шаклларини, янги педагогик технологияларини жорий этиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш билан боғлиқ мақоми сифат ва самара касб этди, этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи ибтидосида таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқларнинг конституциявий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари самараси ана шундай бўлди.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат...

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”.

*Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги қонуни, 2-модда.*

II БОБ

«КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА!»

Ислом Каримовнинг таълим демократияси ёхуд
сиёсий ва маърифий таълимоти

XXI аср маърифат асри бўлади.

Ислом Каримов

Ислом Каримовнинг концептуал яхлит сиёсий ва ғоявий, жумладан, сиёсий ва маърифий таълимотининг юзага келиши, муштарак шаклланиб, такомиллашиши миллий истиқлол давлатчилигимизнинг янгидан пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари-ю жараёнларининг ўзига хос қонуниятлари ҳамда ҳақиқатлари билан боғлиқ.

«Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили ва унинг манتيкий узвий ҳалқаси бўлмиш олти устувор йўналиш билан боғлиқ ҳозирги эркинлаштириш жараёни Ислом Каримов сиёсий таълимотининг умумтан олинган кашфиёти сифатида миллий тикланишнинг туб асос-моҳиятларини белгилаб берган яхлит ақоидлар квинтэссенциясига айланди. Ўзбекистон жамияти давлатимиз Асосчисининг айнан ана шу назарий-амалий таълимоти негизида ўзининг буюк келажак сари ишонч билан дадил бормоқда.

Миллий тараққиётимизнинг ўзбекона андозалари силсиласида И.А.Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти тақдириломонлиги билан ажралиб туради. Зотан, мустақил давлат маърифатсиз, демак, юксак ақлий-интеллектуал салоҳиятсиз, янгича онг-у, янгича дунёқарашсиз цивилизациялашган истиқболли ривожга, камолга эриша олмайди. Дунёни бугун фақат ва фақат маърифат цивилизациясигина қутқара олади. Маърифатсиз миллатда, маърифати паст халқда истиқбол йўқ. Абдулла Авлоний ҳақ: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур».

Буюк маърифатпарварнинг ушбу ҳақиқати Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг, таълим-тарбия сиё-

сатининг назарий-амалий фалсафасига айланди. «Ислом Каримовнинг айтишича, — деб ёзади Л.Левитин ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида ...” китобида, - бу сўзлар унинг давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятида асосий шиорлардан бирига айланиб қолди». Мен бунга қўшимча қилиб, ҳатто, қандайдир муқаддас бир қасамга, инсон ва сиёсатчи сифатида унинг доимий виждоний бурчига айланиб қолган, деган бўлардим. Ўзбекистон Президенти таълимнинг миллий моделини шакллантиришга доир ҳамма масалалар билан бир неча йиллардан бери кун сайин шугулланиб келди. Бунда у фақат буюртмачигина бўлиб қолгани йўқ. Ислом Каримов чуқур амалий ғояларни ўртага ташлади. Бу ғоялар, шубҳасиз, мақбул ечимларни топишга ёрдам берди. Бу — мазкур моделни ишлаб чиқишда қатнашган Россия ва Ғарб мамлакатлари мутахассисларининг фикри.

“Куч — билим ва тафаккурда”.

Ислом Каримов

И.А.Каримов сиёсий-маърифий фалсафасида таълим-тарбия миллат ва жамиятнинг ягона халоскори, эртанги нажоти сифатида қаралади. «Чунки, — дейди Йўлбошчи, — таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин, айна вақтда, онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишга, ҳеч муболағасиз, умумдавлат иши сифатида жуда катта аҳамият берилаётганлигига сабаб, бу — мамлакат алоҳида меҳнат салоҳиятига эгалигидангина иборат эмас. Шу ўринда давлатнинг ва бутун жамиятнинг ўзига хос фалсафасини, алоҳида халқ анъаналарини, тарихий-маърифий мумтоз цивилизациясини ҳам назарда тутиш керак. Президент Каримовга келсак, унинг бу муаммога ёндашуви кишида ҳурмат ва олқиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

“Фақат билимли, маърифатли жамиятгина, — деб ёзади у, — демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”.

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг юзага келиши ҳамда назарий-амалий такомили уч босқични ташкил этади.

Биринчи босқич Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида собиқ тоталитар тузум давридаёқ, яъни 1990 йилнинг 27 январида ЎзССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигини тугатиш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигини ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигини тузиш тўғрисидаги фармони, хусусан, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва унинг ижроси жараёнлари, шунингдек, «ўзбек модели»нинг давлат бош ислоҳотчи тамойили билан боғлиқ. Фармонда таълим тизимини ташкилий-таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, қонунда эса мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолча янги маърифий ақидаси ҳуқуқий-меъёрий белгилаб берилган эди. Шу маънода иккала ҳужжатни таълим-тарбия тизимидаги истиқлолча туб янгиланишларнинг бошланғич ибтидо нуқтаси деса, мантиқли бўлади.

Қонун мундарижаси мазмун-моҳиятидаги энг туб масала бу — истиқлолча янги таълим-тарбия мақомини аниқ белгилаш, тизимни янгिलाш ва такомиллаштириш, муҳими — таълим-тарбияни собиқ коммунистик мафкура исканжасидан қутқариш, унинг мутлақо янгича мафкуравий қадриятларга асосланган ғоявий негизларини ишлаб чиқиб, амалий жараёнга омилона татбиқ этиш бўлди. Туб моҳияти билан бу аслида мутлақо янгича таълим-тарбия тизими ва таълим-тарбия мақоми эди.

XXI аср маърифат асри бўлади.

Ислом Каримов

Бундай вазифа ва тақдириломон эҳтиёжнинг сабабини давлатимиз бошлиғи собиқ тоталитар дунёдан мерос таълим-тарбия тизимининг истиқлол манфаатлари ҳамда истиқболи учун тўлиқ хизмат қила олмаслиги қонуниятда кўради. 2001 йил 4 майда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетига ўқиган маърузасида Ислом Каримов қатъий комиллик билан совет даврида ташкил топган таълим тизими янги вазифалар-у мақсадларимизни адо этишга қодир эмас эди, деган фикрни яна бир бор таъкидлагани бежиз эмас.

Таълим тизимининг инерциявий эканлигини қайд этган Йўлбошчи, унинг мазмунига янги талаблар ва вазифалар жуда қийинчилик билан сингишини, бу ҳолат истиқлолнинг тақдириломон моҳият-мақсадларига жавоб беролмаслигини, агар таълим-тарбия тизими тубдан ўзгартирилмаса, ўсиб келаётган авлодга нисбатан биз хоинлик қилган бўламиз, деган ишончга келди. Лекин уни қандай қилиб, қандай мазмунда ўзгартириш лозим? Саволга амалий жавоб сифатида Президент Кадрлар тайёрлашнинг янги Миллий дастурини ишлаб чиқишни тавсия этди. Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон мактаб битирувчиси эмас, балки инсоният томонидан тўпланган бой моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштирган, мустақил фикрлаб, ҳар томонлама мустақил қарорлар қабул қилишга қодир эркин, комил инсонни тарбиялашни бош мақсад қилиб олиш лозимлиги таъкидланди.

Иккинчидан, барча жабҳалардаги сингари таълим-тарбия соҳасида ҳам давлатнинг бош ислохотчилик роли аниқ белгилаб олинди. Давлат таълим-тарбия жабҳаси билан боғлиқ туб ислоҳий янгиланишлар ташаббускори ва амалиётчисига айланиб, таълим-тарбия масалаларини ўзининг бош сиёсати, деб билди.

Учинчидан, мустақил давлат ўз Асосий Қонунини ихтиро қилиб, унда таълим-тарбиянинг конституциявий асослари ҳамда умуминсоний мақом-моҳиятини ҳуқуқий белгилаб берди.

Тўртинчидан, Конституция ва «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида таълим-тарбия тизими ҳамда мақомини ташки-

лий жиҳатдан янгидан белгилашга киришилди. Янги ўқув даргоҳлари юзага келди, кўпгина педагогика ва техника институтлари университетларга айлантирилди ва ҳ.к. Таълим-тарбия босқичма-босқич тубдан ислоҳ қилина бошланди.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рўй бериши муқаррар ижтимоий ларзаларнинг олди олинди: таълим-тарбия муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Олтинчидан, таълим тизимида ташкилий-таркибий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юзага келди. Вазирликларнинг ташкилий таркиби такомиллаштирилди.

Ана шу тариқа ғоявий-мафкуравий соҳадаги каби унинг таркибий узвий қисми бўлмиш таълим тизимида ҳам ўтиш босқичида рўй бериши муқаррар бўшлиқнинг ва у билан алоқадор хавфнинг олди олинди.

Иккинчи босқич мазмун-моҳияти билан тақдириломон туб бурилиш босқичи бўлди. Аввало, таълим-тарбия тизимининг ялпи ислоҳотлари ҳуқуқий жиҳатдан мукамал мустаҳкамланди. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида янги мукамаллашган таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги ҳамда таълим тизимининг замонавий демократик **мақомини** белгилаб берган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунлари қабул қилинди (I бобда махсус таҳлил этилди).

Айнан шу иккинчи босқичда Ислом Каримовнинг сиёсий ва маърифий қарашлари, ғоялари ҳам яхлит таълимот — квинт-эссенция сифатида тўлиқ шаклланди. Йўлбошчимизнинг ушбу таълимоти биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида концептуал ифодасини топди. Нутқда Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг комил инсон таълими ва тарбияси билан боғлиқ саккизта йўналиши тугал мундарижа касб этди.

Маърифат — халқимиз, миллатимиз қонидадир.

Ислом Каримов

Аввало, баркамол авлод, баркамол насл тарбияси билан боғлиқ миллий ва башарий маърифий қадриятлар силсила-сида истиқлол шарофати ўлароқ юзага келган қулай муҳитдан фавқулодда самарали фойдаланишга қаратилган давлат зиммасидаги умумвазифа ва масъулият аниқ белгиланди:

«...Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — ... авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлиги» (Ислом Каримов) давлат ва жамият томонидан теран англаб етилди. Концептуал айтганда, кадрлар тайёрлаш муаммоси давлат сиёсати мақомига эга бўлди.

Зотан, Йўлбошчи: «Фақатгина чинакам маърифатли инсон қадрини, миллат қадриятларини, ... ўзлигини англаш эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин...»

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимотида қўйма ифодасини топган бош мақсад миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқаришдан иборат бўлди.

Ушбу мақсад йўлида иккинчи босқичда «Таълим тўғрисида»ги қонун негизида 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода ташкил этилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, аксар ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларда бўлишди.

Ўрта махсус таълим соҳасида бизнес мактаб, кичик ва ўрта мактаб учун касб-ҳунар курслари очилди, коллежлар

ташқил этилди, бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи янги мутахассисликлар (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳ. к.) киритилди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлан-тирилди. Хорижий университетлар билан ўзаро мутахас-сислар ва талабалар айирбошлаш йўлга қўйилди. Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети иш бош-лади. Турли мақомдаги ва номдаги жамғармалар («Умид», «Устоз», «Улугбек», «Соғлом авлод учун» ва бошқалар)нинг таълим-тарбия соҳасидаги ҳамкорлик фаолияти самара бера бошлади.

Энг муҳими — эски шўролар замонидан мерос таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлар ва сарқитлар-дан воз кечиш жараёни тизимли ҳамда мақсадли кеча бош-лади. Таълим-тарбия ислохотларининг етти ўлчаб, бир ке-силган яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва барча таҳси-лий-урфоний жараёнларни миллий истиқлолнинг янги ғояла-ри билан тўлиқ таъминлаш, унинг услубий-методологик асос манбаларини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Ана шу услубий-методологик асос манбалардан бири сифатида Ўзбе-кистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сиёсий-маърифий қарашлари тўлиқ шаклланиб, яхлит таълимот мақомини олди.

Босқичнинг **иккинчи йўналиши** «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак» ақи-дасига асосланди. Ислохот Каримов таълимотида ана шу мақ-саднинг рўёби билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб бер-рилди.

Учинчи йўналиш — ўрта махсус таълим тизими ва тар-кибий-ташқилий ислохотлар билан боғлиқ. Гап янги тар-кибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда билим ўқув юртларини ташқил этиш вазифаси ҳақида боради. Йўлбошчи таълимотида бу вазифа, «ўрта поғонада янги ташқил қилинаётган ўқув муассасаларининг

олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз алоқа ва муносабатларни таъминлаш ва замон талабига жавоб бериши» лозимлиги қайд этилди.

Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.

Ислом Каримов

Тўртинчи йўналиш — олий таълим ислохотларига дахлдор. Давлатимиз бошлиғи олий ўқув юртлари ислохотида яқин ўтмишдан мерос камчиликларни кескин бартараф этиш, институт ва университетларни битираётганларнинг қандай талабларга жавоб бера олишини аниқлаш, истеъдодли болаларни танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиши учун замонавий барча имкониятларни яратиш, олий ўқув юртларида қандай ҳамда неча хил мутахассислик бўйича таълим берилишини белгилаб олиш ва шу орқали давлат маблағини ажратиш, шунингдек, контракт асосида билим ҳамда мутахассисликка эга бўлишни аниқ режалаштириш, ўқув даргоҳларининг замонавий шакл-қиёфаси, таркиби, моддий базасини, ректорлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг моддий таъминотини яхшилаш, ўқув дастурларини замонавий талабларга мослаштириш ва таҳсил амалиётига жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни тезроқ ҳал этиш вазифаларини қўйди. Бунинг учун, жумладан, олий таълим муассасаларининг хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига чет эл йирик илмий марказлари ҳамда университетларининг профессорларини жалб қилиш, етук савияли профессор-ўқитувчиларни четда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этиб («Умид» жамғармаси), Ўзбекистон олимларининг дунёнинг донгдор университетларида маърузалар ўқишини таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Бешинчи йўналишда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш дастурининг уч босқичдан иборат яхлит концепцияси ва ҳар босқичнинг ўзига хос мақоми-ю вазифалари белгилаб берилган. Энг муҳими, ана шу йўналишда Ислом

Каримов сиёсий-маърифий қарашларининг қаймоғи — квинтэссенцияси тугал таълимот мақомида намоён бўлди. Президент таълимотида илк бор умумлашма ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг қуйидаги умумлашган ўнта асосий тамойиллари белгилаб берилди:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболлини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур. Токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

— ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларини, биринчи навбатда, умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

- кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ҳамда олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

- қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ҳамда ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларини белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини-ўзи бошқариш усулларини жорий этиш. «Табиийки, — деб таъкидлайди Йўлбошчи, — бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади».

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир.

Ислом Каримов

Дарҳақиқат, бундай мураккаб вазифалар ижроси давлат ҳамда жамиятнинг масъулиятини фавқулодда ошириб юборади. Ўзбекистон ўз Йўлбошчиси таълимоти самараси бўлган давлатнинг бош ислохотчилик тамойилидан келиб чиққани ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштиришда давлатни, жамиятни конституциявий кафил қилди. Айнан давлат, жамият юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирди, уйғунлаштирмоқда.

Узлуксиз таълим тизими, уни жаҳон талаблари даражасидаги давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари, дарслик ҳамда қўлланмалар билан таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди. Ислом Каримов умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузилишини мақсадга мувофиқ, деб топди. Айни пайтда, ўрта махсус билим (лицей) ва касб-ҳунар таълими (коллеж), олий мутахассислик таълими (бакалаврлик ва магистратура), аспирантура, докторантура ҳамда қўшимча касбий таълим (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) тизимлари белгиланди.

Олтинчи йўналиш — болаларимизнинг жисмоний ва ақлий етуқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни 6-7 ёшдан биринчи синфга ўқишга қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади.

Еттинчи йўналиш — энг оғир, мураккаб ва ўта нозик масала — уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш, унинг

мазмун-моҳиятини аниқлаб олишга қаратилган. Ислоом Каримов таълимотига кўра, ўрта махсус билим юртлари (академик лицейлар) биринчи турдаги, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари (коллежлар) иккинчи турдаги билим муассасалари бўлиши мақсадга мувофиқ келади. Ана шу тариқа ўқувчиларга 12 йиллик умумий ҳамда ўрта махсус таълим бериш тизими юзага келди ва у давлат томонидан кафолатланди.

Сўнгги саккизинчи йўналиш — Миллий дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва харажатлар ҳажми ҳамда манбалари билан боғлиқ.

Маълум бўляптики, Ислоом Каримовнинг сиёсий-маърифий таълимотида таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлашнинг барча жиҳатлари муштарак ифодасини топган. Бу Йўлбошчи таълимотининг аниқ концептуал назарий-амалий яхлитликда тўла шаклланиши исботи бўлди.

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимоти ғоялари Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонуни мундарижасида теран ҳуқуқий ифодасини топди. Шу маънода давлат бошлигининг таълимоти ва қонун Ислоом Каримов сиёсий-маърифий фалсафасининг кашфиёти бўлди.

Модель воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб, тараннум этишга эришамиз.

Ислоом Каримов

Даъвомизга асос бўлиб, Йўлбошчининг Миллий дастур тўғрисидаги қонуннинг ташаббускори, ташкилотчиси ва ижрочиси сифатидаги факт хизмат қилади. Дарҳақиқат, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва унга асосланган Миллий таълим модели бевосита Ислоом Каримов ташаббусидир. Бу ҳақда у бот-бот гапиргани, жамиятда таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳга муҳтожлиги, бусиз Ўзбекистон ўз миллий тараққиётининг янги жаҳоний сифат босқичига кўтарила олмаслиги ҳақидаги куюнчаклиги бежиз бўлмаган эди.

Таълим ислоҳи гоёси — фикрининг юзага келганидан тортиб, то унинг якуний ижросигача бўлган барча жараён давлат бошлигининг бевосита назоратида бўлди. Қонун устида бутун жамият қарийб бир йил ишлади. Президентнинг шахсан эътирофига кўра, саккиз ой давомида унинг ўзи қонуннинг ҳар бир моддаси устида қайта-қайта ишлади, қўшимчалар қилди, ўзгартиришлар киритди. Айнан шу сабаб Миллий дастурни Каримов «ноу-хау»си, деб аташ мутлақо объектив одилликдир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари биринчи бобда таҳлил этилгани учун уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти силсиласида ўрганилади.

Президент қатор асарларида, хусусан, «Тафаккур» журнали беш муҳаррирининг саволларига «Жамиятимиз мафкураси халқни—халқ, миллатни—миллат қилишга хизмат этсин», деган жавобида Миллий дастурни ишлаб чиқиш жараёнлари ҳақида тўхталаркан, бу борадаги оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бошқаришга бел боғланганлигини эътироф этади. «Ишончим комил, — дейди Йўлбошчимиз, — агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз».

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимотида олға сурилган бу гоё-мақсад моҳияти нимада?

Жавоб давлат бошлиғи таълимотида мавжуд.

Унга кўра:

Биринчидан, Миллий дастур ҳамда у билан боғлиқ расмий ҳужжатларда (жумладан, «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа фармонлар, қарорлар) назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда, бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто, ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

Ислом Каримов

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали, аввало, ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу гоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқ-

лар, ҳавойи ишоралар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча, ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ҳамда халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини, ҳатто, тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. И.А.Каримов «портлаш эффементи», деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутади.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **Вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади.** Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш, нафақат, бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг қўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

«Биз, — дейди Йўлбошчи, — бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсон-

ларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмай-
миз.**

Ислом Каримов

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб, тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «**Куч — адолатда**» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «**Куч — билим ва тафаккурда**», деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушxabарни эшитиб, худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳ-

лиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бутун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор».

Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти туб моҳияти билан таълим ва унинг тизимини демократлаштириш гоёлари йиғиндисидан иборат. Таълимнинг узлуксизлиги, мажбурийлиги ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асос-негизлари айнан демократик мазмун-мундарижаси билан эътиборли. Ҳар бир ёш ўзи истаган касбни танлаш, ўз тақдирини муайян соҳа билан боғлаш ҳуқуқига эга. Бу борада давлатнинг ўз ижтимоий мажбуриятини бажариши қонун йўли билан белгиланган. Давлатнинг ижтимоий мажбурияти эса фарзанд тарбияси, фарзанд маърифати, яъни ёшларга энг зарур билимларни бериш, уларни замонавий илғор таълим билан қуроллантиришдан иборатдир. Ягона истиқбол нажоти бўлмиш бу шарафли йўл фақатгина таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишнинггина эмас, уни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлашни ҳам тақозо этади. Ўзбекистонда жорий этилган ўн икки йиллик узлуксиз таълим мажбурий таълимдир. Олий ўқув юрти талабаларининг бир қисми давлат ҳисобидан таҳсил олиши кафолатланган. Бу — бир томони. Иккинчи жиҳати — таълим соҳасида сарфланадиган сармоянинг ҳаммаси давлат зиммасида эканлиги. Рақамларга мурожаат қилайлик: таълимга ички ялпи маҳсулотдан 1997 йилда — 7,6%, 1999 йилда — 10,2%, 2000 йилда — 11,2%, 2001 йилда — унданда ортиқ маблағ ажратилди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилган сармоя 36%га яқин. Биргина хорижий олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр дипломларини олиш учун таҳсил олаётган ёшларга ҳар йили давлат бюджетидан 17-18 миллион доллар сарфланяпти.

Маблағнинг ҳаммаси таълим тизимини ташкилий-таркибий жиҳатдан янгидан ташкил этишга, ислохотларни чуқурлаштириш ва самарали бўлишга, кадрлар тайёрлаш дасту-

рини, таълимнинг миллий моделини янада мукаммаллаштиришга, мақсадга собитқадамлик билан эришишга йўналтирилган.

Маълумки, қадим замонларда буюк аждодларимиз жаҳон маънавият осмонида чарақлаган юлдуз янглиғ оламга маърифат нури таратиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган бўлсалар, XXI асрда ҳам ёшларимиз орасидан юксак маърифатли бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синологлар, улуғбеклар, навоийлар етишиб чиқишига умидвормиз.

Бунинг учун фақат янги жамият ва мустақилликни мустаҳкамлаб, ёшларимизнинг онгига миллий мафкура гоъларини сингдириб, таълим-тарбия тизимимизни тубдан ислоҳ қилишимиз шарт. Зеро, XXI аср маърифат асри бўлиши табиий.

«Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда, — дейди Ислом Каримов, — маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синологлар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди».

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, у таълим масаласига тор, ёлғиз маърифий-таҳсилий нуқтаи назардангина ёндашмайди. Таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлар ва гоълар жамият ҳаётининг бар-

ча соҳалари билан бевосита боғлиқ ҳолда талқин этилади. Зотан, инсон, давлат ва жамият фаолиятининг бирор жиҳати йўқки, у бевосита таълим билан, маърифат, тарбия билан алоқадор бўлмаса. Масалага ана шундай мажмуий ва концептуал типологик яхлит ёндашув таълим-тарбиянинг яна бир бор фавқулодда тақдириломон мақом касб этиш қонунияти билан боғлиқ. Шу боис муҳокама этилаётган масаланинг мавзуси ва хусусиятидан қатъи назар, деярли ҳар бир йиғилишда, Олий Мажлис сессияларида, турли учрашув ва суҳбатларда Ислом Каримов эътиборни, жумладан, баркамол авлод тарбиясига, таълим ислоҳотлари жараёнларига, натижа ҳамда самараларига, олдинда турган ҳал қилиниши муқаррар вазифаларга қаратади, бу борадаги истиқболли янги ғояларни ўртага ташлайди (жумладан, 2002 йил 18 июлда Вазирлар Маҳкамасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2002 йилнинг биринчи ярми якунлари ва иккинчи ярми вазифаларига бағишланган мажлисда).

Ислом Каримов таълимотида таълим-тарбия мафкуравий жараён сифатида талқин этилади.

Ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш мумкин.

Ислом Каримов

Миллий истиқлол мафкурасининг асл мазмунини янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи мустақил инсонни тарбиялаш, деб белгилаган Ўзбекистон Президенти унинг вазифалари сирасига, жумладан, онгимизга маърифат туйғуларини сингдиришдек олижаноб мақсад мавжудлигини таъкидлайди.

Ушбу мақсад йўлида эътибор таълим-тарбия ислоҳотлари босқич ҳамда жараёнларини миллий истиқлол ғоялари билан теран таъминлашга қаратилади.

Зотан, Йўлбошчининг комил ишончича, таълим-тарбия соҳасидаги туб ижобий ўзгаришлар истиқлолча соғлом ғоялар билан йўғрилган тақдирдагина кутилган самарасини, яъни «портлаш эффекти»ни беради. Инсон, авваламбор, ёшлар

онгига, унинг дунёқарашига соғлом таъсиргина, маърифатгина фикр қарамлигига, тафаккур қуллигига, манқуртликка, демак, жаҳолатга чек қўя олади. Бугунги кунда эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан кўра шиддатли тус олган, ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги ғоя ҳамда фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувларга, оммавий қиргинларга, беҳисоб қайғу-кулфатларга солаётган долғали даврда дунёни фақат ва фақат соғлом ғоялар маърифатигина қутқаради, холос.

Айнан маърифат ягона умумнажот, ягона цивилизация, демак, аниқ истиқболдир!

Дарҳақиқат, мафкуравий бўшлиқ, ғоявий ночорлик, энг аввало, маърифий бўшлиқ ва ночорлик аломатидир. Маърифатли миллат, маърифатли давлат ва жамиятда ҳеч қачон шундай бўшлиққа йўл қўйилмайди.

Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти, авваламбор, ана шу мумтоз ва ибратли ҳақиқати билан мўътабар.

Йўлбошчи сиёсий қарашлари, мафкуравий-маърифий таълимотида собиқ ҳукмрон сохта ғоялар аросатидан, онгдаги қуллик, мутелик, фикрсизликдан тезроқ халос бўлиш миллатни миллий камолотнинг маърифий жаҳоний кенгликларига олиб чиқувчи ишончли омили эканлиги яна бир бор исботланган. Зотан, Президентнинг комил ишончига кўра, ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши фақат маърифат билангина баҳсга киришиш, олишиш ва фолиб чиқиш мумкин, холос.

Давлат бошлиғи таълимотидаги янги қарашлар, ғоялардан жамият қандай фойдаланмоқда? Жумладан, Президентнинг сўзлари билан айтганда, «ёт ғояга қарши курашда биз ўз олижаноб ғоямиздан қандай фойдаланаямиз?

Хусусан, мактабларда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга биз қандай қарши чиқмоқдамиз? Ва бунда нимани, қандай ғояларни ўзимизга қурол қилиб олмоқдамиз?

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

Ислом Каримов

Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири — бу одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши зарур. Яъни фикрга қарши фикр бўлиши керак. Мени кўпроқ безовта қилаётган нарса ҳам шу. Бу борада қайси мактабда, қайси олий ўқув юртида қандай тажрибалар бор? Ёшларимизни эркин фикрлашга, баҳслашишга ўргатяпмизми?

Учинчи масала — жаҳолатга қарши маърифат. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур, деб ўйлайман. Уларнинг мероси бугун қайси дарсликка қай даражада киритилган, қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми, биз истаётган миллий ғурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми?

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 550 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, яъни зиё таратмоқда. Беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўйлашимиз, ёшларимизнинг бахтли келажаги учун қайғуришимиз, ёш наслимизни миллий ғоя ва миллий мафкура билан қуроллантиришимиз керакми-йўқми?”

Ғояга қарши ғояни, фикрга қарши фикрни, жаҳолатга қарши маърифатни қарши қўйиш учун жамиятда истиқлолча янги онг, тафаккур, маърифат маданияти тарбияланиб, тўла шакллангани ҳолдагина, шахс «Мен» ҳолатига, яъни ўзлигига қайтганидагина, ўзида мафкуравий иммунитетни ҳис қилади, вайронкорлик ғояларини қатъий рад этгани баробарида бунёдкорлик ғоялари эгаси сифатида ядро полигонлариданда қудратли куч ҳисобланган мафкура полигонларида маъри-

фий соғлом фаолият кўрсатиш неъматига эга бўлади. Президент фармойиши билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани айнан ана шундай сиёсий-маърифий мақсадда ўқув режаларига махсус киритилди.

Ислом Каримов сиёсий-ғоявий таълимоти билан сиёсий-маърифий таълимоти узвийлигини таъминловчи яна бир омил — бу жамиятда теран сиёсий, юксак ғоявий-мафкуравий ва ҳуқуқий маърифат тарбиясидир. Таълим-тарбия бу тизимда ҳал қилувчи бош омил, умуман, ҳамма жабҳа ва соҳалар учун муштарак бўлган умуммажмуий яхлит қадрият, ягона моҳият мақомини касб этади. Ислом Каримов таълимоти ана шу тариқа табиий универсал феномени билан мўътабарлашади.

Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан — астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади.

Ислом Каримов

Таълим-тарбияга Ислом Каримов узлуксиз жонли ижодий жараён, мураккаб ҳодиса сифатида ёндашади. Шу боис таълимнинг чеки-чегараси йўқ. «Бешикдан қабргача илм изла» ҳақиқати моҳияти ҳам шунда. Демак, тарбия каби таълим соҳаси ислоҳотларининг ҳам чегараси, поёни йўқ. Таълим-тарбия ҳаётнинг мангу абадий ҳамроҳи, мураббий ва бунёдкоридир. Йўлбошчи ўз таълимотида айнан ана шу қонуниятга асосланади: «Токи, — деб ёзади Юртбоши, — ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди».

Демак, ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланиб, тарзида ташкил топиб, тарих ва замон воқеаларининг фаол иштирокчисига айланар экан, унинг жаҳон цивилизацияси олди-

даги ёки ўз мамлакатадаги мавқеи ҳамда обрў-эътибори доимо шу миллатнинг салоҳияти — ақлий, маънавий потенциалига боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки миллатни миллат қиладиган, унинг номини тарих саҳифаларига муҳрлайдиган асосий куч — халқ ва унинг маънавий-маърифий салоҳият потенциалидир. Бу маънавий-маърифий салоҳият потенциални рўёбга чиқариш ва ривожлантириш мамлакатимиз олдидаги муҳим масала ҳисобланади. Шу сабаб ҳам маърифий-маънавий юксалишнинг асоси бўлган илм-фанга давлат ўз сиёсатининг ўзаги, деб қаради. Ислом Каримов таълимотида ҳам илм - фанга нисбатан шундай қараш устувор. Президентнинг сиёсий-маърифий, илмий-назарий қарашларида оила — мактаб — олий таълим — фан — ишлаб чиқариш тизими таълим — фан — давлат ва жамият иерархияси уйғунлигида табиий муштараклашган. Таълимнинг илм-фан билан яхлитлиги Ислом Каримов сиёсий-маърифий қарашларининг бош фалсафасига айлангани сабабини айнан ана шу муштарак уйғунлик диалектикасидан ва амалиётдан излаш мантиқлидир (Таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан алоқаси III бобда ёритилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва раҳнамолигида, бевосита унинг шаклланиб бўлган сиёсий-маърифий таълимоти асосида ишлаб чиқилган янгича таълим модели, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилингани негизида бошланган ислоҳот замонавий жаҳоний урфоний тажрибалар билан, миллий таҳсилнинг тарихий ва замонавий сабоқлари уйғунлиги концепцияси билан мумтозлигини ҳаёт бот-бот исботламоқда.

Илму тафаккур — кишини эзгуликка бошлайдиган беқиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда баркамол, ташкилотчи ва зукко кадрларни тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Ислом Каримов

Ўзбекистон таълим модели давр, истиқбол кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ давлат сиёсати унинг амалиёт олдига қўйган талабларга, даъватларга тўлиқ жавоб бераётганини жумлаи жаҳон кўриб, ибрат олиб турибди.

Ислом Каримов таълимотининг миллий-умумжаҳоний кадрияти, аввало, ана шу дунёвий ҳақиқатда бўлди. Бу аксиома, айни пайтда, Миллий дастурнинг дастлабки босқичи яқунлари, тўлиқ ижроси самаралари маҳсули ҳамдир.

Таълим-тарбия тизимининг биринчи сифат босқичи натижалари ана шундай бўлди. Босқич хулосаси яхлит ҳолда икки бош яқун-кашфиёт билан мўътабарлашади. **Биринчиси** — Ислом Каримов сиёсий ва маърифий ғоя, қарашлари яхлит таълимот сифатида тўлиқ шакллангани, **иккинчиси** — шу таълимот асосида юзага келган таълим тизими ислохотларининг янги ҳуқуқий базаси яратилгани, **учинчиси** — кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бошлангани-ю дастлабки ибратомуз аниқ ютуқларида, **тўртинчиси** — таълим-тарбия туб ислохотлари давлат сиёсатининг тақдириломон, ортга қайтмас, истиқболли сиёсатига, миллий тараққиётни таъминловчи устувор йўналишга айланганлигида бўлди. Маърифий-тарбиявий ислохотлар ўзининг иккинчи янги сифат босқичига қадам қўйиб, унда белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси таъминланила бошланди.

Таълим соҳаси ислохотларининг иккинчи ҳал қилувчи босқичи бошланди. Унга ибтидо бўлиб, Миллий дастурнинг 2001-2005 йилларга белгиланган иккинчи босқичи хизмат қилмоқда.

Иккинчи ва учинчи босқичнинг методологик-услубий асоси бўлиб Ислом Каримов сиёсий таълимотининг инкишофи ҳисобланмиш жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш фалсафаси хизмат қилади.

Президент «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деган дастурий асарида Ўзбекистоннинг XX аср охири, XXI аср бошлари стратегик тараққиётини белгилаб берди, унинг олти устувор йўналишдан иборат концепциясини тақдим этди. Эркин фикрлаш имконини бериши муқаррар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарадор-

лигини янада ошириш, Ўзбекистон жамиятини миллий камолотнинг янги цивилизациялашган босқичига олиб чиқиш орқали дунёвий бўю бастимизни, қаддимизни баланд кўтаришга сафарбар эркинлаштириш ғояси бевосита маърифий маданиятни фавқулудда юксалтириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Олти устувор стратегик йўналишдан биттаси қилиб бевосита кадрлар масаласи қўйилди. Дарҳақиқат, «Биз, — деб таъкидлади Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида, — олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охиरोқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўз ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур».

Ана шу устувор йўналиш туб моҳияти билан аслида Миллий дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи босқичларига бевосита дахлдор. Яъни дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга ошириш, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инobatга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига зарур ўзгартиришлар киритилишига, босқичларда тўпланган мавжуд тажрибаларни таҳлилий умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳисоби-га кадрлар тайёрлаш тизимини мукамал такомиллаштириш, ижодий-ташкилий жиҳатдан изчил ривожлантириш — бош вазифа қилиб белгиланди.

Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч.

Ислом Каримов

Вазифа ижролари билан боғлиқ йўл-йўриқлар, аниқ чоратадбирлар Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг янги назарий-амалий кашфиёти бўлди.

Кашфиётларнинг сиёсий-маърифий фалсафаси Ислом Каримов таълимотининг ўзаги, яъни Йўлбошчининг маърифатга миллий тараққиёт асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч, ягона нажот, деб қарашидир. Юксак маънавиятли, теран ақл-заковатли кишилар тарбиясигина буюк мақсадлар, фаровонлик ва истиқбол омилидир. Ёшлар таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида қаралгани, уларда миллий ватанпарварлик руҳини тарбиялаш бош мақсадга айлангани сабаби ана шунда. Ушбу ҳақиқатда Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг инсонпарвар моҳияти мужассам. Йўлбошчининг комил эътиқодига кўра, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш баркамол фозил инсон, демократик фозил жамият, маърифий фозил давлат кафолатидир.

Вазифалар режадагидек амалга оширилмоқда. «Буюк тарих ва маданият юртининг фарзандлари» (И.А.Каримов) юксак маърифат ва улкан салоҳият сари бел боғлашган. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаш миллий хусусияти бўлган ўзбек, Ўзбекистон улкан ақлий интеллектуал қудрати билан ўз қадрини, қадриятларини, ўзлигини англашдек саодатга эришмоқда, эркин ва озод жамиятда яшаш. мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятида мос ва хос ўрнини қонуний эгаллаш учун фавқуллодда фидоийлик, жасорат ибратини кўрсатмоқда, янги цивилизацияга эришмоқда.

2002 йил 18 июлда Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасидаги «2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида»ги «Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин» маърузасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо бериб, қўйидагиларни таъкидлади:

«Ҳақиқатан ҳам, бу масалада кўп иш қилинмоқда. Шулар қаторида энг асосийси — қисқа вақт ичида мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган, 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди.

Республикаимизда 20 та туман ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўла жалб этишига эришилгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Шунингдек, янги авлод дарсликлари тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Мамлакатимизнинг 56 та олий ўқув юртида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Аmmo мавжуд аҳволнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатадики, барча бўйиндаги раҳбарларнинг ҳисоботларида, жумладан, кўплаб оммавий ахборат воситаларида ёзилаётганидек, бу соҳада ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Мен биринчи галда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишига топириш борасидаги ишларнинг аҳволини мутлақо қониқарсиз, деб баҳолаган бўлур эдим.

Хусусан, 2001 йили фойдаланишига топирилиши режалаштирилган объектларнинг бир қисми ишга туширилмади. Бу борада ажратилган капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш Бухоро вилоятида 51, Навоий вилоятида 53, Самарқанд вилоятида 60, Тошкент вилоятида 50,6 ва Тошкент шаҳрида эса атиги 35 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни изоҳлаб ўтиришига ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Лицей ва коллежларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳам жуда кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, қурилиш учун тендер савдолари ўтказилиш тартибларининг

бузилишига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай номақбул ҳолатлар Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида учрамоқда ва қурилайётган иншоотлар қийматининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозиргача кўплаб уюшма ва концернларда коллежларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалда бошланган эмас. Қолбуки, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси 5 та, «Ўзавтосаноат» ва «Ўзозиковқатсаноат» уюшмалари иккитадан ана шундай иншоотларни барпо этиши керак. Бу камчиликлар «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзмеvasабзавот-узумсаноат-холдинг» компаниялари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига ҳам тааллуқлидир.

Айниқса, янgidан барпо этилаётган коллежларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ҳукуматимиз бу мақсадлар учун зарур маблағларни излаб топмоқда, хорижий кредитларни жалб этмоқда. Айни пайтда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш, жумладан, ўқув-лаборатория ускуналарини ўзимиздаги корхоналаримизда тайёрлашни йўлга қўйиш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Масалан, «Ўзэлтехсаноат» «Ўзавтосаноат», «Ўзагромаш-сервис» уюшмалари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти, Мотор заводи ва Агрегат заводи каби корхоналарда ҳали ҳам ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича аниқ чоратадбирлар кўрилмаган.

Педагог кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги курслар, факультетлар, марказлар ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларининг сифат таркиби, моддий-техникавий ва ўқув-услубий базаси Миллий дастур талаблари даражасига мувофиқ эмас.

Бу борадаги яна бир муҳим масала, яъни касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини жадал-

лаштириш лозим. Ўзингиз ўйланг, шу пайтга қадар коллежлар учун мўлжалланган 291 та мутахассисликдан фақат 145 таси бўйича мана шундай стандартлар ишлаб чиқилгани ва синовдан ўтказилаётганини қониқарли, деб баҳолаш мумкинми?

Ўрта таълим ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларини янги ўқув адабиётлари, айниқса, умумий касб-ҳунар ва махсус фанлар бўйича дарсликлар билан таъминлаш ишлари ҳам орқада қолмоқда. Ўқув дастурларига мувофиқ умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари учун зарур бўлган 672 номдаги дарсликдан бугунги кунда 492 таси нашр этилгани бунга яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, бу борада махсус «Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» ишлаб чиқилган. Масалани тўғри ҳал этиш учун барча турдаги ўқув адабиётлари ана шу концепцияда баён этилган талаб ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда тайёрланиши керак.

Ўйлайманки, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни сўзсиз бажаришнинг нақадар муҳимлигини, унинг давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик масала эканини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бунга барчамиз, биринчи галда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, буюртмачи ва пудратчилар, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари яна бир марта чуқур англаб олишлари зарур.

Бу вазифаларни адо этиш ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги, келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажиги учун ёниб яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини, деб англайдиган ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис бунга доимо ёдда тутиши ва ана шу эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф ва ифтихор, деб билиши лозим».

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий фалсафасининг квинтэссенцияси бўлмиш «Куч — билим ва тафаккурда» шио-

ри-даъвати яхлит концептуал мундарижаси ҳамда умуминсоний тамаддун моҳияти дунёни ҳайратга солди. Умумэътирофга кўра, Ўзбекистон таълим тизими Фарбдаги энг илғор моделлардан қолишмайди.

Бир қанча халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини Ўрта Осиёдаги энг яхши тизим, деб эътироф этдилар. Баъзилар бундан ҳам ошириб, у МДХдаги энг яхши тизим демоқда. Дунё амалиётида бу моделнинг ўхшаши йўқлиги ва ноёблиги, амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўламдорлиги ва теранлиги таъкидланмоқда (бу – Керолайн Бишоп, Бен Элрод, Уильям Р.О., Брайн, Маклин Ньютон, Ф.Фанфанелли каби мутахассислар фикри).

Менинг назаримда, Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга Ислом Каримовнинг 1999 йил ноябрида Хитойга қилган давлат ташрифи чоғида энг юқори баҳо берилди. Ўшанда Хитой томонининг ташаббуси билан Ўзбекистондаги тегишли ўрта ва олий таълим усулларидан Хитойда фойдаланиш хусусида битимлар имзоланди. Хитойликларнинг ҳар қандай ҳодисани реал ва аниқ баҳолаши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Айни пайтда, жуда кўплаб ривожланаётган давлатлар, жумладан, Россияга ўхшаш МДХ мамлакатлари учун ҳам ўзига хос ибрат дастури бўлиб хизмат қилаётгани Ўзбекистон таълим-тарбия сиёсатининг намуналигини, истиқболлигини намойиш этмоқда. Давлатимиз бошлигининг таълим назарияси ва амалиётига қўшган шахсан беназир ҳиссаси учун Ўзбекистон Фанлар академияси уни академикликка, шунингдек, АҚШдаги Индустрия, таълим ва саноат Халқаро Фанлар академиясининг фахрий аъзолигига, Сеул, Қоҳира, Боку, Деҳли университетларининг фахрий фан докторлигига, Россия Федерацияси Авиация ва ҳавода сузиш академиясининг академиклигига, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети фахрий профессорлигига, Олий мактаб Халқаро академиясининг фахрий академиклигига, Г.П.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг фахрий докторлигига сайланиши, яқинда Япониядаги Васеда университетининг фахрий Олтин медали ва фахрий доктори унво-

ни билан тақдирлангани, мамлакатимиз олий ўқув юртлари билан илмий-ижодий алоқалар ўрнатишиб, молиявий ва бошқа ёрдамларини аяшмаётгани, ўз филиалларини очишаётгани фикримиз исботидир. Жуда кўплаб йирик мутахассисларнинг, жаҳоннинг етакчи университетлари, халқаро академиялар раҳбарларининг Ўзбекистон таълими тажрибаларини иждоий ўрганишиб, унинг ибратли жиҳатларини ўзлаштиришаётганига ўнлаб мисоллар келтирса бўлади. Мана шулардан бири — Олий мактаб Халқаро фанлар академияси президенти академик **Валентин Шукшуновнинг** 2002 йил 5 январда «Труд» газетасида «Президент Ислон Каримовнинг “ноу-хау” си мақоласи — расмий эътирофи:

«Бир неча муддат аввал Олий мактаб Халқаро фанлар академияси президиумининг иродасига кўра, фахрли вазифа топширилди — мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга Фахрий академик дипломини ва тегишли атрибутларини топширдим.

Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндашишни тақозо қилмоқда.

Ислон Каримов

Президентга бу унвон таълим тизимининг назарияси ва амалиётига кўшган фундаментал шахсий ҳиссаси, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий ислоҳотидаги хизматлари учун берилди. Дунёнинг бирор мамлакатида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, мазкур муаммони ҳал қилишга янгича илмий жиҳатдан ёндашиш, бундай кенг кўламли дастурга давлат бошлиғи раҳбарлик қилиши учрамайди.

Кейинги пайтларда биз Ўзбекистонда маънавият, ахлоқ-одоб масалаларига кенг эътибор берилаётганлиги ва ҳаётга жадал татбиқ этилаётганлиги ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз. Эндиликда эса буни амалда кўриш имконига эга бўлдик.

Уларнинг шаклланиши ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларни чуқурроқ ўзлаштириш, жамият олдида турган муҳим муаммоларни ҳал қилиш, нафақат мутахассисни, балки шахсни тарбиялаш имконини беради. Биз ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятини тушунаёймиз.

«Ислоҳотлар сиёсати» тушунчаси дунёнинг турли мамлакатларида, айниқса, МДХ мамлакатларида кенг қўлланмоқда. Бироқ унинг дастлабки маъноси ўзгариб кетди. Ҳозирги кунгача ислоҳотларнинг моҳияти фуқаролар ҳаётини яхшилаш эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Шу сабабдан Ўзбекистондаги «Ислоҳотлар инсон учун» шиори, бизнингча, объектив реалликдир.

Президент Ислон Каримов демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий тамойилларини белгилаб берар экан, таълим тизимининг ривожланиши ва ёш авлодни тарбиялаш энг муҳим устувор йўналиш эканлигини таъкидлади. Иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳадаги барча ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг фаровонлигидир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосида мана шу тамойил ётади.

Буюк келажак сари интилишда ва Президент Ислон Каримовнинг ислоҳот соҳасидаги фаолияти туфайли инсон шахсини тан олишга, қонунлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига йўналтирилган тадбирлар тарихан ўз-ўзини оқлайди.

Қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ўзининг кенг кўламлилиги ва моҳиятига кўра, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг, давлатнинг ва жамиятнинг ижодий тараққиётини таъминлайди.

Дастур, нафақат, таълим соҳасини яхшилаш ва юқори малякали мутахассисларни тарбиялашга, балки мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгартиришга доир йирик ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга, жамият имкониятларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Яқинда сиёсий мустақилликка эришганига қарамасдан, Ўзбекистонда таълим тизими қадимий анъаналарга эга. Дунё

маданияти маърифатпарварларининг «Олтин фонди»да, буюк олимлар қаторида Шарқ мутафаккирларининг ўз ўрни бор. Булар Улугбек, Ибн Сино, ал-Форобий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бериий ва бошқалардир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизими-га янги давлат таълим андозалари жорий этилмоқда. Уларда мутахассисларга қўйиладиган интеллектуал, маънавий-ахлоқий, фундаментал илмий ва касбий малакалар белги-ланган, шахс ва жамиятнинг бирлиги қайд этилган.

Икки йил ичида Ўзбекистоннинг турли вилоятларида за-монавий жиҳозланган 250 га яқин академик лицей ва касб-хунар коллежлари ташкил этилди. Мен қатор янги таълим муассасаларида бўлиб, уларда энг илғор технологиялар, энг янги педагогик усуллар қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Ёш ўқитувчилар ва раҳбарлар яхши таассурот қол-дирди. Масалан, Тошкент қурилиш коллежи директори тех-ника фанлари доктори экан.

Айнан академик лицейлар ва техник коллежлар анъана-вий ўқув муассасалари билан биргаликда таълим тизими-нинг узлуксизлигини таъминлайди.

Тошкент ва Бухорода кўрганларим ўзининг динамизми, мутахассислар тайёрлаш сифати билан мени ҳайрон қол-дирди. Ҳа, Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, ўзига хос таълим «Маккаси» бўлиб қолди. Бу ерда кўп нарсани ўрганиш, кўриш, бошқа мамлакатлар миллий таълим тизимларида муваф-фақиятли қўллаш мумкин.

Республикада иқтидорли болалар ва ёшларни чет элда тайёрлаш бўйича фаолият амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус «Умид» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда кўплаб ўзбекистонлик талабалар чет элнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Махсус ташкил этил-ган «Устоз» жамғармаси ёш ўқитувчиларнинг чет элларда таълим олишига ёрдам беради.

Олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртларида АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг етакчи профессорлари дарс бермоқда.

Ўзбекистонда 1998 йилда таълимга сарфланган харажат-лар ялпи ички маҳсулотнинг 7,6 фоизини, 1999 йилда эса 8,1

фоизини ташкил этди. Дунёнинг айрим мамлакатларигина бундай кўрсаткичларга эга. Менимча, келтирилган рақамларнинг ўзи кифоя. Чунки бу объектив ҳақиқатдир.

Президент ўз китоблари, мақолалари, нутқларида таълимнинг устуворлигини, уни демократлаштириш лозимлигини таъкидлайди. Ўзбекистон таълимнинг ижтимоийлаштирилиши тарафдоридир. Бу эса дунёнинг яхлит манзарасини, юқори маънавиятини ва дунё миқёсида фикрлашнинг шакллантирилишини тақозо этади, бошқа мамлакатлар таълим тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Тараққиёт омиллари тобора тезроқ ўз моҳиятини ва тарихий жараёнга таъсирини ўзгартирмоқда. Яқин ўн йилликларда, умумсайёра кризиси натижасида илгари маълум бўлмаган ва ниҳоятда муҳим муаммолар юзага келгач, таълим тизимини, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга аҳамият бериб, маблағ ажратаётган мамлакатлар ютади. Маълумки, собиқ СССРнинг коинотдаги ютуқларига жавобан АҚШ НАСАга кўпроқ маблағ ажратиш ўрнига, таълим тизимига ажратиладиган инвестицияларни бир неча маротаба кўпайтирди. Ишончимиз комилки, тараққиёт йўлидан олға бораётган давлатлар сафидан кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб, яхлит дастур ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этаётган Ўзбекистон Республикаси ҳам жой олади.

Олий мактабнинг Халқаро фанлар академияси жаҳон амалиёти томонидан тўпланган миллий таълим тизимлари тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб, фойдаланар экан, шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўз аҳамиятига кўра ниҳоятда ноёб бўлиб, энг юқори халқаро талабларга жавоб беради.

Шу билан бирга, қуйидагиларни қайд этмоқчиман: Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг юритилиши, Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзига хос «ноу-хау»сидир. Бундай тажрибадан ижтимоий-иқтисодий, демографик шароити, маданий-тарихий урф-одатлари ўхшаш бўлган мамлакатлар фойдаланиши мумкин».

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ислом Каримов

Мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизими шаклланиши ва ривожининг ҳозирги уч босқичи ўзининг услубий-методологик, илмий-назарий асос-манбаларидан бири бўлган Ислом Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти (конституциявий-ҳуқуқий, тарихий-замонавий методологик асос-манбалар қаторига) негизида кутилган амалий самараларини бермоқда. Йўлбошчи ва унинг давлати, халқи орзу қилган ижобий маънодаги «портлаш эффекти» юз бера бошлади. Жараён ташкилий-ижодий жиҳатдан қизғин устуворликка кечмоқда. Жамият ўз Йўлбошчиси раҳнамолиги ва ташаббускорлиги ўлароқ, Миллий дастурни қандай қилиб янада мукамаллаштириш, қандай қилиб собитқадамликка кўзланган мақсад — «портлаш эффекти»га тўлиқ эришиш имкониятларини, имтиёзларини изламоқда. Гарчи таълим ислоҳи узоқ давом этадиган табиий ижодий жараён бўлса-да, имкониятлар топилмоқда, имтиёзларга эришилмоқда. Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг амалий ижроси ана шу тариқа истиқболлик касб этмоқда.

Таълим ислоҳоти миллатни, халқни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички кучга, ботиний қудратга, табиий эҳтиёжга айланди. Ислом Каримов таълимоти берган, бераётган ва беражак буюк неъмат ана шундай бўлди, бўлмоқда.

Ислом Каримов сиёсий-маърифий фалсафаси унинг “XXI аср маърифат асри бўлади”, деган қатъий комиллигидан келиб чиқди. Бу комиллик “фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт” ҳақиқати, “биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмай-миз” эътиқодига асослангани билан мўътабардир.

Ислоҳотлар инсон учун тамойилига асосланган ижтимоийлашган Ўзбекистон таълим демократияси, кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, жаҳонда мавжуд бўлмаган муқобилсиз ноёб тизими Ислом Каримовнинг сиёсий, илмий тафаккури натижаси, илмий мардлиги ва сиёсий-маърифий жасоратидир. Уни Ислом Каримов таълим демократияси, деб аташ адолатлидир.

Зотан, буюк давлат истиқболи, аввало, «Куч — билим ва тафаккурда!» деган ҳақиқатда.

Ислом Каримовнинг Москва Давлат университетида
сўзлаган нутқи

Ҳурматли Виктор Анатольевич!

Ҳурматли Илмий кенгаш аъзолари!

Ҳурматли дўстлар!

Сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман. Бироз ҳаяжондаман, чунки сиёсатдан узоқ ёки уни бир-мунча бошқачароқ, эҳтимол, мавҳумроқ, айтайлик, сиртдан тушунадиган кишилар ҳозир бўлган бундай анжуманларда, бундай йиғилишларда камдан-кам қатнашаман. Шунга қарамай, биз сидқидилдан ҳурмат қиладиган илмфан, маориф намояндалари бўлган кўпгина кишилар сиёсат, амал, инсонпарварлик йўлида, одилликнинг келажаги йўлида, ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлатни барпо этишнинг мақсади бўлмиш цивилизация йўлида ўтказилишидан астойдил манфаатдор эканликларига аминман.

Мен Москва Давлат университети даргоҳига келганимдан бениҳоя хурсандман, шу фурсатдан фойдаланиб, ана шу қудратли ва ноёб илм маскани, таъбир жоиз бўлса, бойлик ва саховат маскани намояндалари олдида бош эгиб таъзим қилишимни таъкидлайман. Барча мамлакатлар ва давлатлар, барча ақли расо кишилар бу масканни қадрлайдилар. Ўз номидан, қолаверса, бутун ўзбек халқи номидан Сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этаман.

Бизга юксак шараф кўрсатилди. Ўзбекистон Президенти ва унинг делегацияси Россия Федерациясида такроран давлат ташрифи даражасида қабул қилинмоқда. Бу эса бизни қувонтирибгина қолмай, айти чоғда, истиқболни кўриш учун муайян ишонч ҳам бахш этади, янги имкониятлар очади, чунки биз фарзандларимиз, янги авлоднинг келажаги, бизга ўз тақдирини ишониб топширган кишиларнинг келажагини кўзлаб яшаяпмиз. Биз муаммолар устида биргаликда ишлаш, уларни ҳал этиш йўллариини биргаликда излаш, Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам бунёд этилаётган ҳаётни биргаликда қуриш ниятидамиз.

Кеча Россия Президенти билан учрашдим. Биз норасмий вазиятда узоқ суҳбатлашдик ва жуда кўп масалаларни муҳокама қилдик. Бугун айта оламанки, Владимир Путин — Россия ҳақида жиддий ўйлайдиган, унинг истиқболлини аниқ кўриб турган Президентдир. У Россиянинг халқаро майдондаги, қолаверса, жаҳон сиёсатидаги обрў-эътиборини, тушунишимча, энг муҳими — россияликларнинг, аввало, кадр-қимматини уларнинг ўз кўз ўнгида юқори кўтаришга қаратилган сиёсатдаги обрў-эътиборини тиклаб олишини астойдил хоҳлайди. Одамлар ўз кадр-қимматини ҳурмат қилиши, тушуниши ва уни ҳимоя қилишга тайёр туриши, ҳаётни яхшилашга интилиши эса жуда муҳимдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир киши ўзини шу мамлакатнинг фуқароси, деб ҳис қилмоғи керак. Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ умумий гоё билан яшаган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эриша олишига ишончим комил...

Мана, 10 йилдирки, сизларда демократия гоҳ юқорига, гоҳ қуйига қараб, баъзан эса бошқача тарзда ривожланмоқда. Айтмоқчиманки, одамларнинг фикри ҳар хил, аммо халқ жудодик ва қурбонларга дуч келган муайян даврда улугвор гоё ва буюк мақсадгина бу ҳолатдан чиқиб олишга ёрдам беради. Бу сўзлардан ҳадиксирамаслик керак, деб ўйлайман. Улугвор гоё ва буюк мақсад, у ёки бу ҳаётий муаммоларга ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, бутун миллатни, бутун халқни бирлаштиради. Ана шундагина ҳар бир киши орзу қилган уфқларга етиб олиши мумкин. Ана шу мулоҳазаларга асосланиб, ўйлайманки, Россияни қайта тиклаш жараёни, уни тўла ҳақли бўлган мавқеларга муносиб равишда қайтариш жараёни аллақачон бошланган. Бу жараён қанча вақт талаб қилиши — иккинчи масала. Энг муҳими эса шундай мақсадлар бор ва шу мақсадлар билан яшаётган Президент ҳам бор. Унинг рейтингини, обрў-эътибори Россиянинг ўзида ҳам, айта оламанки, бизда, Ўзбекистонда ҳам жуда юқори, бу рейтингнинг пойдевори мустаҳкам бўлиб, жиддий асосларга қурилган.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мени МДУнинг фахрий профессорлигига сайлаб, юксак шарафга муяссар этганликларини учун Илмий кенгашнинг барча аъзоларига, Москва Давлат университетининг бутун раҳбариятига чин қалбимдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўйлайманки, бу шунчаки шарафгина эмас, айтиш чоғда чуқур илдизларга эга бўлган ва буюк мутафаккирларнинг, олимларнинг, жамики илму зиё аҳли тан олган жаҳонга машҳур кишиларнинг меросхўри бўлган университетнинг профессори бўлиш юксак масъулият ҳамдир.

Университет ҳозир ҳам жаҳон маданияти ва интеллектуал тафаккурининг маркази бўлиб турибди, деб ҳисоблайман ва бунда ҳеч бир муболага йўқ. Сизларни қандай муаммолар қийнаётган бўлмасин, аминманки, МДУнинг асосий маҳсули уни битириб чиққан мутахассислардир. Уларни ҳар қандай ташкилот, ҳар қандай олий ўқув юрти ёки илмий муассаса бажонидил қабул қилишга тайёр. Сизларнинг талабаларингиз, университетни битириб чиққан кишилар нақадар обрў-эътиборга эга эканлигини жуда яхши биламан. Москва Давлат университетини битириб чиққанлар Ўзбекистонда ҳам кўплигини алоҳида мамнуният билан айтгим келади. Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман, улар университетни қачон битирган бўлмасин, ҳозир ҳам МДУни битирган мутахассис деган фахрли номни муносиб сақлаб келмоқда. Ҳар қандай муассаса бундай мутахассислар билан фахрланиши мумкин, деб ўйлайман. Йиллар ўтаверади, бу илм масканини битириб чиққан кишилар қаерда бўлмасин, айтиш шу ўқув юртида таълим олганлари ва ҳаётларининг энг яхши йилларини шу даргоҳда ўтказганлари билан фахрланадилар.

Виктор Анатольевич, қадрли дўстлар, шу муносабат билан ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда ҳам сизларнинг ихлосмандларингиз жуда кўп, улар доимо сизларга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғуси билан яшайди. Шу боисдан ҳам МДУда ўқиш учун танловда қатнашадиган ёш

Ўзбекистонликларни менга таништирганларида, уларга чин дилдан шу ўқув юрти даргоҳига кирувчи номини шараф билан баланд кўтаришларини тиладим.

Мен, Виктор Анатольевич алоҳида таъкидлаган масала хусусида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда 1997 йилдаёқ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилган эди. Ҳозир амалга оширилаётган бу дастур аввалги йилларда қилинган ҳамма ишлардан хулоса чиқариб тузилган ва айни вақтда кадрлар тайёрлаш масалаларида бугунги ва айниқса эртанги ҳаётнинг талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ҳужжат эканлигини таъкидламоқчиман. СССР парчаланган энг дастлабки кунларда ўз ҳаётимизни ўзимиз қура бошлаганимизда, бошқача давлат ва жамият тузилмасини барпо этиш кераклигига, истиқбол мақсадлари ва вазифаларини кўрсатадиган бошқа дастур ишлаб чиқиш зарурлигига шахсан ўзим ва сафдошларим ишонч ҳосил қилдилар. Албатта, ҳар қандай энг олий, дастурий вазифаларни қўйиш мумкин. Аммо янгича фикрлайдиган кишилар бўлмаса, ҳатто, биз эзгу ниятлар билан қилаётган ишлар ҳам рўёбга чиқмай қолиши мумкинлигига кун сайин, тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиляпман. Бу ерда шуни рўйи-рост айтмоқчиманки, биз истиқбол режаларини тузаётганимизда, шу режаларни амалга ошира олишимиз учун қайси омиляар, қайси шарт-шароитлар бениҳоя муҳимлигини таъкидлаётганимизда мутлақо янгича фикрлайдиган, мутлақо янги ғояларни ўзига сингдириб олган янги кадрларни тайёрлаш энг зарур иш эканлиги аён бўлиб қолмоқда.

Биз фақат насл-насаб жиҳатидангина буюк мерос эгаси бўлганимиз билан фахрланиб қолмаймиз. Ўзбекистон — Шарқнинг атоқли мутафаккирларини етиштириб берган макондир. Уларнинг баъзиларини эслатиб ўтаман. Масалан, ал-Хоразмийни олайлик, бу зоти шарифнинг номи математика учун жуда кўп маънони англатади. Ал-Беруний эса Колумбдан 500 йил аввал Америка қитъаси мавжудлигини башорат қилган. Беруний Ҳиндистоннинг

кашфиётчисидир, қомусий илмлар соҳиби бўлган олим-дир. Ёки Ибн Синони олиб кўринг, ҳозирги фармакология, тиббиёт шу буюк мутафаккир номи билан боғлиқ. XI асрда у биринчи бўлиб одамлар дардини жарроҳлик йўли билан даволай бошлаган.

Улуғбек номи Коперник номи билан бир қаторда турадиган мунажжим бўлган. Алишер Навоий атоқли шоиргина эмас, унинг инсонпарварлик борасидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Биз ўз олдимизга шундай вазифа қўйдик: биз, албатта, ўзлигимиз билан фахрланишимиз керак, биз ўз илдизларимизга қайтишимиз лозим, лекин ўтмишимизга маҳлиё бўлмаслигимиз ва уни тўла-тўқис қайта тиклаш билан шуғулланмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу масалага оқидона ёндашувимиз лозим. Ўтмишдан ҳозир халқни улуғлайдиган, кўз олдимизда қадримизни юксалтирадиган нарсаларни олишимиз зарур. Мана шу инсонпарварлик ёндашувини миллатимизга, халқимизга жаҳон ҳамжамятида ўзини дадил ҳис этиш имконини беради. Айни вақтда шу билан боғлиқ бўлган иккинчи мақсадимиз — жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий интилишдир. Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштирмоғимиз керак. Биз ўз келажагимизни ана шу назария, ана шу пойдевор асосига қурыпмиз. Айнан ана шундай буюк маънавий, ахлоқий негиз биз қилишимиз лозим бўлган барча фойдали ишларнинг бош манбаи эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — биз ўз сиёсатимизни юритишимиз учун асос бўлган яна бир омилдир. Ҳозир масалани шу тарзда қўймоқчимизки, бизни фақат моддий жиҳат эмас, маънавий жиҳат ҳам қизиқтирмоқда.

Агар мендан, ҳозир нималарга кўпроқ эътибор беряпсиз: иқтисодиётдаги ва давлат тузилмаларидаги ислохотларгами ёки маънавият масалаларига, ахлоқий негизлар ва қадриятларгами, ҳар бир инсон вужудидаги юксак орзулар ва шу негизларни тарбиялашгами, деб сўрасалар, уларнинг бирини-иккинчисига қарама-қарши қўйиб

бўлмайди, деган бўлур эдим. Моддий асоссиз маънавий фикр яшай олмайди, маънавиятсиз моддий асос ҳам ривожлана олмайди.

Биз Миллий дастуримизни қандай тушунамиз? Амалда бунинг маъноси шуки, узлуксиз 12 йиллик таълим тизими вужудга келтирилди. У умумий тўққиз йиллик таълимдан иборат, яна уч йил дастуримизнинг энг муҳим моҳияти — коллеж ва лицейлар тизимида таълим беришдир. Эсингизда бўлса, совет даврида саккиз йиллик мактаб бор эди, шундан кейин муайян босқич яратилганди — тўққизинчи синфга энг истеъдодли болалар олинар эди. Бу ҳол ота-оналар учун бош оғриғи эди. Худо кўрсатмасин, уларнинг ўғли ёки қизи ҳунар-техника билим юртига тушиб қолса борми, бу гўё бир кулфат эди, у қандайдир иккинчи даражали муассаса ҳисобланарди. Шундай қилиб, болаларнинг оз қисми тўққизинчи синфга ўтар, аксарияти эса кўчада қолар эди. Бизнинг назаримизда, умумий таълим олиш учун тўққиз йил бемалол етарли. Кейинги уч йил лицейларда таълим олишдан иборат бўлиб, уларда асосан олий ўқув юртларининг муаллимлари дарс беради, келгусида фан ва таълим соҳасида ишламоқчи бўлганларнинг кўплари олий ўқув юртларига ўқишга киради. Коллежлар эса ҳунар таълими беради, у ерда бир неча ихтисосни эгаллаш мумкин. У ёки бу шаклдаги ўп икки йиллик таълим бизда мажбурий ва бепулдир. Сизларда Россияда пулли гимназиялар, мактаблар, махсус синфлар борлиги билан баъзида фахрланишларини эшитдим. Аммо бизнинг назаримизда, давлатнинг роли шундан иборатки, йигит ва қизларга мажбурий тартибда ҳаёт учун зарур бўлган билимларни олиш имконияти берилиши керак. Кейин эса хоҳласа олий маълумот олсин ёки ишга борсин. Аммо бу пайтга келиб, унда касб-кор деб аталадиган салоҳият мавжуд бўлади. Коллеждаги уч йиллик таълим давомида у олган касб-кор бемалол ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини беради. Бу соҳада ҳам муаммолар бор, бироқ шундай бўлса-да, давлатнинг ижтимоий мажбурияти энг зарур билимлар бериш-

дан иборат, деб ҳисоблаймиз. «Комсомолка» газетангиздаги кўп мақолаларни ўқидим, айтишим керакки, болаларга ўн икки йил таълим бериш ҳақидаги таклифларга унчалик қўшилмайман, таклиф қилинаётган экспериментнинг кўп жиҳатлари мавҳум. Ҳар қандай эксперимент яхши, аммо муаммонинг ечимини излаб топиш лозим. Менда шу эксперимент яхши натижа беришига ишонч йўқ. Мактабдаги ўн икки йил нима дегани? Болаларни зўриқтирмаслик учун шундай қилиш керак, дейдилар. Майли, зўриқтирмай қўяқолайлик, аммо бу нарса бошқа натижаларга олиб бориши мумкин. Қандайдир демократия андишаси билангина ўн икки йиллик таълимни жорий этишни унчалик жиддий далил эмас, деб ҳисоблайман.

Менда шубҳа-гумон уйғотадиган бошқа масалалар ҳам талайгина. Россия экспериментлар билан узоқ вақт шуғулланишни лозим кўрадиган мамлакат эмас. Шу билан бирга таълим масалаларида Россиянинг тажрибаси бебаҳо эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мен дунё мамлакатларининг кўпига бордим, ёш мутахассислар қаерда қандай тайёрланаётганини биламан. Ҳозир биз хорижий мамлакатларга жуда кўп талабалар юборяпмиз. Бизда махсус «Умид» жамғармаси тузилган, яъни биз ҳозир тарбияланаётган ва ўрнимизни оладиган авлодга катта умид билан қараймиз. Ёшларимиз АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиянинг энг яхши олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр дипломларини олишлари учун ҳар йили давлат бюджетидан 17-18 миллион доллар сарфляяпмиз.

Хўш, биз бу борада қандай мақсадларни кўзламоқдамиз? Умидимиз шуки, улар юртимизга қайтиб келгач, олий ўқув юртларида муаллимлик қилади. Барпо этилган мониторинг тизими хориждаги олий ўқув юртларини битириб келган мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни бошқа ёшларга қандай ўргатаётганини кузатиб боради. Биз муаллимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун хорижий мамлакатларга юборяпмиз, мақсад — эрта-

га таълим соҳасига давр талаб қилаётган гоёларни сингдирадиган ёшларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Агар ўн икки йиллик узлуксиз таълим нормага айланса, янги коллеж ва лицейлар ишлай бошласа, янги билимли йигит ва қизлар мактабларга, олий ўқув юртларига келиб, ёшларга шу билимларни ўргата бошласа, мен ўзимни мақсад-муддаомга етдим, деб ҳисоблайман. Тинимсиз шуғулланиш мумкин бўлган шу олижаноб вазифа ҳақида сизларга қайта-қайта гапиряпман ва бу борада мени қўллаб-қувватлайсиз, деган умиддаман.

Яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман, ҳозир таълим соҳасида кашфиётчилар жуда кўп. Яқинда бир мақола ўқидим... Эмишки, Украинада ҳам эксперимент бошланибди. У ерда имтиҳонлар бекор қилинибди. Шу муносабат билан мактабда, болалар устида эксперимент ўтказиш жуда хатарли иш эканини айтишим лозим. Эксперимент лабораторияларда, ишлаб чиқаришда ўтказилади. Қандайдир чиқимлар ўзини оқламаса ҳечқиси йўқ. Чунки ишлаб чиқариш соҳаси эрта ё индин янги маҳсулотни ўзлаштириб олади. Аммо таълимдаги экспериментлар ҳаддан ташқари хатарлидир. Айтайлик, паровозни тор издан кенг изга ўтказса бўлади, таълим соҳасида эса болаларнинггина эмас, ота-оналарнинг тақдири ҳам ҳал бўлади. Ҳар бир инсон кўплаб режалар тузади, аммо уларнинг аксарият қисми одатда, болаларга тааллуқли бўлади. Рост, биз, ўзбеклар болаларни яхши кўрамыз, умидимиз бўлган фарзандимизнинг ўсиб-улғайиши учун, наслнигина эмас, эзгу орзуларни ҳам давом эттирадиган бўлиши учун бор бисотимизни сарфлашга тайёرمىз. Доноларнинг айтишича, инсон ўз умри давомида уч юмушни бажариши: кўчат ўтқазishi, уй қуриши, фарзанд тарбиялаши керак. Лекин мен охириги юмушни, албатта, биринчи ўринга қўйган бўлар эдим. Кўчат ўтқазishi мумкин, уй қуриш мумкин, аммо ўзингдаги энг яхши хусусиятларни фарзандларингга сингдирсанг ва улар сендан кўра яхшироқ ва ақллироқ бўлиши учун ҳамма ишни

қилсанг, бу мақсадни ҳар қанча ҳурмат қилса арзийди, деб ҳисоблайман.

Тошкентга борган ҳар бир киши майдонларда: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сафарбар этувчи шиорни кўради. Бу шиор, айниқса, унинг сўнгги қисми барчани бирлаштирувчи ягона мақсаддек янграйди. Ҳамма ҳам фарзандлари бахтли бўлишини хоҳлайди, аммо баъзилар бунга эриша олмайди. Фикримча, бутун жамият шу вазифани ҳал этишга бош қўшса хатога йўл қўйилмайди. Энг муҳими — вазифани тўғри танлашда. Шу сабабли мазкур дастурни амалга оширишга киришган Ўзбекистон ҳамкорликка тайёр, деб ҳисоблаймиз. Биз бу дастурни қандай қилиб янада мукамаллаштириш, қўйилган мақсадни қандай қилиб собитқадамлик билан ҳал этиш тўғрисида ўйлаяпмиз. Шу маънода, айтмоқчиман: модомики, сизлар мени фахрий профессор этиб сайлаган экансизлар, менга шунчаки ҳурмат юзасидангина бундай қилмагандирсизлар, Сизлар Ўзбекистонга эътибор нишонасини кўрсатдингиз, шу тариқа ёрдамнингизни таклиф этдингиз, деб тушуванман. Ташаббускор ким эканини билмайман-у, аммо айтиш Ўзбекистонга қўл узатганингиз учун чин кўнгилдан миннатдорлик билдираман. Сизлар менга: «Таълим масалаларида бегоналашув ва ўз билганича иш тутиш даври тугади, келинлар, энди ҳаётимизда кўзлаган мақсадларни қўлни-қўлга бериб биргаликда рўёбга чиқарайлик», дегандек бўлдингиз. Мен ҳам шу фикрдаман, Москва Давлат университетидек илм маркази, унинг ўқитувчиларигина эмас, улар берган гоёларни кучайтирувчи ва кўпайтирувчи талабалар ҳам — ҳаммамиз биргаликда бир-биримиздан ўрганайлик. Бу соҳада мен қўлни-қўлга беришга тайёрман, айтганингиздек, сизларда таълим олаётган талабаларимиз ва аспирантларимиз борлиги — буюк ишдир, буни таърифлаш учун бошқа сўз йўқ. Бу — биздан кейин қоладиган ва биз эртага фахрланадиган жуда улкан ишдир. Бу ҳаётда ҳеч бир фойдали иш қилмаган, аммо орқасига қай-

рилиб қараб, бундай иш қилиш ҳали ҳам кеч эмас, деб ўйлаган киши Сизлар билан биз қилишга интилаётган ишни амалда такрорлаши керак. Бу эса ҳар бир киши экомқчи бўлган эзгулик уруғидир. Ҳурмат-эҳтиром уруғи, олижаноб мақсад уруғидир. Шу жиҳатдан мен бу йўлда сизлар қилаётган барча ишлар учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Виктор Анатольевичнинг ўз касбдошлари билан яқинда Ўзбекистонга боргани фақат биринчи қадам эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Башарти МДУ Илмий кенгаши қачонлардир бизнинг Ўзбекистонда ўтказилса, бу шунчаки беқиёс бир қадамгина бўлмай, менинг назаримда, ҳар бир педагог кўзлаётган ва кўзлаши лозим бўлган олижаноб ишга қўшилган муносиб ҳисса ҳам бўлур эди. Умуман, олий таълим аҳли соғлом авлодни тарбиялашдек инсоний ва олижаноб фикр билан яшамаса, унинг ўрни олий ўқув юртида эмас, у, масалан, бизнес соҳасида ишлаб пул топиши керак бўлади. Мен шу фикрни яна бир бор такрорлаб, Илмий кенгашнинг навбатдаги мажлисини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилмоқчиман. Биз сизларни муносиб кутиб оламиз ва ўшанда мен бугун айтиб берган ишлар мустаҳкам заминга қурилганига, бу йўлдан боришга қатъий аҳд қилганимизга ишонч ҳосил қиласиз. Аминманки, қилаётган ишларимиз — таълим соҳасига сарфланган самарали сармоядир. Бу менинг қатъий эътиқодим эканини рақамлар билан, тарихий мисоллар билан айтиб беришим мумкин. Аммо бунинг учун бирмунча вақт керак. Сабр-тоқат керак, бир кунмас-бир кун миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига айланиши ва биз қилаётган сарф-харажатлар ўзининг салмоқли натижасини бериши тайин.

Сизлар билан учрашганимдан хурсандман, ўз таклифимни яна бир бор таъкидлайман ва ушбу буюк илм масканида ишлаб, таълим олаётган кишиларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур ҳурмат туйғуларини изҳор этаман. Бизнинг ўзаро муносабатларимиз неча-неча ўн йиллар аввал бошланган. Улуғбек ва бошқа аждодларимиз, Сиз-

ларнинг аждодларингиз ҳам дунёга доврўф таратган. Доимо биргаликда жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшганлар. Ҳатто, улар бир-бирларини танимасалар-да, фикрлари бир хил бўлган, цивилизацияни ривожлантиришга баббаравар ҳисса қўшганлар.

Давлат бошқарувида давлатнинг истиқболини одамлар яратмайди, уни одамлар гуллаиб-яшнатмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса — иш юришиб кетаверади. Тизимнинг ўзи ишлаши керак. Бизнинг келажагимиз ва истиқболимиз ана шундай. Баъзан мен авторитар қарорлар қабул қилишга мажбур бўляпман. Аммо бундай қарорлар менинг орзуим эмас. Башарти, шу қарорлар юқорида тилга олинган тизимни яратишга қаратилган бўлса, бир вақт келиб тарих кечиради. Мен шундай тизимни барпо этишга интиляпман. Россия матбуотида баъзан мени қандайдир автократик майлга берилган инсон, деб танқид қиладилар. Бир тизимдан иккинчисига ўтишнинг муайян босқичида шундай бўлиши зарур, деб ўйлайман. Кимдир масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Шундагина юзлаб ва минглаб издошларни дунёга келтирадиган тизим яратилади. Эҳтимол, бу гап сизларга унчалик тушунарли эмасдир, лекин мен шу фикрда турдим, шу фикрда туравераман.

Сизларга, айниқса, дўстимиз Виктор Анатольевич Садовничийга яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман. У МДУ ректори бўлишдек машаққатли лавозимда шараф билан ишлаб келяпти. Сизларнинг ҳаммангизга эзгулик ёр бўлсин, барча орзу-истагингиз ушалишига тилакдошман.

III БОБ

“ПОРТЛАШ ЭФФЕКТИ” САРИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросининг биринчи босқичи (1997-2001) якунлари ва иккинчи босқич (2001-2005) самаралари

Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини кадрлай олишни ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда.

Ислом Каримов

Ўзбекистон олий таълими тизимининг туб ислоҳий жараёнлари ибтидоси

Ўзбекистон давлат мустақиллиги мамлакат ва халқ ҳаётида туб сифат ўзгаришлари даврини бошлади. Эски тоталитар тузум исканжасидан халос бўла бориш жараёнида эркин демократик жамият қуришга ўтиш, ҳуқуқий давлат тизимини яратиш, унинг воситасида фуқаролик жамиятини қуришга киришишдек мураккаб стратегик вазифаларни амалга оширишнинг илмий-назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегик вазифаларни жамият ҳаёти барча соҳаларини туб ислоҳ қилиш воситасидагина амалга ошириш мумкин эди. Моддий ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб бориш жараёнлари объектив равишда ўзига мутаносиб тарзда олий малакали ва янги тоифадаги кадрлар тайёрлаш заруриятини юзага келтирди.

Собиқ тоталитар олий таълим тизимининг ўта мафкура-лаштирилганлиги ва марказлашганлиги, ялпи режалаштирилганлиги эркин мустақил тафаккур қилиш, ижодкорлик имкониятларини чеклаб ташлаган эди.

Мустақилликка қадар республикада 42 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, улардан фақат учтаси (Тошкент, Самарқанд,

Қорақалпоғистон) давлат университетлари, 14 таси давлат педагогика ёки тиллар педагогика институтлари, 9 таси муҳандислик-техника институтлари, 3 таси қишлоқ хўжалиги институтлари, 7 таси тиббиёт-фармацевтика институтлари, 3 таси маданият, санъат, муסיқа институтлари, 1 тадан халқ хўжалиги, кооператив, жисмоний тарбия институтлари эди.

42 олий ўқув юртининг 19 таси (деярли ярми) Тошкентда, 5 таси Самарқандда, 4 таси Андижонда, 3 таси Бухорода эди.

Республиканинг собиқ совет империясидаги аграр-индустриал мақоми олий ўқув юртларининг атиги 21% муҳандис-техника соҳаларида кадрлар тайёрлашга қаратилганлигида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган эди. Унинг улкан табиий бойликлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (пахта толаси) аксарият қисми хом ашё сифатида Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши унинг олий таълим тизимида ҳам тўла акс этар, мавжуд олий ўқув юртларининг 80%га яқини замонавий тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилган эди.

Республика олий таълими тизимининг таркибий тузилиши ва амал қилиши жараёнлари унинг мавжуд иқтисодий-моддий, миллий-табиий, маънавий-интеллектуал салоҳияти имкониятларига замонавий талаб-эҳтиёжлар даражасида жавоб бера олмас эди. Унинг тизимида бўлмаган, лекин мустамлакачилик мақсад-манфаатларини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган ихтисосликлар бўйича олий макалали мутахассис кадрлар тайёрлаш собиқ Марказнинг махсус режаси билан белгиланган миқдорда Россия ва Украина олий ўқув юртларида амалга оширилар эди.

Қўриниб турибдики, олий таълим воситасида ҳам собиқ Марказ Ўзбекистон аҳолисини қарамлик мақомида сақлаган ҳолда, янгича мустамлакачилик сиёсатини юритиб келаётганди. Боз устига, совет тузумининг чуқур инқирозга тобора юз тутиб бораётганлиги унинг миллий қарам ҳудудларида янада оғирлашиб ва мураккаблашиб, улардаги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимидаги инқирозни янада чуқурлаштириб юборган эди.

Олий таълим мақсадларига бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг йил сайин камайиб бораётганлиги сабабли олий ўқув юртларининг таълим-тарбия бинолари нураб, таъмирлашга муҳтож ҳолга келиб қолган эди. Ўқув-услубий лабораториялари, амалий тажриба масканлари моддий ва маънавий эскирган ускуна, машина, механизмлар билан жиҳозланганича уларнинг янгиларини кўрмай, ўрганмай битириб чиқиб кетаётган ёшларнинг билим даражалари сифати пасайиб бораётган шароитда асосий эътибор миқдор мезонига қаратилган эди. Кўзбўямачилик авж олиб, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг сифат даражаси шу қадар пасайиб кетдики, ҳатто, алмисоқдан қолган машина-механизмлар воситасида ишлаб чиқаришни уюштираётган завод-фабрикалар, колхоз-совхозлар, таълим-тарбия муассасаларининг раҳбарлари ҳам уларни бўш иш ўринларига олишдан турли баҳоналарни рўқач қилиб, бош тортардилар. Зеро, сифати паст мутахассисдан самарадан кўпроқ зарар кутиш мумкин эди, холос.

Республикада юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳолати шахс, жамият, фан, ишлаб чиқариш, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизими талаб-эҳтиёжлари ўрталарида жиддий қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар мавжудлигидан далолат берарди. Муаммолар ечимини излаб топишда, биринчидан, таълимга касблар бозори шароитида ҳам узок муддат сақланиб қолиши мумкин бўлган ижтимоий касбкорлик талаби юқори даражада сақланиб қолиши, иккинчидан, таълим харажатлари сезиларли даражада (янги таълим-тарбия технологияларини жорий этиш туфайли) қимматлашиб бориши сабабли давлат бюджетидан ташқари кўп томонли маблағлар излаб топиб, улардан оқилона фойдаланиш масалаларини инobatга олиш лозим эди.

Юзага келган муаммолар ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимини тубдан ўзгартиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагича белгиланиб олинди:

- республиканинг демократик жамият, ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қуриш йўлидан оғишмай ривожланиб бориши заруриятининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

- мамлакат иқтисодиётида кескин ислохотлар ўтказиш воситасида унинг хўжалик ҳаётини хом ашё ишлаб чиқаришдан, асосан, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқа-

риш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш;

- ижтимоий сиёсатда шахс ва олий таълим манфаатлари устуворлигини қарор топтириш;

- миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, гурур, бой миллий тарихий-маънавий анъаналарга чуқур ҳурмат руҳини шакллантириш;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида хос ва мос мустақам мавқе, обрў-эътиборга эга, муносиб ўрин эгаллашига хизмат қила оладиган кадрлар етказиб бериш ва бошқалар.

Олий таълим тизимини туб ислоҳ қилишнинг асосий омиллари белгиланди. Уларда мамлакатнинг ҳақиқий иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, хўжалик ҳаётининг иқтисодий механизмларини кескин ўзгартириб, бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, хом ашё ишлаб чиқаришдан илғор қайта ишлаб чиқариш технологиялари воситасида жаҳон бозорларига рақобатбардош тайёр маҳсулотлар билан кириб бориш, фуқаролар интеллектуал салоҳиятларини ошириб, жамиятда тинчлик ҳамда барқарорлик муҳитини таъминлаш, эвазига ижтимоий зиддиятларни бартараф этишга, мутлақо янгича замонавий жаҳоний тафаккур ва дунёқарашга эга ҳур фикрли комил инсонни, ақлий қудрати етук баркамол авлодни тарбиялаб, шакллантиришдек тақдириломон ишга хизмат қилиш кўзда тутилган.

Мустақилликнинг биринчи йилидан бошлаб Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ва Тошкент давлат техника университети жамоалари университет таълимини кескин ислоҳ қилиш муаммоларининг ечимини ишлаб чиқишга киришган эдилар. Университет таълими тизимини қайта қуриб, замонавийлаштириш лойиҳаси тайёрланди. 1992 йил февралда янги ўқув режасининг тўплам (гуруҳий) ақидаси яратилиб, у олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг янги ўқув режалари ва дастурларига асос қилиб олинди. Ана шу тариха Ўзбекистонда кўп босқичли олий таълим тизимига ўтишнинг асосий қоидалари белгиланди.

Ўша йилнинг ўзида тестлаштиришнинг кўп вариантли тизими таълимга киритилиб, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида синовдан муваффақиятли ўтди. Бу билан мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириш жараёнлари-

нинг биринчи бор очик, холис ва ижтимоий адолат руҳида ўтказилишига эришилди.

Аввал қўлланиб келинган талабалар билимларини беш баллик тартибда баҳолаш янги шароитда эскириб қолганлигини инобатга олиб, таълим вазирликлари ва олий ўқув юртига эга бўлган вазирликларнинг тегишли бўлимлари талабалар билимларини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтишни амалиётга жорий этдилар.

Биринчи марта Ўзбекистонда ишлаб чиқилган, компьютер технологиясидан кенг фойдаланишга асосланган, юқори даражадаги махфийликни, бинобарин, тест асосида баҳолаш натижаларининг холислигини таъминловчи кўпвариантли тест тизими такомиллаштирилиб, тест технологиясида вариантларни мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича синтез қилишдан тест натижаларини ишлаб чиқишгача бўлган айрим бўғинлари автоматлаштирилди.

Махсус компьютер дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ўтказилган тадқиқотлар Давлат тест марказига автоматлаштиришнинг интеграллашган тизими негизини яратиш имконини берди.

“АБТ” — “абитур” учун махсус тизим ва компьютер дастурлари ишлаб чиқилди. Улар ҳар бир олий ўқув юртида жорий қилинди ва модем алоқаси орқали Давлат тест маркази билан уланди.

Улар қабул комиссияларининг фаолияти ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кираётган умумтаълим мактаблари битирувчиларининг асосий миқдорий кўрсаткичлари ҳақида мунтазам ва тезкор равишда тўлиқ маълумот олишга имкон яратди. “АБТ” — “абитур” ёрдамида юқори даражадаги махфийлик ва холислик билан абитуриентлар гуруҳларини шакллантириш, уларни аудиториялар бўйича тақсимлаш, шунингдек, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини тақсимлаш амалга оширилди.

Кўпвариантли тест тизимини жорий қилишнинг асосий таркибий қисми ва зарурий шарти юқори сифатли тест топшириқларининг катта ҳажмдаги жамғармасини яратиш бўлиб, у билимлар даражасининг холисона баҳоланишини таъминлади.

Вужудга келтирилган заҳира ўқув фанларининг барча бўлимлари (бўлимчалари)ни қамраб олган бўлиб, у ёшлар-

нинг билим даражасини, мустақил фикрлаш қобилиятини, ақлий ривожланишини ўта аниқлик билан, уларга мос ҳолда баҳолаш имконини берди. Тест топшириқларини кенг синовдан ўтказиш натижалари асосида уларнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишнинг махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилди.

Тест топшириқларининг кенг, оммавий синовдан ўтишига “Ахборотнома” ва “Вестник” журналларининг нашр этилиши катта ёрдам берди. Тест материалларининг чоп этилиши ўқув-ўқитув жараёнини ҳамда таълимни стандартлаштириш ишларини сезиларли даражада такомиллаштирди, ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўриш, ўз билимини ошириш тизимида катта роль ўйнади. Абитуриентлар билимлари динамикасининг статистик таҳлили ўқув фанлари бўлимлари бўйича билимлар даражасидаги дисперсиянинг бирмунча камайганлигини кўрсатди.

Ўқув фанини (унинг бўлимлари ва бўлимчаларини) билиш, мантикий фикрлаш, унинг мустақиллиги даражаси каби мезонлар асосида вариантларни синтез қилиш тузилмаси ва алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу тузилма асосида кўпвариантли тизим бўйича тест ўтказиш учун вариантларни автоматик генерациялашнинг дастурий мажмуи яратилди. Маълумотлар базасида ҳар бир тест топшириғи ўқув фанларининг бўлимлари (бўлимчалари) ҳамда тестларнинг мураккаблик даражаларига мувофиқ равишда паспортлаштирилди ва кодлаштирилди.

Кўпвариантли тизимда ўта махфийлик даражаси вариантларни синтез қилишнинг компьютер технологияси, вариантларни ҳар бир абитуриент учун таълим йўналишлари, таълим тилларига мувофиқ равишда индивидуаллаштириш, шунингдек, жавоб варақаларини кетма-кет шифрлаш ва кодлашнинг махсус дастурлари ёрдамида таъминланди.

Абитуриентлар 1 август куни тест синовларидан ўтгач, жавоб варақлари ўқиш учун автоматлаштирилган оптик-электрон ўқиш тизимига келиб тушади. У ўз навбатида компьютер тизими билан боғланган бўлиб, бунда махсус дастур бўйича маълумотлар базаси ва унинг калитларига асосланиб, кўпвариантли тизим асосидаги жавоблар варақларидан олинган маълумотлар ишлаб чиқилди.

Биринчи марта республикамизда жорий қилинган кўпвариантли тест тизими нафақат энг қобилиятли ёшларни танлаб олишдаги адолатни, ҳаққонийликни таъминлаш имконини берди, балки таълим тизимининг самарадорлиги ва ислохотларнинг амалга оширилиш даражаси ҳақидаги кенг қамровли маълумотларни қўлга киритишнинг ноёб имкониятларини вужудга келтирди.

Махсус алгоритмларнинг ҳамда ўзига хос компьютер дастурларининг яратилиши, таълим жараёнини баҳолашда янги сифат кўрсаткичларининг жорий қилиниши республикадаги 300 мингдан кўпроқ абитуриентлар билимларининг ўта аниқликдаги голограммасини қўлга киритишга имкон берди.

Турли-туман омилларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган гистограммалар, диаграммалар кўринишидаги янги сифат кўрсаткичларнинг фазовий тақсимотидаги ўзгаришлар динамикасини кўргазмалар ифодалаш таълим тизимининг ички ҳолатини кузатиш (интроскопия) имконини берди. Буларнинг барчаси республикадаги таълим мажмуаси мониторингининг асоси бўлди.

2000 йилда 300 мингдан ортиқ абитуриентнинг тест синовларида фойдаланилган 100 минг тест топшириғидан иборат жамғарма билимлар даражаси билан дидактик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик (корреляция)ни ўта аниқлик билан белгилаш имконини яратди.

Махсус компьютер дастурлари, тест синовларидан кейинги маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш тизими абитуриентларнинг кенг қамровли тест топшириқлари бўйича билимлар даражасини аниқлашга ва унинг дидактик таъминланганлигига боғлиқлигини исбот қилишга имкон берди. Булар, энг аввало, умумтаълим мактаблари педагогларининг тайёргарлик даражаси ҳамда малака ошириш тизимининг аҳволи, таълим стандартлари ва замонавий ўқув дастурларининг жорий қилиниши, дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларнинг мавжудлиги ва сифати, энг янги педагогик технологияларнинг татбиқ этилиши кабилардир.

Тест натижалари таълимнинг дидактик кўрсаткичларига кўп қаррали боғлиқликда кўриб чиқилди. Тест натижаларининг, умуман, таълим тизимига таъсир кўрсатиш модели

ишлаб чиқилди. Ушбу модель бўйича таълим тизимининг тест натижаларига нисбатан ўзгарувчанлиги (динамизми) ва таъсирланувчанлиги баҳоланди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИ- МИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

- 1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси
- 1.2. Камчиликлар ва муаммолар
- 1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

Тест натижаларини статистик ишлаб чиқиш абитуриентлар билимларининг ўқув фанлари ва уларнинг бўлимлари нуқтаи назаридан вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, мактаблар бўйича фазовий тақсимотини яратишга имкон берди. Бу тақсимотнинг бир хил эмаслиги таълим жараёнини стандартлаштириш ҳамда баҳолашнинг ягона, умумлашган мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, бошқа таълим муассасаларидаги таҳсил жараёнини стандартлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим таълимни, унинг самарадорлигини қулай шаклда кузатиш имконини берди, бошқаришни осонлаштирди ва унинг ҳисобига ўқувчиларга берилаётган таълим сифатини оширди. Мутахассисликларни, ушбу ўқув фанлари бўйича талабларни умумий андозаларга солиш, мослаштириш, таълим берувчилар ва таълим олувчиларни мақсадга мувофиқ назорат қилиш ҳамда бошқаришга имкон берди.

Тест топшириқларининг стандарт заҳираларидан фойдаланиш таълим олувчиларга берилаётган билимларни бир хил ҳолатга келтиришга, тенглаштиришга имкон яратди. Бу нарса турли ўқув юртларидаги таълим жараёнини таққослаш, таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериш ва таълим олувчиларни билим олиш кайфиятини юқори даражада ушлаб туришга имконият туғдирмоқда.

Босқичма-босқич, яъни *мактаб — ўрта махсус ўқув юрти — олий ўқув юрти* кўринишида тест синовлари ўтказиш

тизими ишлаб чиқилди, бунда синовлар оддий қоғозда бажарилиши ҳам, компьютер ёрдамида ўтказилиши ҳам мумкин.

Таълимни республика миқёсида стандартлаштириш масофадан туриб тест ўтказиш технологияси асосида юқори даражадаги аниқлик билан амалга оширилмоқда. Ҳозир масофадан туриб тест ўтказиш технологиясини амалга оширувчи дастурий комплекс ишлаб чиқилган.

Махфий маълумотларни ўзида қамраб олган тест материаллари заҳираси Давлат тест марказида (бош, асосий серверда) сақланади. Тест синови тугагач, ўқувчи синов натижасини олишга талабнома беради. Шундан кейин масофадан туриб тест ўтказиш марказидаги сервер Давлат тест марказининг асосий сервери билан боғланиб, унга абитуриентларнинг жавобларини узатади. Робот-автоматнинг асосий сервердаги дастури жавобларни таҳлил қилиб, ишлаб чиқади ва ўқув фанлари бўйича натижаларни баллар кўринишидаги йиғиндисини қайтаради. Бунда агар бир фан бўйича 5 тадан кам тўғри жавоб олинса, натижа барибир 5 та тўғри жавобга тенг бўлади. Бундай технология заҳирасининг махфийлигини муҳофаза қилади ва калитларнинг тарқаб кетиши, ошкор бўлишига йўл қўймайди.

Кенг қамровли маълумотлар (100 минг ва ундан ортиқ) заҳирасига эга бўлган кўпвариантли тест тизими таълим сифати мониторингининг кўпвариантли моделини қўлга киритиш имконини берди. Ана шу асосда ўқув юртлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Кўпвариантли тест синовлари натижаларини ўта тезлик билан ишлаб чиқиш ўқувчи ва талабаларнинг, шунингдек, ўқитувчиларнинг билим даражаси ҳақидаги аниқ маълумотларга эга бўлишга, ўқитувчилар аттестациясини холислик билан амалга оширишга имкон беради.

Ушбу тизим бутун республика миқёсидаги энг истеъдодли ёшлар ҳақида маълумотлар заҳирасини яратишга ёрдам беради. Масофадан туриб тест ўтказиш тизими ҳозирги кунда Тошкент, Нукус, Урганч, Бухоро, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Навоий шаҳарларида жорий этилган.

Профессional тестларни қўллаган ҳолда, ушбу усулдан фойдаланиш ўта профессионал мутахассислар ва раҳбар-

лар ҳақида ҳам маълумотлар заҳирасини шакллантириш имконини беради.

Кўпвариантли тизим 75 та олий (62 та асосий, 13 та филиаллар), 175 та ўрта махсус ўқув юртларида, умумтаълим мактаблари ва лицейларнинг битирувчи синфларида амалга оширилди.

Кўпвариантли тест тизими барча ўқув фанлари, уларнинг бўлим ҳамда бўлимчалари бўйича билимлар ва ақлий ривожланиш даражасини ўта тезлик билан баҳолаш, тизимнинг барча турдаги ўқув юртлари учун универсаллиги, таълим комплекси фаолиятини мос равишда (адекват) баҳолаш имконияти, таълим тизимининг кўплаб сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича кенг қамровли маълумотларни ишлаб чиқиш, кузатиб боришнинг қулайлиги билан ажралиб туради. Кўпвариантли тест тизимига кетадиган харажатлар анъанавий баҳолаш усулидаги харажатларга қараганда бир неча карра оздир. Билимларни анъанавий баҳолаш усулларида фарқли равишда кўпвариантли тест тизими барча ўқув фанлари, уларнинг бўлим ва бўлимчалари соҳасида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва мактаблар нуқтаи назаридан кўп минг сонли абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таъмин этади (1-расм).

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари


2.2. Дастурни рўёбга чиқариш bosқичлари

Кўпвариантли тест синовларини жорий қилиш натижаларининг 1996 йилдан 2000 йилгача бўлган динамикасини таҳлил қилиш бу тизимнинг муайян ижтимоий самарага эришишдаги асосий афзаллигини тасдиқлайди. Бу самара — олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қобилиятли ёшларни танлов асосида қабул қилишнинг энг адолатли усули, деб ҳисобланаётган тест тизимига бўлган ишончнинг ортиб боришидир.

Бу ҳолатни абитуриентлар сонининг йилдан-йилга тобора ортиб бориши, қишлоқ мактабларидан келувчи абитуриентларнинг кўпайиб бораётгани, олий ўқув юртларига қабул

қилинганларнинг ижтимоий таркиби ҳам тасдиқлаб турибди.

Абитуриентлар сонининг ниҳоятда жадаллик билан кўпайиши 1999 ва 2000 йилларда кузатилди. Бу ҳолат кўпроқ Наманган, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларига ва Тошкент шаҳрига хосдир.



Диаграммаларда 1997-2000 йиллар ичида абитуриентлар ҳамда олий ўқув юртига қабул қилинганлар сонининг сезиларли даражада кўпайганлиги яққол кўрсатиб берилган.

Қишлоқ жойларидан келган абитуриентлар ва улардан ўқишга қабул қилинганлар миқдорининг анчагина ортганлиги кишида қаноатланиш ҳиссини уйғотади.

Тест натижаларининг таҳлили таълимнинг педагогика, техника ва табиий (физика, математика, биология ва бошқ.) йўналишларида абитуриентлар сонининг ҳаққоний ўсиш таъминлини тасдиқлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика Президентининг фармони билан ташкил этилган университетларнинг шаклланиб етганлиги ва обрў-эътибори ортганлигига улардаги абитуриентлар миқдорининг икки мартадан ортиқ кўпайганлиги гувоҳлик бериб турибди. Буни, масалан, Андижон, Гулистон, Наманган, Термиз, Фарғона университетлари мисолида кўриш мумкин.

3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

3.1. Шахс

3.2. Давлат ва жамият

3.3. Узлуксиз таълим

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлан тириш принциплари

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари:

Мактабгача таълим

Умумий ўрта таълим

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Олий таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Мактабдан ташқари таълим

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

3.5. **Кадрлар тайёрлаш** тизимида ишлаб чиқариш

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган кўпвариантли тест тизими мактаб битирувчилари тайёргарлигининг сифат манзарасини яратиш имконини беради. Ана шу асосда 300 мингдан ортиқ абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар захираси яратилди. Бундай кенг кўламли маълумотлар 1996-2000 йиллар бўйича кадрлар мониторингини яратиш имконини берди.

Ушбу тизимнинг ноёблиги энг истеъдодли ва энг қобилиятли ёшлар ҳақида тўлиқ, мукаммал маълумот олишга имкон яратди. Шу билан бирга ҳар бир абитуриентнинг нафақат аниқ бир фан бўйича, балки унинг барча бўлим (бўлимча)лари бўйича қобилиятини табақалаштирган ҳолда белгилаш, таҳлилий фикрлаш даражасини аниқлаш каби ижодий имкониятлар вужудга келтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ равишда абитуриентларнинг тарих бўйича тест синовлари натижалари таҳлил қилинади, зеро, бу блок республика Конституциясининг турли бўлимлари бўйича тузилган тест топшириқларини ҳам қамраб олган.

Бундай таҳлил дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, мактаблар ҳамда олий ўқув юртларида Конституцияни ўрганишга бўлган услубий ёндашувларни такомиллаштиришга, ўқитувчиларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қайта тайёрлашга имкон яратади.

Республика фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яққол, аниқ мисоллар билан кўрсатиб берувчи дарсликларни янада кўпроқ яратиш зарур. Ана шундагина ўқувчилар ҳуқуқ соҳасига оид материалларни осон ва тушунган ҳолда ўзлаштиришлари мумкин.

Шубҳасиз, нафақат ўқувчи ва талабаларнинг билими, ақлий ривожланиш даражасини назорат қилишни, балки уларнинг тайёргарлигини, ақлий ривожланишини таъминлаб берувчи тест тизими бугунги кун ёшларида миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришга кучли туртки беради. Ана шу мақсадда миллий мафкура, маънавият ва маърифат асослари бўйича тест топшириқлари жамғармаси яратилмоқдаки, у халқнинг мустақиллик ва тараққиёт, Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантириш йўлидаги кураши тарихи, санъат,

маданият, тил ва адабиёт, урф-одат ҳамда анъаналар каби масалаларни қамраб олади.

Бундай турли-туман масалаларни қамраб олувчи тест топшириқлари олинган билимларнинг теранлигини, миллий мафкурага асосланган ахлоқий нуқтаи назарнинг мустаҳкамлигини баҳолаш имконини беради. Албатта, бу тест топшириқларига ўзбек халқи асрлар давомида интилиб келган маънавий негизлар ва ахлоқий тамойиллар асос қилиб олинган.

Шу билан бирга мониторинг ўта аниқлик билан ўртача, саёз, бўш тайёрланган битирувчиларни ва уларнинг асосий сабабларини аниқлаш, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш усулларини белгилашга имконият яратади.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш
- 4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
- 4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш
- 4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар
- 4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар
- 4.6. Таълим тизимини бошқариш
- 4.7. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш
- 4.8. Таълим тизимини молиялаш
- 4.9. Моддий-техника таъминоти
- 4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш
- 4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш
- 4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
- 4.13. Фан ва таълим жараёнлари алоқаларини ривожлантириш
- 4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш
- 4.15. Таълим билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кўпвариантли тест тизими, натижаларни статистик ишлаб чиқиш масалалари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида 10 та китоб нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасидан 19 та муаллифлик гувоҳномаси олинди. Кўпвариантли тест технологиясининг асосий қоидалари бўйича Туркияда (OSYM, Анқара шаҳри, Тест маркази) ва АҚШда (ЕТС, Принстон шаҳри, Тест хизмати ҳамда ACCELS, Вашингтон шаҳри, Америка Халқаро таълим хизмати) маърузалар қилинди.

Олий таълимнинг таянч босқичи бакалаврлар тайёрлашнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга киришиб, уни синовдан ўтказадиган, таълим йўналишлари бўйича стандартлар тайёрлашга, таълим йўналишлари ва ихтисосликларини табақалаштирадиган ходимлар тайёрлашга масъул бўлган таянч олий ўқув юртлари белгилаб қўйилди.

Олий таълим йўналишлари бўйича 1993 йилда вақтинча амал қилиши мўлжалланган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва у бакалаврлар тайёрлаб чиқаришда синов кўришга жорий этилди. ЎЗМУ ва ТошДТУ жамоалари орттирган амалий тажрибалари мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртлари амалиётига ҳам ҳудудий ва миллий хусусиятларига мослаштирилган ҳолда татбиқ этила бошланди. Хорижий университетлар ва институтларнинг илғор таълим тажрибасини ўрганиш мақсадида республика олий таълими мутахассислари у ерларга юборилиб, ижобий, Ўзбекистон шароитига мос жиҳатлар танлаб олинди ва олий таълим тизимига жорий этишга тавсия қилинди.

Мана шундай кенг қўламли ва катта ҳажмли 5-6 йиллик тайёргарлик ишлари амалга оширилгандан кейин олий таълимнинг янги миллий модели тамойиллари шаклланди ва унинг асосий мезон-ўлчовлари аниқлаб олинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилидан таълим-тарбия тизимини туб ислоҳ қилиш давлат сиёсатига айланди. 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди (Қонун мундарижаси II бобда таҳлилий умумлаштирилган). Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги



И. А. Каримов Ўзбекистон Давлат консерваторияси
талабалари даврасида.



И. А. Каримов Тошкент Ислам университетида.



И. А. Каримов ёш хунармандни табрикламоқда.



Вестминстер университети (Англия)
ректори Жеффри Коплан билан учрашув.



Япония таълим вазири билан суҳбат.



Франциянинг Сарбонна университети президенти Жорж Молине Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан таълим соҳасида ҳамкорлик шартномаларини имзоламоқда.



Осиё университетлари федерациясининг (AUF) IV конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. С. Ғуломов маъруза қилмоқда.



Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. С. Ғуломов бошчилигидаги Ўзбекистон ОўЮ ректорлари Осиё университетлари федерациясининг (AUF) IV конференциясида.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири
С. С. Гуломов Корея таълим ва маданият вазири Ли Сент Жуни халқ
сўзаначилиги санъати билан таништирмоқда.



Осиё университетлари федерациясининг (AUF) IV конференциясида.



Польша Республикаси Президенти Александр Квасневскийнинг рафиқаси Иоланта Квасневская Татьяна Каримова, С. С. Гуломов ҳамроҳлигида Ўзбекистон жаҳон тиллари университетига ташриф буюрди.



Улан-батор (Мўғулистонда) «Кредит тизимининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро анжуманда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори, профессор Э. Имомов маъруза қилмоқда.



Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежида янги ўқув йилининг бошланиши тантанаси.



Франциянинг Сарбона университети профессори Жорж Молине.



Буюк Британия Кембриж университетининг I проректори,
профессор Анна Линздел Самарқанд Давлат университети
профессор-ўқитувчилари даврасида.



Тошкент автомобиль — йўллар институти талабалари
«Тошкўчавто» корхонасида.

лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, 1997 йил 29 август куни мамлакат парламенти сессиясида тасдиқланди. Янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълим-тарбиянинг барча жараёнларини тубдан қайта қуриш, унинг босқич ва турларда чуқур ислохотлар ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиб берилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон таълим-тарбия тизими ривожланишининг бутунлай янги сифат мазмунига эга бўлган янги даври бошланди.

Мазкур меъерий ҳужжатлар асосида ҳукуматнинг тегишли қарорлари билан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош йўналишлари белгиланган бўлиб, улар ўқув ҳамда тарбия жараёнларининг гуманистик ва демократик руҳда амалга оширилиши, таълимнинг узлуксизлиги ҳамда вори-сыйлиги, унинг дунёвий табиати каби замонавий андозалар моҳиятига асослангандир.

Мустақиллик шароитида амалиётга киритилган Давлат олий таълим стандарти икки таркибий бўлақдан иборат бўлиб, давлат йўналишидаги қисми тайёрланаётган мутахассис кадрлар иқтидори даражасига бўлган энг асосий (минимум) талабларни қамраб олди. Бу талаблар фуқароларнинг таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини кафолатловчи давлат томонидан белгиланиб, амалга оширила бошланди. Давлат таълим стандартининг асосий талаблари мамлакат тараққиёти истиқболларини, унинг геосиёсий манфаатларини инобатга олган ҳолда шакллантирилмоқда. Унинг олий ўқув юрти фаолиятига тааллуқли қисми эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ва ҳудудий иқтисодий-ижтимоий талабларга мутаносиб тарзда юқори малакали мутахассис кадрларнинг академик ва касбий жиҳатлардан тайёрлаб чиқарилишларини таъминлашга қаратилган.

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ

Таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Олий таълим давлат стандартларини ишлаб чиқишда:

- талабаларнинг фундаментал тайёргарлигини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг олий таълимга мутаносиб шакллантирилган ва унга тааллуқли мазмуни билан узвий ва мантиқий боғлиқлиги;

- кадрларни эҳтиёжга нисбатан кўпроқ етказиш;

- талабаларнинг академик йўғрилганлигини кенгайтириб бориш мақсадида гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар бўлагини барча йўналишлар учун ягона тизимга келтириш;

- умумматематик ва табиий-илмий билимлар бўлагини кадрлар етказишни ўзаро боғлиқ кенг гуруҳлари йўналишларида мужассамлаштириш;

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўлаги моҳият-мазмунини белгилаб берадиган дидактик тамойиллар кўзда тутилган.

Миллий мустақиллик ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида олий таълим жараёнларининг асосий босқичлари ўзларининг батафсил ифода этилган тавсифларига эга бўлиб, уларга амал қилиш зарурлиги истиқбол талаб-эҳтиёжларидан, объектив қонун-қоидалардан келиб чиқди. Ислоҳ қилинган ҳозирги олий таълим бакалаврият ва магистратура босқичларидан иборат тизимда шакллантирилди.

Миллий мустақилликнинг олий таълимга берган самаралари ҳам миқдор, ҳам сифат мезонлари билан янада салмоқли аҳамият касб этади. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ташкил топган олий ўқув юртлари орасида 2 та университет (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидаги Тошкент Ислом университети ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қарашли Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети), 5 та – политехника (Жиззах), кимё-технология (Тошкент), архитектура-қурилиш (Тошкент), авиасозлик (Тошкент), кончилик (Навоий), 3 та муҳандислик иқтисодиёти (биттадан Андижон, Наманган, Қарши), битта муҳандислик-педагогика (Наманган), биттадан педагогика (Навоий), тиббиёт (Тошкент), молия (Тошкент), юридик (Тошкент), шарқшунослик (Тошкент), чет тиллари (Самарқанд), рассомлик ва дизайн миллий институтлари, миллий рақс ва хореография олий мактаби (Тошкент) ташкил этилди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон жамияти демократик такомиллашув жараёнларининг янги сифат босқичини кечирмоқда. Бу босқични Ислом Каримов ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш босқичи, деб атади. Ўз асос-моҳияти билан жамиятимизда рўй бераётган туб демократик ислоҳий ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланган эркинлаштириш сиёсати миллий тикланиш йўлида эришилган асрларга татигулик ютуқларнинг дастлабки босқичи, деб расман баҳоланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштириш тамойилини янада кенгайтириш, серсамар этиш йўлидаги асосий йўналишлар белгиланди. Шундай устувор йўналишлардан бири — кадрлар масаласи бўлди. Бу — бежиз эмас. Зотан, жамият ривожининг эркинлаштириш сиёсати билан боғлиқ янги сифат босқичи замонавий жаҳоний етук илм-тафаккурни, маърифатни, чуқур урфоний маданиятни тақозо этиши табиийдир. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига фақат ва фақат қудратли ақлий-интеллектуал салоҳият ёрдамидагина ўтиш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга қаратилган давлат миқёсидаги барча ишлар бевосита замоннинг ва қисматнинг ана шу тақдириломон талабига сафарбарлиги билан, аввало, мўътабарлашди, мўътабарлашмоқда.

Миллий дастурни бажариш билан боғлиқ вазифалар Ислом Каримовнинг теран сиёсий-маърифий таълимотида, жумладан, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” (1999 йил) асарида аниқ белгилаб берилган. Вазифалар қуйидагилар:

“Биринчи. Янги ўқув йили бошлангунга қадар таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганини ва унинг дастлабки натижаларини чуқур таҳлил этиб, таълим

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

- “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

• янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

• таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизmlарини ишлаб чиқиш;

• узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

• кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни янги авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш даркор.

Иккинчи. Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.

Учинчи. Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ.

Умуман, ислоҳот йилларида биргина ўрта махсус, касб-хунар таълими учун 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади.

Тўртинчи. Ихтисослашган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда дастурда белгиланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш лозим...

2010 йилга қадар биз республикамызда 1689 та касб-хунар коллежи, 178 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўла қамраб олишни таъминлайди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим. Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман.”

Ифтихор билан қайд этиш лозимки, Йўлбошчимиз ишончи шараф билан бажарилмоқда. Даъвомизга асос бўлиб Миллий дастур биринчи босқичи билан боғлиқ вазифаларнинг тўлиқ адо этилгани ва иккинчи босқичга мўлжалланган туб ислоҳотларнинг самарали жараёни хизмат қилади.

Хўш, вазифалар нималардан иборат ва уларнинг дастлабки босқичдаги ижролари қандай бўлди?

Саволга қуйида берилаётган иллюстрацияда (2002 йилнинг бошигача) ифодасини топган тўққизта вазифа ҳамда уларнинг амалий ижролари билан боғлиқ кенг миқёсдаги мажмуий ишлар жавоб бўлиб хизмат қилади. Тизим ислоҳотлари ҳақида яхлит тасаввур пайдо бўлиши учун уларни муштарак уйғунликда беришни, кейинги таҳлил ва умумлашма жараёнларида янада конкретлаштиришни мантиқан тўғри, деб топдик.

Таълим-тарбия тизими концепцияси ижроси берган энг асосий хулоса барча туб ислохотлар, миллий янгиланишлар марказида инсон, унинг манфаати турганлигида бўлди. Инсон шахсининг камоли, унинг маърифий теран маданияти миллий тикланиш сари кўзланган буюк мақсадларга элтувчи ягона кафолатдир. Демак, таълим ижтимоий ҳаёт ривожининг тақдириломон бош омили, истиқболли аниқ кафили, нажотидир. Бу табиий равишда жамият олдига ғоят мураккаб ижтимоий-маданий вазифалар қўяди. Уларни ҳал қилмасдан маърифий тараққиётга эришиб бўлмайди. Айнан шу сабаб давлат барча соҳалар каби таълим-тарбия жабҳаси билан боғлиқ ислохотларни ўз зиммасига олди, уларнинг конституциявий кафолатига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, у барча давлат тизими ва жамоат ташкилотларининг, барча фуқароларнинг ишига, яъни умумдавлат, умумхалқ, умуммиллий ишга, қисматга айланди.

Иккинчи бош хулоса кадрлар тайёрлаш тизими, узлуксиз таълим ва давлат таълим стандартларининг тамомила янги ҳуқуқий-меъёрий-услубий негизи яратилганида бўлди. Улар:

- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳақида Низом;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика ўқув-услубий Кенгаши ҳақида Низом;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳақида намунавий Низом;
- Олий ўқув юртлари таркибидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳақида намунавий Низом;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш факультети ҳақида намунавий Низом;
- Фан, техника ва технологиянинг янги истиқболли йўналишлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш махсус факультети ҳақида намунавий Низом;

- Педагог кадрларнинг ўз-ўзини аттестациялаши бўйича тавсиялар;
- Педагоглар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш бўйича давлат талаблари, намунавий ўқув режа ва дастурлар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг 317 йўналишидан 260 таси, академик лицейлар учун 4 та давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Янги ўқув режалари ва 2035 та ўқитиладиган фанлар (22 та – умумтаълим фанлари, 2013 та касб-ҳунар фанлари)дан 22 та умумтаълим, 951 та касб-ҳунар фанлари дастурлари ишлаб чиқилиб, улар асосида миллий истиқлол гоёлари, умумжаҳон ва миллий қадриятларга асосланган ўқув қўлланмалари, умумий адади 1593,2 минг бўлган 195 та дарсликлар яратилди (75338 нусхада 89 номдаги дарсликлар хориждан келтирилди), педагогик технологияни лойиҳалаш ва амалга ошириш билан боғлиқ услубий тавсиялар (масалан, икки қисмдан иборат “Танқидий фикрлаш асослари”, «Масофадан туриб ўқитишни ташкил этиш» ва бошқалар), олий таълим муассасалари ўқув жараёни учун электрон ўқув адабиётлари, информацион технология соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизими яратилди ва ҳ.к.

Учинчи бош хулоса — мутлақо янгича таълим мақоми, унинг ташкилий-таркибий такомилли, замонавий жиҳозланган янги таълим муассасаларининг юзага келгани ва уларнинг улкан интеллектуал салоҳият маданиятига сафарбар серсамар фаолият кўрсатаётганида. Бу узлуксиз таълимнинг илм-фан, ишлаб чиқариш, жамоат ташкилотлари, давлат бошқаруви органлари ва ҳукумат билан ўзаро мустаҳкам алоқасини таъминлади.

Айни пайтда, гоёвий-тарбиявий, маданий-маърифий ишлари такомиллашди, талабаларни оммавий жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига ялпи жалб этишга эришилди. Муҳими — талаба-ёшларда истиқлол гоёларига садоқат, озод ва обод Ватанга муҳаббат туйғуларини, маданиятни тарбиялаш ҳамда шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ташкилий, таркибий ҳамда таҳсиллий ишлар амалга оширилди, “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани

ўқув режаларига киритилди, болалар боғчаларидан то оила-
гача Конституцияни ўрганиш ташкил этилди.

Ҳозир педагог кадрларнинг мутлақо янгича авлоди шакл-
лантирилди, улар билимини такомиллаштириш билан боғ-
лиқ малака оширишнинг узлуксиз тизими барпо этилди.
Профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш доимий
анъанага айланди.

1998 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази таркибига кирувчи таълим органларидан мустақил
бўлган Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог
кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси
тузилди. Бошқарманинг вазифаси таълим мазмуни, даража-
си ва сифатининг давлат таълим стандартларига мос кели-
шини аниқлаш, талабалар билимини жорий, оралик, якуний
назоратлар асосида одилona баҳолаш тизимини жорий этиш-
ни назорат қилиш, профессор-ўқитувчилар таркибини, уз-
луксиз таълим ходимлари ва таълим муассасалари раҳбар-
ларини уларнинг қайси вазирлик ҳамда идораларга мансуб-
лигидан, шунингдек, мулк шаклидан қатъи назар, аттестаци-
ядан ўтказишдан иборат (боз устига, ҳар бир вазирлик, олий
ўқув юрти ўз ички аттестациясини ҳам мунтазам ўтказиб
туради).

Мазкур бошқарма олий таълим таркибидаги профессор-
ўқитувчиларни қайтадан аттестациядан ўтказишни таъмин-
лаган ҳолда, педагог кадрларнинг профессионал маҳоратини
назорат қилиб боради.

Янги педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида “Умид” ва
“Устоз” жамғармалари тузилди. “Умид” жамғармаси шу
пайтгача истеъдодли ёшларни бакалаврият, кўпроқ магист-
ратура даражасида хорижий университетларда таълим
олишлари билан шуғулланди. 2002 йилдан бошлаб Тошкент-
да Буюк Британиянинг Вестминстер университети жамғар-
ма ҳамроҳлигида иш бошлади. Хорижий университетлар
магистратурасини битириб келган аксар ёш мутахассислар
ҳозир педагоглик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1997 йил 30 декабрдаги “Устоз” республика жамғармаси фао-
лиятини ташкил қилиш тўғрисидаги 576-сонли қарорига асо-

сан тузилган нодавлат жамғармасининг асосий вазифалари таълим муассасаларида фаолият юритаётган ёш ва иқтидорли педагог-ўқитувчиларни жаҳоннинг ривожланган демократик мамлакатларидаги илғор таълим ва илмий марказларида малака оширишлари, тажриба алмашишлари ҳамда қайта тайёрланишларини таъминлашдан иборатдир.

Жамғарма ўз фаолиятида чет эллик халқаро ташкилотлар ва жамғармалардан ВЕСА, СОРОС, Евразия, АЙРЕКС, АКСЕЛС, ДААД, КНУС, МАИ, ЮНЕСКО билан бирга Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш борасидаги белгиланган тадбир ва дастурларида ўзаро ҳамкорлик қилиш амалий йўриқларини ишлаб чиқишга эришди.

Жамғарма томонидан 1998-2002 йилларда халқ хўжалигининг 28 та устувор йўналишлари бўйича 5 марта Республика танлови ўтказилди. 1998 йилда 166 та, 1999 йилда 106 та, 2000 йилда 115 та, 2001 йилда 130 та, 2002 йилда 110 та грант совриндорлари аниқланди.

Жамғарма Ўзбекистон таълим тизими ходимларининг хорижий таълим марказларида малакасини ошириш бўйича, асосан, уч йўналишда фаолият юритмоқда: малака ошириш дастури амалга оширилишини тўлиқ молиялаштириш; малака ошириш дастури амалга оширилишини қисман молиялаштириш; малака ошириш дастури амалга оширилишини тўлиқ чет элликлар ҳисобидан (грант олиш билан) молиялаштириш.

Биринчи йўналиш бўйича қуйидаги дастурлар амалга оширилди: 1998 йил май-июн ойларида АҚШнинг Нью-Палътц университетида 40 нафар таълим соҳаси мутахассислари малака оширишди; 1999 йил июл ойида АҚШнинг Мериленд университетида 34 нафар, Нью-Палътц университетида 20 нафар жамғарма грант совриндорлари 2 ҳафталик малака ошириш машғулотларида иштирок этишди; 1999 йил ноябр-декабр ойларида Буюк Британиянинг Рединг университетида 20 нафар жамғарма грант совриндорлари малака оширишди; 2000 йил январ ойида Исроилнинг Ахарон Офри номидаги таълим марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари раҳбарларидан 30 киши 2 ҳафта давомида малака оширишди;

2000 йил 9 сентябрдан 31 октябргача жамғарманинг 35 нафар грант совриндорлари Францияда малака ошириб қайтишди; 2000 йил октябр ойида республика олий ўқув юрти раҳбарларидан 14 киши Вашингтондаги Америка университетида бир ҳафталик тажриба алмашиш дастурида иштирок этишди; 2000 йил ноябр ойида олий ўқув юрти раҳбарларидан 20 киши Жанубий Кореянинг Хосео университетида тажриба алмашиб қайтишди; 2001 йил 25 феврал-2 март кунлари олий ўқув юрти раҳбарларидан 8 киши Буюк Британиянинг Кембриж университетида, 2002 йилда Япониянинг Васеда университетида 8 нафар ректор тажриба алмашиб келишди ва малака оширишди.

Иккинчи йўналиш бўйича қуйидаги дастурлар амалга оширилди: Малайзиянинг ИНТАН ташкилоти билан ҳамкорликда 1998-2000 йилларда 11 киши Малайзияда, Исроилнинг МАШАВ халқаро алоқалар маркази билан ҳамкорликда 1998 йилдан ҳозирги кунгача 12 киши Исроилда, Германиянинг Бундесвер университети билан ҳамкорликда 3 киши Германияда, Малайзиянинг ИНТАН ташкилоти билан ҳамкорликда 2000 йил август ойида 20 нафар грант совриндорлари Малайзияда малака оширишди.

Учинчи йўналиш бўйича қуйидаги дастурлар амалга оширилди: Малайзиянинг ИНТАН университети ҳисобидан 1998-2000 йилларда 5 киши Малайзияда, Япониянинг Ниппон Фаундейшн жамғармаси ҳамда Малайзиянинг ИНТАН ташкилоти ҳисобидан жамғарманинг 5 та грант совриндори 2000 йил феврал-март ойларида Япония ва Малайзияда малака ошириб қайтишди.

Айни пайтда, чет мамлакатларда ўз малакаларини ошириб, тажриба алмашиб келишган 400 нафарга яқин педагог-ўқитувчилар ўз мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича мультипликаторлар гуруҳларига бирлаштирилиб, жойларда алоҳида дастурлар бўйича малака ошириш фаолиятларини ўтказмоқдалар. Дастурларда чет мамлакатларнинг илғор таълим ва илмий марказларидан келтирилган ўқув дастурлари, видео- ва аудиоклиплар, дарсликлар, ўқув-услубий, тарқатма материаллар, таълим ва касб-ҳунар стандартлари ўз ўрнини олишган.

“Устоз” жамғармасы 1998 йил ноябрдан 2001 йил март ойигача жамғарма қошида ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ахборот-ресурс марказида 250 нафар грант совриндорлари, 1000 тага яқин олий ўқув юрти ўқитувчиларининг таълим бериш жараёнида компьютер техникаси ва Интернет тармоғидан фойдаланиш мавзусида малака оширишларини таъминлади. Ана шу машғулотларнинг алоҳида жадваллар бўйича узлуксиз тарзда ўтказилиши давом этмоқда.

Жамғарма ўз фаолияти даври мобайнида Ўзбекистон Очиқ жамият институти (СОРОС жамғармасы) билан ҳамкорликда ҳар йили 3 марта “Ёзги мактаб” машғулотларини ўтказди ва бу ўқув машғулотларида республиканинг барча вилоятларидан танлаб олинган 150 дан ортиқ педагог-ўқитувчилар хориждан таклиф қилинган эксперт ўқитувчилар иштирокида “Ўқитишнинг замонавий услублари” бўйича фикрлар алмашиб, тажриба ва малака оширдилар.

Шунингдек, “Устоз” жамғармасы томонидан АҚШнинг Иқтисодий таълим бўйича Миллий кенгаши, Кент университети, АҚШ коллежлар ассоциацияси, АҚШнинг “Глобал” халқаро хайрия ташкилоти, Ўзбекистон Очиқ жамият институти (СОРОС жамғармасы), ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Исроилнинг МАШАВ халқаро алоқалар маркази, Япониянинг Ниппон Фаундейшн, Малайзиянинг ИНТАН, Франциянинг КНУС, Канаданинг СБИЕ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда узлуксиз тренинг-семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Жамғарма АҚШ билан ўзаро ҳамкорлик доирасида бир қатор йўналишлар бўйича биргаликдаги тадбирларни бажаришни давом эттириб келмоқда. Хусусан:

а) жамғарма АКСЕЛС дастурлари ва танловлари учун республика таълим муассасалари ҳамда марказларида фаолият юритаётган ёш иқтидорли педагог-ўқитувчилар сафидан энг муносибларини танлов асосида етказиб бермоқда;

б) Фарғона вилоятидаги олий ўқув юртларидан бирининг базасида АКСЕЛС ва АЙРЕКС билан ҳамкорликдаги доимий равишда янгиланиб бориладиган оммавий Интернет маркази-

ни яратиш ва ундан фойдаланувчиларнинг Интернет тармо-
гига бепул боғланишини таъминлади. Жамғарма АРЕХнинг
IATP дастури билан ҳамкорликда амалга ошираётган тад-
бирлари доирасида ана шу Марказдан фойдаланувчиларнинг
Интернет маълумотларидан фойдаланиш бўйича билимла-
рини мустақамлаб боришга эришилмоқда;

в) Интернет тармогида мавжуд “веб сайт”ларни янгилаб
бориш ва кенгайтириш бўйича ўзаро ҳамкорликни давом
этирмоқда.

Жамғарма таълим соҳасида кадрларнинг малакасини оши-
риш ва қайта тайёрлашда илғор технологияларга асослан-
ган йўналиш — масофавий ўқитишга ҳам алоҳида эътибор-
ни қаратмоқда. Осиё Ривожланиш банки (ОРБ), Жаҳон Бан-
ки Институти, “Устоз” республика жамғармаси ва республи-
канинг бир қанча ОЎЮ билан ҳамкорликда масофавий ўқи-
тиш тизимини яратиш борасида шартномалар тузилиб, улар
бўйича 1999 йилдан бери кенг қамровли ишлар олиб борил-
моқда. Жумладан, ушбу гуруҳлар чет мамлакатларда таж-
рибалар алмашиб, ҳозирда масофавий ўқитиш йўналиши
бўйича дастурлар яратмоқда. Мисол тариқасида Жаҳон
Банки Институти “Олий ўқув юртларида иқтисодий таълимга
масофавий ўқитиш компонентларини киритиш” тажриба
лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши олий таълимни ислоҳ
қилишга ва қуйидаги муҳим илмий-амалий вазифаларни
ечишга йўналтирилган:

- ўқитишнинг янги методларини ривожлантириш (шу
жумладан, иқтисодий фанлар) ва очиқ таълим концепцияси-
ни киритиш;

- инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига
киритиш;

- ўқувчи ва талабаларни замонавий иқтисодий билим ва
энг янги иқтисодий ахборот билан таништириш;

- олий ўқув юртларидаги макро- ва микроиқтисодиёт ўқув
фанларини унификациялаш ва уларни чет эл манбалари
билан бойитиш;

- энг янги ахборот ва компьютер технологиялари, шу жум-
ладан, Интернет ва видеоконференциялардан фойдаланишга

асосланган масофавий ўқитиш услубларини таълим беришнинг бошқа анъанавий услублари билан қўшиб олиб бориш, иқтисод фанлари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда такомиллаштириш, илғор жаҳон тажрибасини иқтисодиёт фанлари соҳасига ёйиш;

- мамлакатдаги иқтисодиёт фанлари ўқитувчилари ҳам-жамиятини ташкил этиш ва уларнинг бошқа давлатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини йўлга қўйиш.

“Макроиқтисодиёт” ва Микроиқтисодиёт” фанларини Интернет орқали масофавий ўқитиш жамғарманинг бевосита техник таъминоти орқали 6 та ОЎЮ (ТДИУ, ТДТУ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шарқшунослик институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, ЖИДУ) негизида муваффақиятли амалга оширилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида ана шу иккита фанни масофадан туриб ўқитишни барча ОЎЮлариди жорий қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Очиқ жамият институти (СОРОС жамғармаси) билан ҳамкорликда Нукус ва Самарқанд университетлари ҳузурида Маълумот ресурс марказлари ишга туширилди. Ресурс марказларида электрон виртуал кутубхоналар ишга туширилиб, масофавий таълим йўлга қўйилди.

Жамғарма билан ҳамкорликда вазирлик таълим сифатини оширишга қаратилган ташкилий-услубий ишларни янада кенг ҳамда самарали йўлга қўйиш устида узлуксиз фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 2002 йилнинг ўзидагина жамғарма ва вазирлик ҳамкорлигида “Масофадан туриб ўқитишни ташкил этиш бўйича тавсиянома”, “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва жорий этиш бўйича услубий маслахатлар”, икки қисмдан иборат “Танқидий фикрлаш асослари”, “Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг иккинчи сифат босқичида Олий ва ўрта мах-

сус таълим вазирлигининг асосий вазифаларини бажариш юзасидан (1000 саволнома) йўлланмалар” сингари услубий рисоалар чоп этилди.

Умуман, режага кўра, таълим ислохотларининг иккинчи босқичи нихоясида (2005 йил) олий таълим тизимида ишлайдиган ўқитувчилар таркиби 30-40 фоизга янгиланади. Бунга малакасини оширган, қайта тайёрланган профессор-ўқитувчилар сони кўшилса, демак, барча олий ўқув юртларида ишлайдиган мутахассислар янгича мазмунда фаолият кўрсатишади.

Шу даврда аспирантура ва докторантура тизими такомиллаштирилади. Истиқболли ўқитувчиларнинг хорижий илмий марказлар ва етакчи университетларда стажировкаси, соҳалар бўйича етук профессор мутахассисларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларида дарс беришлари йўлга қўйилади.

Босқичнинг яна бир хусусияти олий таълим тизимида таркибий ўзгаришларда намоён бўлади. Жумладан, янги олий таълим муассасалари юзага келди. Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Авиасозлик институти, Юридик институт, Молия институти, Ислом университети, собиқ педагогика институтлари негизида вилоятларда университетлар ташкил этилди. Тошкент давлат университети янги мақомдаги Ўзбекистон Миллий университетига айлантирилди. Шунингдек, янги-янги факультетлар очилди (масалан, Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультети, Жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети ва бошқ.), тиббиёт институтлари ҳузурида олий тоифадаги тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш бўлими ташкил этилди ва ҳ. к.

Ислохотлар самаралари билан боғлиқ энг муҳим иш — бу университет таълимига устувор йўналиш берилганида бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда 21 та университетлар, шу жумладан, битта халқаро университет фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу даврда олий таълим билан боғлиқ янги бўғинлар ташкил этилди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида минтақаларда ўз бўғинларига эга ўрта махсус, касб-

ҳунар таълим Маркази, Ахборот технологиялари ва масофадан туриб ўқитишни ривожлантириш бошқармаси тузилди. Олий ўқув юртларида унинг марказлари барпо этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, шунингдек, тегишли мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасаларида маркетинг хизмати йўлга қўйилди. Миллий дастурни амалга ошириш жараёнларини таҳлил қилиш учун мониторинг ташкил этилди (иллюстрацияга қаранг).

Таълим муассасалари индустрияси шаклланмоқда. Ўқитишнинг замонавий техник воситаларини таълим жараёнига кенг жорий этиш, дастурий ва дидактик воситалар билан тўлиқ таъминлаш, жиҳозлаш ишлари йўлга қўйилди ва ҳ.к.

Таълим жараёнини ўқув-услубий жиҳатдан тўлиқ таъминлаш — кун тартибидаги бош масала бўлди. Бу ерда анча объектив муаммолар юзага келди. Гап шундаки, зарур барча адабиётларни нашр этиш ёки қайта чоп қилиш жуда катта маблағдан ташқари кўп вақтни ҳам талаб қилади. Шунга қарамадан жараён изчил давом этди: янги ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилди. Чет эллардан зарур адабиётлар харид қилинди. Энг муҳими — ўз нашриёт-матбаа базамизни яратдик. Деярли барча йирик университет ва институтлар бугунги кунда ўз босмахоналарига эга.

Ушбу муҳим вазифани ҳал этишда асосий эътиборни вазирлик таълимнинг маҳсулдорлик даражасини, бошқача айтганда, таълимнинг умумий сифатини оширишга қаратди. Яширишнинг ҳожати йўқ: ўқитувчилар, хусусан, 20–40 йил ишлаётган мутахассисларнинг фаолият сифати, даражаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бермайди. Бунга аниқ амин бўлиш учун маъруза ўқийдиган барча профессор-ўқитувчилардан ўз матнларини вазирликка топширишлари талаб қилинди. Уларнинг сифат таҳлили шуни кўрсатдики, аксар матнларнинг мазмун-мундарижаси талабга мутлақо жавоб бермайди. Вазирлик жиддий чоралар кўриш орқали вазиятни тубдан ўзгартиришга киришди.

Шунингдек, ҳар бир олий ўқув юртида турли мутахассислар ва фанлар бўйича тайёрланган маъруза матнлари

ички ҳамда ташқи тақризларга берилишини, кафедраларда муҳокама этиб, университет ва институтлар Илмий кенгашларида ўқиш учун тавсия бериш, шундан сўнггина уларни кўп нусхаларда кўпайтириб, ўқув юрти кутубхонасига топшириш йўлга қўйилди. Ана шу тариқа маъруза матнларининг қўлёзма нусхалари захираси яратилди ва уларнинг мазмунини умумхалқ томонидан, жумладан, талаба, унинг оналарини томонидан ҳам муҳокама этилишига, ўрганилишига, демак, ўз навбатида, ўқитувчилар савиясининг оширилишига ҳам эришдик. Айни пайтда, энг яхши маъруза матнларини вазирлик ҳузуридаги тегишли мутасадди ҳайъат руҳсати билан алоҳида китоблар ҳолида расман нашр этиш йўлга қўйилди. Матнлар китоб шаклида чоп этилмаган ҳолларда улар бошқа олий ўқув юртларига ўқиш учун тавсия қилиниб, нусхалари тегишли таълим даргоҳларига юборилди.

Самара кутилганидан ҳам зиёда бўлди: талабалар маъруза билан олдиндан танишишгани ҳолда дарсларда фавқуллодда талабчанлик билан фаол ижодий иштирок эта бошлади. Бу, шубҳасиз, ўқитувчининг ўзига, фанга, мавзуга бўлган талабини, хусусан, масъулиятини ошириб юборди. Ўқитувчи матнни ўқиб беришдек имкониятдан фойдаланишга йўл қўйилмади. Боз устига, матн билан таниш талаба унга кирмай қолган масалалар юзасидан ўқитувчидан ҳақли жавоблар талаб қила бошлади. Оқибат дарс сифатининг, талабалар фаоллигининг ошиши рўй берди.

Шу билан бир қаторда профессорнинг ўз ишини янада такомиллаштириш, ўз устида тинимсиз ижодий ишлаш эҳтиёжи юзага келди. Таҳлил жараёнида ўқитувчи талабаларнинг муайян мавзулар юзасидан билими билан боғлиқ умумий жиҳатларни билиб олади ва асосий эътиборини шу жиҳатларга махсус қаратиш лозимлигини англаб етади. Бу профессорга муаммоли маърузалар ўқиш имконини беради. Ана шу тариқа, наинки, муайян мавзунини ўқиш вақти қисқарди, айни пайтда, мавзунини ижодий ўзлаштириш муддати ҳам қисқарди. Олдинлари 6-10 соат ҳажмда ўрганиладиган муайян муаммоларни талабалар томонидан ўзлаштириш энди 2-4 соатга камайди.

Бунинг сабаблари, **биринчидан**, талабалар маъруза дарсига махсус тайёргарлик кўра бошладилар; **иккинчидан**, бутун курсни бирин-кетин тўлиқ ўргатишга эҳтиёж қолмади, фанни ўзлаштириш муддати камайди; **учинчидан**, талабанинг ижодий-танқидий фаоллиги ошди, мустақил мушоҳадаси кучайди; **тўртинчидан**, ўқитувчи дарслик мундарижасида маълум умумий жиҳатлардан қочиб, асосий эътиборни аниқ базавий тушунчалар негизида илмий-назарий муаммоларни ўзаро узвий мантикий вобасталикда муштарак изоҳлаш ва тушунтириш имконига эга бўлди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ:

Биринчи bosқич (1997-2001 йиллар);

Иккинчи bosқич (2001-2005 йиллар);

Учинчи bosқич (2005 ва ундан кейинги йиллар).

Ёлғиз шулар билангина чекланиб қолинмади, албатта. Вазирлик маъруза матнлари олдига қўйиладиган талабларнинг махсус тизимини ишлаб чиқди.

Бизнинг асосий мақсад — ҳар бир талабани мустақил фикрлашга ўргатиш. Маърузалардаги масалалар аниқ, илмий-назарий асосланган, назарий фикрлар амалий ҳаёт билан узвийлашган ҳолда равон тил ва услубда ифодасини топган тақдирдагина мавзунинг ўзлаштирилиши осон, енгил ва самарали бўлади. Матнларда муаммолар турли ранг ва шрифтларда махсус берилиши лозим. Ҳар бир бўлим тегишли назорат саволлари, бутун курс эса ўзига хос луғат вазифасини бажарувчи, атаманинг асл маъносини ифодаловчи тезаурусларга эга бўлди. Фаннинг ҳар бир қисми Ўзбекистон ва чет элларда нашр этилган тегишли илмий адабиётлар билан таъминланди, айти пайтда, уларнинг ўзбек тилидаги адабиётлар сонидан кам бўлмаган бошқа тиллардаги янги адабиётларга таянишига эришилди. Натижада, аввало, ўқитувчининг назарий қувваи ҳофизасини кенгайтиришга табиий рағбат уйғотилди, унинг Интернет тизимидан унумли фойдаланишига, хорижий касбдошлар билан бевосита ижодий алоқа ўрнатишига имкон яратилди.

Ислоҳотлар берган афзалликлардан бири — талабанинг ўз хоҳиши ва қизиқишига кўра профессор-ўқитувчини танлаш имкониятига эга бўлганлигида. Турли профессорлар томонидан тайёрланган матнлар билан танишиши орқали талаба ўзи истаган ўқитувчининг сабоғини олади. Таълим тажрибасида буни “**Сабоқ демократияси**”, деб атаса бўлади.

Профессор-ўқитувчилар фаолияти ана шу тариқа ўзлари ўтаётган дарснинг сифатига қараб баҳоланади. Бу эса бошқа омиллар, жумладан, иш сифати, мақола ва китоблари, аспирант ва докторантлар, магистрлар тайёрлашдаги иштироки узвийлигида профессор-ўқитувчининг ойлик иш ҳақига қўшимча ҳақ тўлаш миқдорини белгилаб беради.

Кутубхоналарни тегишли адабиётлар билан тўлдириш ишига алоҳида аҳамият берилгани ўлароқ, ҳар бир кутубхонада уларнинг энг зарурларидан камида 10 нусха мавжуд. Айни пайтда, кутубхонанинг ўзида бу китоблардан талаба нусха кўчириши учун барча техник шароитлар яратилган. Бу — кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ махсус ишлаб чиқилган дастуримизнинг амалдаги самараси бўлди. Ҳар бир олий ўқув юртида ташкил этилган компьютер технологиясини ўрганиш хоналари айнан ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчи томондан, маърузалар матнлари ва илмий адабиётлар компьютерларда ёзиб қўйилган бўлиб, дискетлар ўқув йилининг бошиданоқ талабаларга тарқатилади. Дискетнинг баҳоси атиги ярим доллар қилиб белгиланган. Талаба дискет воситасида уйдаги компьютерда матнни ўқиши мумкин. Ёхуд кутубхонада тегишли матнни ёки бўлимни тўлиқ ҳолда компьютердан чиқариб олиб, ундан доимий фойдаланиши мумкин. Натижада ҳам қоғоз иқтисод қилинади, ҳам босмахона билан боғлиқ ортиқча харажатларга чек қўйилади. Бу эса фақат илмий-назарий мукамал ўқув қўлланмаларинигина нашриётда чоп этиш афзаллигини беради.

Таълим тизимидаги яна бир янгилик — бу ёзма ишларнинг жорий этилгани бўлди.

Бунинг натижасида, **биринчидан**, талаба билимини холисона баҳолаш таъминланади. Ёзма иш расман юридик ҳужжат сифатида талаба билимини, айти пайтда, ўқитувчи фаолиятини объектив баҳолаш имконини беради. Талабада баҳога нисбатан эътироз туғилса, унинг ёзма иши махсус комиссия томонидан ўрганилиб, тегишли хулоса чиқарилади: демак, эътирозга ўрин қолдирилмайди.

Иккинчидан, ёзма иш талабанинг мустақил фикрлашини, замонавий илмий тафаккур даражасини аниқ белгилайди, уни изланишга, ижодкорликка, танқидий мушоҳадага кўниктиради. Энг яхши бажарилган ёзма ишларда мавжуд янги илмий-назарий ва амалий ғоялардан, хулосалардан матнларни қайта ишлаш ҳамда дарс ўтиш жараёнларида ўқитувчиларнинг ижодий фойдаланиш имкони юзага келади.

Ана шу тариқа, ниҳоят, **тўртинчи бош хулосага** замин ҳозирланди: замонавий билим, маърифат ва маданиятга, тафаккур, идрок ва интеллектга эга етук кадрларнинг истиқболли янгича авлоди тарбиялана бошланди. Бошқача айтганда, улкан имкониятлар мамлакати — Ўзбекистоннинг салмоқли интеллектуал потенциали шаклланиб, “портлаш эффекти” юзага кела бошлади.

Миллий дастурнинг биринчи босқич яқунлари ва иккинчи босқич жараёнлари таҳлилий умумлашмасига ўтишдан олдин мустақил Ўзбекистонда таълим, жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимининг шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичларини аниқ белгилаб олиш мантиқан тўғри бўлади.

Биринчи босқич Ўзбекистоннинг истиқлоли, унинг ривожланиш йўлини белгилаб берган миллий камолотнинг машҳур беш тамойили негизида таълим тизимининг ташкилий-таркибий такомил билан боғлиқ.

Давлатнинг бош ислохотчилик тамойили таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг бош кафолати бўлди. Таълим соҳаси ташкилотчиси ҳамда ташаббускори бевосита давлат ва унинг раҳбари бўлди.

Иккинчи босқич — таълим тизимини янгилашнинг яратилган конституциявий ҳуқуқий-меъёрий асос-заминидир.

Учинчи босқич ғоят самарадор ва истиқболли мундарижаси, моҳияти билан тарихга муҳрланди. 1997 йили бирданга таълимга оид икки қонун қабул қилинди. Биринчиси — янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун, иккинчиси — “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”дир.

Тўртинчи босқич эркинлаштириш сиёсатининг ҳозирги амалий ижроси даврида Миллий дастурнинг биринчи босқичи яқунлари ва иккинчи босқич жараёнларидан иборат. Бу босқич “Куч — билим ва тафаккурда” деган маърифий гоғни кашф этди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- педагогик ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;
- иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;
- таълим тизимини бажариш;
- касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
- таълим тизимини молиялаш;
- моддий-техника таъминоти;
- таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
- таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;
- таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик..

Ушбу босқичлар берган амалий самаралар, аввало, шундан иборатки, таълим тизими бугун “портлаш эффекти” берадиган истиқболли яхлит тизимга эга бўлди. Миллий таъ-

лим модели бошланғич таълимдан олий таълимгача, олий таълимдан кейинги маърифий такомиллашувдан малака оширишнинг узлуксиз жараёнларигача қамраб олди. Ана шу тариқа Ўзбекистонда таълим тизими “Бешиқдан қабргача илм изла” деган илоҳий тамойил асосида ворисий узвийлик касб этди. Аҳолисининг ярмидан кўпини 18 ёшгача бўлган ёшлар, ўсмирлар ташкил этган мамлакатда бу фавқулодда тақдириломон ҳодиса бўлди.

Таълим тизими омилкорлик билан белгиланди. Мактабгача ёшдаги болаларга оилада ва боғчаларда таълим берилиши кўзда тутилиб, уларнинг тўлақонли оилавий таълим-тарбияси билан боғлиқ махсус дастур ишлаб чиқилди. Муҳими, «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра, ота-оналар ўз болалари таълим-тарбияси учун шахсан масъул эканликлари ҳуқуқий расмийлаштирилди. 6-7 ёшда болалар мактабга бора бошлайди.

Тўққизинчи синф (умумий ўрта таълим)дан кейин барча болалар мажбурий ва бепул асосда академик лицейларда ёхуд касб-ҳунар коллежларида уч йил давомида ўрта махсус маълумот олишлари кафолатланган. Лицей ва коллежларни муваффақиятли тугатган истеъдодли ёшлар бакалаврият, ундан кейин магистратурада ўз билимларини оширишади. Олий таълим муассасасига кириш билан боғлиқ тест синовларидан юқори балл тўплаганлар давлат гранти асосида, нисбатан кам балл тўплаганлар эса давлат томонидан белгиланган тўлов-шартнома асосида олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирадилар.

Маълумки, ўтиш даврини кечирган мамлакатлар таълим тизими қайта шаклланиш босқичини ўтаган. Ўзбекистонда ҳам таълим тизими миллий тажрибаларга асосланган ва ривожланган давлатлар таълим тизими ютуқларидан фойдаланган ҳолда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, янги таълим стандартлари, ўқув режалари, фанлар дастури, ўқув муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, янги турдаги таълим муассасаларини яратиш зарурияти туғилди.

Чет эл тажрибаларини ўрганиш асосида икки йил мобайнида икки босқичли олий таълим тизимининг меъёрий услу-

бий асослари, классификатор, таълим стандартлари, олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура таълими йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режалари, фанларининг ўқув дастурлари тажрибадан ўтди. Тажриба натижаларини таҳлил этиш ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ишларидан сўнг олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари ҳукумат томонидан тасдиқланди (2001 й.).

Ўзбекистонда олий таълимнинг бугунги ҳолати, ўтиш давридаги ва тараққий этган давлатлар олий таълими тизими ривожланиш динамикаси халқаро индикатор бўйича таҳлил қилинди (олий таълим муассасалари (ОТМ)нинг профессор-ўқитувчилар билан таъминланиши, таълимга давлат харажатлари, Гендер сиёсати). Таълим тизимида халқаро миқёсдаги қиёслашни яхшилаш учун халқаро индикатор бўйича шундай маълумотлар йиғилган. Жумладан, 100 минг аҳолига тўғри келадиган талаба-қизлар сони, мавжуд талабаларга тўғри келадиган ўқитувчилар сони, аёл ўқитувчилар сони, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тўғри келадиган ўқитувчилар сони, ЯИМ таркибида таълим харажатларининг салмоғи ва ҳ.к. Шунингдек, бугунги кунга келиб, таълим тизимида информацион ва коммуникацион ривожланишни ҳам ҳисобга олиш зарурияти юзага келди.

Олий таълим тизимида «Развитие критического мышления через чтение и письмо» янги педагогик йўналиш, илғор хорижий тажриба бўйича маълумотлар ўрганилди. Очиқ Жамият Институти — Ҳамкорлик Жамғармаси шу лойиҳа бўйича 2001 йилда 14 та ОТМдан 300 ўқитувчи, 2002 йилнинг июн ойигача умумий ўрта ва олий таълим муассасаларидан 700 нафар профессор-ўқитувчилар ўқитилди.

ОЎМММИ ва етакчи олий таълим муассасалари ҳамкорликда «Таълим соҳасидаги Internet янгиликлари» ахборот бюллетенини нашр этишни ва ҳайъат мажлисларида тарқатилишини йўлга қўйишди.

Афсуски, турли манбалардан олинadиган ахборотларнинг қўплиги, уларни қайта ишловчи ва тартибга солувчи ягона марказнинг йўқлиги чет эл ижобий тажрибасини ўзлаштириш, ундан самарали фойдаланишни қийинлаштирмоқда. Шу

сабаб «Таълим соҳасида эксперт-ахборот» журналини таъсис этиш ва уни замонавий техник алоқа воситалари билан таъминлаш лозим.

Вазирлар Маъқамасининг 1998 йил 20 октябрдаги 07/108-83- рақамли хати асосида тажриба-синов сифатида вазирликнинг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди. Ўтган икки йил давомида мазкур давлат таълим стандартлари тажриба-синовдан ўтказилди, семинар ва анжуманларда (буйруқлар: 20.02.2001й., № 42; 13.03.2001й., № 58; 14.04.2001й., № 109; 31.07.2001й., № 172) муҳокама этилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетида ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, Тошкент давлат техника университетидида техника ва технология бўйича, Тошкент давлат педагогика университетидида таълим бўйича, 1-Тошкент давлат тиббиёт институтидида тиббиёт йўналишлари, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидида касб-ҳунар педагогикаси йўналишлари, Наманган давлат университетидида магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари ва классификаторлари услубчилар, олимлар, ишлаб чиқариш соҳалари мутахассислари иштирокидида муҳокама қилинди.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
МИЛЛИЙ МОДЕЛИ:**

- шахс;
- давлат ва жамият;
- узлуксиз таълим;
- фан;
- ишлаб чиқариш.

Жаҳон ва республикада тўпланган ижобий тажрибалар, олий таълим муассасалари, буюртмачилар таклиф ва мулоҳазалари инобатга олиниб, Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори ҳукумат тасдиғига тақдим этилди.

Мазкур ҳужжатлар лойиҳалари бўйича 16 та вазирлик ва ҳукумат идоралари, буюртмачилардан таклиф-мулоҳазалар олинди, ҳужжатларга тегишли тузатишлар киритилди.

Олий таълимнинг янгиланган давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу қарорнинг ижроси бўйича вазирликнинг ҳайъат қарори (21.09.2001 й., № 8/3) ва буйруқлари (8.02.2002 й., № 33; 21.02.2002 й., № 54) чиқарилган.

Янги Давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, босма ва электрон шаклда мувофиқ йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларига етказилди. Давлат таълим стандартларининг иловаси ҳисобланган ўқув режалар альбом шаклида нашр этилиб, улар асосида 2001/2002 ўқув йилида таълим жараёни ташкил этилди.

Бакалаврият йўналишларига тегишли ижтимоий-гуманитар ва бошқа фанлар бўйича намунавий ўқув дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди, уларнинг яратилишида ўзаро узвийликка, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий истиқлол ғояси, ахборотлар технологияси, хорижий тилларни ўзлаштиришга эътибор кучайтирилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва буюртмачиларнинг таклиф-мулоҳазалари эътиборга олинди.

Олий таълим тизимига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ва Тошкент давлат педагогика университетида «Янги педагогик технологиялар маркази» ташкил этилди. Вазирликнинг 1999 йил 24 февралдаги 58-сонли буйруғи билан «Олий таълимда илғор педагогик технологиялар» мавзусига бағишланган республика анжумани ташкил этилиб, унда хорижий давлатлар мутахассисларининг иштироки таъминланди. Мазкур анжуман тавсиясига кўра, педагогик технологияларнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш мавзусидаги анжуманлар, малака ошириш курсларини мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Янги педагогик технология мавзусига бағишланган 36-144 соатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, 1999 йилда 110 та профессор-ўқитувчи, 2000 йилда 113, 2001 йилда 67, 2002 йилда 34 киши ҳамда масофавий таълим мавзуси бўйича барча олий таълим муассасаларидан 298 киши малака оширдилар. «Янги педагогик технологиялар» (10 босма табоқ), «Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари» (15 босма табоқ) номли қўлланмалар тайёрланиб, ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Шунингдек, «Талабаларда танқидий тафаккурни ривожлантириш услубиёти тўғрисида»ги қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Масофавий ўқитишнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланган масофавий ўқитиш воситалари базасини яратиш юзасидан мамлакат ва хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ҳамкорликда видеоконференциялар ўтказилди. Жумладан, Тошкент давлат техника университетида Германиянинг Гамбург-Жарбург техника университети билан етакчи профессорлар иштирокида бир қатор видеоконференциялар ўтказилди. Республика олий таълим муассасаларига халқаро «Internet» ахборот тармоқларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида катта тезликли таълим тармоғини шакллантириш ишлари бошланди. Ушбу йўналишда республика олий таълим муассасалари ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлигида видеоконференциялар ташкил этишни ривожлантириш режалаштирилган.

Вазирлик ҳайъатида қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидагилари тасдиқланди:

- олий таълим муассасасининг Васийлик кенгаши ҳақида намунавий Низом;
- олий таълим муассасаларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақида Низом;
- олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида намунавий Низом;
- магистратура бўлими фаолиятига оид ҳужжатлар;
- магистратура бўлими ҳақида намунавий Низом;
- иш юритиш бўйича ўқув-услубий ҳужжатлар таркиби ва шакллари;

- ўқиш жараёнини ташкил этиш ҳақида Низом;
- магистрлик диссертацияси тўғрисида намунавий Низом;
- битирувчиларнинг давлат аттестацияси тўғрисида Низом;

- магистратура талабасининг илмий-педагогик фаолияти бўйича кундалик дафтар лойиҳаси.

Шу кунларда навбатдаги меъёрий ҳужжатлар экспертиза ва муҳокамадан ўтказилмоқда. Булар:

- Олий таълим тўғрисида Низом;
- Олий таълим ўқув фанлари дастурини яратиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом;
- Такомиллаштирилган рейтинг тизими тўғрисида Низом;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича мувофиқлаштирувчи классификатор.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари” тўпламининг 2-қисми нашрга тайёрланмоқда. Бу қисмга юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-қароридан келиб чиққан ҳолда янги меъёрий-услубий ҳужжатлар киритиш мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторига мувофиқ, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотларнинг бакалаврлар ва магистрлар билан тўлдириладиган лавозимлари рўйхати ишлаб чиқилди. Мазкур рўйхат лойиҳаси 28 та олий таълим муассасаси, ўндан ортиқ вазирликлар ва идоралар, маҳкамалар, йирик концерн ҳамда ассоциациялар томонидан ўрганиб чиқилди ва тегишли таклифлар билдирилди. Бакалаврлар ва магистрлар билан тўлдириладиган лавозимлар рўйхати тасдиқлаш учун топширилди.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим Давлат таълим стандартлари (ДТС) ўртасидаги узвийликни тўла таъминлаш борасида камчиликлар (фан дастурлари тасдиқлаш учун тайёр ҳолга келтирилмаган, улар қайта ишланиши лозим) мавжуддир. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун Республика таълим марка-

зи, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда таянч олий таълим муассасалари (ЎЗМУ, ЎЗДЖТУ, ЎЗДЖТИ, ТДПУ, ТДШИ, ТДИУ, ТДЮИ) бир-бирлари билан боғланган ҳолда фан дастурларини талаб даражасида тезда қайта ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим сифатини “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари даражасида амалга ошириш масаласини Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма ҳайъат мажлисида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув жараёнига, ҳамма йўналишлар бўйича ўқув режасидаги фанлар мазмунига янги талаблар қўйган ДТСнинг жорий қилиниши дидактик ва информацион таълимнинг ўқув-услубий мажмуаси янги авлодини яратиш заруратини туғдириб, мавжуд ўқув адабиётлари фондиди тўлиқ янгилашнига олиб келди. Бу ҳозирги вақтда бакалавриат ва магистратурада ўқитиладиган 2500 та фанга тааллуқлидир. Гап шундаки, олий таълимда икки босқичли тизимни жорий қилиш ибтидосида ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминоти етарли эмас эди. Вазиятдан чиқишнинг ягона йўли ОТ-Млари кутубхоналари ўқув адабиётларининг мавжуд фондидан фойдаланиш бўлди.

2000 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига 13 млн сўмлик, 2001 йил январда 3,4 млн. сўмлик дарслик, ўқув қўлланма ва маърузалар матни етказилиб берилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг кутубхона фондлари экспертизадан ўтказилди. Маънавий эскирган дарслик ва қўлланмалар фойдаланишдан чиқариб ташланди. Экспертиза натижаларига кўра китоблар 3 та гуруҳга бўлинди:

- ДТС талабларига мослиги бўйича, фойдаланиши мумкин бўлмаган китоблар (13,5 %);

- яқин уч йил давомида вақтинча ўқув адабиёти сифатида фойдаланишга мумкин бўлган китоблар (16,5%);

- тўлиқ янгиланганга қадар 5-6 йил давомида фойдаланишга яроқли китоблар (70 %). Натижада олий таълим учун дарсликлар яратишнинг 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури ишлаб чиқилди.

Олий таълим учун ўқув адабиётларини нашр қилишнинг истиқболли режаси қуйидагича:

| Йиллар | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|--------|------|------|------|------|------|------|
| Режа | 210 | 610 | 623 | 637 | 658 | 660 |

1997-2002 йилларда олий таълим фанлари бўйича 2927 дарслик ва ўқув қўлланма (1998 йилда-660, 1999 йилда-660, 2000 йилда-478, 2001 йилда-490, 2002 йилда – 639) чоп қилинди. Шу жумладан, марказий нашриётларда 105 номдаги адабиёт 259000 нусхада, вилоят нашриётларида ва бевосита ОТМларида эса 2822 номдаги адабиёт 1650000 нусхада нашр этилди. Масофавий таълим учун қулай бўлган электрон дарсликлар 354 номдаги фанлар бўйича тайёрланди.

Жорий баҳолаш (ЖБ), оралиқ баҳолаш (ОБ) ва якуний баҳолаш (ЯБ) бўйича 652 та саволномалар тўпламлари тайёрланиб, кутубхоналар орқали талабаларга етказилди.

ОЎМТВ раҳбарлигида 1999-2001 йилларда ҳамма ОТМлари бўйича маъруза матнлари қўлёзмаларини яратиш жараёни бошланди. 11 мингдан ортиқ номдаги маърузалар курси қўлёзмаси тайёрланди. Уларнинг аксари апробациядан ўтказилиб, ўқув қўлланмаси сифатида қайта ишланди. Улардан 3138 таси касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, шунингдек, талабалар ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари учун электрон версиялар шаклида дискетларда, ОТМлари босмахоналарида кам ададларда (50-100 нусхада) чоп қилинди ва ОТМларининг кутубхоналарига берилди.

1138 номдаги маъруза курслари марказий нашриётларга топширилди.

2000 йилда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий I блок фанлари бўйича 14 та миллий истиқлол гоёси сингдирилган маърузалар курси чоп қилиниб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва ОТМларига тарқатилди.

Математик ва табиий-илмий фанлар II блок фанлари бўйича таялов асосида маърузалар курсини яратиш ишлари якунланди. Бу ишга 17 та ОТМдан 27 та фан бўйича 75 та етакчи мутахассислар жалб қилинди.

Ўқув жараёни учун зарур дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича уч томонлама (муаллиф—ректор—вазир) шартнома шакли ишлаб чиқилиб, вазирлик ҳайъатининг 2000 йил 28 январдаги 1/4 - сонли қарори билан тасдиқланган. 2001 йилнинг сентябрига қадар уч ёқлама шартномаларнинг 1741 таси рўйхатга олинган. 2001 йилда 510 та шартнома бажарилган, 494 номдаги 442 минг нусхада дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган.

Вазирликнинг буйруғи билан ҳар бир фан бўйича маъруза матнлари муқобил нусхаларининг мавжуд бўлиши мажбурий этиб берилган. Мазкур буйруқда белгиланган тартиб маъруза матнлари муаллифларининг масъулиятини, маърузалар сифатини оширишга қаратилган бўлиб, талабаларда бир фан бўйича яратилган муқобил маъруза матнлари билан яқиндан танишиш ва бир мавзунини ёритиш бўйича ҳар хил ёндашишни баҳолаш имкони юзага келади. Энг муҳими, маъруза матни муаллифида талабалар олдидagi масъулиятни ҳис этишга, талабалар ўртасида ўз рейтингни кўтаришга оид механизм белгиланган.

Олий таълимнинг табиий, техника ва технология йўналишлари бўйича хорижий мамлакатлардан дарсликлар келтириш, уларни тегишли экспертизадан ўтказиб, давлат тилига таржима қилиш йўлга қўйилди. 2001 йили СОРОС фонди иштирокида «Макроэкономика», «Социология», «История философии» номли хорижий тилдаги дарсликлар ўзбек тилида нашр этилди.

Вазирликнинг 2001 йил 1 июндаги 129-сонли буйруғига асосан масофавий таълим учун қулай бўлган замонавий электрон дарсликларни яратиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда

22 та фандан электрон дарсликлар яратилиб (ТТЕСИ—5 та, ТАЙИ—2, ТДАИ—1, ФарПИ—5), лабораториялардаги қиммат-баҳо ускуналар ўрнини босадиган виртуал-иммитацион лаборатория ишлари ташкил этилган.

Ўқув режадаги III ва IV блок фанлари бўйича электрон версиядаги дарслик, ўқув қўлланмаларнинг яратилиши нашр учун сарфланадиган маблағ миқдорини камайтиришга ҳамда дарсликларга илм-фан ютуқларини мунтазам равишда киритиб боришга имкон бермоқда. Мазкур тадбирлар орқали олий таълим тизимини таълим йўналишлари бўйича маъруза матнлари билан таъминлаш 100 фоизга, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш 94,2 фоизга етказилди.

Ушбу йўналишда қилинажак ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Мавжуд камчилик ва муаммоларни тезроқ ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан:

1. Ўқув қўлланма ва дарслик ёзаётган муаллифларга сарфланаётган интеллектуал меҳнати бўйича ҳақ тўлашнинг янги механизми ишлаб чиқилиши зарур.

2. Марказий нашриётларимиз дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари нашриётлари каби фақат бюджет маблағларидан эмас, балки ўзларининг айланма маблағларидан фойдаланиши, китоб савдосини кенг ривожлантириш, ўқув адабиётлари бўйича ихтисослашган китоб магазинларини очиши керак.

3. Олий ва ўрта махсус таълим учун дарслик ва ўқув адабиётларининг ихтисослашган нашриётларини ташкил қилиш лозим.

4. Ўқув-кўргазмалари қуроллари (карталар, глобуслар, плакатлар, ўқув адабиётлари, стендлар, ўқув-илмий жиҳозлар) ишлаб чиқувчи махсус корхоналар барпо этиш зарур.

5. Юқори сифатли ўқув адабиётлари ва қўлланмалар ҳамда электрон ўқув адабиётларини таълим жараёнида кенг-роқ жалб қилиш ва уларни CD дискларда тарқатишни йўлга қўйиш, шу жумладан, автоматик таржималардан кенг фой-

даланиб, кириллицадан лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтказиш фурсати аллақачонлар келди.

6. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи талаблари доирасида олий таълим таъҳили жараёнидаги ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янги педагогик технологиялар билан ёзилишига тўлиқ эришиш даркор ва ҳ.к.

ТАЪЛИМ БОЗОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталиб, кадрларни мажбурий ишга тақсимлаш тажрибасидан воз кечилганлиги кадрларни ишга жойлаштириш жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, дегани эмаслигини алоҳида таъкидлади ва бу борада жадал суръатларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

2002 йилда олий таълим муассасаларини 35620 нафар бакалавр ва 3 мингдан ортиқ магистр битириб чиқишди. Маркетинг изланишлари кўрсатишича, битирувчилардан 12 минг нафар бакалавр ва 800 нафарга яқин магистр мутахассислигига кўра, жумладан, халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича битирган мутахассисларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш механизмини яратиш мақсадида олий таълим муассасаларини бюджет асосида битираётганларни мақсадли ишга жойлаштирилишини ташкил этишга йўналтирилган 3 томонлама (талаба + ОТМ + истеъмолчи-корхона) шартнома ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги 48-сонли қарори

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури
1997 йил 29 август



В а з и ф л а р

- 1 Таълим мазмунини қайта қуриш.
- 2 Педагог, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
- 3 Таълим олувчилар тайёргарлигига қўйилган давлат талабларини белгиловчи давлат таълим стандартлари яратиш ва жорий этиш.
- 4 Ўқув-услубий мажмуалар, дидактик, ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
- 5 Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш.

6

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, таълимда рақобат муҳитини, таълим хизматларини ривожлантириш.

7

Таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати, уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини барпо этиш.

8

Халқаро алоқаларни кенгайтириш.

9

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини юритиш.



1 Таълим мазмунини қайта қуриш.

1.1. Узлуксиз таълим тизими:

| | | Ўрта махсус, касб-хунар таълими (3 йил) | Олий таълим | | Олийдан кейинги таълим | |
|--------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------------|--------------------------------|------------------------------|----------------------------------------------------|------------------------------|
| Мактаб- гача таълим | Умумий ўрта таълим | Академик лицей | Бакалав- риатура (4 йил) | Магист- ратура (2 йил) | Аспиран- тура, гадқиқот- чилик (3 йил) | Докторан- тура (3 йил) |
| | | Касб- хунар коллеж- лари | | | | |
| 6-7 ёш | 15-16 ёш | 18-19 ёш | 22-25 ёш | 24-28 ёш | 27-31 ёш | 30-34 ёш |
| Мактабдан ташқари таълим | | Малака ошириш. Кадрларни қайта тайёрлаш | | | | |



2

Педагог, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

2.1. Педагог ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш

- 26 та ОТМ да педагоглар тайёрланади (оўмТВ);
- 35 та ОТМ да илмий-педагогик кадрлар тайёрланади (оўмТВ);
- 3 та илмий-тадқиқот институтида илмий-педагогик кадрлар тайёрланади (оўмТВ);
- ОТМ да 18238 та профессор-ўқитувчилар ишлайди;
- шу жумладан: 1144 та фан доктори (6,8%);
7740 та фан номзоди (40,7%);
- 1997-2001 йиллари 201 та фан доктори ва
1082 та фан номзоди тайёрланди.

2.2. Педагог ва илмий-педагогик кадрлар малакасини ошириш:

- 22 вазирликда;
 - 2 та мақсадли академияда;
 - 22 та институтда;
 - 15 та марказда;
 - 22 та факультетларда амалга оширилади.
- Шу жумладан, ОЎМТВ тасарруфида:
- 4 малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтида;
 - 13 ОЎМТВ тасарруфидаги марказ ва 17 факультетда.

2.3. Яратилган меъёрий-услубий ҳужжатлар:

- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидаги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳақида Низом;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳақида намунавий Низом;

- Олий ўқув юртлари таркибидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳақида намунавий Низом;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш факультети ҳақида намунавий Низом;
- Фан, техника ва технологиянинг янги истиқболли йўналишлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш махсус факультети ҳақида намунавий Низом;
- Педагог кадрларнинг ўзини ўзи аттестациялаши бўйича тавсиялар;
- Педагоглар ва раҳбар кадрлар малакасини ошириш бўйича Давлат талаблари, намунавий ўқув режа ва дастурлар.

2.4. 1999-2005 йилларга мўлжалланган малака ошириш истиқболи

- Ҳар йили ўртача: олий таълим тизимининг 5500 дан ортиқ раҳбарлари, кутубхона ва хизмат кўрсатиш ходимлари ва профессор-ўқитувчилари;
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 40-45 мингта педагоглари, раҳбарлари, таълим усталари, кутубхона ва хизмат кўрсатиш ходимлари;
- 5000 дан ортиқ соҳа мутахассислари;
- ОТМ ва ЎМКХТ нинг 350 нафар раҳбарлари, педагоглари "Устоз" жамғармаси орқали ўз малакасини оширадилар.

3

Таълим олувчилар тай-
ёргарлигига қўйилган давлат
талабларини белгиловчи
давлат таълим стандартлари
яратиш ва жорий этиш.

3.1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

| № | Билим соҳаси | Таълим соҳаси | Таълим йўналишлари | Магистратура мутахассисликлари |
|------|------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|--------------------------------|
| I | Таълим | 1)Уқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани | 20 | 37 |
| II | Гуманитар фанлар ва санъат | 2)Санъат 3)Гуманитар фанлар | 14 5 | 80 33 |
| III | Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ | 4)Ижтимоий фанлар ва ахлоқ фанлари 5)Журналистика ва ахборот 6)Бизнес ва бошқарув 7)Ҳуқуқ | 3 2 11 1 | 28 12 76 24 |
| IV | Фан | 8)Ҳаёт ҳақидаги фанлар 9)Табиий фанлар 10)Математика ва статистика 11)Ахборотлаштириш | 1 8 1 1 | 28 105 8 9 |
| V | Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари | 12)Муҳандислик ва муҳандислик иши 13)Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари 14) Архитектура ва қурилиш | 29 11 6 | 319 107 52 |
| VI | Қишлоқ хўжалиги | 15) Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 16) Ветеринария | 8 1 | 84 12 |
| VII | Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот | 17) Соғлиқни сақлаш 18) Ижтимоий таъминот | 6 1 | 76 6 |
| VIII | Хизматлар | 19) Хизмат кўрсатиш 20) Транспорт 21) Атроф-муҳит муҳофазаси 22) Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 5 2 2 1 | 25 4 14 6 |
| IX | Ҳарбий таълим | | | |
| | | | 134 | 1235 |

3.2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари Асосий қоидалар:

- қўлланиш соҳалари;
- норматив ҳаволалар;
- таърифлар;
- олий таълимнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари;
- олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

- битирувчилар тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари;
- ўқув юклармаси ҳажми;
- кадрлар тайёрлаш сифатини ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш;
- бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассислиги ўқув режаларининг намунавий шакллари.

3.3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ваколатли давлат органи) тасдиқлайдиган олий таълим стандартлари:

- бакалавр йўналишлари (134) давлат таълим стандартлари;
- магистратура мутахассислиги (1225) давлат таълим стандартлари.

Бакалаврият бўйича мажбурий фанлар блоклари:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисосли;
- қўшимча.

Магистратура бўйича мажбурий блоклар

- Умумметодологик фанлар;
- Мутахассислик фанлари;
- Илмий фаолият.



4

Ўқув-услубий мажмуалар,
дидактик, ахборот таъми-
нотининг янги авлодини
ишлаб чиқиш ва жорий
этиш.

4.1. 1998 йил кутубхоналар фондлари экспертизаси натижалари:

- яроқсиз 13,5%;
- қисқа муддат (3 йил) га яроқли 16,5%;
- вақтинча (5 йил) яроқли 70%.

4.2. Олий таълим бакалавриатура фанлари сони ва услубий таъминоти ҳақида маълумот:

- I. Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар сони 18 та; таъминланганлиги - 100%.
- II. Табиий умумматематик фанлар сони-74 та; таъминоти-85%.
- III. Умум ихтисослик фанлари-1767 та; таъминоти-84%.
- IV. Ихтисослик фанлари-1539 та; таъминоти - 80%.

4.3. Истиқбол нашр режаси

| Фанлар блоки бўйича нашр этилувчи дарслиklar номининг сони | | | | | |
|------------------------------------------------------------|---|----|-----|-----|--|
| Йиллар | I | II | III | IV | |
| 1999 | 5 | 7 | 98 | 100 | |
| 2000 | 5 | 7 | 290 | 308 | |
| 2001 | 5 | 8 | 313 | 296 | |
| 2002 | - | 17 | 350 | 270 | |
| 2003 | 1 | 17 | 360 | 280 | |
| 2004 | 1 | 18 | 356 | 285 | |

- нашр этилган дарсликлар номининг сони - 1152 та;
- нашриётлардаги қўлёзмалар сони - 111 та;
- экспертизадаги қўлёзмалар сони - 110 та;
- дарсликлар яратиш бўйича уч ёқлама шартномалар сони - 1586 та;
- маъруза матнлари сони-11107 та; жумладан, магнит дискеталарда - 4232 та.

4.4. Йилнинг энг яхши дарслиги муаллифи танловида иштирок этган ўқув адабиётлари:

1998 йилда - 187 та;

1999 йилда - 48 та;

2000 йилда - 100 та;

2001 йилда - 116 та.

4.5. Кутубхоналарнинг замонавий ахборот воситалари билан таъминланганлиги

| компьютер | | Электрон почта | | Интернет | | Нусха кўчириш техникаси | |
|-----------|----|----------------|------|----------|------|-------------------------|------|
| дона | % | дона | % | дона | % | дона | % |
| 135 | 97 | 26 | 76,5 | 28 | 82,4 | 28 | 82,4 |

4.6. Автоматлаштирилган кутубхоналар:

ТДИУ, ЎЗМУ, ТДТУ, ТЭТАИ
Чет эллардан келтирилган
дарсликлар сони — 37 000 та.



5

Ўрта махсус, касб-ҳунартаълими учун моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш.

5.1. Ташкил этилган янги типдаги академик лицей (АЛ), касб-хунар коллежлари (КХК) (2002 йил 1 сентябргача)

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг республика бўйича жойлашуви:

АЛ - 46 та
КХК - 260 та



5.2. Моддий-техника базаси

- янги қурилган ва реконструкция қилинган АЛ ва КХК сони - 306 та
- 3,734,63 минг сўмга сотиб олинган ўқув анжомлари ва компьютерлар 512 - (синф)
- физика лабораториялари - 218 та (545,7 млн. сўм)
- кимё лабораториялари - 218 та (1627,4 млн. сўм)
- биология лабораториялари - 218 та (624,7 млн. сўм)
- устахона дастгоҳлари - 700 та

5.3. ЎМКХ таълими тизимининг илмий-педагогик салоҳияти

- умумий сони - 41741 та
- ўқитувчи-педагоглар сони - 32680 та,
жумладан, олий маълумотли - 31433 та
- фан номзодлари - 1154 та
- фан докторлари - 93 та
- ўқув усталари - 9061 та

5.4. Давлат таълим стандартлари (ДТС)

- 290 йўналишдан 34 таси учун ДТС ,
- академик лицейлар учун 4 та ДТС тасдиқланди.

5.5. Фанларнинг дастурлар билан таъминланиши:

- | | |
|-----------------------|-----------|
| · барча фанлар сони | - 2035 та |
| · умум таълим фанлари | - 22 та |
| · касб-ҳунар фанлари | - 2013 та |

Ишлаб чиқилган дастурлар:

- | | |
|-----------------------|----------|
| · умум таълим фанлари | - 22 та |
| · касб-ҳунар фанлари | - 442 та |

5.6. Дарсликлар

- Ўзимизда нашр этилган дарсликлар 24 та номда (умумий адади 115,7 минг нусха)
- Хориждан келтирилган 41 та номда (умумий адади - 46358 нусха)



6 Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, таълимда рақобат муҳитини, таълим хизматларини ривожлантириш.


6.1. Бюджетдан ташқари маблағларни ишлаб топиш йўллари

А. Илмий-тадқиқот,
конструкторлик
ишлари-2,2 %


Б. Таълим хизматлари
(ДТС да кўрсатилгандан
ташқари)-5,3 %

В. тадбиркорлик
фаолияти-6,5 %

Г. Тўлов-контракт
tizими-84,2 %



6.2. Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ўсиши



6.3. Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари

| | |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| таълим моддий-техник базасини ривожлантириш учун (компьютер, лаборатория анжомлари, реактивлар, ашлар) | - 18,1% |
| дарслик, ўқув қўлланмалари (шу жумладан, мазруи курслари, уларнинг электрон шакллари, газета, журнал, илмий-техник журналлар обунаси) | - 5,1% |
| профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига | - 29,0% |
| мажбурий тўловлар (вазирлик, "Устоз", "Умид", универсиада ва бошқа фондлар) | - 7,0% |
| коммунал хўжалик, таъмирлаш ишлари | - 8,5% |

6.4. Таълим хизматлари ва уларнинг нисбати

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------|----------|
| • олий таълимга тайёрлов курслари | - 3,5 % |
| • тил ўргатиш курслари | - 2 % |
| • компьютер курслари | - 2 % |
| • касб-ҳунар ўргатиш курслари | - 1,8 % |
| • кутубхона хизматлари (библиография, нусха кўчириш, муқовалаш, китоб тиклаш ва ш.ў.) | - 2,4 % |
| • тўлов контракт таълими | - 84,2 % |



Таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизими, кадрлар тайёрлаш сифати, уларга бўлган эҳтиёж мониторинги.


7.1. OTM асосий рейтинг кўрсаткичлари:

- директив ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижроси (жарима балл);
- талабалар билим даражаси (максимал балл — 700);
- ўқув жараёнини ташкил этиш (жарима балл);
- илмий-педагогик кадрлар салоҳияти (максимал балл — 300);
- талабаларнинг мустақил ишлари (максимал балл — 250);
- моддий-техника ва ўқув-лаборатория базаси (максимал балл — 400);
- илмий-тадқиқот ишлари (максимал балл — 400);
- маънавий ва маърифий ишлар (максимал балл — 250);
- ишлаб чиқариш билан интеграция (максимал балл — 100);
- халқаро ҳамкорлик (максимал балл — 100);


Аттестациядан ўтиш бали: 1650

Аттестациядан шартли ўтиш бали: 1375

7.2. Республика ОТМ аттестацияси натижалари:




7.3. ОТМ нинг профессор-ўқитувчилар сифат таркиби



- М - ЎзРФА академиклари;
- Dr - профессорлар ва фан докторлари;
- Nz - доцентлар ва фан номзодлари;
- P - илмий даражаси йўқ ўқитувчилар

7.3. ОТМларда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш




Охириги 3 йилда ҳимоя қилинган:

Dr3 - докторлик; Nz3 - номзодлик ишлари;


Ac1 - аспирантура ва докторантура орқали;

Ac - ҳимоя қилмаган аспирантлар ва докторантлар


7.4. Ўзбекистон Республикаси ОТМдаги профессорлар ва фан докторлари сони



7.5. ОТМларда 3 йилда ЎР ФТДК нинг буюртмаси асосида бajarилган ишлар (млн. сўмда)



7.6. ОТМларида 3 йилда хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар (млн. сўмда)



7.7. ОТМ талабаларининг ўртача билим сифати кўрсаткичи





8

ОТМнинг халқаро
алоқалари кўрсаткичлари:

Халқаро алоқалар

8.1. Талабалар алмашуви

1997-2001йй. кўрсаткичлари:

- хорижда 729 талаба, 200 аспирантлар таълим олди;
- Ўзбекистонда 402 хорижлик талабалар (22 мамлакатдан) таълим олди.

8.2. 433 профессор-ўқитувчилар хорижда малака оширдилар,

шу жумладан:

164 — Германия;

39 — Миср;

112 — Англия;

37 — Хиндистон;

40 — Франция;

15 — Италия;

9 — Япония;

10 — Хитой;

7 — Чехия.

8.3. Хориждан (АҚШ, Германия,
Англия, Франция, Япония, Корея)
педагогик фаолият учун 300 та
профессор-ўқитувчилар таклиф этилди.

8.4. Илмий ҳамкорлик

(шу жумладан, анжуманларда)

- ТДШИ - Япония, Корея, Миср, Саудия;
- ТАҚИ - Германия, Веймар-Баухоуз;
- ТДТУ - Малайзия;
- ТДАИ - АҚШ (Боинг);
- ТДИУ - OWZ-Bayern;
- ТТЕСИ - Германия, Бельгия, Греция;
- ТМИ - АҚШ, Германия;
- ТЮИ - Япония (Нагоя, Кюшу, Васеда, Якахама);
- СамГАСИ - Италия (Милан. Политех);
- СамДЧТИ - Барча Европа мамлакатлари.

8.5. Хорижий инвестициялар жалб қилиш

247 млн. АҚШ доллари,
682 млн. Япония ийени

8.6. Ҳамкорлик ўрнатилган халқаро жамғарма ва ташкилотлар:

- ЮНЕСКО
- ТАСИС-ТЕМПУС
- КОИКА
- ДААД
- АБР
- ФОНД Дж.СОРОС
- ORET
- КАФЕ
- АКСЕЛС
- Тинчлик корпуси

- Гёте институти
- АЙРЕКС
- БЕЕ
- СИЕС
- IAESTE
- CBIF
- CIDA
- МАШАВ
- Британия кенгаши



9 Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторинги.



И. А. Каримов АҚШда таълим олаётган бир гуруҳ талабалар даврасида.

— Маркетинг хизматлари ташкил этилганидан бери қатор илмий-услубий, амалий ва ўқув семинарлари, шунингдек, республика конференциялари ўтказилди. Масалан:

а) Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг Бозор муносабатлари маркази билан ҳамкорликда Тошкент давлат техника университети базасида олий таълим муассасалари маркетинг хизматлари ходимлари учун бир ҳафталик ўқув семинари ташкил этилди ва тингловчиларга сертификатлар берилди;

б) 2000 йил май ойида Самарқанд шаҳрида СамДУ негизида маркетинг изланишлари ва мутахассисларга «бююртмалар портфели»ни ташкил этиш масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди;

в) 2001 йил июн ойида Тошкент давлат иқтисодиёт университети негизида меҳнат бозори талаблари ва эҳтиёжини белгилаш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди;

г) 2002 йил феврал ойида Тошкент давлат техника университети негизида академик лицей, касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

Конференциялар натижаларига кўра, маркетинг изланишларига ва таълим хизматлари бозорини шакллантиришга бағишланган мақола ва тезислар эълон қилинди (2000-2002 йиллар).

Вазирнинг 2000 йил 15 декабрдаги 335-сонли буйруғига кўра, вазирлик ҳайъатининг 2000 йил 6 октябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2001 йил январь-феврал ойларида маркетинг хизмати бўлимлари бошлиқлари суҳбатдан ўтказилди. Натижада 61 олий таълим муассасаси маркетинг хизмати бўлимлари бошлиқларидан 11 киши суҳбатдан «шартли» ўтди, уларга ишдаги камчиликларни тўғрилаш учун 3 ва 6 ойлик муддат тайинланди.

Олий таълим муассасаларида маркетинг хизматлари ташкил этилганидан бошлаб, айниқса, 2001 ва 2002 йилларда истеъмолчиларнинг мутахассис кадрларга бўлган талабини ўрганишга алоҳида эътибор берилди бошланди. Натижада



Тошкент Давлат техника университети физика лабораториясида лазер
қурилмаси бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.



Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов
номли академик лицейида География дарси.

асосида барча олий таълим муассасаларида ташкил этилган маркетинг хизмати бўлимлари олдига мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни корхона, ташкилотларнинг буюртмалари асосида ўрганиш, мазкур буюртмалар асосида **«буюртмалар портфели»**ни шакллантириш, пировард натижада таълим бозорини шакллантириш вазифалари қўйилди. «Буюртмалар портфели» корхона ва ташкилотларнинг бюджет ҳамда шартнома асосида мутахассислар тайёрлашини кўзда тутди. 2002-2003 ўқув йили учун қабулга бўлган буюртмалар сони 87 мингга ташкил этди (бакалавриатга 77 минг ва магистратурага 10 минг).

Шу нуқтаи назардан маркетинг хизмати маркази олдида турган вазифалар қуйидагича белгиланди:

- таълим хизматлари бозори ва таълим соҳасида маркетингни шакллантириш;

- олий таълим муассасалари маркетинг хизматлари бўлимлари ишини мувофиқлаштириш;

- мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таълимнинг янги йўналишлари (мутахассисликлар)ни аниқлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

- таълим хизматлари бозорида тўғри йўл топиш, янги таълим йўналишлари (мутахассисликлар), касблар, ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашга бўлган талабни белгилаш учун маълумотлар банкни яратиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Қўйилган вазифаларни бажариш борасида қуйидагилар амалга оширилди:

- олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар тўғрисида маълумотлар банкни яратиш, кадрларга бўлган талабни ўрганиш мақсадида олий таълим муассасалари маркетинг хизматлари учун «Хужжатлар тўплами» ишлаб чиқилди ва 1998 йил 29 августда вазир томонидан тасдиқланди;

- 2000 йил Маркетинг хизмати маркази ходимлари томонидан «Олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш услублари» номли тўплам нашрдан чиқарилди;

таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича олий таълим муассасалари ва минтақалар кесимида «буюртмалар портфели» шакллантирилди. Бу нарса бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг 2010 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини тузиш имкониятини юзага келтирди.

Шунингдек, маркетинг хизматлари «буюртмалар портфели»ни ўрганиб, минтақалар, соҳалар, олий таълим муассасаларининг ўзларини келажакдаги ривожланиш кўрсаткичлари асосида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг 2010 йилгача истиқболини прогноз қилиш имконияти юзага келди.

Шунга қарамай, ушбу фаолиятда қатор муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Жумладан, иқтисодиёт соҳалари ва таълим эҳтиёжларининг қисқа муддатли яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган прогнозлари билан боғлиқ талабни аниқлашнинг ишлаб чиқилган механизми доим ҳам ўз самарасини бераяпти, деб бўлмайди. Технологияга оид ўзгариш, корхоналарни реконструкция қилиш каби шароитларга ўқитиш сифати ва йўналишлар рўйхатини тезда мослаштириш имкониятини бермаяпти. Мазкур механизмни янада такомиллаштириш талаб қилинади.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги 48-сонли қарорининг таълим грантлари тўғрисидаги банди тўлиқ бажарилмай қолмоқда. Грантлар ажратиш тартиби, томонларнинг мажбуриятлари ва масъулиятлари, мутахассислардан фойдаланиш тартиб ҳамда қоидалари зудлик билан ишлаб чиқилиши лозим. Боз устига, иш берувчилар, мутахассислар тайёрлаш жараёнида иштирок этувчи корхона ва илмий муассасаларни қўллаш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштириш лозим.

Учинчидан, вилоятлар кесимида мутахассислар тайёрлаш минтақаларнинг эҳтиёжига ҳамиша ҳам мос келмайди. Баъзи вилоятларда фақат педагог ва врачлар тайёрлаш амалга оширилиб, зарур эҳтиёж ҳамда салоҳият мавжуд эканли-

гига қарамай, бошқа кўпгина таълим муассасалари томонидан мутахассислар тайёрланмайди.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари томонидан мутахассислар тайёрлашда айнан ўхшашлик ҳоллари кузатилмоқда, яъни минтақадаги таълим муассасалари ўхшаш таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашади. Бу ҳол таълим сифатининг пасайишига (профессор-ўқитувчилар таркиби етишмайди) ва мазкур минтақада баъзи соҳалар бўйича кадрлар керагидан ортиқ тайёрланишига олиб келмоқда.

Бешинчидан, магистр ва бакалаврлар эгаллаши керак бўлган намунавий лавозим меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан биргаликда лавозимлар ва олий таълим ихтисосликлари тавсифномасини (классификатори) ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келди.

Бу муаммоларни ечиш имкониятлари изланмоқда. Жумладан:

а) иқтисодиёт соҳаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш услубиятини такомиллаштириш, узоқ муддатга мўлжалланган «буюртмалар портфели»ни шакллантириш ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан бирга мутахассисларни турли сабабларга кўра ишдан кетиш ҳолларини ҳисобга олиш (амалиёт ўзгариши, табиий ишдан қолиш, кадрлар қўнимсизлиги ва ҳ.к.);

б) эҳтиёж кўрсаткичларини олий таълим муассасаларига талабалар қабулининг олий таълим муассасалари, минтақалар, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кўрсаткичлари билан мутаносиблаштириш;

в) таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича эҳтиёжнинг олий таълим муассасалари, минтақалар ҳамда республика бўйича тўлиқ маълумотлар банкани яратиш;

г) маркетинг хизматларининг битирувчиларни ишга жойлаштириш борасидаги ишларини такомиллаштириш, уларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш фаолиятини кузатиш ва қабул кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришларни таклиф қилиш;

д) талабалар амалиётини ишлаб чиқаришда ўтишларини ташкиллаштириш, ўқув жараёнида корхона ва ташкилотлар иштирокини таъминлаш, талабаларни маълум корхона, ташкилотларда ишлаб қолишларига эришиш мақсадида улар билан шартномалар тузишга алоҳида эътибор қаратиш;

е) Вазирлар Маъкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-, 9-бандларида кўзда тутилган иш берувчиларни қўллаш борасидаги меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, давлат ва нодавлат таълим муассасалари учун таълим грантлари тўғрисидаги Низомни тезроқ қабул қилиш ва бошқалар.

ТАЪЛИМ СИФАТИ

Таълим сифати — Миллий дастурдан кўзланган бош мақсад. Ана шу мақсадни амалга ошириш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитасининг инновацион лойиҳаси (И-2001-17) бўйича Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтида «Узлуксиз таълимнинг сифат мониторинги» мавзусида илмий-услубий ишлар бажарилмоқда. Ушбу мавзунинг олий таълимга тааллуқли қисмида таълим сифатига таъсир этувчи муҳим индикаторларни белгилаш, уларни синовдан ўтказиш ва натижалар асосида таълимга оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш режалаштирилган. Бугунги кунда ижройи гуруҳ шакллантирилган ва унинг таркибига таълим турлари бўйича профессор-ўқитувчилар, услубшунос олимлар, Давлат тест маркази ва ташхис хизматлари вакиллари киритилган.

Тасдиқланган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган давлат таълим стандартларида ички назорат, якуний давлат аттестацияси ва ташқи назорат назарда тутилган. Ички назорат олий таълим муассасалари томонидан ўтказилиб, натижалари тегишли деканат ва ўқув бўлимларида таҳлил этилади. Якуний давлат аттестацияси вазирлик тасдиқлаган Давлат аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

Вестминстер (Буюк Британия) университети тажрибасига кўра, синов тариқасида киритилган якуний ёзма ишлар сифати таҳлил этилмоқда. Унинг натижалари бўйича олий таълим муассасаларига йўриқномалар юборилган.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим сифатини назорат қилишнинг кўп вариантли рейтинг усули 1992-93 ўқув йилидан бошланди. У Вазирлик Ҳайъатининг 1993 йил 25 мартдаги, 3/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларида талабалар ўзлаштиришининг кўп босқичли назорати тўғрисида”ги муваққат Низом ҳамда шу Низомни жорий этиш услуби ҳақидаги вазирликнинг 1993 йил 14 апрелдаги 88-01-193а-сонли Намунавий йўриқ хати асосида амалга оширила бошланди.

Вазирликнинг 1996 йил 3 июлдаги 166-сонли буйруғига асосан муваққат Низом 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом билан алмаштирилди. Намунавий Низомга рейтинг тизимини такомиллаштириш ниятида вазирнинг 1998 йил 10 июлдаги 184-сонли буйруғига кўра ўзгартиришлар киритилди. Унда баҳолаш жараёнида ўзлаштириш кўрсаткичи усулини қўллаш ҳақида кўрсатмалар берилди. 1999 йил 8 июнда вазирликнинг 194-сонли буйруғи билан янги намунавий Низом қабул қилинди. Буйруқ асосида якуний баҳолаш жараёнида ёзма иш усулини жорий қилиш ҳақида яна бир намунавий Низом қабул қилинди.

2000 йил 3 январда 2-сонли, 3 февралда 24-сонли, 7 февралда 27-сонли буйруқлар билан мазкур Низомга қўшимчалар киритилди.

Кўриниб турибдики, олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига катта эътибор берилаётир. Бунга тажрибалар йиғилиши билан йил сайин намунавий Низомларга қўшимчалар киритилаётгани далилдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели асосида таянч олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш учун рейтинг тизимини такомиллаштиришга аниқ тавсия-

лар ишлаб чиқиб, натижаларни инновацион лойиҳа асосида чоп қилиш зарур. Тавсиялар олий таълим муассасаларига фойдаланиш учун кенг тарқатилиши кўзда тутилмоқда.

Бизда ҳам, чет элларда ҳам энг муҳим омил бўлиб қолган талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстириш, уларда мустақил тафаккурни шакллантириш — бош вазифадир. Бунда энг муҳими — ёзма ишларга жуда катта эътибор берилаётгани. Ёзма ишлар нафақат якуний диплом ишлари, балки бутун ўқув йили давомида олиб борилмоқда. Жумладан, барча олий ўқув юртларида семестр тугагандан сўнг бўладиган имтиҳонлар ёзма равишда олинмоқда. Ёзма нутқни тизимли ўстириб бориш бўлмаса, мустақил равишда ёзилган курс, диплом ишларининг сифати пасайиб кетади. Бу ўз навбатида илмий ишлар ёзиш, турли тижорат ёзишмалари, давлат ҳужжатларини тўлдириш сифатига ҳам салбий таъсир қилади.

Олинаётган таълимнинг барча афзалликлари ва камчиликларини кўзгуда акс эттирувчи ёзма ишлар талабаларда танқидий ва ижодий тафаккурни шакллантиришнинг энг самарали қуроли ҳисобланади. Янги таклифларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш кўникмалари худди мана шу ёзма ишлар туфайли ривожлантирилди. Бу таклифлар фақат шу тариқа ишлаб чиқаришга жорий этилади ва республикамиз иқтисодиётига аниқ самаралар беради. Бугун бу борада талабалар олдида фаолиятнинг кенг имкониятлари очилмоқда. Иқтисодиёт ривожини учун бутун ресурслардан, янги технологиялардан тортиб, янги ишчи ўринларини яратишга барча йўллар очиқ. Якуний Давлат Аттестация имтиҳонларида тест синовларини ёзма диплом ишлари ва магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилиш қўшиб олиб борилмоқда. Бу ҳол назарияда ҳам, амалий фаолиятда ҳам ёш мутахассисларда мустақил тафаккурни ривожлантиришга имкон яратади. Ана шу тариқа халқ хўжалиги вазифаларини ҳал қилиш ва оҳорли муҳандислик лойиҳаларини яратиш мумкин.

Ижодий жараён сўз, жадваллар, ҳаракатлар ёрдамида янги гояларни шакллантиришни талаб қилади. Янги моделлар

ва алоқаларни яратишнинг кенг имкониятларидан иложи борича тўлиқроқ фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги замонда мавжуд бўлган кўплаб муаммоларнинг ягона ечими йўқ, шунинг учун ҳам ёзма ишлар бу борада катта изланишларни тақозо этади. Яъни талабаларни маълум бир эътиқодга эга бўлиш ва аниқ далиллар асосида бошқаларни ўз эътиқодига ишонтиришга мажбур эта оладиган бўлишади.

Ҳозирги пайтда кўплаб Ғарб мамлакатларида ўқув дастурларига риторика ва нотиклик санъати киритилган. Булар бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир малакали мутахассисга жуда зарур. Мана шу тариқа танқидий тафаккур шаклланиши мумкин. Бу фанларни бизнинг олий ўқув юртлари дастурларига киритиш охир-оқибат талабаларда ёзма нутқ маҳоратини оширишга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ёзма нутқ қобилиятини ривожлантиришни ҳал қилиб беради. Ҳар бир предметнинг ички ботиний моҳиятини аниқловчи сўзлар топиш худди мана шу кўникма билан бевосита боғлиқ.

Айни пайтда, мамлакатимиз ёшларининг 10%га яқини олий ўқув юртларига киришмоқда. Булар энг қобилиятли, истеъдодли йигит ва қизлардир. Ватанимизнинг келажаги худди шу ёшларимиз қўлида. Жаҳон бозорига рақобатга бардош беришга ҳам улар қодир бўладилар. Бозор иқтисодиёти шароитида янги жамият мутахассислари ўзлари мустақил ҳолда вазифалар қўя олишлари ва бу вазифаларни ўзлари ечишга қодир бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам талабаларда дунёнинг мураккаблигини тушуна олиш қобилиятини, билимларни чуқур эгаллаб, тафаккур теранлигини камол топтириш зарур. Ана шу муҳим масалаларни амалга оширишда ёзма ишларнинг роли катта. Масалани умумий тарзда олиб қарайдиган бўлсак, шу орқали аҳолининг, хусусан, ёшларнинг саводхонлигини оширишга эришилади.

Масалан, Англия университетида ўқиш учун грантга эга бўлган бир талабамиз тест талабларига юксак даражада жавоб қайтариб, муваффақиятга эришганига қарамасдан, саккизта эссе ва катта ҳажмдаги диссертацияни ёзиш талаб

қилинганда жуда кўп қийинчиликка дуч келади. Бу хилдаги синов усуллари Буюк Британиянинг, бошқа ривожланган мамлакатларнинг университетларида қўлланилиб келинмоқда. Яна шуниси ҳам муҳимки, ишнинг ҳажми бетлар билан эмас, балки матндаги сўзлар йиғиндиси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кичик матнга катта информацияларни сиғдириш мумкин.

Афсуски, тоталитар тизим ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда изчил ва аниқ ифодалаш, ўз қарашларини, танқидий фикрларини очиқ айтиш каби энг зарур ҳаётий кўникмаларни шакллантиришни эътибордан соқит қилган эди. Олий ўқув юртларининг биринчи курс талабалари бажараётган ишларда юқоридаги зарарли ҳолатларнинг асоратлари сезилиб турибди.

Сир эмаски, курс, диплом ишларини тайёрлашнинг ўз бозори мавжуд. Айрим талабалар бундан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Бунинг бирдан-бир сабаби — ўқувчилар, талабалар, айрим ўқитувчиларнинг сифатли ёзма ишларни эплаб ололмаганлари оқибатидир. Ҳолбуки, бизнинг аждодларимиз бу масалага жуда жиддий қараганлар. Асрлар оша етиб келган қўлёзмалар туфайли биз улар ҳақида маълум тасаввурга эга бўляпмиз.

Ўтмиш асоратларини бартараф этиш учун биз Ҳамдўстлик Давлатлари ичида биринчи марта, мана, икки йилдан буён олий ўқув юртлари ўқув жараёнига ёзма ишлар бажаришни киритганмиз. Бу янгилик, биринчи навбатда, таълимнинг сифатини оширишга қаратилган.

Жорий имтиҳонлар ичида ёзма ишлар салмоқли ўринни эгаллайди. Бу янгилик айрим ўқитувчиларнинг ўзбошимчалигига чек қўймоқда. Агар талаба ўзига қўйилган баҳодан норози бўлса, у шикоят ёзиши ва уни комиссия кўриб чиқиши керак.

Бутун гуруҳ, потокнинг жавоблари солиштирилиб кўрилади. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчининг меҳнати баҳоланади. Ана шу тариқа талабаларнинг билимлари ва ўқитувчининг дарс ўтиш сифатини баҳолаш имконияти туғилади. Фарбий Европа олий ўқув юртларида маърузачилар дарс пайтида электрон доскаларда, слайдларда ўз маърузалар тезислари-

ни ёзиб, уларнинг схематик тасаввурини, ҳатто, объектнинг ҳаракатда ўзгариб туришини ҳам кўрсатадилар. Бу амал лаборатория дарсларида, олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар устахоналарида олиб бориладиган машғулотларда катта самаралар бермоқда. Бу нарса реал технологик жараёнларни ўрганишга нисбатан юз карра арзонроқ бўлади.

Талабаларда ёзма нутқни ривожлантиришда ўқитувчининг роли катта. Аммо кўп ўқитувчилар бу талабга тўла жавоб беролмаяпти, уларнинг қобилиятлари жаҳон стандартлари даражасида эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биз ўқитувчилардан ўзлари дарс ўтаётган фанлар маъруза матнларини талаб қилдик, сўнгра уларни жиддий таҳлилдан ўтказдик. Энг яхши маъруза матнларини кўп нусхада нашр этиб, шу фанлар ўтилатган барча ўқув юртларига юбордик, кутубхоналарга тарқатдик. Шундай қилиб, маъруза матнларини муҳокама қилиш учун бошқа ўқитувчилар, талабалар, ҳатто, уларнинг ота-оналари жалб этилди.

Чет элларда бирор-бир ўқитувчини ишга олиш пайтида унинг тўла ҳажмдаги маъруза матнлари муҳокама этилади. Тематик соатлар Интернетга, босилган нусхалар кутубхоналарга топширилади.

Биз томондан ўн бир мингта маърузалар матнлари муқобил асосда тайёрланди. Уларни баҳолаш учун танлов эълон қилинди. Голиблар руйхати матбуотда берилди. Энг яхши, деб топилган кўплаб маъруза матнлари қайта ишлангандан сўнг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга юборилди. Бу тажриба келажакда ёзилиши зарур бўлган дарсликларнинг муаллифларини аниқлаш имконини беради. Ҳозиргача икки минг номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёзилиб, нашрдан чиқарилди.

Маъруза матнлари, нафақат нашр этилган ҳолда, балки шу билан бирга электрон тарзда ҳам тарқатилмоқда. Бунинг ўзига хос устунликлари бор, албатта. Дискетга ёзилган маъруза билан талаба истаган жойда, уйда ҳам, кутубхонада ҳам фойдаланиши мумкин. Бу амалий масалаларни муҳокама қилиш, мунозара қилиш имкониятини юзага келтиради. Бу янгиликнинг моддий томони ҳам бор. Қўғозлар сотиб олиш, нашр этиш харажатлари жиддий қисқаради. Энг муҳими,

ҳар бир талаба ўз устида барча фанлардан ишлаш учун катта имкониятларга эга бўлади.

Таълим соҳасидаги янгиликлар ўқувчиларнинг ҳам, педагогларнинг ҳам фаоллигини оширади, бундан ташқари, талабалар билимининг саёз жойларини олиб ташлайди. Курсни ўтиш вақти анча қисқаради, уларни ўзлаштириш самараси ошади. Масалан, маърузаларгача тайёргарлиги ошган талабаларнинг дарс пайтидаги ўзлаштириши 30-40 фоизга ортади.

Ўқитувчиларга масофавий ўқитишда маърузалар қандай талабларга жавоб бериши кераклиги тўғрисида эсдалик-тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, ҳар 5-10 йилда бир марта қайта нашр этиладиган дарсликлардан фарқли ўларок, улар қисқа, янгиликлар асосида қайта ишлаш учун осон (илмий журналлар, Интернет ахборотлари асосида). Материални эсда яхши қоладиган тарзда тушунтириб бериш керак. Бунинг учун материални жонли тилда тушунтириш, мантиқан изчил, қисқа умумлашган хулосалар қилиш, аниқ, қизиқарли фактларни келтириш, вазиятга боғлиқ вазифалари айнан шу аудиторияга маъқул бўлган мисолларда келтириш лозим.

Ҳар бир бўлимни назорат саволлари билан якунлаш, курснинг ўзини эса предметнинг асосий моҳиятини акс эттирувчи тушунчалар билан бойитиш керак.

Маърузалар матнига қўйиладиган талаблар сирасига Ўзбекистон ва чет элларда чиққан мавзуга дахлдор адабиётлар рўйхати ҳам киради. Бундан ташқари уч бетлик мундарижа ва уч тилда — ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида аннотация берилади. Энди ўқитувчиларнинг ўзлари Интернет орқали бошқа мамлакатлардаги ўз касбдошлари билан бевосита ижодий алоқа боғлай оладилар, тажриба алмашадилар. Меҳнатларини ўзаро баҳолаш имконига эга бўладилар.

Профессорлар илмий салоҳияти даражасини рағбатлантириш, маъруза матнларини ўзаро тақриз ва таҳлил қилиш, танлов асосида доимий тарзда уларнинг малакаларини ошириб бориш имкониятларига эга бўладилар.

Хорижий олий ўқув юртларида ўқитувчиларни талабалар танлаши одат тусига кирган. Биз бу усулни ҳам амалиётга

киритмоқчимиз. Муқобил маъруза матнларини солиштириш орқали бу ишга кенг йўл очамиз. Бир томондан, талабалар у ёки бу ўқитувчини танлаш имкониятига эга бўлсалар, ўқитувчи ҳам ўз дарсларига кўпроқ талабани жалб қилиш орқали кўпроқ қўшимча моддий имкониятга эга бўлади.

Вазирлик талабаларнинг ижодий фаоллигини, мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш мақсадида бир қатор чоратадбирлар белгилади. Айрим фанларни инглиз тилида ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Бу янгилик талабаларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам Интернетдан самарали фойдаланишларига йўл очади. Барча ўқув юртлари ўқитувчилари учун ёзма ишлар бўйича ягона услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ўқитувчилар орасидан тренерлар тайёрлаш учун курслар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу тренерлар ҳар бир олий ўқув даргоҳида муайян мавзулар бўйича семинарлар ўтказадилар.

Талабаларни ўқитиш жараёнида ёзма ишлардан фойдаланиш методикаси яқин вақт ичида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш дастурига ҳам киритилади.

Афсуски, ҳозирча олий таълим муассасалари ва вазирлик ихтиёрида тўлов-контракт асосида таълим олаётган ўқувчилар орасидан аълочиларни рағбатлантириш имконияти йўқ, чунки уларни бюджет ҳисобига ўтказиш мумкин эмас. Шу билан бир қаторда бюджетдаги талабалар энг паст баллар билан ҳам чегараланиши мумкин, чунки ўзлаштириш натижаларига кўра, уларга контракт асосда ўқишга тушиб қолиш таҳдиди йўқ.

Муҳим вазифалардан бири — бу олий таълим муассасаларининг ректорларига тўлов-контракт асосида ўқувчи талабаларга имтиёзлар беришга оид ҳукумат даражасида тасдиқланган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ВА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ

Миллий дастур ижроси вазирлик ҳамда унга қарашли ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълимнинг мутлақо

янги йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш вази-
фасини қўйди. Улар сирасига, жумладан, техника йўналиши
бўйича ва кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш, уларга
кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, сифат-
ли илмий-тадқиқотлар олиб бориш киради.

Иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан
бўлмиш тоғ-кончилик, энергетика, нефт ва газ, агросаноат ком-
плекси, информацион технологиялар ва машинасозлик соҳа-
лари талабларидан келиб чиққан ҳолда табиий бойликлар-
дан, минерал ресурслардан оқилона фойдаланишга, нефт ва
газни қайта ишлашга, кўмирдан кенг фойдаланишга, энергия
тежовчи тизимлар ва юқори технологик жараёнларга ўтиш,
ишлаб чиқаришнинг замонавий тизимларини яратиш ва бош-
қа муҳим вазифаларни бажариш учун халқ хўжалигини тех-
ника йўналишлари бўйича рақобатбардош кадрлар билан
миқдоран ва сифат жиҳатидан етарли таъминлаш талаб қи-
линади.

Инженерлик, ишлов бериш ва бошқа техник, технологик
соҳалари учун кадрлар тайёрлашда тегишли билимларнинг
касбий негизини шакллантириш билан фундаментал фан-
ларни чуқур ўзлаштирилишини тақозо этади. Чунки иқти-
дорли ёшларимизни фундаментал билимлари асосида янги
замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши, улар-
дан самарали фойдаланиши ҳамда янги ишлаб чиқариш тех-
нологик жараёнларини яратилишига асос бўлади.

Тошкент Давлат техника университети техника соҳасида
йирик олий таълим маскани эканлиги, замон талабига жавоб
берадиган юқори рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, мала-
ка ошириш ва илмий тадқиқотлар олиб боришда катта масъ-
улият юклаб, инженер-муҳандис кадрлар тайёрлашда дои-
мо ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашда та-
лабаларга фундаментал ва ижтимоий гуманитар фанларни
ўқитишнинг ўзаро боғлиқлигини, таълим ва тарбия жараён-
ларининг ягоналигини ҳамда узвийлигини таъминлаш мақ-
садида университет таркибида “Фундаментал ва гуманитар
таълим институти” (ФГТИ) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги 230-сон қарорига асосан университетда халқаро алоқа тизимларидан кенг фойдалана оладиган, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини кучайтириш мақсадида “Компьютер ва ахборот технологиялари” институти ташкил этилди.

Миллий дастурда белгиланганидек, таълимни, фан ва ишлаб чиқириш билан интеграциясини такомиллаштирилиб, ягона “ўқув — илмий — ишлаб чиқариш марказлар”ида иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Энергия ва ресурсларни тежаш маркази” фаолликда иш юритмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, таълим сифатини янада ошириш мақсадида ОЎМТВнинг 29.10.2001 йил 263-сонли буйруғи асосида ТошДТУга таянч олий ўқув юрти вазифаси юклатилган. Ҳозирда университетда 4 та касбий таълим йўналиши бўйича муҳандис-педагог кадрлар тайёрланмоқда, шу билан бирга магистр педагоглар тайёрлашга эътибор қаратилмоқда.

Муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда касб-ҳунар коллежлари ўртасида узвий ҳамкорликни ривожлантириб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар коллежда “Университет руҳияти” бўлишини таъминлашга аҳамият берилиб, 48 та касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларда ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Биргина Европа иттифоқи томонидан молиявий таъминланаётган TEMPUS-Tacis дастури бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш ҳамда илмий-тадқиқотлар олиб бориши учун қуйидаги Европа лойиҳалари ба-жарилмоқда:

1. “Энергетика соҳасида менежментга ўқитиш”.
2. “Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида магистрлар тайёрлаш ўқув дастурларини яратиш учун ўқитувчилар тайёрлаш.
3. “Ўзбекистонда масофавий ўқитиш тизими”

4. Жаҳон Банки институти томонидан ташкил этилган “Иқтисодчилар учун масофавий ўқитиш”.

Вазирликнинг 2002 йил 30 мартдаги ҳайъат қароридида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларга кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими вазифалари аниқ белгилаб берилди. Мазкур соҳа кадрлари касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртлари ҳузуридаги бизнес мактабларида ва олий таълимнинг бакалавр босқичида тайёрланмоқда. Жумладан, ОЎЮ ҳузуридаги бизнес мактабларида кадрлар тайёрлаш ҳолати қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

— 1998-2001 йиллар давомида ОЎЮлари ҳузуридаги бизнес-мактабларида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича жами 24787 тингловчи таҳсил олган бўлиб, шулардан 9128 таси қишлоқ ёшларидир, улар давлат бюджети, 15659 таси пуллик-контракт асосида тайёрланди;

— 1999-2001 йилларда бизнес-мактабларига пуллик-контракт асосида ўқитиш ҳисобидан тушган даромад 469 млн. 539 минг сўмдан ортиқ ҳажми ташкил этди;

— 1995-2001 йиллар мобайнида кичик ва ўрта бизнеснинг турли йўналишларига оид жами 70 номдан ортиқ ўқув қўлланма, дарсликлар яратилди.

ОЎЮлари ҳузуридаги бизнес-мактаблар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш қуйидаги долзарб вазифаларни ўз ичига олади:

— ОЎЮлари ҳузуридаги бизнес-мактабларнинг фаолиятини, мақоми ва таълим тизимидаги ўрнини, тайёрланаётган мутахассисларга бериладиган малака даражасини белгиладиган амалдаги (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-қарори билан тасдиқланган) Низомни кўриб чиқиш ва янги Низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда вазирликнинг Ҳайъат мажлисида тасдиқлаш, белгиланган тарзда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этиш;

— Мазкур янги Низомда:

• тўлиқ ўрта мактабни, академик лицей ёхуд касб-ҳунар коллежларини ёки олий ўқув юртларини тугатиб, бизнес мактабларининг икки йиллик курси битирувчиларига касб-ҳунар коллежларини битирувчилари учун белгиланган шаклдаги диплом бериш, бизнес-мактаб ўқувчилари тегишли вазирлик ва идоралар, корхоналарда амалиётни ўташлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

• бизнес-мактабларга ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кафедралар ва улардаги профессор-ўқитувчиларнинг штат таркибини тузиш имкониятларини бериш;

• ОўЮлари ҳузуридаги бизнес-мактабларни минтақавий бизнес таълими марказларига айлантиришни кўзда тутиш ва мазкур марказларнинг фаолият шаклларини кенгайтириш, бизнес-режа лойиҳаларини тузиш, амалий тадбиркорлар эҳтиёжига мувофиқ қисқа муддатли курслар ташкил этиш, касб-ҳунар коллежларининг бизнес таълим соҳасидаги педагог-ўқитувчилари малакасини ошириш ва ҳ.к.

Миллий дастурнинг аниқ ва самарали ислоҳий истиқболи, шубҳасиз, аввало, олий таълим муассасаларининг миллий-педагогик кадрлари салоҳиятига, уларнинг етук назарий-интеллектуал билим даражасига боғлиқ. Бугунги кунда вазирлик тизимидаги 33 олий таълим ва 2 илмий-тадқиқот муассасаларида республикамиз илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича 306 мутахассислик бўйича фаолият кўрсатаётган аспирантура ва 80 мутахассислик бўйича докторантураларда олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрланмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида жами 10572 илмий ва илмий-педагогик кадрлар фаолият кўрсатиб, улардан 721 (7%) киши фан доктори, 4374 (41%) киши эса фан номзоди илмий даражасига эга. Фан докторларининг ўртача ёши 55,8, фан номзодлариники эса 47,9 ёшни ташкил этади. 40 ёшгача бўлган фан докторлари уларнинг умумий сонининг 2,08 фоизини, 60 дан юқори ёшдагилар эса 35 фоизини, 40 ёшдан юқори фан номзодлари 78 фоизни ташкил этмоқда.

Вазирлик олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг сифат даражаси таҳлили илмий даражалилик

турлича эканлигини кўрсатади. Масалан, ЎзМУ, ТКТИ каби илмий таълим муассасаларида педагог-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти юқори даражада бўлиб, ЎзМУда фан докторлари салмоғи — 11,8 %, фан номзодлари — 46,8 %, ТКТИ эса бу кўрсаткичлар мос равишда 18,9% ва 44,2% ташкил этади. Айни пайтда ЎзДЖТУ, АндДЧТИ каби ОТМларида илмий даражалилик кўрсаткичи нисбатан паст даражада эканлиги кузатилади. Фан докторлари салмоғи ЎзДЖТУда 2,4%, фан номзодлари — 18,8%, АндДЧТИда эса мос равишда 2,8% ва 20,1% дан иборатдир.

Вазирлик олий ўқув юртларида (ОЎЮ) педагогик ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминланганлик даражаси деярли 100 фоизни ташкил этади. Айрим сабабларга кўра, бўшаб қолаётган вакансиялар тез фурсатда танлов эълон қилиш асосида тўлдирилиб борилмоқда.

1997-2000 йилларда вазирлик бўйича жами 687 номзодлик, 175 докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. 2001 йилда эса 223 номзодлик ва 40 докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлиб, 31 номзодлик ва 4 докторлик диссертациялари Республика Фанлар академияси ҳамда тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда тайёрланди. 2002 йилнинг 5 оyi мобайнида 37 номзодлик ва 7 докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

2000-2001 йилларда вазирлик тизимида 47 мутахассислик бўйича янги аспирантура, 11 мутахассислик бўйича докторантура очилди.

1998-2001 йиллар мобайнида аспирантура ва докторантурага белгиланган қабул режалари асосан бажарилди: 2041 мутахассис аспирантурага ва 290 фан номзоди докторантурага танлов асосида қабул қилинди. Шу йилларда аспирантурани 2068 киши, докторантурани эса 234 киши тугатди.

Диссертация ҳимоя этганлар сони 1998 йилда 140, 1999 йилда — 156, 2000 йилда — 206 ва 2001 йилда — 223 кишини ташкил этган. 1998-2001 йиллар мобайнида аспирантурани тугатганлар сони жами 2068 кишини ташкил этди.

Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида 380 стажер-тадқиқотчи илмий-тадқиқот фаолияти билан шу-

гулланиб келмоқда. 2001 йилда муддати тугаган 330 стажер-тадқиқотчидан 256 киши танлов асосида аспирантурага қабул қилинди, қолганлари эса мустақил тадқиқотчи сифатида номзодлик диссертациялари устида ишламоқдалар.

Аспирант, докторант, ёш олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижаларини кенг муҳокама этиш, уларнинг энг яхшиларини чоп этиш мақсадида ҳар йили Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Олий аттестация комиссия билан ҳамкорликда илмий коллоквиумлар ўтказиш, энг яхши маърузачиларни моддий рағбатлантириш, чет эл илмий марказларида стажировка ўтиш учун тавсия этиш йўлга қўйилди.

Вазирлик ОТМларида олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, аспирант ва докторантларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда:

- ёш олим, аспирант ва докторантларнинг илмий-тадқиқот ишларини мутахассис-олимларнинг кенг жамоатчилиги оммаси доирасида муҳокама қилиш учун вазирлик тизимида мунтазам равишда илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказилмоқда. Конференция натижалари илмий мақолалар (тезислар) тўплами сифатида нашр этилиши таъминланмоқда;

- аспирант ва докторантларнинг диссертация ишлари ҳамда авторефертларини ОТМ ҳисобидан босмадан чиқариш, бошқа нашриётларда чоп этилаётган илмий мақолалар харажатларини қоплаш, илмий адабиётлар сотиб олишга кетадиган харажатларни қисман қоплаш, чет эл журналларида нашр этилган ҳар бир илмий мақола учун мукофот бериш йўлга қўйилди;

- аспирант ва докторантларнинг илмий адабиётлар сотиб олишга қаратилган харажатлари қопланмоқда;

- олий таълим муассасаларини ёш фан номзодлари ва фан докторлари билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида вазирлик томонидан диссертация ишларини ўз муддатида ҳимоя қилган ёки ҳимояга тавсия этиш арафасидаги автореферат чиқарган аспирант ва докторантларни 5 ойлик стипендия миқдорида, уларнинг илмий раҳбарларини эса 3 ой-

лик маош миқдорида пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби жорий этилди.

Илмий мақолаларни доимий нашр этишни йўлга қўйиш мақсадида вазирлик томонидан «Олий ўқув юртлари ахборотномаси» (бир қанча фан йўналишлари бўйича алоҳида сериялар кўринишида), «Тошкент давлат техника университети ахборотномаси», «Фарғона давлат университети хабарлари», «Фарғона политехника институти илмий-техника журнали», Республика «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплексининг «Композицион материаллар» ва шу каби бир қанча илмий журналлар нашр этилмоқда.

1998-2001 йиллар мобайнида эса 360 дан ортиқ конференция ва семинарлар ўтказилган бўлиб, шулардан 20 таси чет эл мутахассис-олимларининг кенг иштирокида ўтказилган халқаро конференциялардир.

2001 йилда вазирлик олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида Республика фани, техникаси ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид мавзуларда 80 га яқин илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказилди.

1998-2001 йилларда илмий-тадқиқотлар натижасида 22170 илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан 3325 таси чел эл илмий журналлари ва тўпламларида нашр этилган. 2001 йилда эса 4900 дан ортиқ илмий мақола чоп этилди. Охириги уч йилда иқтидорли талаба ва магистрантларнинг 4093 илмий мақолалари чоп этилган бўлиб, 2001 йилда бу кўрсаткич 983 тани ташкил этди.

Бир қатор ОТМларида иқтидорли талабалар, магистрларнинг илмий журналлари ва илмий мақолалари тўпламларини нашр этиш йўлга қўйилган. Жумладан, ТошДТУ иқтидорли талабаларининг 3 қисмдан иборат “Техника юлдузлари” илмий журнали, ТАҚИ битирувчи магистрларининг “Архитектура ва қурилиш муаммолари” илмий тўплами чоп этилган.

Вазирлик олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари мутахассис-олимлари томонидан фан ва техника давлат қўмитасининг устувор илмий-техник ва фундаментал

тадқиқотлар дастурлари доирасида 400 дан ортиқ мавзуда 2000 йилда 260 млн. сўмдан ортиқ, 2001 йилда 336 млн. сўмдан ортиқ ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, 2002 йилнинг 5 ойи давомида эса бу кўрсаткич 198 млн. сўмни ташкил этди.

Хўжалик шартномалари асосида бажарилган илмий-тадқиқотларнинг ҳажми эса 2000 йилда 274 млн. сўмдан, 2001 йилда 314 млн. сўмдан ортиқ бўлди. Хўжалик шартномалари асосида бажарилган илмий-тадқиқотлар ҳажми 1998 йилда 106 млн. сўмни, 2001 йилда 314 млн. сўмни ташкил этди, яъни бу кўрсаткич 3 бараварга ошди. Илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 2000-2001 йилларда 469 рисола ва монография, 10256 мақола, 206 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва дарсликлар чоп этилган, 283 ихтирога патент олинган.

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан долзарб илмий-техник мавзуларни молиялаштириш ташкил этилган. 2001 йилда ТДТУ, ТАҚИ, ТТЕСИ, БухООЕСТИ мутахассис-олимлари томонидан тавсия этилган ва муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган, айни пайтда, маълум ижобий натижалар бераётган 5 та илмий мавзу (ҳар бири 5 млн. сўм) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган.

Амалиётда биринчи марта олий таълим муассалари мутахассис-олимларининг республикамиз фани, техникаси ва технологиясининг устувор йўналишларига оид рақобатбардош илмий-тадқиқот ишларини вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш йўлга қўйилди. Бугунги кунда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган ва айни пайтда, маълум ижобий натижаларга эришилган 5 та илмий мавзунини бажариш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 25 млн. сўм ажаратилди.

Чет эл илмий Фондлари ва компаниялари грантлари бўйича 1999-2001 йиллар мобайнида 2 млн. АҚШ доллари ҳажмида илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлиб, 2001 йилда бу кўрсаткич 843 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда вазирлик тизимида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда молиялаштиришнинг замонавий бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлга

қўйилмоқда. Олий таълим муассасалари қошида истеъмолчиларнинг буюртмалари асосида илмий ишланмалар яратишга қаратилган нодавлат илмий ташкилотлар (фирмалар, кичик корхоналар) шакллантирилмоқда. Бундай ташкилотларга олий таълим муассасаси таъсисчилик қилмоқда. Уларнинг йиллик айланма маблағи бугунги кунда 100 млн. сўмдан ортиқ ҳажмни ташкил этмоқда.

Айни пайтда, ушбу йўналишда қуйидаги муайян муаммо ва камчиликлар мавжуд:

- амалдаги илмий мутахассисликлар рўйхатида кўзда тутилган ўнлаб мутахассисликлар бўйича (ер тузилиши ва кадастр, учуш аппаратларини лойиҳалаш ва уларнинг конструкциялари, амалий геометрия, муҳандислик графикаси ва ш.к.) тегишли фан докторлари ва илмий мактаблар республикада бўлмаганлиги туфайли мазкур йўналишларда тегишли аспирантура ва докторантуралар очилмаган. Демак, фан номзодлари ва докторлари тайёрланмайди. Аммо ОТМларида бу мутахассисликлар бўйича тегишли ўқув фанлари ва кафедралар мавжуд бўлиб, улар учун юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш имконияти мавжуд эмас;

- ОТМларида тайёрланаётган номзодлик ва докторлик диссертациялари, асосан, ўз муддатида тугалланмоқда ва муҳокамага қўйилмоқда. Аммо ҳимояга тавсия этишнинг амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ диссертация ишларини бир неча илмий семинарларда муҳокама этиш, чет эл илмий журналларида мақолалар чоп этиш (бу эса ўз навбатида валюта маблағлари талаб этади) лозимлиги боис диссертация ишларини ҳимоя этиш муддатининг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Баъзи мутахассисликлар (Ўзбекистон тарихи, миллий тиллар ва адабиёт ва ш. к.) бўйича эса Европа мамлакатларида илмий мақолалар чоп этиш анча мушкул вазифадир;

— аспирантура ва докторантурани тугатган ёш олимлар ҳамма вақт ҳам кафедраларда ўқитувчилик лавозими билан таъминланмаяпти. Уларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқитувчи сифатида юбориш имкониятларидан эса ҳозиргача тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мавжуд муаммоларни ечиш, камчиликларни бартараф этиш учун, **биринчидан**, республикамизда тайёрлашнинг имконияти бўлмаган баъзи бир мутахассисликлар бўйича фан номзодлари ва докторларини чет элларда тайёрлашнинг иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароитларини яратиш, амалдаги ҳимояга тавсия этиш учун муҳокама қилиш босқичлари талабларини (илмий-тадқиқот ишлари натижаларини бир неча марта муҳокама этиш ва чет элларда илмий мақолалар чоп этиш ва ш. к.) қайта кўриб чиқиш лозим;

иккинчидан, аспирантура ва докторантурани тугатган ёш олимларни академик лицей, касб-ҳунар коллежларига ўқитувчиликка жалб этиш ҳамда мазкур ўқув муассасаси ўқитувчиларидан фан номзоди, фан доктори тайёрлашнинг ташкилий-меъёрий асосларини яратиш ва амалга ошириш лозим;

учинчидан, кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий фаолиятини, магистр, аспирант ва докторантларнинг диссертация ишларига раҳбарлик этишга Фанлар академияси етакчи мутахассис-олимларини жалб этишнинг самарали рағбатлантириш меъёрлари ва механизмини яратиш ҳамда амалга ошириш режалаштирилмоқда;

тўртинчидан, Фанлар академиясининг тегишли илмий-тадқиқот ҳамда етакчи олий таълим муассасаларида илмий салоҳияти “паст” даражада бўлган олий таълим муассасалари учун юқори малакали илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш мўлжалланмоқда;

бешинчидан, ўз ўқув юртида фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш имконияти бўлмаган олий таълим муассасалари учун Фанлар академиясининг тегишли илмий-тадқиқот ва марказий олий таълим муассасаларининг аспирантура ҳамда докторантураларида кадрларни мақсадли тайёрлашнинг ташкилий-иқтисодий шароитларини (илмий сафар ва бошқа харажатларни ўқув юрти ҳисобидан тўлаш ва ш. к.) яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда;

олтинчидан, профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирлари лавозимларига ўтказилаётган танлов сифатини янада

ошириш, назоратни кучайтириш билан боғлиқ қўшимча чоралар белгиланди.

Педагогик кадрлар малакасини ошириш — вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари ҳузуридаги 4 та малака ошириш институтлари, 13 марказ ва 16 факультетларда амалга оширилади. Тингловчиларга дарс беришга фан докторлари, профессорлар, кафедра мудирлари (65 %), фан номзодлари, доцентлар (32 %) таклиф қилинган.

Дарслар махсус жиҳозланган синфларда ҳамда олий ўқув юртининг техника базасидан тўла фойдаланиш билан олиб борилади. 2002 йилдан бошлаб замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда техникавий базадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйиб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари, муҳандис-педагоглари учун дарслар махсус бириктирилган коллежларда олиб борилмоқда.

Малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш тизими базасини ўқув-услубий ва меъёрий ҳуқуқий таъминлаш мақсадида 3 жилдли меъёрий ҳужжатлар, 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режа, малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимининг ҳамма курс дастурлари ҳамда ўқув режалари давлат талаби асосида тасдиқланди ва чоп қилинди.

Ҳозирги кунга келиб олий ўқув юртларининг 10 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчилари, 22 мингдан кўпроқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари ўз малакаларини оширдилар. “Устоз” фонди орқали қарийб 800 та педагоглар чет эл таълим муассасаларида ўз малакаларини оширдилар.

Масофадан ўқитишнинг ташкилий асосларини яратишга киришилди.

Умумтаълим мактабларининг 1-4-синфларида ишлаш учун олий маълумотли кадрлар республиканинг 15 та олий таълим муассасасида тайёрланади.

Халқ таълими вазирлиги «Бошланғич таълим ва тарбиявий иш» таълим йўналиши бўйича 2005 йилгача 20056 нафар педагог зарурлиги тўғрисида буюртма берган. Бу йиллар ичида мазкур олий таълим муассасалари (3 йиллик сиртки

бўлимларни ҳисобга олганда-2024) 7501 нафар мутахассис тайёрлаши мумкин. Бу эса эҳтиёжни қоплай олмайди. Эҳтиёжни тўла қоплаш учун мазкур таълим йўналишига қабулни анча оширишга тўғри келмоқда.

Ҳозирги кунда қарийб барча малака ошириш масканларининг моддий-техника базаси талабга тўла жавоб бермайди. Ҳамма малака ошириш масканлари ўзлари фаолият юргизаётган олий ўқув юртининг барча лабораториялари, техник асбоб-ускуналари, компьютер ва лингафон хоналаридан ҳамда уларга бириктириб қўйилган касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасидан фойдаланадилар. Бундай имкониятларга қарамай малака ошириш жараёни учун алоҳида шароитлар бўлиши ва унинг услубий таъминоти яратилиши лозим. Чунки бу жараёнда олинган билим, албатта, талабаларга етиб боришини назарда тутиб, унинг алоҳида таъминоти ва моддий-техника базасини замон талаблари асосида ташкил қилиш лозим. Шу ўринда масофадан ўқитишнинг ташкилий асослари ва моддий-техника базасини олий ўқув юртларида яратишга киришилганлигини ҳисобга олиб, энг аввало, бу янги технологик жараён малака ошириш ишларида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, масофадан ўқитиш мукамал даражага етганда ҳозирги қилинаётган харажатлар камайиши билан бирга малака оширувчилар сони ҳам кескин ўзгариши мумкин.

Барча малака ошириш масканларига замонавий коллежлар бириктириб қўйилганлиги сабабли амалий машғулотлар коллежлардаги мавжуд техник воситалар асосида лабораторияларда ҳамда тегишли ишлаб чиқариш корхонасида шартнома асосида кўчма машғулот кўринишида олиб борилади. Ҳозирги кунда коллежларда олий ўқув юртлари кафедраларининг филиаллари очилиши муносабати билан шу кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида амалий (кўчма) машғулотлар ўтказилмоқда.

Малака ошириш алоҳида таълим босқичи сифатида ривожлантирилиши лозим.

Республика пойтахтида малака ошириш Академияси ва ҳар бир вилоят марказида ягона малака ошириш институти барпо этиш мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги 230-сонли “2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш, таълим жараёнларига ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни татбиқ этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2001 йил 1 июндаги 129-сонли буйруғига асосан вазирлик таркибида Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг асосий вазифалари академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида таълим жараёнларига ахборот технологиялари ҳамда масофавий ўқитишни кенг татбиқ этиш, таълим муассасаларининг халқаро Интернет ахборот тармоқларидан кенг фойдаланишига имкон яратиш, Ўзбекистон Республикасида катта тезликли таълим тармоғини яратиш, деб белгиланди.

Бошқарма раҳбарлигида миллий таълим тармоғининг техник инфратузилмаси яратилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2002 йил 25 январдаги 23-сонли “Илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор лавозими ҳамда мажбуриятлари, ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш билан боғлиқ қўшимча тадбирлар ҳақида”ги буйруғига мувофиқ проректор вазифалари таълим муассасасида ахборот технологиялари ҳамда масофавий ўқитишни ривожлантириш билан боғлиқ қилиб белгиланди.

Таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказлари ташкил этилмоқда. Ушбу

марказнинг вазифаларига таълим муассасасининг тармоғини ташкил этиш, компьютерларни сотиб олишни ташкиллаштириш ва тақсимлаш, электрон дарслик, виртуал стендлар яратиш киради. Бошқарма томонидан маслаҳатлар ва бошқа ёрдамлар берилмоқда.

Республикамизда электрон дарсликларни яратиш ишлари бошлаб юборилди. Тошкент давлат техника ва Тошкент ахборот технологиялари университетлари ҳамда бошқа етакчи ОТМ электрон дарсликлар яратиш ҳамда таълим жараёнларига татбиқ этиш бўйича дастурий маълумотлар базаси яратилмоқда.

Бошқарма томонидан профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассисларни ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Кутубхоналарни автоматлаштириш ва электрон кутубхоналар яратиш бўйича қизгин ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим муассасаларининг янги ахборот технологиялари соҳасида эришган ютуқлари кўргазмалари ўтказилмоқда.

Бугунги кунда миллий таълим тармоғининг инфратузилмаси яратилмоқда. Ушбу мақсадда барча имкониятлардан фойдаланилмоқда, жумладан, НАТО лойиҳаси доирасида ЎЗУНИНЕТ яратилган ва Тошкент шаҳридаги ЎЗМУ, ТДТУ, ТДИУ, ТДПУ, ТМИ, 2-ТДТИ, ТДЮИ, ДЖҚА, вилоятлардан Андижон шаҳридаги барча олий таълим муассасалари, БухДУ, ГулДУ, ҚаршДУ, ҚҚДУ, НамДУ, УргДУ, ФарДУ, ҚўқДПИ, Самарқанд шаҳрининг барча олий таълим муассасалари ҳамда Тошкент шаҳридаги айрим ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари «Internet» тармоғига ОН-ЛАЙН тизими орқали бепул уланди. Тармоқни кенгайтириш бўйича вазирлик «Ўзбектелеком» акционер компаниясининг Тошкент бўлими ва «Anc «Simens AG»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан Меморандум имзолади. Шунингдек, маълумотлар манбасига бепул кириш учун СОРОС фонди очик институти, UNDP дастури, Жаҳон банки, IReX, TASIC, АКСЕЛС лойиҳалари билан шартномалар имзоланган. Хорижий

давлатларда тўпланган тажрибаларга кўра, масофавий таълим харажатларни 30-60% га ва таълим муддатини 20-40% га камайтириш имконини беради.

Таълим муассасаларида компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этиш мақсадида мониторинг ўтказилди ва унинг натижалари ҳақида вазирликнинг ҳайъат мажлисида ахборот берилди. Компьютерлардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлган таълим муассасалари алоҳида кўрсатиб ўтилди. Фойдаланиш самарадорлиги паст бўлган бир нечта таълим муассасаларига махсус кўрсатмалар берилди.

Ахборот технологиясини ўзлаштириш ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланади. Ахборот технологиялари ва Интернетдан юқори даражада фойдаланиш “портлаш эффекти”ни юзага келтиради. Кичик ҳажмли, кичик тоннажли, оз ресурс сарфлайдиган, юксак технологияли корхоналарни кўпайтириш худди мана шу жараён билан боғлиқ. Бундай корхоналар рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам шу йўл билан ҳал этилади. Ёш мутахассислар Интернет ёрдамида жаҳон бозорида ўзларига керакли иш топа оладилар ва энг муҳими, яшаш жойларини ўзгартирмасдан самарали фаолият кўрсата оладилар.

Президентимиз Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ахборот технологиясидан таълим соҳасида фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Компьютер эндиликда ўқитиш ва ахборот олишнинг оддий воситаси бўлиб қолди. Вазирлар Маҳкамасининг “2001-2005 йилларда компьютер ва информацион технологияни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, Халқаро информацион системалардан фойдаланишга кенг йўл очиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори янги давлатларга чорлади. Эндиликда болалар мактаб партасидаёқ компьютердан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилмоқдалар. Кейинчалик улар коллеж, лицей ёки олий ўқув

юртларига кирганларида бу борадаги кўникмаларини янада ривожлантириш имкониятга эга бўлмоқдалар. Хусусан, техника ўқув юртларида бунга катта эътибор берилмоқда. Чунки ҳозирда ишлаб чиқариш инфор­мацион технологиясиз бир қадам ҳам олға силжий олмайди, иқтисодийнинг барча соҳаси шу жараён билан боғлиқ.

Ҳар бир олий ўқув юртида инфор­мацион технологияни ривожлантиришнинг ўз мустақил дастурлари ишлаб чиқил­моқда. Махсус компьют­ер синфлари ташкил этилган. На­фақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар, аспирант­лар, илмий ходимлар ҳам Интернетдан бемалол фойдала­ниш имкониятларига эгалар. Олий ўқув юртлари кутубхо­налари электрон каталогларга ўтказила бошланди. Айрим фанлар бўйича электрон дарсликлар асосида дарслар бе­рилмоқда. Компьют­ердан фойдаланишни билмайдиган ўқи­тувчилар учун махсус курслар ташкил этилган. Интернет­дан фойдаланишда тилни билмаганларга компьют­ер авто­таржимонлар ёрдам беради.

Жаҳонда инфор­мацион алоқалар, асосан, англиз тилида олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам англиз тилини билишга асосий эътибор қаратилган. Айрим фанларни англиз тили­да ўқитиш тажриба қилинмоқда. Бунда маъруза матни ав­валдан рус ва ўзбек тилларида талабаларга тарқатилади. Бу тажрибани янада кенгайтириш ниятимиз бор. Яхши ўзлаштирган талабаларга англиз тилини чуқур ўзлаштириш ва инфор­мацион технологиядан баҳраманд бўлиш бе­нул таш­кил этилмоқда.

Бу ишларни инфор­мацион технология ва масофадан ту­риб ўқитиш Маркази бошқариб боради. Марказ ўтган йили Мериленд университети (АҚШ) билан ҳамкорлик ҳақидаги шартномага асосан тузилган эди.

Таълимнинг янги модели доирасида профессор-ўқитув­чилар таркибини, улар малакасини ошириш тизимини шакл­лантиришни юқори даражага кўтариш масаласи жуда му­ҳимдир.

Масалани комплекс ҳал қилишнинг асосий ва бош йўли масофавий ўқитишни тобора кўпроқ жорий этиш билан боғ-

лик. Бу йўл билан минтақаларда юқори малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мумкин. Талабаларнинг юқори билим даражалари қобилияти паст, ўзишига масъулиятсизлик билан ёндашадиган ўқитувчиларга (афсуски, бундай ўқитувчилар анча-мунча топилади) боғлиқ бўлмай қолади. Бундай ўқитувчилар дарс жараёнида аста-секин ўзгариб, такомиллашиб борадилар. 2-3 та билимли, тажрибали профессорларнинг янги технологияга асосланган намунавий маъруза матнлари кўпайтирилиб, барча ўқитувчилар ўртасида тарқатилади.

Юқоридаги йўл билан икки нарсага эришиш мумкин: **биринчидан**, талабаларнинг фан асосларини ўзлаштириб олиш муддати қисқаради, **иккинчидан**, ўқитувчиларнинг малакаси, билими, тажрибаси орта боради.

Масофавий ўқитиш орқали, умуман, таълимга муносабат ўзгаради. Талабалар чуқурроқ билим олиш учун чет элларга бориб юрмайдилар, балки мана шу чуқур илмий билимларнинг ўзи бевосита уларнинг яшаш жойларигача етиб келади. Ҳатто, узоқ қишлоқларда туриб ҳам ўзимизнинг ва чет эллардаги атоқли профессорларнинг маърузаларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Шуниси муҳимки, масофавий таълим олдидан, қоидага кўра, ўқувчилар, талабаларни тайёрлаш жараёни бор. Бунда асосий эътибор талабаларда мустақил ижодий тафаккурни шакллантиришга қаратилади. Лаборатория ишлари, коллеж ва лицейлардаги ўқув устахоналари фаолияти, амалий машғулотларнинг моҳияти тубдан ўзгаради. Замонавий ўқув жиҳозлари ва янги технология етишмаган шароитда видео кўрсатувлар орқали билим асослари намоиш этилиши мумкин. Бу янгилик орқали қимматбаҳо ўқув дастгоҳларини сотиб олишга кетадиган юз миллионлаб доллар тежаб қолинади. Шунингдек, масофавий таълим орқали қўшимча таълим олиш, қисқа курслар ташкил этиш мумкин. Натижада кейинчалик айрим фанлар бўйича халқаро сертификатлар олиш мумкин.

Давр талабига жавоб берадиган, жамиятдаги ўзгаришларни аке эттирадиган ўқув адабиётларини доимий тарзда янгилаб боришга катта эътибор бераяпмиз. Бу борада электрон

дарсликларнинг яратилиши кўплаб миқдордаги қоғоз, бўёқ, нашр харажатларини тежаш имкониятини беради.

Республикамизда ҳозир барча олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда қарийб 7,5 мингга яқин фан ўқитилмоқда. Бу фанлар бўйича юқори сифатли дарсликлар чиқариш учун нашриётлар катта куч сарфлашлари керак.

Бундан ташқари оз сонли одамларнинг эҳтиёжлари, масалан, магистратурадаги 25-30 тингловчига мўлжалланган предметлар ҳам бор. Нашриётлар уларга мос оз сонли адабиётлар чиқаришдан манфаатдор эмас. Аммо биз, энг яхши маъруза матнларини кўпайтириб, тарқатиш билан юқоридаги камчиликларни бартараф этишни ҳал этаяпмиз. Умуман, бу ва шунга ўхшаш муаммоларни масофавий ўқитиш, янги технологияни жорий этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Республика Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “2001-2005 йилларда компьютер ва информацион технологияни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, халқаро информацион системалардан фойдаланишга кенг йўл очиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида барча таълим муассасаларига ўз Web-саҳифаларини яратиш ва унда мазкур таълим муассасасига тегишли ўқув-услубий ва бошқа маълумотларни жойлаш бўйича кўрсатмалар тайёрланди. Ахборот технологияларининг маълум бир соҳаларида муайян ютуқларга эришган таълим муассасалари билан алоҳида ишлаш йиллик иш режасига киритилди.

Республикада “Миллий компьютер дастурчилари мактаби”ни шакллантириш ва бу борада янги бакалавр йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларини ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларининг ахборот технологиялари бўйича етакчи мутахассислари билан махсус учрашув ташкил этилди, ахборот технологиялари бўйича илғор таълим муассасаларининг фикр-мулоҳазалари олинди. Мазкур учрашувларнинг натижалари ва таълим муассасаларидан

олинган фикр-мулоҳазалар асосида Вазирлар Маҳкамасига таклиф ишлаб чиқилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 24 февралдаги 58-сонли буйруғига мувофиқ, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг талабларини амалга ошириш мақсадида педагогик технологияларни жалб қилиш ва татбиқ этиш бўйича “Олий таълимда тараққий этувчи педагогик технологиялар” мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу семинар олий таълим муассасаларида шу йўналиш бўйича ишлар бошлаб юборилишига туртки бўлди. Педагогик технологияларни ўзлаштиришнинг услубий таъминоти учун Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти 82 бет ҳажмда 1000 нусхада “Замонавий педагогик технологиялар” брошюрасини чоп этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 21 апрелдаги 123-сонли буйруғига кўра, педагогик технологиялар бўйича ОЎМММИ, Андижон давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети, Қорақалпоғистон давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Қарши давлат университети, Тошкент автомобил ва йўллар институти олимлари иштирокида 7 та ҳудудий илмий-услубий семинарлар ўтказилди.

2000 йилда ОЎМММИ Б. Фарберманнинг 130 бет ҳажмда 2000 нусхада “Илғор педагогик технологиялар”, 130 бет ҳажмда 500 нусхада “Передовые педагогические технологии” монографиялари нашр этилди.

2001 йилда ОЎМММИ 192 бетли “Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий усуллари” ва “Современные методы преподавания” қўлланмаларни тайёрлаб, 765 нусхада чоп этди. Қўлланмада талабаларни ўқитишдаги педагогик ёндашувларнинг асослари батафсил ёритиб берилган.

ОЎМММИда даврий равишда фаолият кўрсатувчи 144 соатлик ОТМлар учун тренерлар тайёрловчи “Олий мактабда замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерактив усуллари” номидаги мақсадли курслар тузилиб, ушбу тренерлар ўз таълим муассасаларида 36 соатлик курс-

ларни ташкил этадилар. Мазкур курсларда тайёрланган тренерлар:

1999 йили ГулДУнинг 110 ўқитувчиси, 2000 йил 16 ОТМнинг 113 ўқитувчиси, 2001 йил 17 ОТМнинг 67 ўқитувчиси тайёрланди. 298 ўқитувчи ўз ОТМларида тайёрланди. 2002 йил 16 ОТМдан 34 ўқитувчи (апрел ойининг сўнгигача бўлган маълумот) тайёрланди.

Республика ОТМларида ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришлари махсус режалар асосида олиб борилмоқда. Бу борада ГулДУ, АндДУ, 2-ТошМИ, ТИҚХМИ, НамМПИ ва бошқалар самарали фаолият олиб боришмоқда.

Маълумки, кекса авлод профессор-ўқитувчилари жаҳон педагогикаси янгиликларини жуда қийин қабул қиладилар, улар ҳанузгача янги педагогик технологияларни техник воситалардан фойдаланувчи ўқув жараёни, деб тушунадилар. Боз устига, аксар таълим муассасаларида компьютер техникаси ва технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда мазкур техникавий воситалар билан жиҳозланиш даражаси юқори эмас. Интернетга уланган компьютерлар кўрсаткичи паст (республика ОТМларидаги ўртача кўрсаткич 14%). Айни пайтда, дастурий маҳсулотлар бўйича миллий индустрияни шакллантиришда иштирок эта оладиган профессионал дастурчилар сони етарли даражада эмас. Мазкур йўналишда ҳар йилги тайёрланаётган ёш мутахассислар сони ҳозирги кун талабларини қондира олмаяпти.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун, **биринчидан**, таълим вазирликлари чет эл экспертлари билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизимида педагогик технологиялар тўғрисида ягона йўриқнома хатлари ишлаб чиқиши зарур.

Иккинчидан, таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан жиҳозлашда марказлаштирилган тарздаги таъминотни йўлга қўйиш керак. Бунда уларнинг нархи 20-30%гача паст бўлишига эришиш мумкин. Бундан ташқари компьютер синфларини ташкил этиш ва жиҳозлашда замонавий ечимлардан (серверга кучлироқ, ишчи станцияларга эса пастроқ модификациядаги компьютерларни танлаш кабилардан) фойдаланиш ўринли бўлади.

Учинчидан, дастурий маҳсулотлар бўйича миллий индустрияни шакллантиришда асосий омил ҳисобланувчи профессионал дастурчиларни тайёрлашни, уларнинг сонини талаб бўйича бўлишини йўлга қўйиш лозим. Шу мақсадда етакчи таълим муассасаларининг тажрибасидан келиб чиқиб, янги бакалавр йўналишлари ва магистрлик мутахассисликларини очиш таклифларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Тўртинчидан, халқаро тажрибада мавжуд илғор ғоялар ва амалиётни кенг татбиқ этиш имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш йўллари излаш лозим. Ҳозиргача бу борадаги амалга оширилган ишлар кўлами ибратлидир. Жумладан, республикада Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш, бунинг учун халқаро тажрибани қўллаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 апрелдаги 116-сонли “Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида ҳозирги кунда ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш соҳасида етакчи чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилган. Ҳозир **Мериленд университети (АҚШ) ва Ҳиндистоннинг Ахборот технологиялари Вазирлиги, Таълим Вазирлиги** билан ҳамкорлик олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги 116-сонли қарорига мувофиқ Мериленд университети билан унинг тажрибаси ва потенциалини қўллаш мақсадида ҳамкорлик қилинмоқда, Ўзбекистон Республикасида Интернет халқаро тармоғига уланган юқори тезликли таълим тармоғини яратиш бўйича қурилмаларни текинга олиш бўйича келишувлар олиб борилмоқда, видео-конференциялар ўтказилмоқда, ҳамкор лойиҳалар тузилмоқда.

Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни янада ривожлантириш учун **қўшимча молиявий ресурсларни излаш** мақсадида АКСЕЛС, АЙРЕКС, КАФЕ, СОРОС, ТАСИС Ўзбекистон Очиқ Жамияти Институти - Ҳамкорлик Фонди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Очиқ Жамият институти - Ҳамкорлик Фонди ўртасида 2002 йил феврал

ойида келишув имзоланди), ЮНДП (2002 йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси илмий-таълим тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг варианты тузилди), Бутунжаҳон Банки (халқаро таълим тармоғини ривожлантириш лойиҳасида иштирок этиш имконияти), АЙРЕКС ва бошқа кенгашлар ҳамда фондлар АҚШнинг Марказий Осиёда иқтисодий ислохотлар ва ривожланиш лойиҳаси — ПЕРЦЦА ташкилоти (1,8 млн. доллар миқдорида китоб ва ўқув қўлланмалари, 800 минг долларга тенг ҳар бири 22 жилддан иборат 300 комплект “Жаҳон энциклопедияси” берилди), Франциянинг КНОУС институти (фанлар академияси), Германиянинг ДААД, Гете институти, К.Аденауэр, А.Гумбольд халқаро жамғармаси, “Сименс” фирмаси, ИАЕСТЕ ассоциацияси билан ишлар олиб борилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Вазирликда (Ташқи алоқалар Бош бошқармаси) халқаро ҳамкорлик ишлари олтига йўналиш бўйича олиб борилмоқда:

- ҳамкорликда қўшма таълим муассасаларини ташкил этиш;
- чет эллик профессор-ўқитувчиларни таълим ва малака ошириш жараёнига жалб этиш;
- профессор-ўқитувчиларни хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларига тажриба ҳамда малака оширишга юбориш;
- ўзаро талабалар алмашувни йўлга қўйиш;
- олий таълимга хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш.

2002 йил октябр ойида Тошкентда Халқаро Вестминстер университетиде дарслар бошланади. Университетда таҳсил инглиз тилида энг юқори жаҳон стандартлари асосида олиб борилиши иккинчи босқич вазифаларига, яъни таълим сифати ва мазмунини оширишга хизмат қилади (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги 22-сонли қарори). АҚШнинг Мериленд университети бўлимини Ўзбекистонда очиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Турли етакчи хорижий университетлардан қисқа ёки узоқ муддатли педагогик фаолият, маслаҳат бериш ва анжуманларда иштирок этиш учун 200 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар Ўзбекистонга таклиф этилган.

Нуфузли хорижий университетларда ўзбекистонлик 150 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар тажриба ва малака ошириб қайтишди.

Ўзбекистонлик 472 талаба хорижга юборилди. Республика олий таълим муассасаларида эса 139 та хорижий талабалар таҳсил олмоқдалар.

Олий таълим тизимига 5,2 млн. АҚШ долларига тенг инвестиция, 1200 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари, 5600 та Pentium русумли компьютерлар келтирилди. Шунингдек, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар (АКСЕЛС, АЙРЕКС, ЮСАИД, СОРОС, Британия Кенгаши, ДААД, Тинчлик корпуси, НАТО лойиҳаси) иштирокида олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар ва анжуманлар ўтказиш анъанага айланди.

Тошкент давлат авиация институти АҚШнинг «Боинг» корпорацияси билан, ЎЗМУ Жаҳон банки билан, Тошкент давлат аграр университети Мериленд университети билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари ўтказмоқда.

Самарқанд ва Болония университетлари ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш ҳақида яқинда шартнома тузишди.

Европа Ўқув Жамғармаси, Германиянинг Техник Ҳамкорлик ташкилоти, Джайка Халқаро Япония Ваколатхонаси, Койка Корея Агентлиги, ЮНЕСКО ташкилоти, Жаҳон банки, ТАСИС-ТЕМПУС, Очiq турдаги институт-СОРОС жамғармаси, АҚШ, Голландия, Франция, Дания, Англия, Хитой, Япония давлатларининг олий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик йўлга қуйилган. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлари учун Россия, Миср, Чехия, Ҳиндистон олий таълим муассасаларида ўқишга грантлар ажратилган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида қайд қилиб ўтилган давлатлар ажратадиган грантлар миқдори йилдан-йилга ошиши кузатилмоқда. Мисол учун Россия Федерациясига ўтган йили 20 та ўрин ажратилган бўлса, 2002-2003 ўқув йили учун 35 та ўрин ажратилди. Шунингдек, Мисрга 2001-2002 ўқув йили 12 та ўрин

ажратилган бўлса, 2002-2003 ўқув йили ўринлар сони 35 тага кўпайди. Бу давлатларда ўқиш учун харажатлар таклиф қилаётган томондан қопланади.

2-Тошкент давлат тиббиёт институти ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳаси бўйича 198.000 эю, Тошкент давлат иқтисодиёт университети - 128.000 евро, Самарқанд давлат чет тиллар институти - 425.000, Ўзбекистон Миллий университети - 196.000 евро грант соҳиби бўлишди.

Таълим, илм-фан соҳасида ҳамкорлик жуғрофияси Фарбнинг қудратли давлатлари доирасидан Шарқнинг Япония, Корея, Хитой сингари етакчи мамлакатлари чегарасига кенгайди. Жумладан, Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси, япон дипломатияси ҳамкорлик жамияти, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА), “Сумитомо Корпорейшн”, “Мицубиси” каби қатор йирик фирма ва компанияларининг қўшаётган ҳиссасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Жаҳон тиллари университетининг таржима факультети-га Япониянинг “Кажмасц Корпорейшн” гранти бўйича 80 минг АҚШ доллари қийматидаги махсус лингафон синфлар ўрнатилган бўлиб, талабаларнинг чуқур билим олишлари учун жуда фойдали бўлмоқда.

Самарқанд кооператив институти қошида 1998 йилда “Япония Ривожланиш ва Тараққиёт” марказига асос солинди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ушбу марказ учун зарур бўлган техник жиҳозлар ва адабиётлар ажратди.

Япониянинг “Сумитомо Корпорейшн” фирмаси ЎзМУнинг 15, ТДШИнинг 12, ТТЕСИнинг 4, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси эса СамДУнинг 2 талабасига махсус стипендиялар бериб келмоқда.

Япония билан талаба, аспирант, стажер ва мутахассислар алмашиш доирасида ҳам ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 20 га яқин талабаси алмашув йўли билан Япониянинг турли олий ўқув юртларида стажировкадан ўтдилар. “Мицубиси” фирмаси ТДШИга 21816 АҚШ доллари қийматидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тақдим этди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан қиймати 80000 АҚШ долларига

тенг бўлган лингафон хона жиҳозланди. Япония университетларидан келган талаба, стажер ва мутахассислар, асосан, ТДШИ, ЎздЖТУ ва ЎзМУда таҳсил олмоқдалар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, 2000 йил танловида қатнашган 385 кишидан 20 та иқтидорли ёшлар Япониянинг КЮШУ, Нагойя, Хитотцубаши, Васеда, Якамаха каби нуфузли олий ўқув юртларида магистратурада ўқишмоқдалар. Бу мақсад учун Япония ҳукумати 127 млн. иен маблағ ажратди.

Шу йилнинг 28-31 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Японияга расмий ташриф буюриб, Васеда университетида бўлди. Университет Илмий Кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктор унвони берилди.

Васеда, Нагойя университетлари билан имзоланган шартнома асосида талабалар, профессорлар тажриба алмашилиш, ўқитувчиларни ўзаро иш амалиётига юбориш ва малакаларини ошириш тadbирлари йўлга қўйилди. Жумладан, жорий йилнинг бошларидан 22 нафар ўзбекистонлик талабалар тўрт йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Улардан олтитаси ахборот технологиялари соҳасида чуқур ихтисослашган малакага эга бўлишади.

Президент И.А.Каримовнинг Японияга ташрифи давомида ўзбек мутахассисларининг Васеда университетида вақти-вақти билан иш амалиётларида бўлиш имкониятлари масаласи кўриб чиқилди.

Университет ректори Японияга Ўзбекистон олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибидаги илм-фан намоёндаларини таклиф этиб туришга қарор қилди. Бизнинг вакилларимиз бу университетда ҳар йили, олти ойдан бир йилгача бўлган муддатда малака оширишадилар. Ҳатто япониялик ҳамкасбларимиз мамлакатимизда Васеда университети филиалини очиш ғоясини маълум қилдиларки, бу бизни мамнун этади.

Мулоқотлар пайтида мамлакатимиз олий ўқув юртларида технологиялар, ускуналар, телекоммуникация тизимлари

билан жиҳозланишини янада такомиллаштириш ҳамда кичик грантлар ажратиш масалалари ҳам ижобий ҳал этилди.

Айни пайтда, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, кичик грантларни жалб этиш, жамғармалар ва компаниялар билан биргаликда амалга оширилаётган дастурлар истиқболи ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилади.

Ҳозирги кунда Кунчиқар мамлакатининг турли ўқув юрларида етмишга яқин ватандошларимиз таҳсил олишмоқда. 30 июл куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик талабаларни Японияда таҳсил олиши учун имконият яратди.

Худди шундай имконият, яъни 20 талабамизнинг Хитой давлати ҳисобидан мамлакат олий ўқув юрларида ўқиши таъминланган.

Афсуски, барча таълим муассасалари ҳам халқаро инвестициялар, лойиҳаларда фаол иштирок этмаяпти. Баъзи таълим муассасаларидаги турли Фондлар ва донор ташкилотлар билан иш олиб бориш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш тажрибаси етарли эмас. Тегишли маълумотлар ОТМнинг барча таркибий бўлинмаларигача етиб бормади.

Таълим муассасаларининг халқаро инвестициялар ва лойиҳаларда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида уларни тегишли маълумотлар билан ўз вақтида таъминланишларини янада кенгроқ йўлга қўйиш керак. Шу мақсадда донорлар билан бевосита алоқа ўрнатиш ва улар берган маълумотлар асосида тегишли таълим муассасаларини жараёнга фаол жалб этиш режаси белгиланган.

ТАЪЛИМНИНГ ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ МУНДАРИЖАСИ

Замонавий жаҳоний интеллектуал тафаккурга эга баркамол авлод — комил инсон тарбияси Миллий дастурнинг ғоявий-мағкуравий мундарижаси ҳисобланади. Таълим тизимининг

барча бўғинларида қизгин давом этаётган ислоҳотларни миллий истиқлол ғоялари билан озиқлантириш учун кураш давлат сиёсатига айланди. Ва бу бежиз эмас. Ғоявий мақсад, мафкуравий эътиқод қандай мазмунда бўлса, таълим-тарбия мундарижаси ҳам айнан шу мазмунда бўлади. Таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишларнинг стратегик бош мақсадга айлантирилгани боиси шудир. Бу борада, аввало, ташкилий ишлар амалга оширилди. Вазирлик тизимидаги барча олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор, декан ўринбосари, директор ўринбосари лавозимлари ташкил этилди.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш юзидан махсус фармойиши чиққан эди. Фармон асосида вазирлик 2001 йил 19 февралда 39-сонли буйруқ қабул қилди. Буйруққа асосан республика бўйича 15 та тажриба-синов майдончалари белгиланди. Вазирлик буюртмасига кўра Республика файласуфлар миллий жамияти мазкур фан бўйича махсус методологик комиссия томонидан тавсия этилган илмий-назарий ва тажрибавий ўқув дастури тайёрлади. Унда, аввало, ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг инсоният тарихи ва тараққиётига таъсири, ҳозирги даврнинг мафкуравий манзараси, дунёни бўлиб олиш учун кураш, бегона ва ёт ғояларнинг минтақа, мамлакатимизга, хусусан, ёшлар онгига таъсири, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият ва бу жараёнда миллий ғоянинг қандай аҳамият касб этиши масалалари ўз ифодасини топган. Дастурда миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, асосий тушунча ва тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, миллий истиқлол ғояси жамиятимиз ривожининг ғоявий асосларини ўзида мужассам этган яхлит таълимот, мамлакатимиз пировард мақсад-муддоларининг ифодаси бўлган назариядир. У республикаимиз мустақиллигини мустақкамлашнинг маънавий соҳадаги устувор йўналишлари, халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари ва қадриятлари асосида фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалби,

онгида эзгу ғояларга садоқат ҳамда келажакка ишонч туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Ана шу сабабдан ҳам “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг таълим тизимига жорий этилиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. У Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғоя — юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш вазифасини бажаради.

Бу фан миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, тарихий негизлари, илмий-фалсафий, дунёвий илдизлари, ўзига хос намоён бўлиш қонуниятлари ва хусусиятлари тўғрисида билим беради. Ушбу фанни ўқитишни тўғри ташкил қилишда тарбиянинг анъанавий ва замонавий усулларида фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” ўқув фани ана шу йўналишдаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бу соҳадаги амалиётни ўрганиш мазкур фанни ўқитишнинг самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги асосий талабларга амал қилиш шарт эканлигини кўрсатмоқда:

- ёшлар онгида ғоя ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш, ўз маъно-моҳиятига кўра ғоянинг бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақида тўғри билимлар ҳосил қилиш;

- миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақилликнинг муқаддас қадриятлиги, уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканини ўқувчи ва талабаларнинг қалби ҳамда онгига сингдириш;

- ёшлар орасида миллатпарастликнинг ҳар қандай кўринишлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, таълим-тарбия жараёнида умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилларига оғишмай амал қилишга алоҳида эътибор бериш;

- дарс режаларини тузиш ва машғулотларни олиб боришда меъёрларга жиддий аҳамият бериш, бунда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

— айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услубларини қўллаш натижасида фаннинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

— таълим жараёнида тазйиқ ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қара-тиш;

— ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ишонч, ҳам-фикрлик муҳитини шакллантириш, мавзуларни шарҳлашда ҳаётий, таъсирчан мисоллар, бугунги воқеалар таҳлили ва матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;

— мазкур фанни ўқитиш жараёнини мутгасил кузатиш, таҳлил қилиш орқали уни илғор технологиялар, методоло-гик тавсиялар ва усуллар асосида такомиллаштириб бориш.

Президент фармойиши асосида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш бўйича таъ-лим стандартлари ишлаб чиқилди ҳамда махсус методоло-гик комиссия тасдиғидан ўтказилди. Натижада бу фан бўйича маърузалар матни тайёрланиб, дискетларда ўқув юртларига тарқатилди. Айнан ана шу маърузалар матни асосида таж-рибавий ўқув қўлланмаси ҳам яратилди.

Вазирликнинг 2001 йил 21 сентябрдаги 201-сонли “Мус-тақиллик дарслари”ни ўқитиш тўғрисидаги буйруғига муво-фиқ, Миллий истиқлол ғоясини талаба-ёшлар ва аҳоли онги ҳамда қалбига сингдириш юзасидан махсус тадбирлар иш-лаб чиқилди ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу фандан дарс берувчи барча профессор-ўқитувчилар учун жадвал асосида мунтазам равишда малака ошириш курслари ташкил этилди.

“Ўзбекистон: асрларга тенг йиллар” мавзусида 11 та рангли суратли кўرғазмалар мажмуи яратилди ва барча таълим му-ассасаларига тарқатилди. Бу суратли кўрғазма ўқув юртла-рида Миллий истиқлол ғояси ва Мустақиллик дарсларини кўрғазмали воситалар асосида ўқитиш имконини яратди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги кураш тарихини ва истиқлол даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда мада-ний соҳаларда эришган ютуқларини акс эттирувчи 70 та ранг-ли расмлардан иборат махсус кўрғазма ташкил қилинди.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича “Идея национальной независимости и воспитание молодежи” номли ўқув-услугий қўлланмаси тайёрланиб, таълим муассасаларига тарқатилди. 2002 йил Фарғона политехника институти профессор-ўқитувчилари томонидан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича махсус электрон қўлланма яратилиб, барча таълим муассасаларига юборилди.

Вазирликнинг 2002 йил 2 январдаги 2-сонли буйруғи асосида таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларини “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини янада чуқурроқ ўрганиб бориш учун доимий ҳаракатдаги семинарлари ташкил этилди.

Вазирликнинг шу буйруғи билан раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчиларга “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш бўйича, шунингдек, 2002 йил 26 март куни ЎзМУда узлуксиз таълим тизими учун Миллий истиқлол ғояси, ТДПУда “Педагогика ва психология”, Ислон университетига “Диншунослик” фанлари ўқув дастурлари ҳамда адабиётларини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Миллий истиқлол ғояси дастури доирасида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда”, “Динлараро бағрикенглик”, “Миллатлараро тотувлик”, “Юрт тинчлиги” каби мултимедиялар таълим муассасаларига етказиб берилди.

Вазирлик Республика Фан ва технология Маркази билан ҳамкорликда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича яратилган ўзбек тилидаги тажрибавий ўқув қўлланмаси ҳамда 14 номдаги қўшимча услубий тавсияларни рус тилига ўгириш ишларини олиб бормоқда.

2001 йил ва 2002 йилнинг биринчи чорагида “Истиқлолимиз — истиқболимиз”, “Мустақилликка мен қандай ҳисса қўшдим”, “Шахс, жамият, ислоҳот ва Ватан равнақи”, “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори”, “Конституция — ҳуқуқлар кафолати”, “Ниҳол”, “Хазина — 2001”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат”,

“Истеъдодлар бешигисан, Ўзбекистоним”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир” мавзуларида қатор учрашувлар, мунозаралар ва танловлар, “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрами ўтказилди.

Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни конституциявий мақсад қилиб олганлиги маълум. Бу мақсад жамиятда ҳуқуқий маърифат тарғиботини фавқулодда оширишни талаб этади. Ҳуқуқий онгсиз, ҳуқуқий маърифат-маданиятсиз ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас.

И.А.Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ва унинг асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 февралда қабул қилган Ф-1322-сонли қарорига мувофиқ, мазкур фаннинг ўқув дастури ишлаб чиқилди, ўқув қўлланмаси яратилди ва улар чоп этирилиб, ўқув юртларига тарқатилди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича 1-китоб бакалавриат учун, 2-китоб магистрлар учун).

2002 йил 27 январда мамлакат сиёсий ҳаётида алоҳида мақоми ва мундарижаси билан ажралиб турувчи муҳим ҳодиса рўй берганлиги, Президентлик муддатини беш йилдан етти йилга узайтириш ва икки палатали миллий парламентни ташкил этиш хусусида Умумхалқ Референдуми ҳамда унинг яқунларига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги ҳақида I бобда тўхталган эдик. Ҳозир эътиборни Референдум яқунлари ва янги конституциявий Қонун муҳокамасига ҳамда уларнинг ташвиқот-тарғиботига бағишланган ҳуқуқий маърифат ишларига қаратмоқчимиз. Барча олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида махсус курслар ўқилиб, уларга етук ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари, Олий Мажлис депутатлари ўз маърузалари билан фаол иштирок этдилар. Айни пайтда, ҳуқуқий маърифат жараёнини ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш ибратли йўлга қўйилди.

Улар орасида, айниқса, “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси материалларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар”, “Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи сифат босқичида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифаларини бажариш юзасидан йўлланмалар”, “Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди?”, “Ҳаётий ўғитлар” китоблари тайёрланиб, чоп этилди. Вазирликнинг 2002 йил 28 январдаги 25-сонли “Таълим муассасаларини вазирлик томонидан тайёрланган услубий-ўқув қўлланмалари билан таъминлаш тўғрисида”ги махсус буйруғи ишлаб чиқилди ва ижроси ўз вақтида таъминланилди.

Жорий йилнинг 20 март куни ЎЗМУ маданият саройида И.А. Каримов бошчилигида Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи иштирокчилари билан таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ўртасида учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 майдаги 208-сонли қарорига мувофиқ “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” бўйича дастурлар, маъруза матнлари миллий истиқлол ғояси сингдирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилди. Уларнинг 7 таси (Сиёсатшунослик, Психология, Ҳуқуқшунослик, Социология, Ўзбекистон тарихи, Маънавият асослари, Иқтисодиёт назарияси) ўқув қўлланма ва дарслик сифатида нашр этилди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқув дастурлари рус тилига ўгирилиб, нашриётга топширилди.

Терроризм ва экстремизм каби мудҳиш воқеа-ҳодисаларнинг даҳшатли фожиалари оқибатларини талаба-ёшларнинг онги ва қалбига тўлиқ етказиш мақсадида вазирлик томонидан сиёсий шарҳловчилар Ш.Қудратхўжаев ва А.Қирғизбоевлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Терроризм - тараққиёт кушандаси” номли рисола чоп этилиб, барча таълим муассасаларига тарқатилди. Шунингдек, “Терроризм: иддао

ва ҳақиқат” (2001 йил) китоби ҳам чоп этилиб, олий таълим муассасаларига юборилди.

Вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлариаро Ўзбекистон қўшиқ байрамининг яқунловчи босқич кўрик танлови 2001 йил 25-26 июн кунлари Туркистон саройида ўтказилди. Кўрик танловда 30 дан ортиқ олий ўқув юртларининг бадий жамоалари таркибида 1200 га яқин талаба ва педагоглар иштирок этишди, ғолиблар тақдирланди ва Республика кўрик танловига тавсия этилди.

Жорий йилнинг 9 январида “Олий таълим тизимида мураббийлик институти ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзуга бағишланган Республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

2002 йил 8 январ куни “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида ёшлар учун “Янги йил карнавали” тадбири ўтказилди. Ушбу анжуманга Тошкент шаҳридаги 28 та олий таълим муассасасидан 3 мингга яқин талаба-ёшлар иштирок этишди.

2001 йил 17-21 ва 24-28 декабр кунлари Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда мамлакатимиз олий ўқув юртлари “Камолот” бошланғич ташкилотлари етакчиларининг раҳбарлик малакасини ошириш бўйича махсус курслар Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилди.

Таълим муассасалари талаба-ёшлари иштирокида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “XXI аср тимсоллари” китобининг тақдимномаси ўтказилди.

“Ватан ҳимоячилари куни”га бағишлаб таълим муассасаларида оммавий ватанпарварлик ойлигини ўтказиш (2001 йил 14 декабрдан 2002 йил 14 январгача) дастури ишлаб чиқилди ва барча олий таълим муассасаларига тарқатилди (2001 йил 12 декабр). Дастур ижроси тўла таъминланди.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси билан ҳамкорликда “Наркотиксиз ҳаёт” мавзудидаги Республика кўрик танловини ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда 2002 йил 1 март куни “Республика таълим муассасалари ўқувчи ва талаба-ёшлари орасида гиёҳ-

вандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма буйруқ қабул қилинди. Қўшма буйруқ асосида Республикамизда талаба ёшларига ОИТХ (СПИД) курси бўйича дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг босқичма-босқич малакасини ошириш курслари ташкил этилди. “Таълим муассасаларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича асосий йўналишлар дастури” ишлаб чиқилди ва таълим муассасаларига юборилди.

Республика “Маънавият ва маърифат” Кенгаши билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб “Шахс, жамият, ислоҳот ва Ватан равнақи” мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди.

Вазирлик томонидан “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида талаба-ёшлар орасида тарбиявий ишларни олиб боришнинг комплекс дастури” ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги 30-сонли “Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарори юзасидан вазирликнинг махсус ишчи гуруҳи тузилди ва 2002 йил 31 январдаги 1/1-сонли ҳайъат қарори билан тасдиқланди. Ҳозирги кунда вазирлик томонидан мазкур қарор бандлари бўйича белгиланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва амалга ошириб борилмоқда.

И.А.Каримов томонидан 2002 йил “Қарияларни қадрлаш йили”, деб эълон қилинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан 2002 йил 24 январдаги 3-сонли қарори қабул қилиниб, унда мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган, маънавиятимиз, маърифатимиз ва юртимизнинг ўз истиқлолига эришишида елкадош бўлиб хизмат қилиб келган меҳнат фахрийларини қадрлаш, уларга юксак даражада ҳурмат-эҳтиромда бўлиш билан боғлиқ тадбирлар ўз мужассамини топди.

Талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли банд этиш мақсадида оммавий равишда спорт билан шуғулланишга, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун “Универсиада”, “Баркамол авлод”, “Умид ниҳоллари” анъанавий

спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Келажакда ушбу тадбирларга хорижий давлатларнинг спортчи талабаларини ҳам таклиф этиш ҳамда спорт турларини кўпайтириш устида жиддий ташкилий иш-тадбирлар белгиланди.

“УНИВЕРСИАДА – 2002” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба-ёшларининг “Универсиада-2002” мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу Универсиада, наинки, унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.

Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан қараймиз.

Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа-нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

Шу маънода, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт Олимпиадасидир.

Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз — бутун борлигидан куч-гайрат ёғилиб турган соғлом ва навқирон ёшларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, ушбу муаззам, замонавий стадионда сизларнинг минг-минглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўгил-қизларимизни кўргандек бўламан ва бундан кўпчилик қатори менинг ҳам юрагим қувонч ва ғурурга тўлишини изҳор этмоқчиман.

Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни вояга етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўлланма бераётган устоз-мураббийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ва сизларга қарата яна шуни айтмоқчиманки, бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.

Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг, матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.

Азиз фарзандларим!

Бугун бошланаётган ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — Универсиада мусобақалари юксак сафарбарлик, соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.

Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон Олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади.

Сиз, Универсиада қатнашчиларига баланд руҳ, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мард-

лик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.

Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаётдан кутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман”.

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

2000 йили Наманганда бўлиб ўтган республика талаба-ёшларининг биринчи Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1717 нафар талаба баҳс олиб борган бўлса, “Универсиада - 2002”да 12 тур бўйича 2848 нафар талаба, спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Бу ўсиш давлатимиз сиёсати туфайлидир. Зеро, кадрлар тайёрлаш Миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг уч буғиндан иборат яхлит тизими (“Умид ниҳоллари” – “Баркамол авлод” – “Универсиада”) ишлаб чиқилди. Олий ўқув юртларининг “Универсиада” мусобақалари якуний учинчи бўғин ҳисобланади. Бир-бирига чамбарчас боғланган ушбу тизим жамиятни соғломлаштириши, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, мамлакатимизда спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, соғлом авлодни тарбиялаш ва камол топтиришга устувор аҳамият берилаётгани ҳамда спортни ривожлантиришнинг ҳар томонлама мукамал қонуний ва ташкилий асослари яратилгани келажак сари ташланган дадил қадамлардан биридир. Шу туфайли спорт мактаб ўқувчилари-ю талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи, уларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тайёрлашда асосий омилга айланиб бормоқда.

Негаки, ҳар бир ота-она, миллат, халқ, давлат ва жамият келажаги тимсоли бўлган ўз фарзандларининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Жаҳон ҳамжамятида ўз ўрнини мустақамлаб бораётган Ўзбекистон ҳам буюк келажак эгалари тимсолида чиниққан, иродали, саботли шахсларни кўришни хоҳлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделига мувофиқ яратилган узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантириш тизими худди шундай юксак мақсадларнинг амалга ошишини таъминлайди.

Ушбу тизимнинг биринчи бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ҳар йили ўтказилса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг “Баркамол авлод” ўйинлари икки йилда бир — тоқ йилларда, якуний учинчи бўғин — олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги “Универсиада” баҳслари икки йилда бир — жуфт йилларда ўтказилади. Шу тариқа узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг изчил тизими вужудга келди.

Бу йил иккинчи бор ўтказилган “Универсиада—2002” спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад, кўзда тутилган устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— ёшларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш;

— талаба-ёшлар ўртасида кенг тарқалган спорт турларини оммавий ривожлантириш;

— талаба-ёшларни жисмоний маданият ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

— 2003 йили Жанубий Кореянинг Дейгу шаҳрида бўлиб ўтадиган бутунжаҳон “Универсиада—2003” мусобақаларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоалари учун номзодларни аниқлаб олиш;

— Ўзбекистон терма жамоаларига ўринбосарларни тайёрлаш бўйича олий ўқув юртлари спорт клублари фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш.

Кўринаяптики, “Универсиада”дан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқтириб тарбиялаш билан бирга мустақил юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчиларни етиштиришдан ҳам иборат. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда кўзга кўринарли муваффақиятлар-

га эришаётган республикамиз спортчиларининг аксарияти талабалардир. Мисол учун, бокс бўйича Олимпиада ва жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳамда Руслан Чагаев Андижон Давлат университети талабаларидир. Пекинда ўтказилган талабаларнинг XXI Бутунжаҳон Универсиадасида жаҳоннинг 169 давлатидан келган талабалар иштирокидаги мусобақаларда қатнашган дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан ТошДИУ талабалари Эгамназар Акбаров олтин, Абдулла Тангриев кумуш ва бронза, Мурод Қалиқулов кумуш, СамДУ талабаси Михаил Соколов бронза медалига сазовор бўлиб, терма жамоамиз жамоалар ўртасида фархли учинчи ўринни қўлга киритган эди. Бу юртимизда спортга, жумладан, узлуксиз таълим тизимида спортни ривожлантиришга берилаётган юксак эътиборнинг натижасидир.

Олий таълим муассасалари талабаларининг Наманганда илк бор ўтказилган “Универсиада—2000” мусобақаларидан кейин мазкур муассасаларда спортга бўлган муносабат ижобий томонга тубдан ўзгарди.

Айтиш жоизки, рақамлар талабалар ўртасида спортга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2000 йилга қадар спорт секцияларига қатнашувчи талабалар сони умумий талабалар сонининг 9-10 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетди.

Олий таълим муассасаларининг “Универсиада-2002” Низомида белгиланган спорт турлари бўйича бир неча секциялар ташкил этилиб, улар зарур анжомлар билан таъминланди. Жумладан, 2001 йилда бир неча олий таълим муассасалари 100 млн. сўмдан зиёд маблағга спорт инвентарлари харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жойларда очик ва ёпиқ спорт заллари ҳамда майдончалари қурила бошланиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Тошкент Давлат авиация институти ва Урганч Давлат университети каби олий билим даргоҳларида спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунга яққол далилдир.

Ўқув юртларида талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини ижтимоий фойдали, ҳақ тўланадиган меҳнат билан,

шунингдек, спорт-соғломлаштириш ва маиший-маданий ҳордиқ чиқариш ишлари билан банд этиш борасида вазирлик ва унинг таълим муассасалари томонидан катта ишларни амалга ошириш режалари ишлаб чиқилмоқда.

Айни пайтда, мамлакат аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг иш ва ўқиш билан банд бўлмаган қисмини фойдали меҳнат ҳамда замонавий зарур ихтисосликлар бўйича қисқа курсларда ўқиш билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш устида жиддий ўйланмоқда.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида таълим муассасаларини молиялаш, моддий-техника базасини кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларини молиялаштириш тартиби такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги 414-сонли қарорига асосан кадрлар тайёрлашни молиялаштиришнинг кўп вариантли тизими киритилди (бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар).

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида Низом ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 344-сонли қарорининг 3-бандига асосан, таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилди. 2002 йил 6 мартда Адлия вазирлигидан 1104-рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

2002 йилда давлат бюджети тасарруфдаги таълим муассасаларининг жорий харажатларини молиялаштириш 1997 йилга нисбатан 6,4 баробар ошди ва 28844 млн. сўмни ташкил этди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун давлат бюджетидан 1999-2002 йиллар давомида 319 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагогик ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида базавий олий ўқув юртларининг (Бухоро озиқ овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти ва Тошкент давлат педагогика университети) 2001—2002 йилларда давлат бюджетидан ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 77 млн. сўм ажратилди.

Янги педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун 12,2 млн. сўм ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасинининг 2001 йил 23 майдаги 230-сонли қарорига мувофиқ, 2002 йилда компьютер ва информация технологияларни ривожлантириш учун 200 млн. сўм маблағ сарфланди.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш олий ўқув юртлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Вазирлик олий ўқув юртлари билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш усулларини кенгайтириш борасида бир қанча тадбирларни амалга оширишди.

Олий таълим муассасаларига 17 йўналиш бўйича бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилинмоқда. 2001 йилда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми 1998 йилга нисбатан 6,5 баробар ошди ва жами 16374,9 млн. сўмни ташкил қилди. Ўқитишнинг пуллик-тўлов контракт шаклидан 1454345 млн. сўм топилди, бошқа турдаги бюджетдан ташқари топилган маблағлар 1831,4 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, хўжалик шартномаларидан 187,6 млн. сўм, пулли ўқитиш курсларидан 303,5 млн. сўм, ноширлик фаолиятдан 264,9 млн. сўм, бизнес мактабдан 252,7 млн. сўм, ёрдамчи хўжа-

ликлардан 15,6 млн. сўм, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналардан 37,1 млн. сўм, ижарадан 48,9 млн. сўм, кичик корхоналардан 0,6 млн. сўм, спорт мажмуалари хизматидан 12,9 млн. сўм, ҳомийликдан 116,9 млн. сўм, умумий овқатланишдан 69,7 млн. сўм ва бошқа турлардан 521,0 млн. сўм миқдорида маблағ топилди.

Тушган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари томонидан даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаси тузилди ва вазирлик томонидан тасдиқланди. Ушбу маблағ сметага мувофиқ қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланди: 25% гача иш ҳақи, стипендия, иш ҳақиға ажратма, ўқув харажатлари, кутубхона фондини янги адабиёт ва дарсликлар билан тўлдириш, ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, “Маънавият ва маърифат” тадбирларини ўтказиш, капитал таъмирлаш ва бошқалар.

Олий ўқув юртлари ҳар кварталда ўқитишнинг тўлов-контракт асосида мутахассисларни тайёрлашдан тушган сметаларининг бажарилиши тўғрисида бухгалтерия ҳисоботи тақдим этади.

Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари фаолияти натижалари вазирлик ҳайъат мажлисида доимий кўриб чиқилмоқда (9 ойлик ва йиллик).

Ҳар йили бюджетдан ташқари фаолият бўйича яхши натижа кўрсатган олий ўқув юртлари негизида иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари проректорлари, бош ҳисобчилар ва маркетинг хизмати бўлими бошлиқлари иштирокида амалий семинарлар ўтказилмоқда.

Бу борада муайян камчиликлар ва муаммолар ҳам борлигини эътироф этишга тўғри келади. Жумладан, бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш жараёнида ноширлик ишлари, дарсликлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ўқув-методик қўлланмалар учун 2002 йил буюртмасида 1642 млн. сўм ўрнига бор-йўғи 800 млн. ажратилди, холос.

Илмий, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналарини янгилаш учун кам маблағ ажратилмоқда. 1999-2001 йилларда ком-

пьютер ва оргтехникалар харид қилишга маблағ ажратилмади. 2002 йилда шу мақсадлар учун буютмалар лойиҳасида сўралган 1,7 млрд. сўм ўрнига 200 млн. сўм ажратилди, холос.

Вазирлик тасарруфидаги муассасаларда ҳар ойда, асосан, коммунал хизматлардан кредитор қарзлар пайдо бўлмоқда.

Молия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мавжуд кредит қарзлар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим қилиш муддатини ҳар ойнинг 5-санасигача қилиб белгиланган. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан солиштирма далолатномалар эса ҳар ойнинг 10-санасидан тузилади. Бу ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни қийинлаштирмоқда.

Ушбу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклифлар мавжуд:

а) ҳар йили бюджет параметрларини тузишда замонавий дарсликлар сотиб олиш, кутубхона фондини тўлдириш ҳамда илмий-ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун тузилган буюртмаларни инобатга олиш;

б) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга зурур ўзгартиришлар киритиш;

в) ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида мутахассисларни тайёрлашдан тушган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни бухгалтерия ҳисоботлари рўйхатига киритиш;

г) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, кредитор қарзларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида кредитор қарзлар тўғрисидаги тезкор ҳисоботни топшириш муддатини ҳар ойнинг 15-санасига кўчириш ва ҳ.к.

1997-2001 йилларда капитал қурилиш ишлари учун жами 1 млрд. 669 млн. сўм лимит ажратилган эди. Жами бажарилган капитал қурилиш ишлари 1 млрд. 592 млн. 962 минг сўмни ташкил этди. Бажарилган капитал қурилиши Молия вазирлиги томонидан 1 млрд. 391 млн. 460 минг сўмга молиялаштирилди. Қолган капитал қурилиш ишлари олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланди.

Ушбу давр ичида ҚаршиДУ қозонхонаси, 720 ўринли Тахياتош савдо-иқтисодиёт техникуми, 100 ўринли УргенчДУ ошхонаси ва спорт мажмуаси, 600 ўринли СамДУ талабалар ётоқхонаси, ТошДПУ ўқув лаборатория биноси, ТошДУИнинг ҳимоя иншооти ва спорт зали тўлиқ қурилиб, асбоб ускуналари билан фойдаланишга топширилди.

2002-2005 йилларга мўлжалланган олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 26 ноябрдаги 289-сонли буйруғи билан тасдиқланди.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари учун зарур ўқув ва ўқув-лаборатория биноларининг қурилиши 80-90 % бажарилди, холос. 2002 йилда қурилишнинг давлат дастурига киритиш учун 18 та қурилиш объектларига 1991 йил нархида 35 млн. 740 минг сўм, яъни жорий нархларда 13 млрд. 904 млн. сўмлик лойиҳа тақдим этилган эди. Ушбу таклиф этилган объектлардан давлат дастурига 6 та қурилиш объекти киритилиб, уларга 600 млн. сўм лимит ажратилди. Бу эса қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш муддатининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Қурилишнинг давлат дастурига киритиш учун тақдим этилган 1991 йил нархида 35 млн. 740 минг маблағ тўлиғича дастурга киритилса, олий ўқув юртлари учун зарур бўлган ўқув, лаборатория бинолари ва спорт иншоотлари ўз вақтида фойдаланишга топширилади.

СИФАТ БОСҚИЧИ: МУАММО ВА ВАЗИФАЛАР

Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни рўёбга чиқаришининг биринчи

босқичларига якун ясалиб, иккинчи босқич вазифалари белгиланиб олинган эди.

Хўш, вазирлик ҳамда унинг бўғинлари томонидан Миллий дастур мақсад ва вазифаларини яқин истиқболда, хусусан, дастур ижросининг ҳозирги иккинчи босқичида амалга ошириш билан боғлиқ қандай ишлар кўлами кўзда тутилган?

Энг аввало, бакалаврият, хусусан, магистратура тизимининг янгича мазмунини такомиллаштиришга тўғри келади. Олий таълим мазмунининг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий тахсилдан кейинги таълим мазмуни билан ворисийлигини, узлуксизлигини таъминлаш лозим. Янги ўқув режалари ва дастурлари самарадорлиги мониторингини ўтказиш керак. Айни пайтда, тарбиявий ишлар ва ўзбек халқи ҳамда унинг давлатчилиги тарихи, Ўзбекистон халқларининг бадиий, фалсафий, педагогик, ҳуқуқий тафаккурининг шаклланиши ва ривожига тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, санъатшунослик каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг илмий-назарий тадқиқини янги сифат босқичига кўтариш лозим.

Ушбу йўналишда биз, жумладан, Тошкент Ислом университетига катта умид боғлаганмиз. Университет аждодларимизнинг илмий-назарий меросини илмий-таҳлилий умумийлаштириш негизида Ислом тарихини, таълимотини чуқур ўрганиш орқали ушбу цивилизациянинг жамиятдаги, дунёвий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва кўпконфессияли шароитда Ўзбекистоннинг маданий ҳамда маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини аниқ белгилаб беришга ўз салмоқли ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Узлуксиз таълим тизимини юксак салоҳиятли мутахассислар билан таъминлаш, таълим жараёнига илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият соҳаларининг тажрибали ходимларини янада кенгроқ ва самаралироқ жалб этишга тўғри келади. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида туб таркибий ва пурмазмун ислохотларни ўтказиш лозим. Бу борада, ишни, аввало, маъмурий-моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарадор, доимий ишлайдиган тизимлари ҳисобига, жумладан, ўқитувчиларни

ҳам, таълим муассасалари раҳбарларини ҳам даврий атестациядан ўтказиб туриш, қайта тайёрлаш жараёнини зарур барча ўқув адабиётлари билан таъминлаш эвазига амалга ошириш керак бўлади. Айти пайтда, талабалар билимини баҳолаш ва кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш (рейтинг тизими) тизимларини янада такомиллаштириш йўллари излашда давом этилади.

Ушбу вазифалар қаторида соҳанинг маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаши шарт бўлган молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Умуман, таълимга давлат бюджетидан сарф қилинадиган харажат борасида Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчилик қилади. Харажат қарийб 36%ни ташкил этади. 2001 йилда таълим ривожига ички ялпи маҳсулотнинг қарийб 11,5% сарфланади. Айти пайтда, тизимни маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, бюджетдан ташқари маблағлардан унумли фойдаланишга асосланган кўп каналли молиялаштириш йўлига ўтишга тўғри келади.

Ниҳоят, бутун соҳада, жумладан, олий ўқув юртларида олий таълимнинг бошқариш тамойиллари ва механизмларини қайтадан жиддий кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Вазирлик, ректоратлар, деканатлар, кафедраларнинг вазифа ҳамда функцияларини қайта кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Ушбу ислохий тадбирлар маъмурий-таҳсиллий ва хўжалик масалаларини ҳал этишда олий ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтиришга қаратилган. Миллий дастур қоидалари асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Қайд этилган муайян камчиликларни, барча муаммоларни ҳал этиш Миллий дастур ижросининг иккинчи сифат босқичида вазирликнинг олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг асосий вазифалари аниқ белгилаб чиқилди. “Устоз” Республика жамғармаси ҳамкорлигида вазирликнинг ушбу вазифаларни бажариш юзасидан 1000 саволномадан иборат йўлланмалари тайёрланди.

Миллий дастурнинг иккинчи сифат босқичи ижроси билан боғлиқ асосий вазифалар қуйидагича белгиланди ва амалга оширила бошланди:

1. “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунларида баркамол авлод таълим-тарбиясининг стратегик мақсад ва вазифаларини амалда тўлиқ ижро этишнинг яхлит тизимини ташкилий-таркибий янада такомиллаштириш орқали том маънодаги “портлаш эффекти”га эришишни таъминлаш.

2. Глобаллашув, таълим соҳаси байналмилаллашувидек соғлом дунёвий таҳсилий-интеллектуал жараёнларга фаол иштирок этиб, замонавий жаҳоний урфоний тажрибалар цивилизациясини баркамол авлод комиллигига ижодий татиқ этишнинг истиқболли янги технологияларини, восита ва усулларини янада кенгроқ жорий этиш имкониятларини излаш, амалиётга дадил қўллаш орқали умумжаҳон таълим тизимига кўпроқ интеграциялашувни тезлаштириш муаммолари ечимини тезроқ излаб топиш.

3. Олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг холис ва одил тартиб-қоидаларини таъминлаш мақсадида тест-рейтинг амалиётини янада такомиллаштириб, олий ўқув юртларига истеъдодли ёшлар кириб таълим олишларини кафолатлаш, бундан буён ҳам иқтидорли ёшлар билан ишлаш даражаси ва сифатини ошириш.

Ўқув жараёнининг моддий-техника базасини энг замонавий асбоб-ускуна, жиҳозлар, зарурий воситалар билан таъминлаш. Бу йўналишда зарурий маблағлар ажратишни режалаштириш. Лаборатория синовлари ўтказиш учун зарур бўлган воситаларни кўпайтириш.

4. Чет эл олий ўқув юртлари, коллежлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, фан бўйича чет эл ассоциацияларига аъзо бўлиш ёки ассоциациялар тузиш.

Инвестициялар жалб қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва фондлар билан ҳамкорлик дастурини олий ўқув юртларида тузиш. “Фонтис” билан профессионал университет (коллеж) очиш.

5. Таълим тизимида берилаётган дипломларни халқаро тан олиншига эришиш. Хорижий давлатлар буюртмасига асосан кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

6. ОЎЮ кафедра мудирларининг Интернет орқали Европа давлатлари таълим муассасаларининг турдош мутахассисликлари бўйича қўшма кафедралар тузиш.

7. ОЎЮларида ўқитиладиган фанлар бўйича замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишни яқунлаш. Бунинг учун зарурий шарт-шароитларни яратиш. Муаллифларни моддий рағбатлантириш.

8. “Интернет” тармоғи ва Мериленд университети билан масофадан ўқитиш ва виртуал университет-коллеж очиш, электрон почта хизматларини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш. Дунёда яратилаётган таълим тизимига тегишли энг замонавий дастурий маҳсулотларни сотиб олиш ва бу борадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш.

9. Ўқув, илмий, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув-илмий — ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини янада мукамаллаштириш, Ўзбекистон Фанлар Академияси олимлари салоҳиятидан ва унинг институтлари, лабораторияларида очилган кафедралар филиалларидан унумли фойдаланиш ҳамда илмий ходимлар тайёрлашни ривожлантириш.

10. Талабалар ва ўқувчи ёшларнинг ўқув амалиётлари ўтказишига алоҳида эътиборни кучайтириш.

11. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида амалга оширилаётган педагоглар, муҳандис-педагоглар ва касб-ҳунар усталарининг танловини замон талаблари даражасида бўлишига ҳамда педагогларни уларнинг ўқув-услубий ишламаларисиз, маърузалар матнисиз, унинг атрофлича муҳокамасисиз ишга қабул қилинмаслигига, қайта сайлаш ва қўшимча тўловлар жараёнида ҳам шу қоидага амал қилишга эришиш, шу асосда илмий муҳитни шакллантириш ва академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари талабалари учун барча фанлардан дарсликлар, ўқув адабиётлари тайёрлаш.

12. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 30% илмий даража ва унвонга эга бўлган педагоглар таркибини барпо этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида

таълим олаётган ўқувчиларни жаҳон таълим бозори талаб-ларига мос мутахассислар даражасига кўтариш.

13. Иқтидорли талабаларни илмий изланиш ва педагогик фаолиятга тайёрлаш мақсадида уларга ўзлари танлаган соҳа ёки йўналиш бўйича бутун ўқиш даври ва ундан кейин ҳам долзарб бўлган мавзулар танлашда, илмий тадқиқотлар олиб боришда етук педагог ва олимлардан раҳбар танлаш, улар фаолиятини мунтазам назорат қилиб туриш билан рағбатлантириш ишларини йўлга қўйиш, уларнинг илмий клублари, лойиҳалаш бюрolari, илмий-тадқиқот секторларини ташкил этиш, фаолиятини ривожлантириш.

14. Кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг аҳамиятини ошириш, ОЎЮлари ва илмий-тадқиқот институтларининг фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлари режасини шакллантириш, Фанлар Академияси ва тармоқ институтлари билан магистрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорликда бажариладиган илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ишларни ривожлантириш (илмий-тадқиқот ишлари натижаларини чет эл журналларида чоп этиш ва Интернетга узатиш).

15. Дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари мазмуни, сифатини янада яхшилаш (дарслик, ўқув адабиётлари, маъруза матнларининг номи, мундарижаси ва аннотациялари ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланмоқда). Кутубхоналарни энг янги замонавий адабиётлар билан тўлдириш. Таянч олий ўқув юртлари томонидан касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётлари тайёрлаш муддатларини белгилаш ва Давлат таълим стандартлари асосида шакллантирилган ўқув режаларида белгиланган фанлардан ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзишни ташкил қилиш (Интернетга узатиш).

16. Олий ўқув юртлари ўзларига бириктирилган ва ўз таълим йўналишлари бўйича турдош ҳисобланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ҳомийлик, васийлик йўллари билан ўқув адабиётлари, зарурий ўқув-услубий ишланмалари тайёрлаш режалари тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш. Педагоглар, муҳандис-педагоглар тайёрлаш ва уларни қўллаш.

17. Олий ўқув юртлари кафедралари филиалларини ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот институтларида, касб-ҳунар коллежларида, академик лицейларда, МДХ давлатлари олий ўқув юртларида очиш ва улар фаолиятини ривожлантириш.

18. Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглари моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш. Янги ахборот технологиялари ва педагогик услублар яратган профессор-ўқитувчилар, педагогларга қўшимча иш ҳаққи белгилаш.

19. Педагогика ва уни ўқитиш технологиясини самарали ташкил қилиш. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог ва психологлар тайёрлаш, улар малакасини мунтазам оширишни йўлга қўйиш. Психологларни қайта тайёрлашни такомиллаштириш.

20. Таълим соҳасида энг илғор восита ҳисобланмиш масофавий ўқитиш асослари ва қоидаларини яратиш. Бу борада чет эл тажрибасининг энг оқил ва қулай тизимларини ўрганиш, амалиётга жорий этишни таъминлаш. Тажрибали педагоглар яратган электрон дарсликларни жорий этиш. “Интернет”дан масофавий ўқитиш дастурларини олишни ташкил қилиш.

21. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режаларида ахборот технологияларини ўқитишга алоҳида эътибор бериш, янги технологияларга асосланган фанлар таркибини кенгайтириш. Электрон, микропроцессорлар, чиплар, ярим ўтказгичлар, оптик-толалар ўтказгичлар каби юқори технологиялар бўйича муҳандис кадрлар, мутахассис олимлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, электрон почта, Интернет, масофавий таълим бериш каби замонавий информатика ва коммуникатив технологиялар замида эркин ахборот алмашинувини таъминлаш. Ҳар бир битирувчининг компьютерда мустақил ишлашига эришиш. “Интернет” тизимидан фойдаланишга ўргатиш, янги педагогик ва информатсион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режалар тузишга эришиш орқали ихтисослашган етук мутахассис кадрлар тайёрлаш.

22. Кутубхоналарда ўқув адабиёт фондларини уларнинг электрон версиялари (экспертизадан ўтгандан кейин) билан бойитиш, улардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кутубхоналари фондларини тўлдириш, уларни ўқув ва махсус фанларнинг адабиётлари билан таъминотини олий ўқув юртлари ёрдамида амалга ошириш. Янги адабиётлар рўйхатини “Интернет” орқали олишга эришиш. Электрон кутубхоналар ташкил қилишни яқунлаш. Ниҳоятда арзонга тушадиган компьютер технологияларига асосланган имитация ишларига эътибор бериш. Виртуал стендлар ва устахоналар яратишга киришиш.

23. Ёшларни илм-фанга қизиқтириш. Улар ичидан иқтидорли ва истеъдодлиларини ажратиб олиш, етакчи олимлар (профессор)га бириктириш, илмий изланишларга жалб этиш, мустақил фикрлаш ва янгиликларни таҳлил қилишга ўргатиш. ЎзФА таркибидаги илмий-тадқиқот институтларининг кўзга кўринган олимларидан консультантлар тайинлаш. Касб-ҳунар коллежлари талабалари орасида шу йўналишда алоҳида дастур асосида иш олиб бориш. Фанлар бўйича республика олимпиадасини ўтказиш Низомини қайта кўриб чиқиш. Олимпиада голибларига имтиёзлар бериш.

24. Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жисмоний тарбия ҳамда спорт ўйинларини мунтазам ташкил қилиш, оммавий спорт турлари бўйича олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ва улар орасида мусобақалар ўтказиш. Талабаларнинг бўш вақтларини, айниқса, ёз ойларида банд қилишга алоҳида эътибор бериш, соғлом ҳаёт тарзини кенг ташвиқот қилиш. Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида спорт ўйинлари бўйича тузилган секциялар ишини ривожлантириш, Универсиадалар, “Баркамол авлод” ўйинлари ўтказишни намунали ташкил этиш. Етук спортчиларни тайёрлаш. Интернетга мунтазам ахборот узатиш.

25. Барча ўқув масканларида замонавий молиялаштириш асосларини янада ривожлантириш, бюджетдан ташқари

маблағлар миқдорини кўпайтиришга эришиш, уларнинг аксарият қисмини ўқитиш жараёнида оқилона ва мақсадли фойдаланиш, турли таълим хизматларини кўпайтириш. Абитуриент ва битирувчи талабаларга бўлган талаб ҳамда таклифларни ақс эттирган маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш. Бюджетдан ташқари маблағлардан бир қисмини ўқув жараёнининг “фаол” қисми сарфларига йўналтириш.

26. Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тилларини махсус дастур асосида қўшимча таълим хизмати доирасида сифатли ўқитиш. Ҳар бир магистрант, аспирант ва докторант чет тилини мукаммал билиши шарт қоидасини жорий этиш. Чет тилидан биринчи курсдан иккинчи курсга ўтказишда махсус имтиҳон ўтказиш, курсда қолдириш, ўқишдан четлашни йўлга қўйиш.

27. Олий ўқув юртлари битирувчиларининг малакавий битирув ишларини ҳаётий муаммоларни ҳал этишга мос ҳолда бўлишини таъминлаш билан бирга, уларда ўзлари учун бўш ўринлар тайёрлашларига алоҳида эътиборни қаратиш, малакавий битирув ишлари ҳимоясини бевосита улар бажарган жойларда (ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот масканлари) амалга ошириш, битирув ишларида кенг қўламда компьютер техникасидан фойдаланишга, чет тилида тайёрланишига эришиш.

28. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари-ҳунармандларни чет элга меҳнат ресурслари сифатида чиқариш йўллариини ўрганиш. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эълон қилинган бўш ўринлар таҳлили асосида касб-ҳунар коллежларини тезкор усулда ихтисослаштириб бориш ва жаҳон талаблари даражасида ҳунармандлар тайёрлаш (айниқса, юқори ҳақ тўланадиган ахборот технологиялари бўйича), уларга берилган дипломлар нуфузини оширишга эришиш.

29. Минтақавий университетларнинг жойларда ҳақиқий зиё марказлари бўлиб қолишларига эришиш учун уларда

фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини масофадан ўқитиш орқали мунтазам ошириб бориш, уларнинг маънавий ва маърифий ишларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бу йўналишда доимий малакасини оширишни таъминлаш.

30. Таълим жараёнини минтақалаштириб бориш мақсадида жойлардаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш хусусиятларини назарда тутган ҳолда таълим таркибини мослаштириш, олий ўқув юртларига (фаолияти тан олинган тақдирда) зарурий мустақилликлар бериш.

31. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ташкилий-услубий асосларини мунтазам ривожлантириб бориш, умумий ўрта, касб-ҳунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш юзасидан вилоятларда махсус марказлар очиш. Зарурий ўқув ҳужжатларини олдиндан жўнатиш орқали малака ошириш тузилмаларини мукаммаллаштириш. 2+2 ёки 3+1 тузилмаларини жорий этиш.

32. Умумий ўрта, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, раҳбарларининг 2001-2010 йилларга мўлжалланган Малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурининг бажарилишини таъминлаш, унинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий асослари ҳамда сифатини янада юқори кўтариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

33. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатини замонавий талаблар асосида ривожлантириб бориш, таълим масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш алоҳида таълим бошқичига мос бошқариш тузилмасини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш. Ҳар бир малака оширишга келган педагог ўзи тайёрлаган маъруза матни билан келиши, муайян фан ўқувчиларидан 5-6 та ҳамкасабалари тайёрлаган маърузалар матнидан камида 10 та камчилик топиши, Интернетдан олинган 10 та янгилик билан тўлдирилиши ва иши битирув иши сифатида ҳимоя қилинишини ташкил этиш.

34. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг замонавий бошқарувига оид давлат талабларини қайта кўриб чиқиш, энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари-

ни ишлаб чиқиш, илмий-педагогик тадқиқот ишларини йўлга қўйиш. Бу соҳада маркетинг фаолиятини жорий этиш, масофадан ўқитиш асосларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш, вилоятларда умумий ўрта, касб-ҳунар таълими педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масканлари моддий-техника базасини замон андозалари даражасига кўтариш, ундан оқилона, самарали фойдаланиш.

35. Чет эл олий ўқув юртлари тажрибасини муттасил ўрганиб бориш, чет элдаги нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш негизида улардан етук олимларни таклиф қилиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашни ривожлантиришга бағишланган халқаро ҳамда республика илмий-амалий конференцияларини ўтказиш (сифатли маърузалар матни, кенг маъноли тарқатма материаллар тарқатиш ва музокаралар олиб боришнинг учинчи босқичи ҳисобланган “швед столи” ташкил этиш).

36. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, аҳолининг барча қатламлари, ишлаб турган корхона мутахассислари, ходимларини замон талаблари негизида қайта тайёрлашни жадаллаштириш, энг арзон ва самарали йўллари танлаш.

37. Лотин графикасига ўтиш муносабати билан унга асосланган ўқув адабиётлари тайёрлашни режалаштириш, мавжуд маъруза матнлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг электрон версиясини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш.

38. Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини бошқаришда илғор жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш, ўқув юртларига ўз фаолият йўналиши бўйича таълим хизматлари турларини кўпайтириш, аҳоли талаб-истакларини инобатга олган ҳолда, таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

39. Талаба-ёшларнинг ёзги таътил даврида ва уларнинг бўш пайтларида илмий уюшмалар, спорт ўйинлари, ишлаб чиқариш отрядлари, турли саёҳатлар ташкил қилиш ва улар фаолиятини мунтазам ривожлантириб юбориш.

40. Мустақиллигимизни талаба-ёшлар, аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш, миллий истиқлол ғояларини онга чуқур сингдириб бориш орқали жамиятда мафкуравий соғлом имунитетни тарбиялаш, бунёдкорлик ғоялари воситасида Ватанга садоқат ва ватанпарварлик ҳиссиётларини янада юқори даражага кўтариш, келажак авлодга энг юксак анъаналар ҳада этиш мақсадида ўқув жараёни ва унинг бошла-ниши хусусида таклифлар киритиш.

41. Олий ўқув юртлариаро локал ахборот тизимини бар-по этиш, глобал тармоққа кириш асосларини яратиш, Интер-нет тармоғини барча таълим муассасаларида жорий этиш ва кенгайтириш, рақобатбардош амалий дастурлар ишлаб чи-қиш. Ҳар ҳафта Интернетдан олинган ахборотларни экс-пертизадан ўтказгандан кейин таълим муассасаларига тар-қатиш.

42. Магистратура таълим босқичи битирувчилари бозо-рини шакллантириш, ўқув жараёнига оид ўқув-услубий ҳуж-жатлар мажмуаси, ўқув адабиётлари яратишни яқунлаш.

43. Таълим тизимида педагогика ва психология фанларин-нинг энг муҳим муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш. Бу фан-ларни малака ошириш ўқув режаларига киритиш.

44. Замонавий илм-фан муаммоларини ечиш, Ўзбекистон фанининг жаҳонда тан олиншини назарда тутган ҳолда, илм-фан ютуқларини ўзаро алмашиш, етук олимлар тайёрлаш ва уларни жаҳон майдонига чиқишлари, муносиб ўрин эгал-лашларига эришиш, жаҳон илм-фани ривожига ҳисса қўшиш (алоҳида дастурлар тузиш ва молиялаштириш).

45. Фан ривожига узвийликка эришиш мақсадида энг долзарб мавзулар бўйича таълимнинг барча босқичларида ҳамда фанлар академиясининг олимлари иштирокида те-гишли касб-ҳунар коллежи—олий ўқув юрти—аспиранту-ра—докторантурада илмий изланишлар олиб боришга эри-шиш.

46. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ривожлантириш, ўқув жараёни ва унинг ўқув-услубий таъ-

минотини амалга оширишда фаол иштирокини белгилаш, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишда, мустақил иш олиб боришга шароитлар яратиш, давлат раванқи йўлида фидоий ёшларни тарбиялаш.

47. Таълим муассасаларини ва айниқса, университетларни ҳудудий талаблар асосида фаолият юритишга ўтказиш билан уларнинг таркибий тузилмаларига тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш, минтақаларда улар обрўсини кўтариш билан боғлиқ тадбирлар ижросини таъминлаш.

48. Олий ўқув юртларига молия-хўжалик фаолиятини юритиш ва таълим жараёнини ташкил қилишда ҳуқуқларини кенгайтириш, бу борада мустақиллик бериш, таълим муассасаларининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш таъминларини ривожлантириш, пуллик таълим хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш.

49. Чет эл инвестицияларини жалб этиш, таълимнинг фаол қисмини мукамаллаштиришга кўпроқ сармоялар йўллаш, хусусий инвестициялар миқдорини ошириш бўйича чоратадбирлар белгилаш, ҳар бир инвестиция лойиҳасида таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

50. Таълим тизимида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талаба-ўқувчиларнинг ўқиши, соғлигини тиклаши, дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, соҳа ходимларини мунтазам иқтисодий муҳофазасини таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш.

51. Кутубхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш. Электрон почтадан кенг фойдаланишга ўтиш. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда энг арзон ва замонавий бўлган электрон версияларини яратиш. Касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фондларини мунтазам тўлдириб бориш. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш масканларида кутубхоналар барпо этиш, уларни ўқув адабиётлари, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ўқув дастурлари ва қўлланмалари билан таъминлаш. Муқобил маърузалар матнларнинг тўплами (банки)ни барпо этиш.

52. XXI аср информатика асри, деб эълон қилинганлигини назарда тутиб, информацион технологиялар университети ва коллежини барпо этиш. Ўсиб бораётган талаб ва заруратни ҳисобга олиб, мавжуд олий ўқув юртларида информацион технологиялар бўйича мутахассислар (бакалавр, магистрлар) тайёрлашни йўлга қўйиш ва шу мутахассисликлар бўйича факультетлар очиш.

53. Халқаро миқёсда таълим тизимини ривожлантириш, нуфузли олий ўқув юртлари билан педагоглар, талабалар алмашиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

АҚШнинг Мериленд, Голландиянинг “Фонтис” ва Буюк Британиянинг “Вестминестер” университетлари билан қўшма университетлар ва коллежлар очиш.

54. Олий ўқув юртларини замон талаблари ва жаҳон андозалари даражасида ривожлантириб бориш, бу борада мазмунан яқин ҳамда ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти фаолиятини шу йўналишда фаоллаштириш, олий мактаб муаммоларига бағишланган қўшма анжуманлар ўтказиш, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари миқдори ва сифатини яхшилаш.

55. Талаба-ёшларда техника ва технология йўналишидаги фанларга меҳр уйғотиш, илмий изланишларга жалб этиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтларининг етук олимлари, фан алломалари иштирокида амалий машғулотлар, жаҳон ва республикада фан-техника ютуқларини ифодаловчи доимий кўргазмалар ташкил қилиш, фан-техника ривожига бағишланган конференциялар ўтказиш ва натижаларини кенг тарғиб қилиш.

56. Чет эл нуфузли олий ўқув юртлари билан илмий-педагогик кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашишни янада ривожлантириш, таълимга оид ҳужжатлар мажмуасини жаҳон андозаси даражасига кўтариш ва нуфузли таълим тизими сифатида жаҳон майдонига чиқишга эришиш.

57. Таълим тизимини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва бошқалар.


2. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли, 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 204-сонли ҳамда бошқа қарорлари алоҳида аҳамият касб этади. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг асосий йўналишлари бўлиб қолди. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг ўзига хос мустақил турига айланди.

Ривожланган давлатларда касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади — бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсата оладиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида ўқитувчи-педагоглар савияси, замонавий жиҳозланганлиги, ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва ўқувчиларга камида 2-3 та касб-ҳунар ихтисослиги бера олиши билан олдинги ҳунар-техника билим юртларидан тубдан фарқ қиладиган янги турдаги касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш зарурияти вужудга келди. Муҳим йўналишлар бўйича фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ва битта касб берадиган академик лицейлар ҳаётимизга илдам суръатларда кириб келмоқда. Мамлакатда 1998 йилда тажриба тариқасида 20 та касб-ҳунар коллежи, 15 та академик лицей ташкил этилган бўлса, 2001 йилга келиб, 160 минг ўқувчига мўлжалланган 260 та касб-ҳунар коллежлари ва 47 та академик лицейлар фаолият кўрсатди. Улар фаолияти учун ҳозирга қадар 135 млрд. сўм маблағ сарфланди.

**1998-2001 йилларда барпо этилган академик
лицейлар ва касб-хунар коллежлари
диаграммаси**



ЭСЛАТМА: АЛ — академик лицейлар, КХК — касб-хунар коллежлари, 20/11880-сони / ўқувчи ўрни

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзЛИТТИ мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳлари тузилди. Ишчи гуруҳлар биринчи навбатда миллий таълим моделининг ўзаги бўлган мазмунан янги, мустақил ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимини жорий этиш, янги ташкил этиладиган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий базасини вужудга келтириш ва уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш учун асосий талабларни ишлаб чиқди.

Иш жараёнида ривожланган давлатларда фаолият кўрса-таётган ушбу турдаги ўқув муассасаларининг илғор технологияларини эътиборга олган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг ўз миллий йўналиши, жуғрофий ва демографик ривожланиши ҳамда маҳаллий қурилиш материалларидан максимал фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда оптимал даражадаги ечимлар қабул қилинди.

Ишлаб чиқилган асосий талаблар ва техник топшириқлар асосида 6 та йирик лойиҳалаш муассасалари - “ЎзЛИТТИ” АЖ, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТТИ” ОТАЖ, “Тошшаҳарлоийҳа” АЖ, “Ўзқишлоқлоийҳа”, “Ўздавтиблоийҳа” ва “Ўзсувқурилишлоийҳа” ОТАЖлари томонидан академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун намунавий лойиҳалар, техник-иқтисодий ҳисоблар ишлаб чиқишга киришилди.

Лойиҳа ишларини олиб бориш жараёнида ҳукумат комиссияси 5 мартаба йиғилиб, ишнинг боришини таҳлил қилиб, лойиҳаларга ўзгартиришлар ҳамда таклифлар киритиб борди. Натижада 34 та намунавий лойиҳалар, техник-иқтисодий ҳисоблар ва макетлар ишлаб чиқилди.

Амалдаги техникумлар, лицейлар ва ҳунар билим юр்தларини янги турдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига айлантириш учун улардаги моддий негиз ўрганилиб, инвентаризация қилинди. Республика ҳудудларининг демографик-жуғрофий хусусиятлари назарда тутилган ҳолда янги ташкил этиладиган ўқув юр்தларининг жойлашиши бўйича манзил рўйхати ишлаб чиқилди.

IX синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан босқичма-босқич тўла қамраб олиш жадвали ишлаб чиқилди ва зарур бўладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг сони аниқланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янада ривожлантириш ва 2005-2006 ўқув йилида 9-синфни битираётганларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига босқичма-босқич қабул қилиш мақсадида Ҳукумат комиссиясининг ишчи гуруҳлари ташкил этилди ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ аҳоли пунктларида ҳамда хўжаликларида бўлиб, шу ҳудудларнинг

жўғрофий-демографик ривожланиши, мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжлари ўрганилиб чиқилди. Маҳаллий ҳоқими-ятлар билан биргаликда махсус дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, мазкур комиссияга тақдим этилди.

Ишчи гуруҳларнинг жойларда ишлаб чиққан ҳисоб-китоблари, таҳлиллари ва таклифлари асосида “1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги 406-сонли қарори қабул қилинди.

1998 йилда тажриба тариқасида жами 35 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилган бўлиб, бу ўқув муассасалари асосан фаолият кўрсатиб келаётган ўрта махсус ўқув юртлари (техникум, ҳунар-техника билим юрти) биноларида қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан барпо этилди. Бу ишлар маҳаллий ҳоқимликлар, оталиқ ва ҳомий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, ушбу ўқув муассасаларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан қисман таъминлаш учун республика бюджетидан 341 млн. сўм маблағ сарфланди.

1999-2001 йилларда ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қайта таъмирлаш, янгидан қуриш ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъмирлаш республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширилди.

1998-2000 йилларда ташкил этилиши режалаштирилган 202990 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 306 та янги турдаги ўқув муассасаларидан 2001 йилнинг 1 январига бўлган ҳолатга 160360 ўқувчи ўрнига эга бўлган 243 та ўқув муассасалари тўлиқ комплекс ҳолатида Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинган, улардан 40 таси академик лицейлар ва 203 таси касб-ҳунар коллежларидир.

Академик лицейлардан 2 таси (1425 ўрин) янги қурилиш, 38 таси қайта таъмирлаш, касб-ҳунар коллежларининг эса 20 таси янги қурилиш, 183 таси қайта таъмирлаш йўли би-

лан барпо этилди. 12630 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 63 та, яъни 7 та академик лицей ва 56 та касб-ҳунар коллежларини қайта таъмирлаш ва қуриб битказиш 2001 йилга тўғри келди.

Ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қурилишнинг смета нархига кирмайдиган замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида республика бюджетидан 1999 йилда 2,33 млрд. сўм, 2000 йилда эса 3,4 млрд. сўм қўшимча маблағ ажратилди.

1998-2001 йилларда ташкил этилган янги турдаги ўқув муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув-кўргазмали қурооллар, тренажёрлар, машина ва механизмлар билан таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки (38,4 млн. АҚШ доллари), Япония (50,2 млн. АҚШ доллари) ва Корея ҳукуматлари (15,66 млн. АҚШ доллари) томонидан кредитлар берилди.

Корея ҳукумати кредитлари 2000 йилда 7,21 млн. АҚШ доллари, 2001 йилнинг биринчи ярмида яна 18,52 млн. АҚШ доллари миқдориде жиҳозлар етказиб берилди.

Ўзбекистонда “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тараққиёти” лойиҳаси Япон ҳукумати кредити ҳисобига амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 254 млн. АҚШ доллари ҳажмидадир. Шундан 58,8 млн. АҚШ доллари миқдоридеги маблағни Япония ҳукумати томонидан кредит сифатида ажратилади. Юқоридаги лойиҳа бўйича Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Заёмли битим имзоланган. Осиё тараққиёт банки томонидан кредит воситасида биргаликда молиялаш шаклидаги кредит ҳам ажратилган. Ушбу лойиҳа доирасида 50 та қишлоқ хўжалик йўналишидаги коллежлар замонавий жиҳозлар билан таъминланади, касб-ҳунар коллежларимизнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари Японияга иш амалиётини ўташ учун жўнатилади, бундан ташқари Ўзбекистонда халқаро ва маҳаллий экспертлар жалб қилинган ҳолда ўқув курслари ташкил этилади.

Яна бир дастурга биноан, чет эллик экспертлар — волон­тёрларни республика касб-ҳунар таълимини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинарлар ўтказиб бериш ва маърузалар ўқиш учун таклиф этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Биз ахборот технологияси бўйича волон­тёрларни жалб этиш таклифи билан ҳам чиқдик.

ЈИСА гранти ЎМКХТ – Ўрта махсус, касб-ҳунар таъли­мини ривожлантириш институтига ўқув-лаборатория уску­наларини етказиб бериш, ЎМКХТ тизими муҳандис-педагог кадрларини қайта тарбиялаш ва малакасини ошириш бўйича минтақавий марказлар ташкил этиш мақсадларини кўзда тутди. Шунингдек, бу институтда тегишли ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш учун кичик босмахона ҳам таш­кил этилди.

ЎМКХТ маркази Япониянинг “Марубени” ва “NEDO” ком­паниялари билан ҳамкорликда ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бўйича қўшма лойи­ҳани ҳам режалаштирмоқда. Юқорида тилга олинган ком­паниялар бу йўналишдаги технологияларни ривожлантириш­га қаратилган грантларни ажратишлари мумкинлигини маъ­лум қилдилар.

Чет эл инвестициялари орқали келтириладиган жиҳоз­лар 1998-2001 йилларда ташкил этилган академик лицей­лар ва касб-ҳунар коллежлари учун номма-ном бирикти­рилган бўлиб, меъёрлар асосида талаб қилинадиган жиҳоз­ларнинг 22 фоизини ташкил этади.

1998-2000 йилларда ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини меъёр асосида жиҳозлаш учун 66,5 млрд. сўм маблағ талаб қилинди. Шундай 1999 йилда 2,33 млрд. сўмлик ва 2000 йилда 3,4 млрд. сўмлик жиҳоз­лар сотиб олинган. Бу умумий талабнинг 8,6 фоизини таш­кил этади, холос. 2001 йилда чет эл кредитлари ҳисобига келтирилган жиҳозларнинг миқдори умумий талабларнинг 54,8 фоизини ташкил этди. Ушбу жиҳозларнинг асосий қис­мини (81,61 млн. АҚШ доллари ёки 26,11 млрд. сўмлик) 2003-2004 йилларда етказиб бериш режалаштирилган бўлса, уларни 2001 йилда тўлиқ жиҳозлаш учун 50,38 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилган ҳисоб-ки-тоблар бўйича 406-сонли қарор билан тасдиқланган дастурга асосан 2001-2005 йилларда ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишининг смета нархига кирмайдиган жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш учун 327,2 млрд. сўм, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мутахассислар тайёрлаш учун минимал шарт-шароитлар яратиш, минимал жиҳозлашни таъминлаш мақсадида 166 млрд. сўм талаб қилинади.

Талаб этиладиган жиҳозларнинг қайси қисмини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш мумкинлигини аниқлаш борасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, заводлар, қўшма корхоналар ҳамда бошқа ташкилотлар билан олиб борган музокара ва таҳлиллари натижасида республикада ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган жиҳозларнинг турлари, сони ва ҳажмлари аниқланди.

Касб-ҳунар коллежларида, ҳунар-техника билим-юртларидан фарқли ўлароқ, олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш имкониятини яратувчи умумий таълим фанлари мажмуаси тўлалигича ўрганилади. Бугунги кунда коллежларда ўрганиладиган умумтаълим фанлари Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастурлари билан тўлиқ таъминланган. Махсус касбий тайёргарлик фанлари эса дастурлар асосида ўқитилмоқда ва улар ўқув жараёнида тажриба синовидан ўтказилмоқда.

Касб-ҳунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги ўрта махсус маълумотли кичик мутахассислар тайёрланади. Шуниси муҳимки, касб-ҳунар коллежларида ўқув-ишлаб чиқариш таълими жаҳон андозаларига мувофиқ замонавий жиҳозланган устахоналар ва корхоналарда олиб борилади. Навоий тоғ-металлургия ва Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий малакаларини шакллантириш, уларни мутахассис сифатида тайёрлаш жараёни (ўқув-ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти) бевосита корхоналарнинг ўзида ташкил этилганлиги эътиборга лойиқ. Ҳар бир ўқувчининг иш ўрни ва вазифаси олдиндан белгилаб қўйилганлиги битирувчиларни

келажакда иш билан тўлиқ таъминлаш учун ҳозирданок замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика бўйича 2001 йил касб-ҳунар коллежларини 2577 нафар, академик лицейларни эса 1300 дан кўпроқ илк “қалдирғоч” ўқувчилар битирди. Битирувчилар эгаллаган умумий ва касбий билим, кўникма ва малакалар, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва бу борадаги камчилик-нуқсонлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш мақсадида 4 босқичдан иборат синов тизими белгиланиб, унинг мониторинги олиб борилмоқда.

Миллий дастурга мувофиқ замонавий билим ва касбий малакаларни эгаллаган, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини дадиллик билан топа оладиган, халқимизнинг миллий маданий-тарихий аънаналарига содиқ бўлган, янги ахборот воситаларидан эркин фойдаланиб, илгор технологиялар асосида фаолият кўрсата оладиган кичик мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёни юқори малакали мутахассис педагоглар ва муҳандис-педагоглар зиммасига юкланган.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимида олиб борилган ислохотлар дунё миқёсида тан олинди. Шуниси қувонарлики, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш мақсадида Германия Федератив Республикасининг техник маркази лойиҳасига 5 та ва ТАСИС дастурига 3 та янги турдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари киритилиб, хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда таълим мазмунининг ташкилий шакллари ҳамда усуллари борасида услубий иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Голландия ва Канада каби ривожланган мамлакатларда малакасини ошириб, тажриба алмашиб қайтган 161 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари янги ахборот технологиялари бўйича олган билимларини ўқув жараёнига жорий қилмоқдалар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 1998-2000 йиллар давомида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва назорат

қилишга оид 50 дан ортиқ Низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилди. Таълим муассасаларидаги педагогик жараён ана шу меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш, назоратини таъминлашга қаратилган йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда академик лицейлар учун 10 та ўқув режа, чуқурлаштирилган умумтаълим фанлари учун 78 та ўқув дастурлари, 4 та йўналиш бўйича давлат таълим стандартлари, касб-ҳунар коллежлари учун эса 185 та йўналиш бўйича ўқув режа, 3000 дан ортиқ ўқув дастури ва 200 га яқин йўналиш бўйича тармоқ стандартлари ишлаб чиқилди.

Тажрибавий ўқув режалар, дастурлар, давлат таълим стандартлари ҳамда илғор педагогик технологиялар муҳокама-си бўйича 9 марта Республика илмий-амалий анжуманлари ташкил этилди, 6 марта минтақавий семинарлар ўтказилди.

Европа таълим фондининг “Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими ислоҳотига кўмаклашиш” ТАСИС лойиҳаси ҳамда Германиянинг “Ўзбекистонда бошланғич ҳунар таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси тажрибавий ўқув режалар, дастурлар ҳамда давлат таълим стандартларини янги турдаги таълим муассасаларига жорий қилишга, касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини кўтаришга ёрдам бермоқда. Таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш бўйича хорижий давлатларнинг дуал тизимидан фойдаланиш касб-ҳунар коллежларида юқори натижалар бериши кўзда тутилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ноанъанавий дарсларни ўтказишга катта эътибор билан қаралмоқда. Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларида тегишли билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда миллий ва жаҳон педагогикасининг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга, уларга мустақил фикрлашни ўргатишга йўнал-

тирилган ноанъанавий дарслар банки яратилди. Йиғилган материаллар таҳлил қилиниб, чоп этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларининг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилиб, ўқув адабиётлари ҳамда ўқитувчилар учун таянч маъруза матнларини чоп этиш режаси тузилди.

Россия ва бошқа мамлакатларда чоп этилган 41 номдаги дарсликлар сотиб олинди, ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Шунингдек, дарсликлар ёзиш учун очиқ танлов эълон қилиш орқали 150 нафар муаллиф танлаб олинди. Режага мувофиқ шу йилнинг ўзида 140 номдаги дарсликлар нашр этилиб, таълим муассасаларига етказилади.

Тарих, математика ва бошқа фанлар бўйича компьютерлаштирилган дастурлар, математика, кимё, физика, астрономия, чизмачилик, биология, анатомия, зоология, она тили, автомобилсозлик, ички ёниш двигателлари фанларидан проектор локали намоёниш этиладиган кўрсатмалар қуроли ишлаб чиқилди ва таълим жараёнида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Тажриба-синов майдончаларида ўқув режалари ва дастурларининг амалдаги самарасини синаб кўриш мақсадида барча йўналишлар бўйича 2-курснинг 3-семестрида тугалланган махсус ҳамда чуқурлаштирилган фанлардан тест синовлари саволлари тайёрланиб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида таҳлилдан ўтказилди.

Уч йил мобайнида Давлат қабул комиссияси томонидан 160360 ўринга мўлжалланган 343 та таълим муассасаси (22970 ўринли академик лицей ва 137390 ўринли касб-ҳунар коллежлари) қабул қилиб олинди. Янги қурилиш ҳисобидан 1425 ўринли 2 та академик лицей ва 13100 ўринли 20 та касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Мавжуд биноларни қайта таъмирлаш йўли билан 21545 ўринли 38 та академик лицей ва 124290 ўринли 183 та касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди.

Янги ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари, техника ва технологиялари билан таъминлаш мақсадида ЎзКейс-

маш, ЎзКейстрактор, Ўзқишлоқмашхолдинг, СамКочавто, ЎздЭУавто, эл инновацион фирмаси, Мададкор, ПФАФФ-Зингер фирмалари ва бошқа корхоналарнинг энг сўнгги ютуқлари бўлган маҳсулотларини сотиб олиш учун республика бюджетидан 1999 йилда 2,33 млрд. сўм, 2000 йилда 3,4 млрд. сўм ажратилди.

Айни пайтда, Осиё тараққиёт банки (57 млн. АҚШ доллари), Корея Республикаси (35 млн. АҚШ доллари) ва Япония ҳукумати томонидан (58 млн. АҚШ доллари) узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб келмоқдалар. Машгулотлар маъруза, семинар, суҳбат шаклларида ташқари муаммоли тадқиқот, мустақил ишлаш, ҳар хил ўйин дарслари, иккитали сўров, дебрифинг, қарама-қарши саволлар билан ишлаш ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш усулида ўтилмоқда. Машгулотларда ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига, мустақил ишлашларига шароит яратилиб, ўқитишнинг техникавий воситалари ва кўргазмаларни қуролларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳар бир ўқув муассасасида ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириш даражасини кўрсатувчи таҳлилий жадваллар ёритиб борилади қўлланилаётган таълим шакллари ва услублари ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг билим даражаси ва касбга бўлган қизиқишлари ошмоқда.

Таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш ва ўқувчиларни замонавий фан ютуқлари билан таъминлашда Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Коллежда фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда коммунал соҳада ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш ва бу билан боғлиқ бўлган янги технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаш бўйича инновацион лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа ҳажми 5,5 млн. сўмни ташкил қилади. Лойиҳанинг амалга оширилиши касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича оладиган билим ва кўникмала-

рини чуқурлаштиришга, танланган касблари бўйича етук мутахассис бўлишларига кўмаклашади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари мутахассислари давлат таълим стандартларини ўрганиш ва унинг амалиётга татбиқи бўйича ўқишлар ташкил этилди. Ҳудудий бошқармалар томонидан фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, муҳандис-педагоглари, ўқувчилар ва ота-оналар учун давлат таълим стандартларини ўрганиш ҳамда амалда татбиқ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Гулистон давлат университети ва Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейларда иқтидорли ўқувчиларнинг “Кичик академияси”, ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейининг “Юнландия” ташкилотлари тузилган ва улар кўплаб ўқувчиларни ўзига жалб қилган.

Жорий йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 12 мингдан ортиқ педагог ва муҳандис-педагоглар меҳнат қилмоқда. Улардан 56 нафари фан доктори, 505 нафари фан номзоди, 23 таси хорижий давлатлардан келган мутахассислардир. Ўқитувчиларнинг 90,4% олий маълумотга, шу жумладан, 16% олий педагогик малакага эга.

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларида асосий штатда ишлаётган ўқитувчилар билан таъминланганлик даражаси 74,3% ни ташкил этиб, қолган 25,7% эҳтиёж ўриндош ўқитувчилар ҳисобидан қондилмоқда.

“Устоз” жамғармаси совриндорларининг фаолияти академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Унинг йўлланмаси билан 338 нафар, чет эл инвестициялари ҳисобидан эса 533 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари хорижий мамлакатларда ўз малакаларини оширдилар. Жумладан, таянч олий ўқув юртларида ишлаётган ва бевосита малака ошириш курсларида дарс бераётган 23 нафар профессор-ўқитувчи АҚШ ва Жанубий Кореяда тажриба орттириб қайтди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Янги талабларга жавоб берувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқув-услубий ва маънавий-маърифий ишларга ёрдам бериш, таълим жараёнига илғор технологияларни жорий қилиш мақсадида Тошкент давлат техника университети Тошкент радиотехника, электроника ва автоматика, Тошкент радиотехника, Сирғали политехника, Мирзо Улугбек саноат касб-ҳунар коллежларида тегишли йўналишлар бўйича ўз кафедралари филиалларини ташкил қилди. Кафедраларнинг касб-ҳунар коллежларида очилган филиалларида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларни тегишли адабиётлар ва маъруза матнлари билан таъминлаш, нонъанавий маърузалар, семинарлар, амалий-лаборатория машғулотларини ташкил қилиш усуллари орасида кенг имкониятлар яратилмоқда.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети Миробод саноат, Тошкент педагогика, Тошкент молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари билан, Тошкент тўқимачилик институти Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи билан, Тошкент архитектура-қурилиш институти Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи билан, Тошкент давлат авиация институти Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи билан, Тошкент давлат аграр университети Тошкент агротижорат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорлик қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кафедраларнинг филиалларини очиш тўғрисидаги Низомга асосланиб, шартномалар тузилди ва амалий ишлар бошлаб юборилди.

Шунингдек, Тошкент қурилиш-миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ва ТДПУ, Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи ва ТТЕСИ, Метрочилар касб-ҳунар коллежи ва ТТЙМИ, Мирзо Улугбек информатика касб-ҳунар коллежи ва ТДАИ, Тошкент юридик коллежи ва ТАЮИ, Тошкент радиотехника, автоматика касб-ҳунар коллежи ва ТДТУ, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ва ТДПУ, Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ва ТДИУ, Тошкент қурилиш-миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ва Тош-

кент санъат олийгоҳи, Тошкент технология касб-ҳунар коллежи ва Тошкент кимё технологияси институти ўртасида ҳам кафедралар филиалларини очиш ва илмий-амалий ҳамкорлик ишлари олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли қарорига асосан давлат таълим стандартлари ва талабларини ҳамда янги педагогик технологияларни илмий-амалий ишлаб чиқиш бўлими ташкил этилди.

Таснифлагич манфаатдор вазирликлар, идоралар, концертларда ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари орқали вилоятлар таълим муассасаларида муҳокамадан ўтказилди. Таклиф-мулоҳазалар асосида тўлдирилиб ва қайта ишланди ҳамда **тўртта вазирлик, Фан техника** давлат қўмитасида маъқулланиб, жорий этишга рухсат олиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Мазкур тажрибавий ўқув режа ва дастурлар янги турда ташкил этилган ўқув муассасалари педагог-ҳодимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда фанлар бўйича мутахассислар томонидан таҳлил қилинди ва уларнинг фикр-мулоҳазалари умумлаштирилди.

1999-2000 ўқув йилида очилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг соҳа ва йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилди. Бу маълумотлар асосида касб-ҳунар коллежларининг 114 та йўналиши ва академик лицейларнинг 5 та йўналиши бўйича 12 та тажрибавий ўқув режалар тайёрланди. Ўқув режалари тажрибали мутахассислар, ўқув муассасалари ва тегишли ташкилотлар томонидан тақриздан ўтказилиб, Марказ раҳбари томонидан тасдиқланди.

1999 ўқув йилда очилган 15 та академик лицей ва 101 та касб-ҳунар коллежлари учун 15 та умумтаълим, 5 та шахсни ривожлантириш фанларидан, академик лицейлар учун 98 та умумтаълим, чуқурлаштирилган ва шахсни ривожлантириш фанларидан, касб-ҳунар коллежлари учун эса умумкасбий ва махсус фанлардан 1895 тадан ортиқ ўқув дастурлари тайёрланди.

2000-2001 ўқув йилида очилган академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг ўқув дастурлар ва дарсликларга бўлган

эҳтиёжини аниқлаш мақсадида барча соҳалар бўйича маълумотлар базаси яратилиб, 50 та йўналиш бўйича ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда, ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилмаган 105 йўналиш аниқланди, йўналишлар бўйича ўқув режа, дастурларни ишлаб чиқиш учун Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ҳамда Тошкент электротехника ва алоқа институтлари ҳамда бошқа таълим муассасалари билан боғланилди, 46 та йўналиш бўйича ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқувчи муаллифлар рўйхати олинди.

Йўналишлар бўйича мавжуд тармоқ таълим стандартлари кўриб чиқилди. Академик лицейлар учун ўқув режаларининг янги вариантлари ишлаб чиқилди.

1999 йилда 114 та йўналиш бўйича ўқув режалар экспертлар хулосалари асосида қайта ишланди. Тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ҳамда дастурлар бўйича тажриба-синов ишлари давом этмоқда.

2001-2002 ўқув йил учун вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларидан ўқув режа ва дастурлар билан таъминлаш тўғрисида буюртмаларга асосан 2001 йилда тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиши аниқланди, касб-ҳунар коллежаларининг 46 та соҳа йўналишлари бўйича тармоқ таълим андозалари, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқувчи муаллифлар билан ишлар олиб борилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди: ўқув режаларига киритилган умумтаълим ва асосий умумкасбий фанлари бўйича сифатли, замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозаларига мос ўқув дастурлари яратиш мақсадида Республика танловига 26 та фандан 63 та ўқув дастури тақдим этилди. Танловга тушган ўқув дастурларини тақриздан ўтказиш мақсадида 1999 йил 29-30 апрел кунлари табиий фанлар бўйича, 3-4 май кунлари ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича Республика семинари ўтказилди. Танлов якунланиб, натижалари эълон қилинди. Ҳайъат қарорига кўра ғолиб, деб топилган ўқув дастурлари тасдиқланиб, нашр қилинди.

1998-1999 ўқув йилида ташкил қилинган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида синов тариқасида татбиқ қилинган ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларини муҳокама қилиш, уларни такомиллаштириш мақсадида 1999 йил 12 мартда Европа Таълим Жамғармаси билан ҳамкорликда Республика семинари ўтказилди.

1999 йил 29 апрелдан 4 майгача академик лицей ўқитувчилари иштирокида табиий ва гуманитар фанлар йўналишидаги ўқув режа ва дастурларга келиб тушган тақриз ва таклифларни таҳлил қилиш мақсадида Республика семинари ўтказилди.

1999 йил май ойида 1998-1999 ўқув йилида тажриба тариқасида ташкил этилган янги турдаги касб-ҳунар коллежлари 1-курс ўқувчиларининг билим савияларини амалдаги ўрта махсус ўқув юрти ҳамда билим юртлари ўқувчилари билим савиялари билан солиштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон ва Наманган вилоятларида умумкасбий ва махсус фанлардан тест синовлари ўтказилди.

Ноанъанавий дарслар базаси яратилди. Йиғилган материаллар таҳлил қилиниб, чоп қилишга тайёрланди.

“Ўзқишлоқлойиҳа” институти томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари учун ўқув хоналари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ихтисослаштирилган лабораториялар ва ўқув хўжалигининг таркиби ва майдонлари” кўриб чиқилди ҳамда тегишли таклифлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида Генетика ҳамда Тил ва адабиёт институтлари билан шартномалар тузилди.

2000 йил 5-6 октябрда Хўжайли касб-ҳунар коллежида “Республика қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш мазмунини янгилашда тажрибавий ўқув режа ва дастурларнинг роли: муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусида семинар ўтказилди.

2000 йил 19-20 октябрда Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида “Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш

ва татбиқ этиш, касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари билан биргаликда Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида семинар ўтказиш учун тажриба-синов майдончаларидан келган ахборотлар таҳлил қилинди.

“Ижтимоий ҳамкорлик” тўғрисидаги Низом лойиҳасини тайёрлаш учун мавжуд ахборотлар ўрганилиб таҳлил қилинди ва тегишли вазирликлар, концентрлар ҳамда бирлашмалар билан биргаликда муҳокама қилинди.

Самарқанд тиббиёт касб-ҳунар коллежида тиббиёт йўналиши бўйича ўқув режа ва дастурларнинг тажриба-синовдан ўтиш натижалари тўғрисида семинар ўтказилди. Семинарда тушган таклиф ва мулоҳазалар таҳлил қилиш учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтига юборилди ва тиббиёт соҳасидаги ўқув режа ҳамда дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

1998 йилда ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларнинг тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш мақсадида ишчи семинарлар ташкил қилинди, ўқув дастурлари муаллифлари ва мутахассислардан ташкил топган ишчи гуруҳлари тузилди. Ҳозирги пайтда ишчи гуруҳлар ва дастурлар муаллифлари тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари билан биргаликда иш олиб бормоқдалар.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш икки усулда амалга оширилмоқда: биринчиси, 1999-2000 ўқув йилида ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини, махсус ишчи гуруҳлар ва ҳудудий комиссиялар таклифларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури ва Давлат таълим андозалари талабларига мос бўлган оригинал дарсликлар яратиш.

75 муаллиф билан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Янги дастур асосида яратилган Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остидаги “Оила психоло-

гияси”, В.Каримова ва бошқалар муаллифлигидаги “Мустақил фикрлаш”, Х.Насимов ва Х.Абдуҳамидовларнинг “Алгебра ва математик анализ асослари”, Х.Валиевнинг “Механика ўқув материалларини баён этишнинг услубий талаблари”, И.У.Муракаевнинг “Основы менеджмента”, Ш.Авазов ва Д.Боқиевларнинг “Қасб-ҳунар коллежларида дала тажриба-синов ишлари” номли қўлланмалари нашрдан чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 400-сонли қарори билан тасдиқланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим андозалари асосида яратилган ўқув қўлланма Услубий-методик кенгаш муҳокамасидан ўтказилиб, нашр қилинди.

Иккинчи усул — амалдаги илғор чет эл ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун хорижий мамлакатларда устувор йўналишлар бўйича нашр этилган 19 та дарслик ва қўлланма ўзбек тилига таржима қилиш учун танлаб олинди ҳамда муаллиф-таржимонлар билан шартнома тузилди. Ҳозирги кунда 10 дан ортиқ ўқув қўлланма нашр қилинди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг кутубхоналари ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида 1999 йил “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари кутубхоналари тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кутубхона ишларини яхшилаш мақсадида “Энг яхши кутубхона” кўриктанлови Низоми ишлаб чиқилди. Республикада биринчи бор ушбу танлов ўтказилиб, унинг биринчи ғолиби ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи кутубхонаси бўлди. Самарқанд Банк коллежи кутубхонаси иккинчи, Қарши маданият коллежи ва Нукус педагогика коллежи кутубхоналари учинчи ўринларни эгаллашди.

Қасб-ҳунар коллежларининг умумқасбий ва махсус фанлари бўйича кутубхоналарда мавжуд бўлган 418000 нусхадан ортиқ эски дарслик ва ўқув қўлланмалар Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли қарори асосида мазмунан экспертизадан ўтказилиб, улардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги талабларга жавоб берадиган янги дарслик ва

қўлланмалар яратилгунга қадар улардан фойдаланишга рухсат этилган. Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, нашр қилиш жадвали ишлаб чиқилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асосан 2005 йилгача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ҳамда муҳандис-педагог кадрларга бўлган умумий эҳтиёжи 121 минг нафар кишини ташкил этади. Янги турдаги таълим муассасаларини малакали педагоглар билан таъминлаш мақсадида 1999 йилдан бошлаб олий ўқув юртларида 89 йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлашга киришилди. Лекин олий ўқув юртларининг имкониятлари чегараланганлиги сабабли умумий эҳтиёжнинг 70% умумий ўрта таълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, техникумлардан бўшаб қолаётган ўқитувчилар ҳисобидан қопланади. Шунинг учун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 3-4 йиллар мобайнида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлашнинг асосий манбаи мавжуд педагогларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишдир.

1998 йилдан бошлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини малакали педагоглар билан таъминлаш учун таянч олий ўқув юртлари деб белгиланган Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик педагогика институти ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Малака ошириш муассасаларида турли йўналишлар бўйича 22 мингдан ортиқ педагог, муҳандис-педагог кадрлар қайта тайёрланиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилинди. Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, 200 дан ортиқ кутубхоначилар ўз малакаларини оширдилар. Тошкент давлат педагогика университети амалий психологлар тайёрлаш факультетининг 9 ойлик курсида академик

лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун амалий психологлар тайёрлашга киришилди. Улар учун махсус ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳозиргача 200 нафар ўқитувчи мазкур курсни тугатди.

Республика «Устоз» жамғармаси йўлланмаси билан 338 нафар, чет эл инвестициялари ҳисобидан 270 нафар педагог ривожланган давлатларда ўз малакасини оширдилар. Янги замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, уларни ўрганиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг физика, кимё, информатика, энергетика фанлари ўқитувчиларидан 210 нафари ҳамда директорлардан 30 нафари Жанубий Кореяда малакасини оширдилар. Таянч олий ўқув юртларининг 23 нафар профессор-ўқитувчилари АҚШ ва Жанубий Кореяда тажриба орттириб келди. ТДПУ, Бухоро ООЕСТИ ва Наманган МПИларининг малака ошириш факультетларига Жанубий Кореядан келтирилган умумтаълим фанлари лабораториялари, лингафон ва компьютер синфлари берилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог, муҳандис-педагог кадрларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида бу жараёнга янги ахборот ва илғор педагогик технологиялар бўйича тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатлар мутахассислари ҳам жалб қилинди. Айни пайтда, амалий-кўчма машғулотлар ҳамда назарий ва амалий семинарлар анъанага айланди.

Тизим истиқболини илмий-услубий тадқиқотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Собиқ фан ва техника давлат қўмитасининг дастурларига асосан “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнини компьютерлашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” (7.21-сонли) ҳамда “Янги педагогик ва ахборот технологияларни яратиш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимидаги ўқув муассасаларига жорий этиш” (1.4.11-сонли) мавзуларида олиб борилмоқда.

“Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” мавзусида янги ўқув-назорат компьютер дастури давлат тилида яратилди. Дастурда иқтисодиёт фанидан 50 та мавзу ёритилган. Ҳамма мавзулар 1998 йилдан бошлаб янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув жараёнига киритилган дастурлар мазмунига мос келади.

1998-2001 йилларда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари шартнома асосида республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий-техника фирмаларида компьютер технологиялар соҳасида ишлайдиган иқтидорли, юқори савияли олимлар, ўқитувчи ва мутахассислар билан ҳамкорликда замонавий ўқув-назорат компьютер дастурлари, ўқув видеофильмлари ва бошқа дидактик воситалар ишлаб чиқилди. “Маънавият ва маърифат”, “Ўзбекистон тарихи”, “Давлат тили”, “Адабиёт” фанларига бағишланган, ўқувчиларнинг миллий руҳ ва мафкурасини шакллантирувчи 4 та мультимедиал умумтаълим ва махсус курслардан ўқув-назорат компьютер дастурлари ҳамда уларни амалда ишлатувчилар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

“Ўзбектелефильм” студияси билан ҳамкорликда “Физика” фанидан 15 та, “Қимё” фанидан 7 та, “Биология” фанидан 9 та, “Астрономия” фанидан 12 та ўқув видеофильмлари яратилди.

Академик лицейларнинг тайёрлов йўналишлари белгиланди, йўналишлар бўйича ўқув режалари тасдиқланди, ўқув жараёни жадвали ишлаб чиқилди. Академик лицей йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча чуқурлаштирилган ҳамда мутахассисликка йўналтирувчи фанлар тақсимоли яратилди. Умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари тасдиқланди, касб-ҳунар коллежлари йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларнинг тажрибавий намунаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим стандартларини ишлаб чиқиш услубияти, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим стандартларини тажриба-синовдан ўтказиш ва эксперт баҳолаш бўйича йўриқнома, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлари умумдавлат таснифлагичи, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг 185 та тайёрлов йўналишлари бўйича таълим стандартлари лойиҳалари, “Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштириш услуги” номли қўлланма, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ходимларининг тоифалари бўйича малака оширишга қўйилган талаблар, касб-ҳунар таълими ходимларининг малака-

сини ошириш, қайта тайёрлаш тамойиллари кабилар ишлаб чиқилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантура мавжуд:

1. 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси;
2. 13.00.02 — Меҳнат ва ҳунар таълими назарияси ва услубияти;
3. 13.00.08 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва услубияти.

Ҳозирги кунда 11 та номзодлик диссертациялари ёқланди, 30 га яқин аспирант ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти профессор-ўқитувчилари 1998-2001 йилларда 4 та инновация лойиҳаси, 2 та Давлат илмий-техника дастурлари ҳамда ETF (Европа таълим фонди), TACIS, GTZ (Германия техник ҳамкорлик жамғармаси), DSE (Немис байналмилал ривожланиш жамғармаси) ҳамда ADB (Осиё тараққиёт банки) грантларида иштирок этишмоқда. Хорижий мамлакатлар грантлари касбий таълимни ривожлантириш, таълим мазмунини янгилаш, таълим стандартлари асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш ҳамда ўқув-моддий базани такомиллаштиришга йўналтирилган.

“TACIS” фонди билан ҳамкорликда яратилган 6 та тайёрлов йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари Андижон енгил саноат, Ширин энергетика, Тошкент қурилиш касб-ҳунар коллежларида, Германия таълимига техник ҳамкорлик кўрсатиш жамғармаси билан ҳамкорликда тайёрланган 4 та таълим стандартлари Тошкент туризм, Қўйлиқ маиший хизмат, Самарқанд енгил саноат, Бухоро технология касб-ҳунар коллежларида татбиқ этилган.

Республикамиздаги барча институтлар ва университетларнинг касбий таълим бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлайдиган факультетлари юқори малакали илмий-педагог кадрларга жуда муҳтож бўлгани каби Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ҳам олий малакали илмий-педагогик кадрларга катта эҳтиёж сезади.

1-жадвал

| Ихтисосликлар ШИФРИ | Олий малакали илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёж | | | | | | | | | |
|-------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| | 2001 йил | | 2002 йил | | 2003 йил | | 2004 йил | | 2005 йил | |
| | Фан доктори | Фан номзоди | Фан доктори | Фан номзоди | Фан доктори | Фан номзоди | Фан доктори | Фан номзоди | Фан доктори | Фан номзоди |
| 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси | 1 | 2 | 1 | 2 | | | 1 | 3 | 1 | 4 |
| 1.00.02 — Меҳнат ҳамда ҳунар таълими назарияси ва услубияти | 1 | 2 | | 3 | 1 | 3 | 1 | 4 | 1 | 5 |
| 13.00.08 — Касб - ҳунар таълими назарияси ва услубияти | 1 | 5 | 1 | 10 | 1 | 12 | 2 | 15 | 2 | 20 |

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида аспирантлар ва докторантларни тайёрлаш бўйича илмий ва илмий-тажриба базаси мавжуддир. Институтдаги 6 та илмий бўлим ва 5 та кафедраларнинг ҳаммаси компьютерлар билан таъминланган бўлиб, уларда аспирантларнинг фойдаланишлари учун кенг имконият яратиб берилган.

Аспирантлар тажриба-синов ишларини амалга оширишлари учун 66 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 10 та академик лицей тажриба-синов майдончалари қилиб белгиланган. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техника базаси тажриба-синов ишларини ўтказишга мослашган. Институтда 2000 йил август ойидан бошлаб илмий-услубий “Касб-ҳунар таълими” журнали чоп этила бошлади.

Илғор педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш, таҳсил мазмунини давлат таълим стандартлари талаблари даражасига кўтариш мақсадида касб-ҳунар коллежларининг бошқариш тузилмаси қайта ташкил этилди, тажриба сифатида “Умумқасбий фанлар” кафедралари тузилди. Махсус фанлардан айрим мавзуларни ишлаб чиқариш корхоналарининг илғор техника ва технологиялар қўлланиладиган бўлинмаларида ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, “Авиация техникасини йиғиш” йўналишлари бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар Тошкент давлат авиация институтининг лабораторияларида машғулотлар ўтказмоқда.

Корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ноанъанавий машғулотларнинг яна бир тури икки томонлама амалиёт жараёнининг олиб борилиши. Назарий ва бошланғич амалий таълим ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, полигонлар, ўқув хўжаликлари, машқ майдончаларида, ишлаб чиқариш амалиётлари эса цехлар, участкаларда ўтказилмоқда. Корхоналар, ташкилотлар бўйича чиқарилган икки томонлама буйруқда ўқувчиларнинг цехларга ва бўлинмаларга бириктирилиши, амалиёт жараёнида қатнашадиган цех бошлиқлари ва мансабдор шахсларнинг вазифалари, меҳнатга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги ва бошқа тегишли масалалар ҳал қилинмоқда. Ўқувчилар мутахассисликларига мувофиқ бириктирилган цех, участка, ўқув полигони ва ўқув хўжаликларда ҳар бир ўқувчига юқори малакали ишчи мутахассислардан биттаси “мураббий” қилиб тайинланади. Амалиёт муддатининг охирида эса алоҳида махсус комиссия тузилиб, битирув-малака ишлари қабул қилинади, мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш тафсифномаси берилади. Таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини бу тартибда ташкил қилиш ўқувчиларнинг назарий билимлар ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш, келгусида малакаларини янада тезроқ ошириш имконини беради. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўқув юртини битириш арафасида корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар, танишиб, диплом ишларини бажаришга киришадилар.

Таълим муассасаларидаги ўқув устахоналарида саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади (2-жадвал).

2-жадвал
(млн. сўм ҳисобида)

| Т/р | Пул тушумлари | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|-----|-----------------------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1. | Саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари | 149,7 | 191,9 | 208,8 | 208,0 |
| 2. | Ўқувчилар амалиёти | 89,5 | 115,8 | 149,5 | 149,9 |

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, улар қобилиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Академик лицейларда ташкил этилган кичик академияларда энг истеъдодли, ноёб қобилиятли ва ижодкор ўқувчилар танланиб, уларга табақалаштирилган, маълум ихтисосликка йўналтирилган чуқур билим бериш, ўқувчиларни ихтирочилик, илмий изланувчанликка йўналтириш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада бир қатор иқтидорли ёшлар илмий изланишлар олиб бориш, ўз истеъдодларини намоён қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Бердиев Бахтинур юртимиз тарихини ўрганиш борасида илмий изланиш олиб бормоқда. У 16 ёшида “Юртим тарихига бир назар” ва икки қисмдан иборат “Навбахор тумани тарихи” номли 3 та китоб нашр этди, ўнлаб илмий маҳсулотларни чоп эттирди. Ҳозирги кунда Б.Бердиев “Навоий вилоятининг муқаддас қадамжолари” мавзуида илмий иш олиб бормоқда. Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей битирувчиси Исроилов Зариф лицейнинг кимё лабораториясида ўқитувчи раҳбарлигида мис кристалларини ҳосил этишга муваффақ бўлди. Шу лицей ўқувчиси Назмия Муҳиддинова шеъррий тўпламини нашрдан чиқарди.

Ўқувчиларнинг халқаро олимпиада ва танловларда иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. 1999 йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази республика терма

жамоасини халқаро математика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишларини таъминлаш мақсадида махсус тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда. Натижада республикамизнинг икки иштирокчиси 2000 йил Жанубий Кореяда ўтказилган 41-халқаро математика олимпиадасида бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Республика фан олимпиадаларида Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Козимова Зумринисо она тили ва адабиёт фанидан, Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги лицей ўқувчиси Султонов Бекзод информатикадан, Гулистон давлат университети қошидаги Янгиер академик лицей ўқувчиси Рабиев Шерзод тарихдан, 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги лицей ўқувчиси Шамуқимов Шухрат биологиядан 1-ўрин эгалари бўлишди. Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Собирова Дилноза рус тили ва адабиётидан 2-ўринни, Бухоро давлат университети қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Рўзиева Гўзал биологиядан 3-ўринни эгаллаб, олий ўқув юртининг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишди.

Тизим таркибидаги “Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим бўлими”нинг асосий мақсади таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этиш, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқув-услугий базасини мустаҳкамлаш, ўқув юртларида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш орқали баркамол шахсни тарбиялашдир.

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш, бу соҳадаги ишларни бошқаришнинг ягона тизимини таркиб топтириш, ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш борасидаги илғор иш тажрибаси ва янги педагогик технологияларни таркиб этиш, жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ҳарбий таълим ўқитилишини кучайтириш бўлим фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар йўналиши миллий ва умуминсо-

ний қадриятлар асосида таълим олаётган ёшларнинг миллий истиқлол ғояларига эътиқодини шакллантиришга қаратилган. Ёшлар онги ва тафаккурини бойитиш, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий маданиятини ошириш ҳамда юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш тадбирлари барча ўқув юртлари иштирокида амалга оширилмоқда. (“Сиз тарихни биласизми?”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Шунқорлар”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Ўзбекистон қўшиқ байрами” ҳамда турли мавзулардаги иншо танловлари). Бу тадбирлар орқали ёшларимиз ўртасидаги иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилар танлаб олинмоқда. Уларнинг келажакдаги орзу-интилишларини рўёбга чиқаришларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ўқувчиларнинг ўзлигини эркин намоён қилишлари учун 14 та ҳудудий бошқарманинг 6 тасида махсус газеталар ташкил қилиниб, уларда ўқув юртларининг маънавий ҳаётига тегишли мақолалар ёритиб борилмоқда. Бу газеталар Республика оммавий ахборот воситалари тизимида ўзига хос муносиб ўрин эгаллаб бормоқда.

Республика ва халқаро миқёсда ўз истеъдодини намоён этиётган ёшлар банки яратилиб, улардан энг истеъдодли 8 нафари махсус тўпламга киритилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ўқувчиларни рағбатлантириш учун ҳомийлар билан ўзаро ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар бажарилди. 1998 йилда қаровчисиз қолган, етим, кам таъминланган оилаларнинг 900 га яқин ўқувчи фарзандлари марказлашган ҳолда “Ёшлик” оромгоҳида дам олдилар. Ҳар йилнинг биринчи ўн кунлигида барча ўқув муассасаларида “Мурувват ва саҳоват ўн кунлиги” ўтказилиб, бу тадбир орқали ўқув муассасаларидаги ногирон ва етим, кам таъминланган оила фарзандлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантирилиб борилмоқда. Барча ҳудудий бошқармалар тасарруфидаги ўқув муассасаларидаги ота-онаси йўқ ва боқувчисини йўқотган ўқувчиларга шахсий жамғарма дафтарчалари очилиб, уларнинг ҳар бирига 5000 сўмдан 10000 сўмгача жамғарма пули ўтказилди. Бундай саҳоватли ва ибратли ишлар барча ҳудудий бошқармаларга қарашли ўқув юртларида йўлга қўйилиши

таҳсинга лойиқдир. Бу ёрдамга муҳтож ёшларнинг келгуси ҳаётини ўйлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг шаклланаётганлигидан далолатдир.

Маънавий соҳани ривожлантиришда турли ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Улуғбек” ва бошқа жамғармалар билан маънавият ва маърифат масалалари билан боғлиқ ишлар ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини рағбатлантиришда кенг имкониятлар очиб бермоқда. 1999 йилда “Улуғбек” жамғармаси билан “ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз” мавзуида иншо танлови эълон қилиниб, унда 31 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари ғолиб топилиб, жамғарманинг мукофотлари билан тақдирландилар. Бундай иншо ва рефератлар танлови ўқувчилар сиёсий онги ва тафаккурини бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўқув юртларида соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, спорт мусобақаларини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш асосий вазифаларидан бирига айланган.

Қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда маънавий ҳамда жисмоний ривожланган ёшларни тарбиялашнинг самарали воситаларидан фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Уларда спорт ҳаракатини ташкил этиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилишнинг асосий манбаига айлантириш ишлари кенг қулоч ёзмақда.

1998-1999 ўқув йилигача 800 дан ортиқ таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўқув моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича жойларга ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги пайтга келиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасалари бўйича жами 1700 га яқин жисмоний тарбия ўқитувчилари ишлаб, шулардан 1500 дан ортиғи олий маълумотлидир.

Жисмоний тарбия бўйича ўқув машғулотлари дарсдан ташқари соатларни қўшиб ҳисоблаганда ҳафтасига 4 соатга етказилди. Таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва

спортнинг 7-8 тури бўйича спорт секциялари фаолияти ташкил этилган. Агар 1998 йилда ўқув юртларидаги спорт иншоотларида 18 фоизгина ўқувчилар шуғулланган бўлса, ҳозирги даврда бу рақам 60% га ошди. Барча таълим муассасаларида соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилди.

1999-2000 ўқув йилида илк маротаба ўқув юртлариаро 1-Республика оммавий спорт мусобақаларининг 10 та спорт тури бўйича ўтказилиши ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашувига замин яратиб берди. 1-Республика оммавий спорт мусобақалари 8 та вилоятда кўтаринки руҳда ўтказилди. Мусобақаларнинг 1-босқичида 397502 нафар, 2-босқичида 55187 нафар ўқувчилар қатнашиб, шундан спортнинг 10 та тури бўйича 23280 нафар II-III оммавий разрядчилар, 1448 нафар I разрядчилар, 145 нафар спорт усталигига номзодлар ташкил этди.

2000 йил 3 апрелдан 19 майгача 1-Республика оммавий спорт мусобақалари якуний босқичи ўтказилди. Мусобақаларнинг якуний финал босқичида 1228 нафар ўғил, 728 нафар қиз болалар (шундан маҳаллий миллат қизлари 175 нафар) жами 2016 нафар ўқувчилар ва улар билан 420 нафар мураббий-ҳакамлар фаол қатнашдилар.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган 1-Республика оммавий спорт мусобақаларининг барча босқичлари бўйича 454705 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар оммавий разряд нормативларини бажардилар.

“Баркамол авлод” спорт мусобақалари уч босқичли асосда ўтказилиши белгиланган. Ушбу мусобақаларнинг биринчи босқичида барча таълим муассасалари фаол қатнашди: мавжуд 824 та ўқув юртидан 267670 нафар ўқувчи ёшлар иштирок этдилар. Буни ўртача ҳисоблаганда ҳар бир ўқув юртидан 324 нафардан ортиқроқ ўғил ва қизлар иштирок этганлигини фахр билан тилга олиш мумкин. Иккинчи босқич 2001 йил январ ойидан бошланиб, апрел ойининг биринчи 10 кунлигида якунланди. Бу мусобақаларда 93000 нафар ўқувчи-талабалар қатнашдилар. Бу кўрсаткич ўқувчиларнинг спорт мусобақаларига эътибори ортаётганлигининг ёрқин далилидир.

“Баркамол авлод” спорт мусобақасининг Республика якуний босқичи Жиззах шаҳрида 2001 йил 30 апрелдан 5 майгача бўлиб ўтди. Мусобақа голибларининг эришган ютуқларига қараб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази томонидан таъсис этилган олтин, кумуш, бронза медаллари, фахрий ёрлиқлар, дипломлар, гувоҳномалар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Ўқувчиларни ҳарбий — ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида ҳар йили “Ватанпарварлик ойлиги” ўтказилмоқда. Шу билан бирга ҳарбий таълимни ўқитиш тизимини илмий ва услубий асосларда ташкил қилиш мақсадида 2000 йил 14-15 март кунлари Самарқанд шаҳрида ҳудудий бошқарма бошлиқларининг шу соҳага масъул ходимлари иштирокида республика семинари бўлиб ўтди. Чақириққача ёшдаги ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида “Шунқорлар” республика ҳарбий спорт мусобақалари Низоми ишлаб чиқилиб, шу Низом асосида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўқув юртларида Президент асарларини ўрганиш бўйича бир қатор мавзулар бўйича махсус курслар ўқитилмоқда. 58 соат ҳажмдаги махсус курслар ўқув дастурлари ва тегишли адабиётлар билан таъминланган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш бўйича бир қатор ишлар бажарилди. “Миллий истиқлол ғояси” фани 40 соат (24 соат маъруза, 16 соат семинар) 2000/2001 ўқув йили 2-семестридан барча битирувчи курсларнинг дарс жадвалига киритилган. Малака ошириш курслари режасига 4 соатлик дарс киритилди. Мазкур курс бўйича 17 та тажриба синов майдончаларида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитиш бўйича ўқув дастури ва ўқув қўлланмасига талаблар ишлаб чиқилди. Ушбу фан бўйича ўқув-тажрибавий ўқув дастурини такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидан 5000 нусха ҳамда “Миллий истиқлол ғояси бўйича кўргазмалар воситалар” 3000 нусхада ўқув юртларига тарқатилди.

2001 йил 4 январдаги Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси таъминланмоқда. Ушбу фармойиш асосида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курси бўйича 34 соатга мўлжалланган ўқув дастури, ўқув қўлланмаси ва дидактик воситаларга талаблар ишлаб чиқилди. Ушбу фаннинг ўқув дастури 5000 нусхада нашр қилинди. “Ислом Каримов Конституция ҳақида” асари ўқув юртларига тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш дастурини яратиш ва махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш бўйича комиссиянинг 2001 йил 9 февралдаги мажлиси қарорига биноан ушбу фандан дарс берувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан хорижий инвестициялар жалб этиш дастурлари амалга оширила бориб, таълим муассасаларини жиҳозлаш, дарсликлар, ўқув дастурлари ва режалар ишлаб чиқиш, педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини ошириш масалаларини ўз ичига олган, ривожланган давлатларнинг грантлари ҳамда узоқ муддатли имтиёзли кредитлари асосида молиялаштириладиган қуйидаги лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилмоқда:

- Осиё тараққиёт банкининг 57 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит асосидagi лойиҳага жалб этиладиган консалтинг хизматлари бўйича тендер тадбирлари ўтказилиб, голиб фирмалар билан шартнома тузилди. 2001 йилда 16,12 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ (шундан 5,9 млн. АҚШ доллари консалтинг хизматлари учун) ўзлаштирилади.

- Корея Республикаси ҳукуматининг 35 млн. АҚШ доллари миқдоридagi узоқ муддатли имтиёзли кредити асосидagi лойиҳа бўйича шартномада белгиланган ҳамкор - Корея илмий жиҳозлар ишлаб чиқариш ширкати (KSIIC) ва Марказ ўртасида тегишли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда контрактлар тузилди, лойиҳани молиялаштириш учун банк аккредитив ҳисоблари очилди, келтириладиган жиҳозларнинг сифати ва спецификациясини жойида аниқлаш

бўйича инспекция сафари уюштирилди, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан 240 нафар ўқитувчи ва раҳбар ходимлар Кореяда малака ошириб қайтди. Малака ошириш ва жиҳозлар сотиб олиш дастурларига 18,85 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилди, 2001 йилда 26,15 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

- Япония ҳукуматининг 6347 млрд. япон иенаси миқдоридagi узоқ муддатли имтиёзли кредити бўйича Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) томонидан юборилган лойиҳа асосида тегишли меморандум ва баённомалар имзоланди, лойиҳага жалб этиладиган таълим муассасаларининг адрес рўйхати, олинadиган жиҳозларнинг бирламчи рўйхатлари ишлаб чиқилди. Япония ҳукумати томонидан имтиёзли кредит ажратилиши хусусида Ўзбекистон Республикаси ва Япония Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида тегишли ноталар алмашилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Банк ўртасида Кредит шартномаси имзоланди. Лойиҳа доирасида консалтинг хизматлари тақдим этиш истагини билдирган компанияларнинг қисқа рўйхати аниқланди. Лойиҳа амалга оширилиши режалари муҳокамаси охириги баённомасига биноан, 2001 йилда 1,58 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилди.

- Европа Иттифоқининг TACIS дастури томонидан 1 миллион евро миқдоридagi гранти асосида молиялаштирилган ва ЕТҒ ҳамкорлигида бажарилаётган лойиҳа бўйича учта таълим муассасасида иш олиб борилмоқда.

- Германиянинг 5 млн. немис маркасида иборат гранти асосида GTZ ташкилоти раҳбарлигида амалга оширилаётган лойиҳа 5 та касб-хунар коллежларидаги фаолиятни ўз ичига олди ва ҳ.к.

Ҳозирда таълим муассасаларини жиҳозлаш учун имтиёзли кредитларни қўшимча жалб қилиш йўналишида ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тизим ходимлари малакасини ошириш, Ўзбекистонда турли мавзуларда илмий ва амалий анжуманлар уюштириш ҳамда хорижда ташкил этиладиган семинарлар, анжуманлар ва бошқа тадбирларда ўзбекистонлик

мутахассисларнинг қатнашиши, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг чет элларда ўтказиладиган мусобақалар, фан олимпиадаларида иштироки ва шу каби бошқа фаолиятни ўз ичига олган халқаро ҳамкорлик доираси кенгайиб бормоқда.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини баҳолашга катта эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштиришларининг сифат кўрсаткичлари доимий равишда назорат қилиниб, унинг натижалари таҳлил қилинмоқда. Бу эса таълим мазмунини такомиллаштириш, билим даражаси ва ўқув сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчининг фанлардан ўзлаштириши доимий равишда назорат қилинади ва гуруҳлар бўйича таҳлил қилинади. Барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг маълум бир даврдаги ўзлаштириш динамикаси кузатиб борилади. Бу натижаларга қараб ҳар бир ўқув муассасасида таълим жараёнининг ташкил этилганлиги, ўқитувчи-педагоглар салоҳияти ва педагогик маҳорати, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш даражаси, ахборот ва янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши, ўқув режа ва дастурларининг сифати, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси ўрганилади ҳамда баҳоланади. Ўзлаштириш динамикасига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, унинг сифатини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Маълумки, бугунги кунда фанларни ўзлаштиришда амалий машғулотлар ва лаборатория ишларининг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли физика, кимё, биология ва махсус фанлар бўйича фронтал лаборатория ишларининг бажарилишига кўпроқ эътибор берилмоқда. Бу борада семинарлар, малака ошириш курслари ташкил этилмоқда. Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларга қўшимча машғулотлар ташкил этилмоқда.

Касб-ҳунар таълимини янада такомиллаштириш вазифалари бевосита таҳсил сифатини оширишга қаратилган. Бунинг учун ажратилаётган заҳиралар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим бўлади. Бу — **биринчи** ҳал қилувчи вазифа.

Иккинчидан. Республикадаги босқичма-босқич қайта таъмирлаш йўли билан касб-ҳунар коллежларига айлантириладиган 258 та техникумдан фақат 69 таси Марказ тасарруфида, 189 таси 23 та вазирлик, концерн ва уюшмалар тасарруфида. Ҳозирги кунда 63 та техникум қайта таъмирланиб, касб-ҳунар коллежларига айлантирилди. Ҳар бирига Марказ томонидан ўрта ҳисобда 20-100 миллион сўмлик техник воситалар ва жиҳозлар берилди. Лекин бу ўқув юртларини Марказ тасарруфига ўтказиш лозим.

Учинчидан. Қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларни қайта таъмирлаш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш керак.

Тўртинчидан. Кўпчилик касб-ҳунар коллежларининг устахоналари замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмаган. Борлари ҳам эскирганлиги учун талабга жавоб бермайди. Шунингдек, ўқувчиларнинг амалиётини ташкил қилиш жуда катта муаммолардан бирига айланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган дуал тизимни ташкил қилиш учун мулкчилик турининг қандай бўлишидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда ишчилар сонининг 10 фоизгача бўлган иш ўрнини коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўтишлари ва битиргандан кейин ишга келишлари учун ажратилиши давлат томонидан кафолатланиши керак.

Бешинчидан. Ҳозирги кунда иш берувчилар ва корхоналар кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссаларини жиддий қўшаётганлари йўқ. Уларнинг бу соҳадаги масъулиятини ошириш учун олган даромаддан маълум фоизини солиқдан озод қилган ҳолда, кадрлар тайёрлашга йўналтириш, корхона шу вазифани бажармаса, бюджетга солиқни икки ҳисса қилиб тўлаттириш керак.

Олтинчидан. Ўқувчиларнинг касб-ҳунар коллежида амалиёт ўтишларига зарур бўлган асбоб-ускуна ва хомашё олиш учун сметада маблағ кўзда тутилмаган. Бу касбий тайёргарликнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур масаланинг тезроқ бартараф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Еттинчидан. Университетлар қошидаги академик лицейларни лицей-интернатга айлантириб, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш керак. Шунда қишлоқ жойлардаги иқтидорли ўқувчиларни тўла қамраб олиш имконияти пайдо бўлади.

Саккизинчидан. Нашриётга топширилган дарсликларни чиқаришга Молия вазирлиги томонидан етарлича маблағ ажратилмаяпти. Бу муаммо ўз ечимини топмаса, дарсликларни ўз вақтида нашрдан чиқаришга улгурилмайди. Натижада 2005 йилгача мўлжалланган аниқ дастур асосида тизимни тегишли адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш қийин бўлади.

Тўқизинчидан. Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бўлган Республика таълим маркази штатларидан 30 та, “Ёшлик” спорт жамиятидан олинган 69 та штат бирликлари ҳамда балансдан-балансга ўтказилган Республика ўқувчи-ёшлар марказини ва “Ёшлик” оромгоҳини Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида янги ташкилот сифатида ташкил этиш учун тегишли қарорлар тезлик билан қабул қилиниши лозим ҳ.к.

Ўнинчидан. Таълим сифати ва мазмуни даражасини кескин ошириш, илғор педагогик технологияларни таҳсил жараёнига янада ижодий кенг қўллаш билан боғлиқ қўлланма ҳамда кўрсатмалар банкини яратиш, педагог, педагог-муҳандис кадрлар малакасини табақалаштириш, малака ошириш марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, махсус ва касбий тайёргарлик фанларини ўқитишга алоҳида эътибор бериш, ўқитиладиган фанлар ўртасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш механизмларини доимий ислоҳ қилиб бориш лозим.

Ўн биринчидан. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичини такомиллаштириш бўйича меҳнат бозори талабларини ўрганиб бориш, маркетинг хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, яратилган тизим мониторинги самарадорлигини ошириш керак.

Ўн иккинчидан. Жойлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси, том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ

бўлишига эришиш, ўқувчи ҳамда педагог кадрларнинг ижтимоий муҳофазасини тўлиқ таъминлаш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантиришнинг қўшимча имкониятларини излаш ва топиш лозим.

Ўн учинчидан. Миллий дастур ижросининг ҳозирги иккинчи босқичи тизим олдига қўйган ва учинчи босқичи қўядиган барча талабларни яна бир бор янгидан жиддий қараб чиқиб, мавжуд вазифалар ҳамда муаммоларнинг аниқ оқилона ечимларини топиш орқали кўзланган олижаноб мақсад, яъни том маънодаги “портлаш эффекти”га тўла эришишга муваффақ бўлиш ва ҳ.к.

* * *

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижроси берган, беражак бош самараси, аввало, унинг умумхалқ, умуммиллий, давлат ишига айланганлигида бўлди, бўлмоқда. Жамиятда комил ишонч юзага келди. Қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, нафақат, таълим тизимининг ўзини тубдан ислоҳ қилиш эҳтиёжи билангина эмас, аввало, ижтимоий муносабатларда ўзгаришлар қилиш, ижтимоий ҳаётда шахс ролининг фаоллашгани зарурати билан ҳам боғлиқ. Шу маънода таълим ислоҳотлари давлат ва жамият ҳаётидаги тақдириломон мақсад-моҳият касб этди. Амалда давлатнинг таълим соҳасидаги аниқ мақсадли сиёсати Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий янгиланиш — ўзгаришларнинг асосига айланмоқда.

Таълим ислоҳоти янги сифат босқичига кирди. Биринчи босқич билан боғлиқ ташкилий-таркибий ва мақомий ўзгаришлар, белгиланган вазифалар ижроси кутилган самарасини берди, ҳозирги иккинчи ва эртанги учинчи ислоҳий босқичларга мустаҳкам замин ҳозирлади.

Миллий дастурнинг биринчи босқичида таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Дастур ижросининг мақсад ва тамойиллари белгиланди, янгича таълимга ўтишнинг

тайёргарлик палласи ортда қолди. Иккинчи босқич эса таълим мазмунини бойитиш, сифат кўрсаткичларига эришишни кўзда тутати. Мақсад — жаҳон стандартлари даражасида баркамол шахсни тарбиялаб, келажакда буюк ишларни қилишга қодир салоҳияти қудратли мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Ушбу босқичда, Президентимиз таъбирига кўра, “портлаш эффекти” рўй бера бошлади. Мазкур тushунча таълим стратегиясини белгилаб бериб, масалага тамомла янгича ёндашувни тақозо этади. Зеро, озод мамлакатнинг эркин фикрловчи ёшлари кўпайгани сари барча жабҳаларнинг гуркираб кетиши табиий ҳолдир.

Таълим-тарбия жабҳасида қутилган “портлаш эффекти” ислохий узлуксиз давом этмоқда. Ўзбекистоннинг улкан интеллектуал имкониятлари “Куч — билим ва тафаккурда” ва “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз” тамойиллари негизида жаҳоний салоҳият касб эта бошлади.

Демак, юксак замонавий жаҳоний тафаккурга бой интеллектуал имконияту қудратга эга баркамол ёшлар Ватанининг келажаги буюклиги яна бир бор қонуний исботини топмоқда.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари вазирлик ташаббуси билан 2002 йил 28 июнда “**Таълимнинг юксак масъулияти**” мавзусида муштарийлар билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг бевосита мулоқотини ташкил этди.

Мулоқотнинг бош мазмунини билим олишни ва илм-фаннинг чўққиларини эгаллашни хоҳловчилар учун ҳеч бир тўсиқ ва чекланиш йўқлиги ҳақиқати ташкил этди. Бугунги олий ўқув юртлари таълимнинг моҳияти нима, мустақил давлатимизда ўқув юртлари қандай ўзгаришларни бошдан кечиргани, биз нималарга эришдик ва эришяпмиз, деган саволларга аниқ жавоблар берилди. Айни пайтда, кўпчиликнинг дилида ва онгида таълим жабҳасидаги ўзгаришлар ҳамда муаммолар билан боғлиқ ўйлар жуда кўплиги ушбу мулоқот жараёнида яққол намоён бўлди. Келинг, муҳтарам китобхон, яхшиси ўзингиз яна бир бор шу мулоқот иштирокчисига айланинг:

— **Ассалому алайкум, муҳтарам вазир! Мен Муҳаббат Раҳматоваман, бу йил касб-ҳунар коллежини битирдим. Компьютерда дастурлаш мутахассислиги бўйича олий маълумот олиш орзусидаман. Бунинг учун қайси олий ўқув юртига кириб ўқишим мумкин?**

- *Ниятингиз яхши, табриклайман. Менинг ўзим ҳам олтмишинчи йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг худди шундай факультетида ўқиганман. Ҳозирги кунда ахборот тизимини дастурлар билан таъминлаш бўйича юқори малакали мутахассислар республикамизнинг бир неча таянч олий ўқув юртларида, жумладан, Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ахборот технологиялари университетида (собиқ Тошкент электротехника ва алоқа институти) ва Самарқанд давлат университетида тарбиялаб етиштирилади.*

Келгусида Наманган муҳандислик иқтисодиёт университети, Фаргона политехника институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Бухоро давлат университети ҳамда Урганч давлат университетида ҳам худди шу йўналишда мутахассис кадрлар етиштириш йўлга қўйилади.

- **Муҳтарам Саидахрор Саидахмедович! Аввало, ўзимни таништирай: мен Тянь Борис Николаевичман. Университетда ўқитувчилик қиламан. Мени республика олий ўқув юртларининг замонавий компьютерлар билан қанчалик таъминлангани ва Интернетга кириш даражаси қизиқтиради.**

— *Борис Николаевич, ўзингизга яхши маълумки, ҳозирги кунда жамиятни ахборот билан кенг миқёсда таъминлаш ва саноатнинг барча тармоқларини, қишлоқ хўжалигини ҳамда табиийки, таълим тизимини тўла-тўқис компьютерлаштириш мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.*

Шу йилнинг 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг айнан шу вазифаларга бағишланган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-

коммуникацияси технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Бундан кейин, 6 июлда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Президентимиз Фармонида қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан 200-қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлирида ҳар 100 талабага 6 та компьютер тўғри келади. Ихтиёримиздаги мавжуд компьютернинг 59 фоизи замонавийдир. Биздаги 62 та олий ўқув юртининг 40 таси Интернетга уланган. Республикада компьютерлаштиришни ривожлантириш дастурига кўра, 2010 йилнинг охиригача ҳар 100 талабага 20 тадан компьютер тўғри келиши таъминланади. Айни пайтда, маълумотларни узатишнинг миллий таълим тармоғини шакллантириш масаласи ҳал этилади. Бу эса барча олий ўқув юртлирининг халқаро Интернет тармоғига уланишига олиб келади.

Ҳалимахон Саидова, Тошкент шаҳри:

— Таълим соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасида қачондан бери олиб борилмоқда?

— Таълим тизимидаги кенг қамровли ислохотлар, албатта, бўш жойда бошланган эмас. Кадрлар тайёрлаш моделининг дунёга келишига давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг ilk йилларидаёқ тақлиф этилган гоёлар асос бўлди. Президентимиз айтганларидек, илм-фан ва маърифат мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Республикамиз иқтисодий қудратини таъминлашда интеллектуал салоҳият муҳим аҳамият касб этади. 1997 йил 29 августда қабул қилинган ҳамда мамлакатимизда амал қилиб келаётган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳар томонлама камолотга эришган, бозор иқтисодиётининг янгича шароитида эркин ҳаракат қила оладиган, рақобатбардош, халқ хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, халқ турмушини фаровонлаштиришга ҳисса қўша оладиган кадрларни етиштириш жабҳасидаги стратегик фаолиятни белгилаб беради.

Фарида Сафаева, Қўқон шаҳри, талаба:

- Мен келгусида илмий-тадқиқот билан шуғулланмоқчиман. Бу ишни талабалик давридаёқ бошласа бўладими?

— Илмий фаолият билан шуғулланиш ниятида эканлигингиздан мамнунман. Аслида, илм-фанга мойиллик талабалик даврида — бакалаврлик рефератларини малакали тайёрлашдан, олий ўқув юртлиарио илмий анжуманларда фаол қатнашишдан, мустақил янги лойиҳаларни тақлиф этишдан бошланади. Магистратурада ўқиётган талабалар илмий-тадқиқот институтлари билан мустақкам боғланиб, у ердаги олимлар раҳбарлигида ўзларида тугилган илмий фикрларни етилтириб ва амалиётга татбиқ этиб бордилар. Талаба магистратура, ундан кейин аспирантура ва докторантурада илмий мавзуларда диссертацияларни ҳимоя қилиб, ихтирочи олим сифатида ўзини кўрсатади.

Яна шуни айтишим керакки, умумий ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий таълим учун яратилган ҳамда такрор нашр этилган дарсликларнинг муаллифларига ҳам илмий унвонлар ва даражалар берилиши мумкин. Бироқ ҳозирги замонда юқори малакали ва салоҳиятли олим бўлиш учун киши кенг ва чуқур билимми, дунё миқёсидаги илмий ишлар ва манбалар билан яқиндан таниш бўлиши ва албатта, бунинг учун чет тилларни мукамал эгаллаши лозим. Шу боисдан ҳам, магистратурага кириш учун чет тиллардан тест синовлари топширилади. Шуни айтмоқчиманки, ҳозирги кунда магистратурани тамомлаётган ёшларнинг камида 10 фоизи ўз диплом ишларини хорижий тилларда ҳимоя қилмоқдалар.

Темир Намбеков, Гулистон шаҳри:

- Ҳозирги ёшларнинг ақлий фаолиятга қизиқиш даражаси ҳақида қандай фикрдасиз? Шахсан менинг назаримда, ёшлар ўзларини кўпроқ бизнес ва тижоратга ураётгандек.

-Олдинги қўнғироқда айнан ўзини илм-фанга бағишлаганга аҳд қилган талаба қиз савол берди. Бундай ёшлар, билишимча, мамлакатимизда оз эмас. Келинг, рақамларга назар ташлайлик: фақат 2001 йилда республикаимизда 223 та номзодлик, 40 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Жорий йилнинг 5 ойи давомида эса 37 та номзодлик ва 7 та докторлик диссертациялари ёқланди. Илмий ва илмий-педа-

гогик кадрлар тайёрлаш билан мамлакатимиздаги 33 та олий ўқув юрти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли 2 та илмий-текшириш институти шу еуланмоқда. Айни кунларда бу илм даргоҳларида фан-техниканинг устувор йўналишлари бўйича 306 нафар аспирант, 80 нафар докторант илмий тадқиқотлар олиб борапти. Булар қувонарли рақамлардир.

1998-2001 йилларда аспирантурага 2041 та ёш мутахассис, докторантурага 290 нафар ёш фан номзодлари қабул қилинди. Улардан ташқари, шу кунларда 380 нафар иқтидорли ёшлар илк тадқиқотчилик амалиётини ўтамоқдалар.

Орзу-интилишларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича мамлакатимизда йўлга қўйилган тадбирлар ёшларнинг илмий фаолиятга бўлган қизиқишларини янада кучайтирмоқда. Уларга, масалан, илмий адабиётлар харид қилиш учун қўшимча моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда, илмий ишларини муддатидан олдин ҳимоя қила олган аспирант ва докторантлар стипендияларининг 5 баробари ҳажмида пул мукофоти билан тақдирланадилар, авторефератлар, диссертацияларни компьютерда расмийлаштириш ва илмий ишларни даврий нашрларда эълон қилиш харажатлари ҳам қопланади. Сўнгги уч йилда иқтидорли ёшларнинг 4 мингдан кўпроқ илмий мақолалари республикамизда ва хорижий давлатларда нашр этилди. Мен ёшларимиз олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг самарадорлиги ҳақида ҳам мамнуният билан гапиргим келади. Уларнинг илмий гоёлари ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этган корхоналар ва ташкилотлар, агар 1998 йилда 106 миллион сўм фойда кўришган бўлса, ўтган 2001 йилда 314 миллион сўм, яъни деярли уч марта кўп даромад олишига эришдилар.

Ёш тадқиқотчиларнинг қўлга киритаётган илмий натижалари хорижий компаниялар ва жамғармаларнинг ҳам эътиборини тортиб, улар шу мақсадда республикамизга 2 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратдилар. Ўтган йили эса чет эл жамғармаларининг грантлари асо-

сида ёш олимларимиз 850 минг АҚШ доллари миқдоридagi илмий буюртмаларни бажардилар.

Ўйлайманки, юқорида келтирилган рақамлар ва далиллар Ўзбекистон ёшларининг илм-фанга жуда катта қизиқиши билан қараётганликларини яққол исботлайди.

Михаил Рязанов, юрист:

— Вазирлик томонидан олий ўқув юртлари магистратураларини битириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласида мониторинг олиб бориляптими?

— Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси ҳузуридаги маркетинг бўлими магистратурани битириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлаш мониторингини олиб боради.

Корхоналардан бу йил 77 минг нафар бакалавр ва 10 минг магистрга буюртмалар тушиди. Олий ўқув юртларининг бакалавр йўналишини эса 35620 нафар талаба, магистратурани 3000 дан кўпроқ талаба битириб чиқди. Мана, кадрларимизга эҳтиёж қандай катта!

Солижон Холматов, Андижон шаҳри:

— Сир эмас, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида таъмагирлик илллати ҳамон йўқолмаяпти. Бу эса таълимнинг сифатига ва талабаларнинг маънавиятига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Вазирлик томонидан шу иллатга барҳам бериш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртларида ҳалол, пок, ўз касбига фидойи инсонларнинг кўплиги таълим сифати ортишини таъминламоқда. Бироқ нопок инсонларнинг пайдо бўлиши барча таълим соҳаси ходимларига доғ туширмоқда. Вазирлик томонидан бундай кимсаларга қарши курашиш, таъмагирликнинг олдини олиш, талабалар билимини адолатли баҳолаш йўлида ҳозирги кунда жиддий тадбирлар кўрилмоқда. Вазирлик ҳайъати мажлисларида бу муаммо тез-тез муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шундай мажлисларда таъмагир ўқитувчиларни фош қилишда талабалар ва уларнинг ота-оналарининг ёрдами сезиларли бўлма-

ётганлиги таассуф билан қайд қилинган. Ҳайратланарли томони шундаки, ҳурматли ота-оналаримиз бу масалага лоқайд қарайдилар, фарзандларининг зарурий билим олишларини талаб қилмайдилар. Мен ҳар доим бу ҳолатни бозордаги олди-сотти жараён билан қиёслайман. Мабодо, сотувчи бир-икки дона айниган помидорни аралаштириб тарозига қўйса, ўша ота-она, аминманки, росмана жанжал кўтаради. Лекин шу ота-она саводсиз бўлиб қолаётган фарзандининг умрига, кетаётган маблағларига ачинмайди. Мен фурсатдан фойдаланиб, талабалар ва уларнинг ота-оналаридан бундай иллатни йўқотишга бизга кўмакдош бўлишларини илтимос қилиб қолардим.

Энди вазирлик амалга ошираётган чора-тадбирларга келсак, ҳозирги кунда барча олий таълим муассасаларига яқиний синов ва битирув давлат аттестациясида топшириладиган имтиҳонлар ёзма ҳолда бўлиши тажриба сифатида амалиётда синаб кўрилмақда. Ёзма имтиҳонларнинг порахўрлик ва таъмагирликнинг олдини олишда катта самара бериши эътироф этилмақда. Чунки ёзилган жавобга қўйилган баҳо орқали ўқитувчининг ҳалоллиги аниқланади. Талабанинг эса адолатсизлик рўй берганлиги ҳақидаги аризасини қондириш имконияти пайдо бўлади. Энг самарали томони, ҳар бир ўқитувчининг қўйилган баҳога масъулиятини оширади. Ҳозирги кунда ҳар бир олий ўқув юртига ёзма имтиҳонлар натижаларини таҳлил қилиш асосида ноҳақлик ёки нопокликка йўл қўйган ўқитувчиларни таълим тизимидан четлатиш масаласи қўйилган, бу муаммо Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам жиддий назоратга олинishi кўзда тутилган. Рақамларга келсак, сўнгги икки йилда порахўрлик ва таъмагирлик билан шугулланганлардан 160 нафардан ортиқ олий ўқув юртлари ўқитувчилари ишдан бўшатилди. Уларнинг орасида факультетларнинг деканлари, кафедра мудирлари ва ҳатто проректорлар ҳам бор.

Парда Боймирзаев, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани, ўқитувчи:

— Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари янги таълим турлари ҳисобланади. Аммо уларда эски ҳунар-тех-

ника билим юртлари, техникумларда таълим берган педагоглар ҳам ўқитувчилик қилишяпти. Эски таълимга мосланган бу педагоглар қандай қилиб янги таълим муассасаларида дарс беришлари мумкин?

— Саволингиз жуда ўринли ва долзарб. Ҳақиқатда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таълимни ислоҳ қилишида алоҳида ўрин тутади. Бу таълим муассасалари ёшларимизнинг ҳозирги ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун хизмат қилади. Эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир вилоятда, туманларда энг замонавий коллежлар қад кўтармоқда. Шу билан бирга, улардаги таълим мазмуни ҳам мутлақо янгиланмоқда. Шу боисдан мазкур таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчиларнинг ҳам савияси замон талаблари даражасида бўлиши лозим. Бу масалада вазирликнинг узоқни мўлжаллаган чора-тадбирлари мавжуд. Энг аввало, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммосини ҳал қилиш мақсадида 1999 йилдан бошлаб малакани ошириш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда касб-ҳунар таълими педагогларининг 2005 йилгача қачон ва қаерда малака оширишларини ўзида ифода этган истиқболли режалар амалга оширилмоқда. Педагог кадрлар тайёрлаш, юқорида айтганимиздек, 5 та таянч олий ўқув юртида олиб борилмоқда.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини кўтариш мақсадида олий ўқув юртлари кафедраларининг филиаллари очилди. Бундай таъкилий тузилма касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлардаги педагог ва муҳандис-педагоглар салоҳиятини кўтаради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасини (бу тизимда эса яқин келажакда 1689 яқин коллеж ва 178 дан кўпроқ лицей вужудга келиб, уларда 1,5 миллионга яқин ёшлар таълим олади) юксак малакали ўқитувчилар ва тарбиячилар билан таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари, нафақат, педагогларнинг малакасини ошириш билан шуғулланадилар, шу билан бирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ҳам тайёрлайдилар.

Назир Усмонов, Тошкент шаҳри, ҳарбий хизматчи:

— Ҳозирги вақтда муқобил хизматдаман. Хизмат муддати жорий йилнинг ноябр ойида тугайди. Бир йил вақтни йўқотмаслик учун хизмат муддати тугагини кутмасдан шу йил ёзда олий ўқув юртига ҳужжат топширишим мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, муқобил хизматини ўтаётган фуқаро хизмат муддати пайтида олий, ўрта ва махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга эмас.

Ирина Султонова, иқтисодчи:

— Ўзбекистонда олинган олий таълимни тасдиқловчи диплом бошқа мамлакатларда, жумладан, МДХ давлатларида тан олинадими?

Ўзбекистонда олий таълим олинганлиги тўғрисидаги дипломнинг бошқа мамлакатларда, жумладан, МДХ давлатларида эътироф этилиши давлатларaro тузилган битимларга асосан белгиланади.

Раъно Ўктамова, ҳисобчи:

— Бугун тест синовларига ўтилган кўпгина мамлакатларда абитуриентлар билими фақат шу йўл билангина текширилишининг етарли эмаслиги тўғрисида гапирмоқдалар. Чунки талаба бўлишга даъвогар киши ўз фикрини қанчалик саводли баён эта олиши мумкинлигини тестда аниқлаб бўлмайди. Бу борада сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

— Республика олий ўқув юртларида тест синовларига ўтилиб, бу усул ўзини оқлаётганлигига ҳеч бир шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, таълимнинг айрим йўналишлари учун қабул қоидаларига ижодий имтиҳонлар ҳам кўзда тутилганки, бу ҳам ўринлидир.

А. Зокиров, доцент:

— Олий ўқув юртлари учун ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари билан қаерда танишиш мумкин?

— Таълим тизимидаги фаолият ҳозирги кунда мезёрий ҳужжатлар воситасида бошқарилади. Жумладан, давлат таълим стандартлари (ДТС) шундай ҳужжатлардир. Улар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалавриатура таълим йўналиши бўйича 131 та ва магистратура мутахассисликлари бўйича 664 МДХлар ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилган. МДХлар билан олий таълим муассасаларида ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институтида танишиш мумкин. Бу институтнинг манзили: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй.

Анна Неелова, тиббиёт ҳамшираси:

— Ўзбекистонда МДХдаги ўқув юртларининг филиаллари очилганми? Улар қандай ҳуқуқий асосларда фаолият олиб боради?

— Ўзбекистонда МДХ давлатларидаги ўқув юртлари ўз филиалларини очишлари учун улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Акс ҳолда, улар тақдим этадиган дипломлар республикамиз ҳудудида тан олинмайди. Бу давлатларнинг дипломлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартиб-қоидаларга кўра нострификация қилинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда МДХ мамлакатлари таълим муассасалари филиаллари мавжуд эмас. Шу билан бирга, эслатиб ўтиш лозим, Г.В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодий академияси филиалини очишнинг ҳуқуқий мақоми устида иш олиб боришмоқда.

Л. Хусенова, Когон шаҳри:

— Ўғлим немис филологияси факультетининг 3-босқичида ўқияпти. Айни пайтда, у республикамизнинг ҳуқуқий таълим берувчи бирон олий ўқув юртига кириб ўқиш ниятида. Бир вақтнинг ўзида икки олий ўқув юртида ўқиш мумкинми?

— Олий ўқув юртига киришни хоҳловчи ҳар бир киши қабул комиссиясига олдинги таълим ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхасини топширади. Бу ҳужжат эса талабанинг шахсий ҳужжатлари орасида сақланади. Модомики шундай экан, бир вақтнинг ўзида икки олий ўқув юртида ўқишнинг ҳеч бир иложи бўлмайди.

Сиз бу тўғрида “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси билан танишсангиз, етарли маълумотга эга бўласиз. Бу моддада, жумладан, ҳар бир фуқаро шартнома асосида икки ёки ундан ортиқ олий маълумот олиш ҳуқуқи белгиланган.

Қ. Дўсматов, Тожикистон фуқароси:

— Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига хорижий фуқаролар ёки фуқароликка эга бўлмаган шахслар қабул қилинадиларми? Бунинг тартиб-қоидалари қандай?

— Хорижий фуқароларнинг республика олий ўқув юртларига қабул қилиниши ва шарт-шароитлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 майдаги 206-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги ўқув юртлари ва илмий муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ҳал этилади.

Ушбу низомга биноан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига хорижий фуқароларнинг қабул қилиниши ҳужжатлараро битимларга ёки Давлат Комиссияси қарорига кўра, бевосита хорижий фуқаро билан тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

Хорижий фуқаролар олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинади, таълим тўлов асосда амалга оширилади. Тўлов белгиланган тартибда, эркин алмаштириладиган валюта асосида бажарилади.

Фуқароликка эга бўлмаган шахслар олий ўқув юртларига ҳеч бир шартларсиз ва чекланишларсиз умумий тартибда қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра, республикада яшаётган фуқароликка эга бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлидир.

Аҳмаджон Одилов, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани:

— Ўтган йили ҳукуратимиз томонидан педагогика олий ўқув юртлари қошида ўрта махсус-педагогик маълумотли шахслар учун сиртқи 3 йиллик бакалавриатура таълими

ташқил этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу қарор қандай бажарилипти?

— Бугун сиртқи олий таълим биринчи босқич талабалар Тошкент педагогика университетида, Наманган муҳандислик-педагогика ва Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтларида таълим олмақдалар. Уларнинг қаторига 2002 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университети ҳам қўшилдилар. Бундай таълимнинг самарали эканлиги ўз-ўзидан аён. Мазкур талабалар сиртқи педагогик олий таълимни битиргач, кейинги беш йил мобайнида касб-хунар коллежларида ишлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Татьяна Пирогова, пенсионер:

— Мен уз неварамнинг Тошкентдаги Вестминстер университетига кириб ўқишини орзу қилиб яшайман. Бу ниятим ушалиши мумкинми?

— Нега мумкин эмас? Фақат бу олий ўқув юртига ариза ва ҳужжатлар шу йилнинг 5 июлигича топширилиши кераклигини унутмаслик керак.

— Қабул комиссияси қаерда ишляпти?

— Банк академиясида. У метронинг Ҳамид Олимжон бекати ёнида жойлашган.

— Нечта талаба қабул қилинади?

— 160 та. Эслатаман. Имтиҳонлар инглиз тилида бўлади.

Маҳмуд Бегимқулов, Қашқадарё вилояти:

— Олий ўқув юртларида талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун қандай имкониятлар бор?

— Ҳозирги кунда Президентимиз ташаббуси билан уюштирилган ва яхши анъанага айланган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт мусобақалари, умуман, ёшлар ва талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Агар 2000 йилгача олий ўқув юртларининг спорт секцияларида барча олий ўқув юрти талабаларининг атиги 8 фоизи шуғулланган бўлса, бугунга келиб бу рақам 20 фоизга кўтарилди. Масалан, Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган “Универсиа-

да—2002” спорт байрамида қатнашиш учун саралаш мусобақаларида 130 минг нафар талаба иштирок этди. Улардан 3 минг нафар энг кучлилари финал босқичда қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар. Бухоро Универсиадасининг уч нафар голиби Президентимиз томонидан соғва этилган “Дамас” энгил автомобиллари билан тақдирланди. Спорт байрамларига қизиқиш ёшлар, талабалар ўртасида кун сайин ортиб бормоқда. Шу байрамлар баҳона, республикамиз вилоятларида сўнгги йилларда бирин-кетин замонавий спорт мажмуалари вужудга келмоқда. Бу эса жойларда спорт ҳаракатининг янада ривожланишига шароит яратади.

Гулнора Турдиева, ҳисобчи:

— Менинг бира-тўла икки қизим шартнома асосида олий ўқув юртларида ўқишяпти. Улар ўқиши учун шартнома тўловлари ҳисобидан стипендия суммасини чиқариб ташлашнинг иложи борми?

— Олий ўқув юртларида бир вақтнинг ўзида бир неча фарзандлари шартнома асосида таълим олаётган ота-оналарга осон эмаслигини тушуниш мумкин. Шу билан бирга, эслатиб ўтишимиз керакки, МДХ давлатлари орасида фақат бизнинг республикамизда ўтган йилдан бошлаб таълим кредитлари жорий этилди. Бу кредитларни исталган банкдан олиш мумкин. Кредитлар кундузги бакалавриатура бўлимларида таълим олаётган талабалар учун 10 йил муддатга, бўлажак магистрларга 5 йил муддатга берилади. Бу эса ота-оналарга катта ёрдам. 2001 йилнинг 17 августида Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртларида стипендия тўловлари тартиби тўғрисида”ги 344-сонли қарори чиқди. Қарорда ҳар ойда бериладиган стипендия ёшларни яхши ўқиш ва ўқув дастурларини пухта ўзлаштиришга рағбатлантиришини назарда тутиб, тўлов контрактда ҳам стипендия миқдори белгиланди.

Қизларгул Бердиева, Қорақалпоғистон Республикаси, 48-мактаб ўқитувчиси:

— Тест синови адолатли имтиҳон усули эканлигига кўпчилик амин бўлди. Лекин тест натижаларини ҳисоблаб чиқадиган компьютерларнинг ишончлилиқ даражаси қандай? Чалкашлиқлар юз бериши мумкин эмасми?

— Қизларгул, синглим! Тест натижаларини автоматик равишда ҳисобловчи техника энг ишончли ва кўплаб синовлардан ўтказилган ҳамда нуфузли хорижий давлатлардан келтирилган. Қарийб 10 йилдан буён синовдан ўтказилмоқда. Ҳанузгача уларнинг ишончилилик даражасига шубҳа бўлмаган.

“Чалкашликлар юз бериши мумкинми?” деган саволингизга келсак, шуни айтиб ўтишимиз лозимки, қабул жараёнида айрим таълим йўналишларида тест синови билан бир қаторда алоҳида ижодий имтиҳонлар ўтказилди, уларда йиғилган баллар кейинги тест натижаларига қўшилади. Бундай ҳолатда чалкашлик бўлишига йўл қўйилмайди. Бироқ абитуриентлар жавоблар варақасини белгилашда айрим техник хатоларга йўл қўйиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатлар Давлат тест маркази томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилишига тўғри келади.

Зилола Эшонқулова, хизматчи:

— Йил сайин олий таълим учун квота миқдори, назаримда, камайиб бораётгандай..

— Узр, гапингизни бўламан, мен сизга эътироз билдирмоқчиман. Сабаби шуки, ўтган йил олий ўқув юртиларига қабул квотаси 49500 та ўрин, деб белгиланган бўлса, бу йил бу рақам 51 минг 100 тага кўпайди.

— Мен давлат грантлари асосида ўқишга қабул рақамларини назарда тутяпман. Масалан, Тошкент юридик институтига киришни хоҳловчиларнинг имкониятлари тобора камайиб кетаётгандек. . .

— Давлат ҳозирги кунда катта эҳтиёж сезилаётган мутахассисликларни аниқлаб, шу йўналишларда кўпроқ кадрлар тайёрлашни назарда тутиб, бюджетдан маблағ ажратади. Буни барчамиз оқилона тушуниб олишимиз керак.

Баҳодир Султонов, Тошкент шаҳри, ўқитувчи:

— 2002—2003 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга қандай ўзгаришлар киритилди?

— Биринчидан, давлат грантлари ҳисобидан олий таълимга эга бўлган ёш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан

таъминлаш мақсадида, олий таълим муассасалари (ОТМ) - талаба-потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда шартномалар тузиш амалиёти жорий этилади.

Иккинчидан, Президент стипендиати ҳамда Давлат миқёсидаги бошқа фахрли стипендияларнинг соғриндорлари олий таълим муассасалари магистратурасига, бакалавриятнинг таълим йўналишига мос мутахассисликларига танловдан ташқари, кириш синовларисиз қабул қилинади.

Бундан ташқари, 2001-2002 ўқув йилида 45 та олий ўқув юртида магистратура фаолият кўрсатган бўлса, жорий ўқув йилида уларнинг сони 52 тага етди. Энди Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Наманган давлат педагогика институти, Тошкент вилояти давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти, Самарқанд давлат чет тиллар институтиларида ҳам магистратура бўлимларига қабул бошланади.

Шундай қилиб, вазир билан газетхонларнинг суҳбати якувланди. “Бевосита мулоқот” натижалари асосида тайёрланган саҳифамизда барча саволлар ўз аксини топмаган бўлиши мумкин. Бунинг сабаби - газета саҳифасининг чекланган майдонида олдиндан тушган саволларни назарда тутгандан деярли икки ҳафта мобайнида давом этган мулоқотнинг барча тафсилотларини тула-туқис ифодалаш қийин.

Қолаверса, бизни оқлайдиган икки сабаб бор. Биринчидан, мулоқотда кўпчилик саволлар ўхшаш мазмунли бўлди. Шу боисдан, томчида дунё акс этади, деганларидек, ўйлаб шундай саволлардан бирига вазирнинг жавобини бердик. Иккинчидан, бир тоифа саволлар бевосита вазирлик назоратига олинди ва улар “Бевосита мулоқот” қатнашчилари билан ўзаро ҳал этилади.

Мулоқот бир ҳақиқатни исбот этди: халқимизнинг илмга, маърифатга қизиқиши катта. Таълимнинг инсон ва жамият ҳаётидаги юксак масъулияти — ватандошларимизнинг овги ва қалбидан чуқур ўрин олган. Мамлакати-

миз аҳли Ўзбекистон келажагини юксак билимли ва маънавиятли, ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялаб этиштириш вазифалари билан узвий боғлиқ эканлигини яхши тушунишади. Шу ўй, шу муаммо ҳамманинг — тегишли вазирликларнинг ҳам, таълим муассасалари ходимларининг ҳам, халқнинг ҳам диққат марказида. Таълим бугун — ҳамманинг ишига айланган. Демак, жамиятда таълим ҳақидаги мулоқот бундан кейин ҳам шу қизгинликда давом этади.

“Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 9 июл.

ХОТИМА

Қуръони каримда Аллоҳ мўминларига “Бешикдан қабр-гача илм изла”, дея муруввату мукаррамлик қилган эди. Ҳадисларда бу кайҳоний фатво янада ёрқинлик касб этди. Зотан, буюк мутафаккир Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур”, деб бежиз айтмаган. Асримиз бошида жадидчилик ҳаракатининг бош ғояси бўлмиш бу комиллик ҳозирги истиқлол даврида ҳам, унинг буюк келажагида ҳам тақдирломонлигича қолиши табиий. Шу маънода таълим-тарбия тизимининг замонавий туб ислохотлари мазмун-мундарижаси, мақсад ва фалсафаси ўша буюк маърифий кўтарилиш — жадидчилик ҳаракатининг узвий бевосита ижодий давоми, дейиш мантиқан адолатлидир.

Ўзбекистон мустақиллик ибтидосидаёқ, мутлақо янгича — истиқлолча онг, тафаккур ва дунёқараш тарбияси-ю шаклланишига ўз сиёсатининг қисматни ҳал этувчи бош устувор йўналиши мақомини берди. Аввало, демократик ҳуқуқий давлатга хос усул — жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ўзгартириш, янгиланишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва у орқали барча ислоҳий тикланиш билан боғлиқ Миллий ривожланишнинг демократик тамойилларини аниқ белгилашга киришди. 1992 йилда таълим-тарбиянинг миллий янги тизимига ўтишда ўзига хос кўприк бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Қонунда кўзда тутилган бош мақсад коммунистик мафкура тазйиқлари ва асоратларидан мутлақо холи, истиқлолча истиқболли бунёдкор ғояларга асосланган таълим-тарбия тизимини яратишнинг дастлабки бошланғич ҳуқуқий асосларини белгилаш бўлди. 1997 йилгача шу мақсадга эришилди. Жараённинг бош конституциявий базаси бўлиб, аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилган

Асосий Қонуни хизмат қилди. Унда фуқароларнинг ижтимоий-маърифий ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари яхлит, аниқ белгилаб борилди ва конституциявий кафолатланди.

Миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” ва унинг тамоийллари Асосий Қонун мундарижасига мос ҳолда, давлатнинг бош ислохотчилик мақомини аниқлаб берди. Туб янгиланиш жараёнлари қизгин кеча бошлади. Таълим-тарбия ислоҳи билан боғлиқ биринчи босқич амалий натижалар-ла, яқунланди: эски таълим тизими ва мақоми ўрнини истиқлолча янги мақомга асосланган тизим эгаллай бошлади. Жумладан, янги олий ўқув юртлари ташкил этилди, кўп вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлан-тирилди ва ҳ.к.

Иккинчидан, таълим-тарбия тизими таркибий ўзгаришлари уларнинг янгича шакл ва мақомларини тақозо этди.

Учинчидан, мутлақо янгича ғоявий-мафкуравий, инсоний-маърифий кадриятларга, узлуксиз таълим тизимига асосланган мукамал ўзгаришларни талаб қилди.

Ана шу табиий талаблар таълим-тарбия тизимидаги иккинчи янги сифат босқичига замин ҳозирлади. 1997 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар, унинг асосида ишлаб чиқилган янги давлат таълим стандарти юзага келди. Биринчи босқич ўз мундарижаси билан миллий таълим тизими ислохотларининг тамал тоши бўлди. Айнан Миллий дастурда таълимнинг янги тизими, таркиби, ташкилий-мақомий мазмуни тугал яхлитлик, илмий-амалий моҳияти билан теран концептуаллик касб этди. 1997-2001 йилга мўлжалланган дастлабки босқич самарали яқунланди, 2002-2005 ва 2005-2010-йилларга мўлжалланган иккинчи ва учинчи босқич ривожига ҳамда муқаррар натижаларига замин ҳозирланди.

Эркинлаштириш йўлининг олти устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган кадрлар сиёсати билан боғлиқ вазифалар таълим тизими ислохотларининг бошланган ҳозирги иккинчи босқичи ва истиқболдаги учинчи босқич-

нинг мазмун-мундарижасини, йўналишлари моҳиятини та-
йин этди.

Барча туб янгиланишлар сингари таълим тизими
ислоҳотининг иккинчи методологик асос-манбаи бўлиб
Ислом Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти хизмат
қилди. Давлатимиз бошлиғининг таълимоти шаклланиши жа-
раёнлари таълим соҳасининг ислоҳотлари босқичлари билан
узвий параллелликда кечди. Президент Конституция ка-
фолати сифатида таълим-тарбия ишлари бевосита давлат
ва жамият иши эканлигини амалда исботлади. У таълим-
тарбияга барча янгиланишларнинг тамал тоши, асоси, деб қа-
ради. Жамият бугуни, истиқболи ва истиқлол тақдири, авва-
лабор, маърифатга, унинг сифатига, даражасига боғлиқ. “Би-
нобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб
онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартир-
масдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод
жамиятни барпо этиб бўлмайди” (И.А.Каримов).

Йўлбошчи сиёсий-маърифий таълимотининг бош фалса-
фаси “Куч — билим ва тафаккурда!” ақидасида. Амалиёти
эса аввало, ана шу мақсаднинг тақдириломон моҳиятида.

Миллий дастурнинг биринчи босқичи муваффақиятли
яқунланди. Таълим тизими тубдан ислоҳ этилиб, унинг ма-
қоми ва функциялари аниқ белгиланди, таркиби мувофиқ-
лаштирилди.

Босқичнинг тўлиқ ижроси ўлароқ, ҳозирги иккинчи бос-
қич билан боғлиқ туб сифат моҳиятлари янада самарали
бўлмоқда. Ўзбекистон улкан ақлий-интеллектуал имкони-
ятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Зотан, миллий ва за-
монавий жаҳоний ақлий ривожга ўз таълимоти билан ҳисса
қўшаётган Йўлбошчимизнинг комил эътирофича, биз ҳеч
кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

“Ишлаш, илмий ижод замони келди” (Ислом Каримов).

МУНДАРИЖА

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <i>Муқаддима</i> | 9 |
| <i>I боб. Таълим-тарбиянинг конституциявий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари</i> | 11 |
| <i>II боб. “Куч — билим ва тафаккурда!” Ислом Каримовнинг таълим демократияси ёхуд сиёсий ва маърифий таълимоти</i> | 68 |
| <i>III боб. “Портлаш эффекти” сари</i> | 114 |
| <i>Хотима</i> | 282 |

Саидахрор Фуломов

“Куч — билим ва тафаккурда”

(Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ислохотлари жараёнлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг биринчи босқичи яқунлари ва иккинчи босқич вазифалари ижроси)

“ЎАЖБНТ” Маркази — Тошкент — 2002

| | |
|------------------|----------------|
| Нашр учун масъул | Н.А. Халилов |
| Таҳририят мудири | М. Миркомиллов |
| Рассом | Ҳ. Қутлуқов |
| Мусахҳиҳа | М. Саъдуллаева |

Босишга рухсат этилди 26.09.2002. Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет қоғози. Адади 2000 нусха. Буюртма № К-9516.

“ЎАЖБНТ” Маркази, 700078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30.
